

Бхактиведанта Свами Прабхупада

**Ў з и н г и з  
б и л а н  
т а н и ш и н г**

**Москва - 1996**

## Мундарижа

### **1- боб. Жон. Унинг табиати.....**

- \* Танага ҳаёт бағишлайдиган куч ва унинг табиати \* Рухий ҳаёт илми
- \* Рухнинг танадан танага кўчиб юриши\* Ҳақиқий ўзлигимиз ва уни ўраб турган таналар \* Психологиянинг моҳияти

### **2 - боб. Илоҳий онг .....**

- \* Ҳар бир инсон Худони кўра олади \* Мангу дин, иймон йўли\* Кўринмас хукмдор \* Кришна Ўзи ким? \* Энг буюк санъаткор-рассом\*
- Ҳақиқий муҳаббат \* Рухий оламга қандай эришса бўлади?

### **3 - боб. Хизмат қилиш лаззати**

- \* Комил хукмдорни қандай рози қилиш мумкин\* Энг олий лаззатга эришиш\* Севги фариштасини ром қилган Зот\*

### **4 - боб. Рухий устоз**

- \* Ҳақиқий ва сохта эътиқод \* Рухий устоз қандай бўлиши керак

### **5 - боб. Йога ва муроқаба.....**

- \* Илоҳий товушлар ёрдамида муроқаба қилиш \* Йога усули \* Ақлни дўст қилиш йўли \* Олий йога

### **6 – боб. Ҳаёт муаммолари ва уларнинг рухий ечимлари**

- \* Халқаро бирдамлик маркази \* Ер юзида озиқ-овқат етишмаслиги - асоссиз уйдирма \* Тадбиркорларга рухий насиҳат \* Ведавий башоратлар \* Қассоблар маданияти \* Тинчлик омили \* Худо ва карма қонунлари \* Карма чангалидан озод бўлиш \* Бутун борлик Кришнанинг мулки ва Унга бўйсунади \* Худо ва Унинг қувватлари \* Кришнанинг таърифи \* Кришна: гайритабиий мўъжиза \* Худонинг қувватларининг бирлиги ва фарқлари \* Кришна - энг юксак поклик тимсолидир \* Тана ичida тутқун бўлиб юришдан кутулиш \*
- Рухий ва моддий таълим \*
- Фоифилликка қарши илм \*
- Худони англаш йўли \*
- Браҳманнинг "ок нури"нинг нариги томони

## Кириш

Сиз ўз ҳаётингиздан мамнунмисиз? Қачонлардир орзу қилган барча истакларингизга эришдингизми? Ушалган орзуларингиз сизни бу дунёда яшашдан мамнун, баҳтиёр қила олдими? Агар бу саволларга чин қалбингиздан: "Ха, албатта!" - дея жавоб беришга қийналадиган бўлсангиз, бу китоб айнан сиз учун.

Шарқнинг маънавий дурдоналари, муқаддас илохий таълимотидан озгина хабардор бўлган кишига ўзининг теварак атрофида бу ўткинчи дунёда арзимас нарсалар устида бир-бири билан талашиб-тортишиб, ўзаро қирпичоқ бўлиб умрини бекорга ўтказиб юрган одамларнинг турмуш тарзи ҳеч қачон ўrnak бўла олмайди. Етарлича ақл-фаросатга эга бўлган киши оламда юксакроқ, ҳақиқий баҳт деса арзигудай олий мақсад албатта мавжуд эканини англай олади.

Қалбida маънавий, ҳақиқий ҳаётга озгина ихлос уйғонган киши мангу, емирилмайдиган бойлик орттириш учун албатта тирикчиликнинг асосини, Ҳақиқат илмини излай бошлайди. Чуқур мулоҳаза қилиб кўрсангиз, биз эриша оладиган, ҳамиша ўзимизники бўлиб қоладиган, энг буюк баҳт - ўзимизнинг шахс сифатида ким эканимизни, яъни "мен" дегани аслида ким эканини билиш, ҳақиқий ўзлигимизни англай билиш қобилияти, яъни, бизнинг "онг"имиздир. Ана шу "онг" бизнинг ҳамиша ўзимизники бўлиб қоладиган ягона бойлигимиздир.

Агар инсон ҳаётига шу нуқтаи-назардан қаралса, бизнинг бу дунёда инсон бўлиб яшашдан эгаллаган бутун илмимиз, бутун бойлигимиз - ўзимизни, ҳақиқий ўзлигимизни ўрганиш: "**мен аслида ким-ман?**" деган саволга жавоб бериш бўлади. Агар истасангиз кўлингиздаги асар сизга ўз ҳаётингизга янгича муносабат билан қарашни, ИНСОН деган юксак номга муносаб равишда фикрлашни, умр йўлининг охирида эса тенгсиз лаззат, чексиз илмга тўла мангу ҳаётга олиб борадиган амаллар билан машгул бўлиб яшашни ўрганишда ёрдам беради.

Биз бу дунёга келган биринчи ҳам, охирги ҳам инсон эмасмиз. Бизгача бу дунёда минглаб одамлар ҳақиқий ўзлигини таниб, ҳақиқий баҳт қандай бўлишини англаб етганлар ва бизга ўз тажрибаларини

қолдириб кетгандар. Сиз ҳам шундай баҳтга эришишингиз учун сизга бу йўлни ҳақиқатан ҳам охиригача босиб ўтган, бошқаларга бу йўлда қандай ёрдам бериш мумкинлигини биладиган тажрибали устознинг маслаҳатлари, насиҳатлари керак бўлади. Бу китобни кунт билан ўқиб чиқсангиз – XX асрда яшаб ўтган буюк руҳий устоз Шрила Прабхупада бу йўлда сизнинг устозингиз бўлади.

Китоб сахифаларида Шрила Прабхупада ўзининг суҳбатлари, маърузалари, савол-жавоблари орқали қадимий ведалар таълимотнинг энг муҳим низомларини таҳлил қилиб, бу таълимот, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини, яъни Ҳақиқат илми - ҳамиша тириқ, ҳамиша амалда бўлган мангут таълимот эканини исботглаб беради. Шрила Прабхупада бу илоҳий илмни баъзан жиддий, баъзан ҳазил аралаш, баъзан мулоҳимлик билан иложи борича аникроқ, соддароқ ва тушунарлироқ тарзда ҳавола қиласди.

Бу китоб - қалбида "ҳаётда факат нафсимизнинг талабларини қондириш учунгина яшашдан ҳам улуғворроқ, буюкроқ мақсад албатта бўлиши керак!" "биз бу дунёга факат еб-ичиш, ўйнаб-кулиш, меҳнат қилиб чарчаб, кексайиб, оқибат натижада ном-нишонсиз йўқолиб кетиш учун келмаймиз-ку ахир?" - деган тахмин пайдо бўлган чукур мулоҳазали кишига эзгу, мукаммал мақсад сари аниқ, равон йўл кўрсатади.

Ҳақиқат илми, ҳаёт фалсафаси, маънавий ҳаёт билан қизикмайдиган кишилар эса, кейинги йилларда Кришнани англаш Халқаро жамияти фаоллик билан бутун жаҳонга кенг тарқатадиган Ведалар маданияти билан, унинг мақсади, вазифаси, ведавий урфодатлар билан якиндан танишиб, ўз дунёкарашини кенгайтиради. Бҳактиванта Свами Прабхупада бу жамиятни 1965 йилда Америкада ташкил этган. Ҳозирги пайтда бу жамиятнинг жаҳондаги ҳар бир давлатида марказлари бўлиб, уларда ёши, миллати, дини, ирқи ва бошқа жиҳатларидан қатъий назар миллионлаб изланувчан одамлар одам ва олам, рух ва Худо, Ҳақиқат ва алданиш, мусибат ва лаззат, баҳт ва баҳтсизлик, ҳаёт ва ўлим - умуман олганда ўз умрини ҳақиқий инсонларга муносиб равишда яшаш учун зарур бўлган барча саволларга ҳар томонлама мукаммал жавоб оладилар.

# I - боб. Рух ва унинг табиати

## Танага ҳаёт бағишилайдиган куч ва унинг табиати

Ҳаёт дегани ўзи нима? 1968 йил Лос-Анжелесда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Шрила Пррабхупада ҳалқаро маънавият ва маърифат раҳбарларини бу тушунчага бўлган муносабатларини қайта кўриб чиқшига чақирди. "Танада рўй берәётган барча жараёнларни жон(руҳ) бажариб турганини кўриши мумкин, фақат тирик мавжудотдагина бўладиган онг "жон(руҳ)" ҳақиқатан ҳам мавжудлигини исботлайди. Худди шундай, коинотда муайян тартибда рўй берәётган ҳодисаларда ҳам ягона Парвардигорни, Мутлақ Ҳақиқатни кўриши мумкин, Унинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги шу жараёнларни мукаммал бошқариб турган Олий Руҳ, юксак дараҷсадаги Онг билан исботланади".

Инсон ҳаётда турмушда учрайдиган барча қийинчиликлардан биратўла қутулиш учун яшаши керак. Бизнинг мақсадимиз - Худонинг муқаддас номларини зикр килиш ёрдамида бутун инсоният ҳаётини илохий поғонага қўтаришдан иборат. Замонавий жамият бунга моддий тараққиётни ривожлантириш орқали эришишга интилади. Аммо, моддий таракквиёт қанчалик ривожланмасин, атрофимизга қараб, одамлар барибир хузур-ҳаловат топа олмаётганини кўрамиз.

Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, инсон аслида - мангужон, руҳдир. Ана шу мангужон моддий тананинг ҳаётини таъминлаб туради. Худога ишонмайдиган материалист олимлар ҳаётни бошқариб турган руҳий, илохий қувват мавжудлигини қанчалик инкор этмасинлар, табиатда рўй берәётган барча воеа-ҳодисаларни ҳалигача аник тушунтириб бера олмадилар. Тирик зотнинг ҳаётини таъминлаб, ҳаракатга келтириб турган куч - унинг танасидаги мангужон(руҳ)дир.

Тана ўз қиёфасини ўзгартириб туради, жон эса ўзгармайди - руҳ мангужу, ўзгармас. Биз буни шахсий ҳаётимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Она қорнида пайдо бўлган кундан бошлаб танамиз тинмай ўзгариб туради. Одатда буни "ўсиб-улғайиш" деб атайдилар, аслида эса бу шунчаки тана алмашishi жараёнидир.

Кун тунга алмашади, ёз қишига. Илмсиз одамлар буни Кўёш ўзгариши билан боғлайдилар. Масалан, баъзи ибтидоий қабилалар қишида "куёш ўз ку-

чини йўқотади" деб хисоблайдилар, баъзи қабилалар эса, "қуёш тунда ухлайди" деб ўйладилар. Аммо, ҳозирги замонавий илмий тажрибалар орқали биламизки, қўёшда ҳеч қандай ўзгариш рўй бериб тургани йўқ. Тун ва куннинг, йил фаслларининг алмашиши эса, Ернинг Қуёшга нисбатан жойлашиш холатининг ўзгариши натижасидир, холос.

Худди шунингдек, ўз тажрибамиздан биламизки, тирик зотнинг танаси ўзгариб туради: аввалига у она корнида ҳомила кўринишида бўлади, кейин чақалоқ бўлади, чақалоқ улғайиб ўспирин, кейин йигит бўлади, кексаяди ва ниҳоят ўлади. Худди ибтидоий қабила одамлари "Қуёш ботгандан кейин ўлади" деганларидек, фаросатсиз одамлар тана ўлгандан кейин ундаги мангу жон(рух) ҳам ўлади деб ўйладилар. Аслида эса, Қуёш бу ерда ботган билан дунёнинг бошқа жойида чиқади. Худди шундай, мангу жон ҳам бир танадан бошқа танага ўтади. Бу тана кексайиб, эски кийим сингари яроқсиз ҳолга келиб қолгандан кейин, худди эски кийимни ташлаб янги кийим кийганимиз сингари, жон(рух) ҳам янги танага ўтади. Мана шу ҳақиқат ҳозирги одамлар умуман бехабардирлар.

Одамлар жоннинг табиатини ўрганишга қизиқмайдилар. Жаҳондаги ҳар хил олий ўкув юртларида, илмий текшириш институтларида, уларнинг ҳар хил бўлимларида моддий тананинг физиологик холатларини, табиат конунларини ўрганадилар, аммо бутун жаҳонда жоннинг табиатини ўрганадиган бирор институт йўқ. Мана шу - жон(олиј рух)нинг ташки куввати бўлган моддий тараккиётнинг энг катта камчилигидир.

Одатда одамлар ўз танасининг, ёки оламнинг гўзаллигидан ҳайратга тушадилар, аммо аслида уларни ҳайратга солиб турган нарса аслида нима эканлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Инсон танаси жуда гўзал, унинг фаолияти ва кудрати жозибали, унга ғайритабии тафаккур кучи ва илхом, зеҳн ато этилган. Аммо, мангу тирик рух ана шу танани тарқ этиши биланоқ, унинг жозибдорлигидан асар ҳам қолмайди - энди бу тана(мурда) ҳеч кимга керак бўлмай колади. Ҳақиқий ўзлик бўлган мана шу рухни ҳатто кўплаб буюк кашфиётлар яратган машхур олимлар ҳам топа олмаганлар, ваҳоланки ана шу мангу рух шарофати билангина улар шунча кашфиётларни яратганлар.

Кришнани англаш ҳаракати жон(рух) ҳақидаги илмни кенг ҳалқ оммасига тушунтиришни ўз олдига мақсад қилиб кўйган, аммо биз одамларнинг миёсига қандайдир бир догма, яъни сохта тушунчаларни зўрлаб сингдирмоқчи эмасмиз, аксинча биз уларга мана шу ҳақиқатни илм-фан ва фалсафа ёрдамида англаб этиш имкониятини ҳавола қиласиз. Тирик танада рўй беряётган барча жараёнларни жон(рух) бажариб турганини кўриш мумкин, факат тирик танадагина бўладиган онг жон ҳақиқатан ҳам мавжудлигини исботлаб турибди. Худди шунга ўхшаш, коинотдаги муайян тартибда рўй беряётган жараёнларда ҳам Олий Худони, Мутлақ Ҳақиқатни кўриш мумкин, Унинг мавжудлигини шу жараёнларни бошқариб турувчи Олий Рух(Парвардигор) ва юксак даражадаги Онг исботлайди. Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати "Ведалар фалсафаси" деб аталадиган "Ведантасутра"да, шу асар муаллифининг ўзи изоҳ сифатида ёзган "Шримад-

Бҳагаватам" асарида батафсил ёритилган. "Шримад-Бҳагаватам"ни ўқишдан олдин, Худонинг, яъни Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини тушунишга ёрдам берадиган асар - "Бҳагавад-Гита"ни ўрганиш керак.

Ҳар бир "жон(руҳ)"ни уч кўринишда англаб етиш мумкин: 1 - тананинг ҳамма жойига сингиб кетган онг кўринишида; 2 - инсон қалбида мавжуд бўлган мангубон кўринишида; 3 - шахс сифатида.

Худди шундай, Мутлақ Ҳақиқат, Парвардигорни ҳам аввало шахссиз, бутун оламни қамраб олган онг сифатида, кейин ҳар бир тирик зот, ҳар бир заррачада ҳам мавжуд бўлган Олий Руҳ(Параматма) кўринишида ва ниҳоят Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор(Кришна) сифатида англаб олиш мумкин.

Алоҳида руҳ, "жон" билан Олий Руҳ(Парвардигор) сифат жиҳатидан бир хил, аммо миқдор жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласиди. Денгиз суви ва шу сувдан олинган бир томчи сув сифат жиҳатидан бир хил. Бир томчи сувнинг кимёвий таркиби денгиз сувининг кимёвий таркиби билан бир хил. Аммо денгиздаги туз ва бошқа химиявий моддаларнинг миқдори бир томчи сувдаги моддалар миқдоридан бир неча бор кўп.

Кришнани англаш ҳаракати Олий Руҳ ва шахсий руҳ(жон)нинг алоҳида алоҳида мангу мавжуд эканини тарғиб қиласиди. "Упанишада"лар деб аталувчи ведавий битиклардан биз Олий Шахс, ёки Худонинг ва шахсий "жон(руҳ)"ларнинг мангу тирик зотлар эканини билиб оламиз. Уларнинг фарки шундаки, олий тирик Зот, ёки Олий Шахс, барча алоҳида шахс - "жон"ларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Исо Масиҳ таълимоти ҳам мана шу дунёкарашни тарғиб қиласиди, чунки унинг муқаддас китоби (Инжил)да барча тирик зотлар Олий Руҳ(яъни Отаси)дан ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни бериб туришини ва гуноҳларини авф этишини сўраб илтижо килишни тавсия қиласиди.

Жаҳондаги барча диний таълимотлар Худо Шахси, яъни Кришна, барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси ва ризқ берувчиси(Раззок) эканини, шу боис ҳар бир тирик мавжудот Парвардигор олдида ҳамиша қарздор эканини тарғиб қиласиди. Барча диний конун-қоидалар мана шу асосий Ҳақиқатга асосланган. Ана шу ҳақиқатни тан олмаслик ҳаётда чалкашликка, адашишга олиб келади. Бугун биз бу ҳолатни ўз ҳаётимизда ёки ён-атрофимизда яққол кўришимиз мумкин.

Ҳар бир инсон хоҳ жамиятда бўлсин, хоҳ оилада бўлсин, хоҳ ўзининг шахсий ҳаётида бўлсин, ўзини Худо ўрнида кўришни истайди. Гофилилк на-тижаси бўлган ана шу(Худо бўлиш яъни бошқалардан устун бўлиш) ҳолатга эришиш учун жаҳон бўйлаб ҳар бир одам кураш олиб боради ва бу ҳол ҳар бир кишининг шахсий ҳаётида, жамият ҳаётида, давлат ишларида хаосга, чалкашликка олиб келади. Кришнани англаш жамияти барча одамларни олий хукмдор - ягона Парвардигор эканини, Унинг амри ҳамма нарсадан устун эканини тан олишга чакиради. Мана шу ҳақиқатни ҳар бир фаросатли инсон тан олиб яшаши лозим, чунки инсон фақат шундагина инсон ҳаётнинг энг олий мақсадига эриша олади.

Кришнани англаш таълимоти - аллакандай файласуф олимнинг ўйлаб топган назарияси, янги таълимоти эмас. Бу таълимотга ягона Парвардигорнинг Ўзи асос солган. Қарийб беш минг йил аввал "Маҳобхорат"да ёритилган Куруқшетрадаги жанг олдидан Аржунга "Бҳагавад-Гита"ни сўзлаб бериб, Кришна унга айнан мана шу таълимотни нозил қилган эди. "Бҳагавад-Гита"дан биламизки, Худони англашнинг бу йўлини Кришна бир юз йигирма миллион йил аввал Кўёш фариштаси Вивасванга ҳам ўргатган.

Демак, бу таълимот янгилик эмас. Кришнани, Худони англашнинг бу йўли бизга устоздан шогирдга, кейин унинг шогирдига авайлаб, асрлар оша ўзгартирилмасдан етказиб берилган. Ведалар таълимотининг Шанкарачаря, Рамануджачаря, Мадхвачаря, Вишнуевами, Нимбарка ва ниҳоят, тўрт юз саксон йил илгари яшаб ўтган Чайтаня Махапрабху сингари буюк намоёндалари бу таълимотни бизгача кўлма-кўл етказишида иштирок этганлар. Бу илоҳий илмни шогирдлар силсиласи орқали ўрганиш ҳозир ҳам давом этмоқда. "Бҳагавад-Гита"ни дунёнинг турли динларига мансуб одамлар кенг ўрганмоқдалар. Аммо, одамлар кўпинча "Бҳагавад-Гита"нинг кўрсатмаларига унинг ўзида кўрсатилгандай амал қилмайдилар. Кришнани англаш ҳаракати одамларга "Бҳагавад-Гита" таълимотини хеч қандай хотүгри талқинларсиз, асл ҳолида етказиб беради.

"Бҳагавад-Гита"да асосан беш мавзу таҳлил қилинади: 1 - Худо Шахси; 2 - тирик мавжудот; 3 - моддий ва руҳий табиат; 4 - вақт(Замон) ва 5 - инсон фаолияти(карма). Булардан Худо, тирик мавжудот, табиат ва вақт - мангу, инсон фаолияти(карма) эса, ўткинчи хусусиятга эга.

Моддий оламдаги фаолият илоҳий оламдаги фаолиятдан фарқ қиласи. Гарчи, айтиб ўтганимиздек, жон(руҳ) табиатан мангу бўлса ҳам, унинг моддий табиат таъсири остидаги фаолияти ўткинчи, вақтинчалик хусусиятга эга. Кришнани англаш ҳаракати ана шу мангу табиатга эга бўлган "жон(руҳ)"ни мангу, яъни илоҳий фаолият билан шуғулланишга чакиради. Биз ҳатто кундалик турмушда, дунёвий ишлар билан банд бўлиб юрган пайтда ҳам руҳий фаолият билан шуғуллана оламиз. Агар биз ҳаётда маълум қоидаларга амал қилиб яшасак, илоҳий фаолият билан шуғулланишнинг қийин жойи йўқ, факат бунинг учун руҳий устознинг раҳбарлиги зарур..

Кришнани англаш жамияти одамларга руҳий, илоҳий фаолият билан қандай шуғулланиш кераклигини ўргатади. Бу фаолият билан машғул бўлган киши эса илоҳий табиатга эришади. Ведавий битикларда, жумладан "Бҳагавад-Гита"да бунга қўплаб мисоллар келтирилган. Илоҳий илмни ўрганган киши хеч кийналмасдан руҳий оламга кўтарилиши мумкин, - инсон бунинг учун факат ўзининг онгини, тушунчасини ўзгартириши керақ, холос.

Онг ҳамиша мавжуд, чунки у мангу тирик "жон"та хос бўлган хусусият - унинг белгисидир, аммо ҳозир бизнинг онгимиз моддий унсурлар, моддий тушунчалар билан қопланган. Осмондаги булутдан тушаётган ёмғир суви аслида соф, мусаффо бўлади, аммо ерга тушиши биланоқ ў ифлосланиб қолади. Лекин, уни филтр билан тозалаб, асл ҳолига келтириш мумкин. Худди шун-

дай, Кришнани англаш илмининг амалий жараёни онгимизни ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлардан поклайди. Биз соф, мусаффо онгга эга бўлишимиз биланоқ руҳий погонага кўтарилиб, бу дунёда тиним билмай излаб юрган баҳтга - чексиз лаззат ва мукаммал илмга тўла мангу ҳаётга эришамиз. Аммо, моддийлик ботқоғига ботган ҳозирги ҳолатимизда ҳар қадамда турли қийинчиликларга дуч келаверамиз. Шундай экан, ҳар хил муаммолардан, мусибатлардан биратўла ҳалос бўлиб, ҳақиқий баҳтга эришиш учун ҳар бир инсон, айниқса жамият раҳбарлари Кришнани англаш ҳаракатига жиддий эътибор билан қарашлари керак.

## Руҳий ҳаёт илми

*Ўлгандан кейин онгимизда қандай ўзгаришлар бўлади? Шрила Пррабхупада 1975 йил Жанубий Африканинг Вествилл шаҳрида Дурбан Университети ректори, доктор С. П. Оливьега жон(руҳ)нинг қайта туғилиши ҳақидаги таълимотни тушунтириб берди.*

Д-р Оливье. Ҳозир, йигирманчи аср охирига келиб, бутун дунёда одамлар қайтадан илохий илм - Ҳақиқат илмини, Худони излай бошлаганинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Биз, яъни ғарбий одамларнинг, "Бхагавад-Гита" таълимотидан бехабар бўлишимиз табиий. Аммо мен ўйлайманки, бизни қийнаётган муаммолар ҳам аслида бугун сиз маърузангизда кўрсатиб ўтган муаммолар билан бир хил: мангу жон(руҳ)нинг ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини одамларга қандай қилиб исботласа бўлади? Сиз ҳақиқатан ҳам тўғри гапни айтдингиз: сиз исботламоқчи бўлган бу муаммо ҳақиқий илмий муаммо эканини камдан-кам одам тушуниб етади.

Шрила Пррабхупада. "Бхагавад-Гита" мана шундан бошланади - руҳий илмга, руҳ ҳақидаги илмга илмий асосда ёндошиш. Шунинг учун мен: "руҳнинг қайта туғилиши деганда нимани тушунасиз?" деб сўрадим. Менинг саволимга ҳеч ким қониқарли жавоб бера олмади. Биз танамизни алмашлаб турамиз. Таналарнинг жуда кўп тури мавжуд, ўлгандан кейин биз ана шу таналарнинг бирортасига эга бўламиз. Мана шу - инсон ҳаётидаги энг катта, энг жиддий муаммо ҳисобланади. *Пракритех крийаманани гунаҳ кармани сарваشاҳ:* Табиат бизларни моддий таналар билан таъминлаб туради. Тана - худди автомашинага ўхшайди; тана - ягона Парвардигорнинг, Кришнанинг амри билан моддий табиат бизга инъом қиласидан машина. Инсон бўлиб яшацдан асосий мақсад - бир танадан иккинчи танага, кейин учинчи танага кетма-кет ўтаверишлардан биратўла кутулиш, яъни илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлиш учун ўзимизнинг азалий, асл руҳий ҳолатимизга қайтишдан иборат.

Д-р Оливье. Маълумки, Исо Масих динида руҳнинг қайта туғилиш назарияси кўрилмаган.

Шрила Прabhупада. Биз дин ҳақида гапираётганимиз йўқ. Дин - бу маълум шароитда, малум вақт оралиғида инсон қалбида пайдо бўладиган ишонч туйғусидир. Биз аслида мангу рухлармиз - бу аниқ ҳақиқат, факт. Моддий табият қонунларига биноан биз бу дунёда бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбурмиз. Баъзан, юқори сайёralар(жаннат)га эришиб баҳтиёр яшаймиз, баъзан эса қуий сайёralар(дўзах)да азоб-уқубатларга дучор бўламиз. Аммо, инсон танаси бизга рухнинг мана шу сарсон бўлиб юришларидан кутулиш ҳамда ўзимизнинг асл ҳолимизга қайтишимиз ва мангу яшашимиз керак. Ведалар таълимотининг асосий маъноси мана шундан иборат.

"Бҳагавад-Гита" ана шу буюк мақсадга эришиш учун инсон ҳаётда қандай яшashi кераклиги қисқача тушунтириб берилган. Ана шу кўрсатмаларга амал қилиб, биз рухнинг асл моҳияти нимадан иборат эканини тушуниш имкониятига эга бўламиз.

Энг аввало биз ўзимизнинг аслида ким эканимизни тушуниб олишимиз керак. Мен кимман ўзи, танами ёки бошқа бирор зотми? Бу биринчи масала. Мен шу саволга жавоб беришга уриндим, аммо залда ўтирганлардан бири мени "ҳиндулар фалсафаси ҳақида гапиряпти" деди. Йўқ, бу хиндулар фалсафаси эмас, аксинча, мутглақо илмий фалсафа, илмий таълимот. Сиз анча вақт чақалоқ танасида бўлдингиз, кейин ёш бола бўлдингиз, яна анча вақт ўтгандан сўнг йигит бўлдингиз, ниҳоят кекса чол бўласиз. Шундай қилиб, сиз ҳамиша танангизни алмашлаб юрасиз. Бу илмий факт, ҳеч қандай диний таълимот ёки хиндуларнинг дунёқараси эмас. Бу - ҳар бир инсонга тааллукли бўлган аниқ ҳақиқат.

*деҳино смин йатҳа деҳе каумарам ҳауванам жара  
татҳа деҳантара-праптирир дӯирас татра на мухйати*  
(шогирдига) Шу шеърни топиб ўки!

Шогирди. "Худди рух чақалоқ танасидан ўспирин танасига, кейин кекса чол танасига ўтгани сингари, тана ўлгандан кейин у бошқа танага ўтади. Бу ўзгаришлар соғлом фикрлай оладиган илмли кишини безовта қилмайди."(Б-г.2.13).

Шрила Прabhупада. "Бҳагавад-Гита"да ҳамма нарса мукаммал, илмий равишда, мантиқ асосида тушунтирилган. Бу аллақандай ҳаёлпарастларнинг бемаъни гаплари эмас.

Д-р Оливье. Менимча, энг долзарб муаммо - ҳозирги одамларни мана шу китобни ўрганишга ўргатишида ёки бу китоб одамлар фикрини нимага жалб қилаётганини ўрганишга ўргатишида. Бу энг мухим масала, чунки ҳозирги замонда ҳалқ маорифи тизимида бундай илмга ҳам, унинг асосида турган ўта ҳаётий фалсафага ҳам ўрин йўқ. Одамлар бундай саволлар билан умуман кизиқмайдилар ёки ҳатто ўйлаб ҳам ўти rmsдан уни рад этадилар.

Шрила Прabhупада. Улар рухнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини тан олмайдиларми?

Д-р Оливье. Руҳнинг мавжудлигини тан оладилар. Мен шундай деб ўйлайман. Аммо улар бундан қандай хулоса чиқариш кераклигини тушумайдилар.

Шрила Прабхупада. Бу ҳақда ўйламаса, одамлар нимани ўйлаши мумкин? Фаросатли инсон энг аввало ўниклар ва тириклар орасидаги фарқни англаб олиши керак. Тана хамиша ўлиқ, уни худди ҳайдовчиси йўқ машинага ўхшатиш мумкин. Автомобиль - бу шунчаки металл. Худди шундай, ичидаги рух борми-йўқми - бу тана ҳам шунчаки моддий унсурлар тўплами, холос.

Д-р Оливье. Тана унча киммат ҳам эмас. Бизда тахминан олтмиш центча турди.

Шрила Прабхупада. Автомобил ва унинг ҳайдовчиси орасидаги фарқни тушумайдиган киши худди ёш болага ўхшайди. Ёш бола ҳам автомобил ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзидан-ўзи юради деб ўйлайди. Аммо, аслида бундай эмас-ку, тўғрими? Машинани ҳайдовчи бошқаради. Ёш бола буни билмаслиги мумкин, лекин, ўсиб-улгайиб анча илм олгандан кейин ҳам инсон шу ҳақиқатни англаб етмаса, унинг олган илмининг кимга, нимага кераги бор?

Д-р Оливье. Гарбий мамлакатларда одамлар олиши мумкин бўлган таълимот - бошлангич, ўрта ва олий маълумотлар. Бу маълумотларда руҳни чукур ўрганиш фани йўқ.

Шрила Прабхупада. Мен Москвада бир профессор билан сұхбатлашганман. Балки сиз ҳам уни танирсиз - профессор Котовский. У Фанлар Академиясида дарс беради. Мен у билан бир соатча сұхбатлашдим. Унинг фикрича: "Тана ўлгандан кейин ҳаёт бутунлай тамом бўлади. "Унинг гапларини эшишиб мен жуда ҳайрон бўлдим. У жуда машҳур, буюк олим, аммо рух ҳақида ҳеч нарса билмайди.

Д-р Оливье. Вена шаҳридан келган бир олим бу ерда хиндуносликдан дарс беради. Аммо унинг нима ҳақида, қайси фалсафа асосида дарс беришидан хабарим йўқ. Унинг киркка яқин талабаси бор. Аслида улар "Бҳагавад-Гита"ни батафсил ўрганишдан ва ўз фалсафасини ана шу асосда куришдан бошлиши керак эди.

Шрила Прабхупада. Ундей бўлса "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита"дан дарс бериш учун бирор кишини таклиф килиш керак. Бу жуда муҳим иш.

Д-р Оливье. Бизнинг Университет мана шу мавзуни чукур ўрганишни ташкил қилиши шарт, деб ўйлайман.

Шрила Прабхупада. Инсоннинг руҳий илм ўрганиши, маънавий ҳаёти "Бҳагавад-Гита"ни чукур ўрганишдан бошланади.

Д-р Оливье. Бу илм - ҳар бир фаросатли инсон албатта ўрганиши шарт бўлган буюк илм экани яккот кўриниб турибди. Бу ердаги, яъни Жанубий Африкадаги индуслар кабиласи хиндунослик ҳақида аниқ тушунчага эга эмаслар. Айникиса ёш авлод - улар ҳозир мағкуравий бўшлиқ ичидаги яшаяптилар. Улар ҳеч қандай динни, ҳеч қандай диний таълимотни тан олгилари келмайди, чунки атрофидаги одамларнинг ҳаммаси шундай яшаяптилар. Уларнинг кўпчилиги шунчаки жаҳолат ботқоғига ботган ғофил одамлар.

Шрила Прабхупада. Уларга ҳақиқат йўлини кўрсатиш лозим. Бизга "Бҳагавад-Гита" кўрсатаётган йўл - азалдан келаётган, ҳеч ким адашмайдиган энг тўғри йўлдир.

Д-р Оливье. Жанубий Африкадаги индуслар ичидаги маълумотли кишилар жуда кам. Ҳиндистонликлар бу ерга асосан пул ишлаш ниятида, шакарқамиш далаларида кора ишчи бўлиб ишлаш учун келганлар. Уларнинг баъзилари заргарлик, тикувчилик билан шугулланадилар. Охириги юз йил мобайнида улар хукуматнинг уларни ўз юртларига кайтариб юборишиларига қарши курашиб келяптилар. Улар бу ерда ўз мавқеларини саклаб қолиш ва тирикчилик қилишлари учун жуда кўп қийналдилар. Менинг фикримча улар ўз таълимотларининг моҳиятига ва эътиқодларига катта эътибор беришлари керак. Ўзига хос маданияти билан уларнинг юртимиизда яшаши бизлар учун катта баҳт эканини, улар ўз қадриятларини йўқотмаслиги кераклигини, акс ҳолда улар маънавий бўшлиқда қолиб кетишини мен уларга кўп марта айтганман. Аммо, улар буни кимдан ўрганиш кераклигини билмайдилар. Шунинг учун биз барчамиз: улар, мен ва бошқалар - қалбимизда мудраб ётган руҳий ҳис-туйғуларни қандай уйғотишни, унинг кундалик ҳаётимизга қандай таъсири кўрсатишини билишни истаймиз.

Шрила Прабхупада. Буларнинг барчаси: ҳаётда қандай қилиб фароғатга эриши ҳамда умримизнинг охирида асл уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиши мумкинлиги "Бҳагавад-Гита"да батафсил тушунтирилган.

Д-р Оливье. Аммо, замонавий одамларнинг мана шу кўрсатмаларга ўз хоҳиши билан амал қилиб яшашига қандай эришса бўлади? Биз маънавий, руҳий ҳаётдан шунчалик узоклашиб кетганмиз-ки, ҳатто буни нимадан бошлаш кераклигини ҳам билмаймиз - бизларнинг энг катта муаммоларни ҳам мана шунда. Парвардигор бизларни Ўз илмидан қанчалик баҳраманд этишини билиш учун Худога ҳақиқий иймон келтириб яшаётган такводор авлиё одамларни топиш жуда қийин.

Шрила Прабхупада. Бунга бизни Худонинг Ўзи ўргатади. Биз факат Унга ишонишимиз керак. Бунинг учун озгина ихлос, интилиш керак, холос. Колган ҳамма нарса ўзидан-ўзи амалга ошади. Худо айтадики, (жон) руҳ - мангур, тана эса - алмашиб туради. Бунга жуда оддий мисол келтириш мумкин. Ёш бола ўспирин бўлади, ўспирин ўсиб-улгайиб, кексаяди. Бунга ишонмай бўлмайди. Бунга мен ҳам, сиз ҳам ишонамиш. Буни инкор этиб бўлмайди. Мен ёшлигимда сакраб ўйнаб юрганимни биламан, энди эса танам бошқа, мен сакрай олмайман. Олдин бошқа тананинг борлигини, энди эса танам бошқа эканини мен тушунаман. Тана ўзгаради, аммо "мен ўзим", шахс сифатида ҳеч қачон ўзгармайман. Буни тушуниш учун кўп ақлнинг кераги йўқ. Мен мана шу тананинг эгасиман, мен - "мангу руҳ"ман. Тана эса ўзгариб туради.

Д-р Оливье. Тўғри, биз буни тан оламиш, аммо яна бир муаммо туғилади: хўш, бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Шрила Прабхупада. Ҳа, албаттат, агар мен тана эмаслигимни тан олсан-у, аммо ҳақиқий "ўзим"га эътибор бермасдан, факат тананинг ташвишлари би-

лан овора бўлиб юраверсам, - ҳаётда нотўғри яшаётган бўламан. Мисол учун, кунига уч марта кийимларимни ювсам-у, ўзим ҳеч овқат емасам, бу - аклли одамнинг иши бўладими? Ҳозирги замон одамлари айнан шундай хато йўлдан кетяптилар. Агар мен сизнинг кийимларингиз тозалигини таъминлаб турсам-у, аммо ўзингизга ҳеч қандай овқат бермасам - сиз кўпга чидайсизми? Мен бу муаммони тўғри тушунишингизни истайман. Бизларнинг энг асосий хатоимиз мана шунда. Моддий тараққиёт фақат тана ва унинг соғлигини ўйлади, аммо ана шу тананинг эгаси бўлган мангу рух ҳакида ҳеч ким ўйламайди. Шу боис ҳеч кимда ҳаловат йўқ. Одамлар бир "изм"ни иккинчи "изм"га, капитализмни социализмга, бир тизимни иккинчи тизимга ўзгартирарадилар, аммо нимада хато килаётганини кўра олмайдилар.

Д-р Оливье. Аслида "изм"ларнинг бир-биридан фарки кам. Унисиям, буниси-ям материализм.

Шрила Прабхупада. Коммунистлар ўйладики, ҳокимиятни қўлга олсалар бас, колгани ўзидан-ўзи бўлади. Аммо, асосий муаммо ўзгармай қолаверади: коммунистлар ҳам, капиталистлар ҳам тананинг эгаси бўлган мангу рух ҳакида эмас, фақат тана тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Аслида эса, энг аввало рух қаноатланиши керак - шунда ҳамма ерда тинчлик бўлади.

*бўхоктарам йаджса-тапасам сарва-лока-махешварам*

*сухридам сарва-бхутанам жнатва мам шантим риччхати*  
(шогирдига) Шу шеърни ўқи.

Шогирди. "Мени тўла англаб етган, барча қурбонликлар ва риёзатлар маҳсулидан лаззатланувчи Зот ҳам, барча сайёра ва фаришталарнинг Олий Ҳукмдори ҳам - Мен эканимни, барча тирик зотларнинг раҳнамоси ва ризқ берувчиси аслида Мен эканимни билган киши барча ҳаёт ташвишларидан озод бўлади ва мангу баҳтга эришади"(Б-г.5.29.).

Шрила Прабхупада. Демак, инсон ҳаётда баҳтли яшashi учун Худонинг ким эканини билиб олиши керак. Сиз Худонинг ажралмас кичик зарраси бўлганингиз учун, У билан мангу боғлангансиз. Бизнинг вазифамиз - Худони таниш, Уни англаб етишдан иборат. Ҳозир ҳеч ким Худо ҳакида бирор нарса билмайди. Одамлар бу ҳақда тўлиқ илмга эга эмаслар.

Д-р Оливье. Ернинг сунъий йўлдошлари осмоннинг бир чеккасида туриб Ерга ҳар хил маълумотларни узатишга қодир экан, демак, ҳеч қандай шубҳа йўқ-ки, Парвардигор ҳам Ўзи ҳақидаги илмни, Ўз тафаккурини Унинг амрига бўйсунишга, Худони танишга ихлос билан интилаётган кишига намоён этишга қодир.

Шрила Прабхупада. Албатта. Шунинг учун ҳам "Бҳагавад-Гита"да Парвардигор Ўзининг ким, қандай эканини батафсил таърифлаб берган. Унинг айт-ганларини тушуниш учун биз мантиқ ва соғлом фикрдан фойдаланишимиз лозим. Шунда биз Худо ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз.

Д-р Оливье. Ҳа, аммо бунга қандай эришса бўлади?

Шрила Прабхупада. Худо ҳақидаги таълимот мана, қўлингизда турибди. Фақат уни руҳий илмдан хабари бор имонли одамлар даврасида таҳлил қилиб, тўғри тушуниб олиш керак.

Д-р Оливье. Түгри. Шундан бошлаш керак деб ўйлайман. Биз буни худди олимлар илмий тажрибаларини ўзаро мухокама қилғандай мухокама килишимиз керак.

Шрила Прабхупада. Бу китобда илоҳий илмни қандай ўрганиш усули ҳам кўрсатилган:

*тад виддхи пранипатена парипрашинена севайа*

*упадекшиянти те жсанам жснаниас таттва-даршинах*

(Шогирдига). Шу шеърни топ.

Шогирди. "Ҳақиқат илмига эришиш учун руҳий устозга мурожаат қил. Камтарин ҳолда унга саволлар бер, унинг хизматини қил. Ўзлигини англаган кишилар сенга бу илмни ўргата оладилар, чунки улар Ҳақиқатни кўра биладилар".(Б-г.4.34).

Шрила Прабхупада. Изоҳни ўки.

Шогирди. Ўзликни англаш йўли, шубҳасиз жуда машаққатли. Шунинг учун ҳам Худо бизга ҳақиқий руҳий устоз топишни, у - Худонинг Ўзига бориб тақаладиган шогирдлар силсиласида турган бўлиши кераклигини маслаҳат беради. Ана шундай шогирдлар силсиласида бўлмаган устоз - ҳақиқий устоз хисобланмайди. Биринчи руҳий устоз - ягона Парвардигорнинг Ўзи, шунинг учун ҳам шогирдлар силсиласида турган устоздан таълим олган киши Худонинг сўзларининг маъносини ўз шогирдларига бузмасдан тўғри етказиб беради.

Руҳнинг табиатини устоз кўрмаган баъзи бир ғофил "домла"ларга ўхшаб, ҳар ким ўзича ўйлаб топган усуллар билан ўрганиб бўлмайди. "Шримад Бхагаватам"(6.3.19)да *дҳармам ту сакшад бҳагават-пранитам*, яъни "дин конунларини Худонинг Ўзи яратади" дейилган. Шундай экан, ҳар хил фалсафий мулоҳазалар ва бемаъни мунозаралар ҳеч қачон инсонни тўғри йўлга олиб келолмайди. Муқаддас китобларни ўз ҳолича ўрганиш билан ҳеч ким руҳий ҳаётда камолотга эриша олмайди.

Руҳий илмга эга бўлиш учун, ҳақиқий руҳий устоз топиш, унинг барча кўрсатмаларини сўzsиз бажариш ва қийинчилклардан кўркмасдан унга хизмат қилиш керак. Руҳий камолотга эришиш йўлида муваффақиятга эришишнинг сири - руҳий устозни мамнун қила билишда. Камтаринлик ва қизиқувчанлик - илоҳий илмни ўрганишда бирдай зарур сифатлардир. Токи устозимизнинг камтарин кули, хизматкори бўлмас эканмиз, унга берган саволларимиз фойдасиз бўлиб қолаверади. Руҳий устоз уюштирадиган синовдан ҳар бир шогирд албатта ўтиши лозим. Шогирдининг Худони танишга самимий интилаётганига ишонч ҳосил қилғандан сўнг, руҳий устоз унга дарҳол оқ фотиҳа бериб, ҳақиқий илоҳий илм сирларини очиб ташлайди.

Кришна бу шеърда устозга кўр-кўrona таклид қилишни, унга ҳар хил бемаъни саволлар билан мурожаат қилишни рад этади. Устознинг сўзларини камтарин ҳолда диққат билан тинглабгина қолмасдан, унинг содик хизматкори бўлиб, ҳар хил саволлар бериб, унинг айтган ҳар бир гапининг магзини чакишимиз керак. Ҳақиқий устоз шогирдларидан ўз марҳаматини аямайди, шу боис агар шогирд итоаткор ва камтарин, хизмат қилишга ҳамиша тайёр

бўлса, устозидан ўзини қизиктирган барча саволларига жавоб олиб, илоҳий илмга эга бўлади."

Шрила Прабхупада. Мана, кўз олдингизда бунга яққол мисол: аслида бу америкалик ва европалик ўспиринлар бадавлат оилалардан чиққан. Нимага улар менга хизмат қиляптилар? Мен камбагал давлат вакили - хиндистонликман. Мен уларга иш ҳақи тўлай олмайман. Мен гарбга деярли сариқ чақасиз келганман, чўнтағимда атиги қирқ руний пулим бор эди. Америкада бу пул бир соатга ҳам етмайди. Бу йигитлар қалб амри билан менинг кўрсатмаларимга амал қиляптилар, шунинг учун ҳам улар руҳий юксалишга эришяптилар. *Пранипатена парипрашнена* - улар савол берадилар, мен эса жавоб беришга ҳаракат қиласман. Барча шогирдларим чукур иймон-эътиқодга эришдилар. Улар худди оддий хизматкорлар сингари менга хизмат қиласдилар. Бизнинг мактабимиз шундай.

Агар руҳий устоз - ҳақиқий, шогирд - самимий бўлса, шогирд албатта илоҳий илмга эга бўлади. Илм олишнинг сири шундай. *йасаға дeve татаға гурау* - "ведалар илмининг сири Худога ва руҳий устозига чукур ишонадиган кишигагина очилади". Шунинг учун ведавий жамиятда шогирдларни мажбурий равишида *гурукулу* - руҳий устознинг уйида яшашга юборадилар. Бу қоида ҳатто шохларнинг ўғилларига ҳам тааллукли. Ҳатто Кришнанинг Ўзи ҳам гурукулага бориши шарт эди.

Бир воқеани сизларга айтиб бермоқчиман. Куналарнинг бирида Кришна ўртоғи билан руҳий устозига ўтин териб келиш учун ўрмонга йўл олади. Бирдан довул туриб, кучли ёмғир қуяди ва улар ўрмондан чиқолмай қолиб кетадилар, каттиқ кийналиб, тунни ўрмонда ўтказадилар. Эртасига устози - гуру, бошқа шогирдлари билан бирга уларни излаб, ўрмон ичидан топади. Кўрдингизми, биз Худо деб сифинадиган Кришнанинг Ўзи ҳам бу дунёга келиб инсон ролини ўйнаганида гурукулага бориши ва руҳий устозига камтарин ҳолда хизмат қилиши шарт эди.

Гурукулада ҳамма шогирдлар устозларига мана шундай бўйсунишни ва устозини мамнун қилишини ўрганадилар. Уларни ўшлигиданоқ итоаткорликка, устозга сўзсиз бўйсунишга ўргатадилар. Кейин устози ҳам шогирдларига меҳр-муҳаббат билан ўзи билган нарсаларнинг барчасини ўргатади. Пул ҳакида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Руҳий илм ўргатиш ва ўрганиш ўзаро меҳр-муҳаббат асосида қурилади.

Д-р Оливье. Мен бундай муносабатлардан умуман бехабар бўлганим учун сиз айтган гапларнинг кўпини тушунишим, қабул қилишим қийинроқ. Аммо, Худо ҳақиқатан ҳам ҳар биримизнинг қалбимизда мавжудлигини тан оламан, агар биз ўз ихтиёrimизни Унга топширсак, У бизни барча ташвишлардан халос этишини биламан. Бизнинг ягона бурчимиз - ҳаётда факат Худони рози қилиш учун яшашдан иборат. Мана шу масалада бироз қийинчиликларга дуч келамиз: Худонинг барча қонун-қоидаларга амал қилиб яшаш учун инсонда руҳий куч, иродга бўлиши керак. Бунга эса, тушунчалари бизники билан бир хил бўлган ҳамфирк одамлар орасида яшасак, ҳамиша улар билан бирга бўлсаккина эриша оламиз.

Шрила Прабхупада. Шунинг учун ҳам биз Кришнани англаш Халқаро жамиятини ташкил қилганмиз. Биз бу ерда одамларга қандай қилиб ҳаётда Худони мамнун қилиб яшаш мумкинлигини амалда кўрсатамиз. Бу жуда муҳим вазифа. Агар ўрганган илмимизга амал қилмасак - олган илмимиз ўлик таълимот, шунчаки сафсата бўлиб қолаверади. Бундай илм ҳам қандайдир фойда бериши мумкин, аммо бунда Худонинг даргоҳига борадиган йўлимиз жуда узоқлашиб кетади. Менинг шогирдларим ҳаётда руҳий фаолият билан машғул бўлиб яшашни ўрганяптилар, улар бунга қатъий ишонадилар.

Д-р Оливье. Сизга ўз миннатдорчилигимни изҳор этишга руҳсат этинг. Сизнинг юртимиздаги саёҳатингизни самарали қилишини Худодан тилаб қоламан.

Шрила Прабхупада. Харе Кришна.

## Руҳнинг танадан танага қўчиб юриши

Бундан олдинги ҳаётларимизни эслаи биз учун қизиқарли туюлиши мумкин, аммо аслида руҳнинг бир танадан бошқа танага қўчиб юришини билишишимиз бизга бошқа мақсадда - азобларга тўла кетма-кет тугилиши ва ўлишилардан иборат моддий ҳаёт чархпалагидан биратўла қутулиши учун зарур. 1973 йил Лондондаги маъруzasида Шрила Прабхупада шундай деб огоҳлантирган эди: "Аслида ўлиши ва яна тугилиши инсон ҳавас қиласа арзидиган иши эмас... Биз биламиз-ки, ўлгандан кейин яна тугилиши учун биз бирор она қорнига киришишимиз керак, ҳозирги оналар эса, ўз фарзандларини дунёга келтирмасдан қоринларидаёқ ўлдириб юборяптилар".

*дехино смин йатха дехе каумарам йауванам жара  
татха дехантара-праптирип дхираст матра на мухйати*

"Худди гўдак танасидан ёш бола танасига, кейин кекса чол танасига ўтгани сингари, танаси ўлгандан кейин руҳ бошқа танага ўтади. Бундай ўзгаришилар ўткир зеҳни, илмили кишини безовта қилмайди"(Б-г.2.13).

Мана шу оддийгина ҳақиқатни кўп одамлар тушуна олмайдилар. Шунинг учун ҳам Кришна: *дхираст матра на мухйати* - "Буни фақат ўткир зеҳни кишилар тушуна оладилар" деган. Бунинг нимаси қийин? Кришна бу ҳақиқатни оддий сўзлар билан тушунтирган. Инсон ҳаёти уч фаслага бўлинади. Биринчиси - *каумарам* - ўн беш ёшгача бўлган болалик даври. Ўн олти ёшдан кейин - *яуванам* - ёшлик даври бошланади. Кирк ёки эллик ёшдан кейин эса, кексайиш бошланади - жара. Шунинг учун, ўткир зеҳни, *дхира* кишилар ўзининг зеҳни, тафаккури ёрдамида: "мен танамни алмаштиридим" деб тан олиши мумкин. Мен болалигимда тўп ўйнаб, сакраб юрганимни эслай оламан. Кейин ёш йигит бўлиб дўйстларим даврасида, оиламда яшадим. Энди эса кексайдим, бу танам ўлгандан кейин эса мен бошқа танага эга бўламан".

Бундан олдинги шеърда Кришна Аржунга шундай деган эди: "Бизларнинг барчамиз - сен, Мен ҳамда мана шу жсангчи ва шоҳларнинг барчаси - аввал ҳам бор эдик, ҳозир ҳам мавжудмиз ва келажакса ҳам албатта бор бўламиз". Бу Кришнанинг айтган гаплари. Аммо, қандайдир ғофил одам албатта: "Мен қандай қилиб аввал ҳам мавжуд бўлганман? Мен ўзи фалонинчи йилда туғилганман, унгача мен йўқ эдим. Ҳозир эса борман, бу тўғри. Аммо ўлишим биланоқ йўқ бўлиб кетаман" - дейди. Лекин, Кришна айтяптики: "Сен, Мен ҳаммамиз бор эдик, ҳозир ҳам бормиз, бундан кейин ҳам албатта бор бўламиз". Бунинг нимасига ишонмайсиз? Бу инкор этиб бўлмайдиган факт, аниқ ҳақиқат-ку! Биз бу танада туғилишдан олдин бошқа танада эдик, ўлгандан кейин эса бошқа танада яна мавжуд бўлаверамиз. Буни тушуниш керак.

Мисол учун етмиш йил олдин мен чакалоқ эдим, кейин ёш бола бўлдим, энди эса - кекса чолман. Танам ўзгарди, аммо, тананинг эгаси бўлган "мен" аввалигидек мавжудман-ку! Наҳотки буни тушуниш шунчалик қийин бўлса? *дехино смин йатха дехе. дехинах - "тананинг эгаси", дехе эса - "танада" деганинг англаради.* Тана ўзгаради, аммо тананинг эгаси, рух ўзгармай қолаверади.

Танасининг ўзгарганини хар ким ўзи англай олади. Кейинги ҳаётида у яна ҳам ўзгаради. Буни эслай олмаслигимиз эса умуман бошқа масала. Олдинги ҳаётимда менинг танам қандай эди? Эслай олмайман. Биз ўз табиатимизга кўра уннутувчанмиз, агар биз эслай олмасак, демак бўлмаган нарса экан, дегани эмас-да! Мутлақо бундай эмас. Мен ёшлигимда қилган ишларимнинг кўпини унтиб юборганман, аммо ота-онам буни яхши эслайди. Демак, "мен унуддимми, бу гаплар бўлган эмас!" - дейиш, мантиқка тўғри келмайди.

Худди шундай, ажал, яъни ўлим олдинги ҳаётда ким бўлиб яшаганимизни унугиши деганидир. Ажал дегани шу. Мен - мангу руҳман, хеч қаҷон ўлмайман. Масалан, мен кийимларимни ўзгартираман. Болалигимда бир хил кийингланман, йигитлигимда - бошқача. Ҳозир, кексайган пайтимда эса, *саннйаси*(тарки дунё қилган одам) бўлганим учун - яна кийимимни ўзгартиридим. Аммо, "кийим алмаштириди" дегани - унинг эгаси ўлди, дегани эмас-ку. Ҳечам бундай эмас. Руҳнинг танадан танага ўтиб юришини шундай тушунтириш мумкин.

Бундан ташқари, биз ҳар биримиз, алоҳида шахс сифатида ҳамиша мавжудмиз. Кейин ҳаммамиз қўшилиб, бир бутун бўлиб кетишимиз ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизларнинг ҳар биримиз алоҳида шахслармиз. Худо ҳам алоҳида шахс, бизларнинг ҳар биримиз ҳам алоҳида мавжудмиз. *нитио нитианам четанании четананам. - "Барча онгли, мангу мавжуд бўлган алоҳида шахслар ичида биттаси Олий Шахсадир".* Уларнинг фарқи шундаки, Худо Шахси хеч қаҷон танасини ўзгартирайди, аммо биз моддий оламга келгандан сўнг, таналаримизни ҳамиша ўзгартириб, алмашлаб турасиз. Руҳий оламга қайтиб борганимиздан кейин биз ҳам тана алмаштирумаймиз. Кришнанинг *сач-чид-ананда-виграҳа* - "лаззат ва илмга тўла мангу танаси"

бор, худди шундай, сиз ҳам уйингизга, Худонинг олдига қайтиб борганингиздан кейин шунга ўхшаш руҳий танангизга эга бўласиз. Аммо, барибир сиз билан Кришна орасидаги фарқ ўзгармай қолаверади: Кришна ҳатто бу моддий оламга келганида ҳам танасини алмаштирмайди. Шунинг учун Унинг номларидан бири - *ачыйта*, "ҳеч қачон адашмайдиган Зот".

Кришна, Худо Шахси ҳеч қачон ўзгармайди. У ҳеч қачон ғафлат ботқоғига ботмайди, чунки ғафлат тимсоли бўлган бу моддий олам - *майя* Унинг ҳукми остида ҳаракат қиласди. Унинг моддий куввати бизга ҳукмронлик қиласди, аммо Кришна, Худонинг Ўзи моддий кувватни бошқариб туради. Кришна билан бизларнинг орамиздаги фарқ шундан иборат. У нафакат моддий, балки барча кувватларни, илоҳий кувватни ҳам бошқариб туради. Биз кўриб турган, намоён бўлган нарсаларнинг барчаси - Худонинг, Кришнанинг кувватидир. Худди ёргуллик ва иссиқлик күёшнинг кувватлари бўлгани сингари, бутун борлиқ Кришнанинг, Худонинг кувватидан пайдо бўлган.

Кувватнинг турлари кўп, Парвардигорнинг барча кувватларини уч тоифага бўлиш мумкин: ташқи, ички ва оралиқ кувватлар. Биз - тирик мавжудотлар оралиқ кувватга кирамиз. "Оралик" дегани, ўз ҳоҳишимиизга қараб биз ташки кувват таъсири остида ёки ички кувват таъсири остида бўлишимиз мумкин. Мана шу бизга Худо бериб кўйган "танлаш эркинлиги", яъни "мустакиллик"дир. "Бҳагавад Гита"ни айтиб бўлгандан кейин Кришна Аржунга шундай деди: *йатхеччаси татха куру* - "Ўз ҳоҳишингга қараб ҳаракат қил!" Кришна Аржуннинг ўз ҳоҳишига қараб иш тутишига имкон бериб турибди. Парвардигор унга Ўз амрини зўрлаб ўтказаётгани йўқ. Зўрлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Зўрлаб эришилган натижа узоққа бормайди. Масалан, мен шогирдларимга: - "Эрта туринглар!" - дейман. Мен ҳеч кимни бунга мажбур қилмайман. Албатта, баъзан мажбур қилишга ҳам тўғри келади, аммо, agar одамнинг ўзи истамаса, уни мажбур қилиш ҳеч қандай фойда бермайди. Худди шундай Кришна, Парвардигор ҳам ҳеч кимни бу моддий оламни тарк этишга мажбур қилмайди. Моддий оламдагиларнинг барчаси ташқи, яъни моддий кувват таъсири остида юрибдилар. Кришна бу оламга ана шу руҳларни, яъни бизларни ташқи кувват таъсиридан кутқариш учун келади. Агар боласи қийналалаётган бўлса унинг отаси, гарчи бевосита бўлмаса ҳам, барибир қийналади. Масалан, агар боласи ақлдан озиб қолса, ёки, гиёхванд бўлиб кетса, отаси бундан жуда қийналади: "Менинг фарзандим шундай қийинчилиқда, азоб-уқубатда яшаб юрибди!" Отаси бундан албатта қийналади. Худди шунингдек, моддий олам шароитига тушиб колган руҳлар ҳам азоб чекиб яшаяптилар. Бу ҳолат Кришнани жуда ташвишга солади. Шунинг учун ҳам У моддий оламга келиб, бизларга қандай қилиб оркага, ўз уйимизга қайтиш йўлларини ўргатади. *йада йада ҳи дхармасиа гланир бҳавати...тад-атманам сриджами аҳам* - "Ҳақиқий дин конунлари таназзулга юз тутиб, одамлар орасида имонсизлик авж олганда Мен Ўзим келаман".

Бу дунёга келганида Кришна бизнинг олдимизда Ўзининг асл қиёфасида намоён бўлади. Аммо биз, баҳтга қарши, Кришнани ўзимизга ўҳшаган одамлардан бири деб қабул қиласиз. Бир томондан У ҳам бизлар сингари рух: У Ота, бизлар эса Унинг фанзандларимиз. Аммо, Кришна барча тирик зотлар ичидаги энг буюги, энг олий Зот: *нитийа нитийанам четанаши четананам*. У бизлардан қудратли. У энг қудратли Зот. Биз ҳам қудратга эгамиз, аммо Кришнанинг қудрати чексиз. Кришна ва бизнинг орамиздаги фарқ мана шундай. Биз ҳеч қачон Худога тенг бўла олмаймиз. Кришнага тенг ёки Ундан улуғроқ Зот йўқ. Бошқа барча тирик мавжудотлар Унинг хукми остида. *екале ишвара кришна, ара саба бхритийа*: - "Ҳамма тирик мавжудотлар Кришнанинг хизматкори". Кришна, Парвардигор - ягона хукмдор. *бҳоктарам йажсна тапасам сарва лока-махешварам*: - "Мен - ягона лаззатланувчиман, Мен ҳамма нарсанинг эгасиман" - дейди Кришна, бу ҳақикатан ҳам шундай.

Биз танамизни алмаштириб турдикамиз, аммо Кришнанинг танаси ўзгармайди. Буни англаб етиш жуда муҳим. Бунинг исботи шундаки, Кришна аввал ўтган нарсаларни, ҳозир бўлаётган нарсаларни ва келажакда бўладиган нарсаларни билади. "Бҳагавад-Гита"нинг тўртинчи бобида Кришна бир юз йигирма миллион йил аввал "Бҳагавад Гита" фалсафасини Қўёш маъбудига айтганман, дейди. Кришна буни қандай қилиб эслай олади? Чунки, У танасини ўзгартирмайди. Биз ҳамма нарсани унугиб қийналишишимизнинг боиси шундаки, ҳар бир лаҳзада танамиз ўзгариб туради. Бу ҳақикатни замонавий тибиёт илми ҳам тасдиқлаган. Ҳар секунд сайин қон ҳужайралари алмасишиб туради. Аммо, бу жараён ташқаридан сезилмайди. Шунинг учун ҳам отона ўз фарзандининг улгаяётганини пайқамайдилар. Агар бирор таниши ёки қариндоши орадан анча вақт ўтгандан кейин келиб қолса, у боланинг ўғсанини дарров пайқайди: "Буни қаранг, анча катта бўлиб қолибди!" деб ҳайратга тушади. Аммо, ота-онаси буни пайқамайди, чунки боласини улар ҳар куни кўриб юрадилар, танадаги ўзгаришлар эса ҳар лаҳзада сезилмас даражада рўй бериб туради. Демак, танам ҳамиша ўзгариб туради, аммо мен - тананинг эгаси бўлган рух, ўзгармай қолавераман. Соғлом фикрлай оладиган киши буни тушуниши керак.

Бизлар ҳар биримиз алоҳида мангу рухлармиз, аммо таналаримиз ўзгариб туради. Шу боис биз ҳар гал тугилиши, ўлиш, касаллик ва ўлиш пайтида азоб чекамиз... Кришнани англаш ҳаракати бизларни ана шу чексиз ўзгариб турувчи тана алмашишлардан бутунлай халос бўлишга ёрдам беради. Биз албатта: "Агар мен мангу рух бўлсам, ўша мангу ҳолатимга қандай эришсам бўлади?" - деб ўйлашимиз лозим. Ҳар бир инсон ҳаётда мангу яшагиси келади, ҳеч кимнинг ўлгиси келмайди. Агар сизга тўппонча ўқталиб: "Мен сени ўлдираман!" - десам, дарров кимларнидир ёрдамга чакира бошлисиз, чунки ўлишни истамайсиз. Аслида ўлиш, кейин яна тугилиш инсон ҳавас қиласиз, сезиб турдикамиз. Биламизки, ўлгандан кейин яна тугилиш учун биз бирор она қорнига киришимиз керак, ҳозирги оналар эса ўз фарзандларини дунёга келтирмасдан қоринларида пайтидаёқ ўлдириб юборяптилар.

Натижада яна бошқа она корнига киришга мажбурмиз... Тана алмашлаш жараёни узок ва жуда машаққатли кечади. Чеккан азобларимиз ўзимиз билмаган ҳолда хотирамизда сақланиб қолган, шунинг учун ҳам биз ўлишни истамаймиз.

"Мен мангү рух бўлсам, нега энди ўткинчи, вақтингчалик таналар ичидагиз чекишм керак? - деб ўйлаш керак. Мана шу энг ўринли савол - бу савол бизнинг энг муҳим муаммолизга тегиши. Аммо, ғоғил одамлар бундай гаплар устида бош қотирмайдилар. Уларни фақат еб-ичиш, ухлаб дам олиш, хирсий эҳтиросларини кондириш ва ўзини муҳофаза қилишгина кизиктиради. Аммо, қанчалик яхши еб-ичсангиз ҳам, қанчалик яхши яшасангиз ҳам барига бир охир-оқибатда, умрингиз охирида сизни ажал албатта топиб олади. Ўлим муаммоси ҳал бўлмай қолаверади. Ғоғил одамлар ҳаётнинг мана шу ҳақиқий муаммоси ҳақида ўйлагилари ҳам келмайди. Уларнинг бутун умри ўткинчи муаммоларни ҳал этишга кетади, аслини олганда уларни муаммо деб ҳам бўлмайди. Кушлар ҳам, ҳайвонлар ҳам еб-ичади, ухлаб дам олади, шаҳвоний хирсларини кондириб бола-чақа қиласидилар ва ўзларини муҳофаза қиласидилар. Бундай ишларни қилиш учун уларга олий маълумот ҳам, моддий тараққиёт ҳам шарт эмас.

Демак буларнинг ҳаммаси - энг муҳим муаммолар эмас. Энг муҳим муаммо шуки, ўлишни истамасак ҳам, ўлишга маҳкуммиз. Мана шу ҳақиқий муаммо.

Бефаросат одамлар буни тушуна олмайдилар. Улар ҳаётда ўткинчи, арзимас нарсалар ташвиши билан алданиб юраверадилар. Масалан, ҳаво жуда совук. Бу албатта муаммо, шунинг учун бизлар иссиқ кийим ҳамда уйни иситиш ғамини еб қўйишимиз лозим, акс ҳолда биз қийналамиз. Демак, қаттиқ совук бўлса, муаммо пайдо бўлади. Аммо, бу ўткинчи муаммо. Қиши тугаши билан совук ҳам тугайди. Бу ҳамиша давом этадиган муаммо эмас. Ҳамиша мавжуд бўлган мангү муаммо шундан иборатки, ғоғиллигим туфайли мен тугиламан, касалликлардан, кексаликдан қийналаман ва ниҳоят ўламан. Мана шулар менинг ҳақиқий муаммоларимдир. Шунинг учун Кришна шундай дейди: *жанма-мритӣ-жара-вийадҳи-дуҳкҳа-дошанударшанам* - "ҳақиқий илм эгалари тугилиши, ўлиши, касаллик ва кексайиши - инсон ҳаётининг ҳақиқий муаммолари эканини англай оладилар". Кришна яна шундай дейди: *ðҳираст татра на мухъяти* "Зеҳни ўткир одам танаси ўлаётганида руҳий ўзлигини ўйқотмайди". Агар ўлишга яхши тайёрланган бўлсангиз сиз ундан чўчимайсиз! Масалан, сиз ёшлигингида ҳаётда мустақил яшашга яхши тайёрланган бўлсангиз, олий маълумот олган бўлсангиз, бирор касб-хунар ўрганган бўлсангиз, ҳаётда қийналмай яшайсиз - яхши яшаб, баҳтли бўласиз. Худди шундай, агар ҳаётингиз давомида мангү уйингизга, Худонинг даргоҳига қайтишга ҳозирлик кўриб юрган бўлсангиз, ажалингиз етгандада сиз умуман безовта бўлмайсиз. Безовта бўлишга хеч қандай ҳожат қолмайди. Сиз биласизки: "Мен Кришнанинг олдига кетаман. Ўз уйимга, Худонинг даргоҳига бораман. Моддий таналарни кетма-кет алмашиб юришдан кутулдим, энди менда илохий(руҳий) тана бўлади. Бундан кейин мен Кришна

билан Унинг даргоҳида мангу қолиб У билан бирга лаззатланиб яшайман". Мангу руҳий ҳаётга тайёрланиши - Кришнани, Худони англаш жараёнидир.

Баъзан ўлаётган одам даҳшатга тушади, чунки гунохкор одам ўлим тўшагида ётганида қилган гуноҳлари сабабли унинг кўзига жуда қўрқинчли нарсалар кўринади. Гуноҳга ботган киши ўлганидан кейин бошқа бир даҳшатли танага эга бўлишини билади. Аммо, солих бандалар, Худога иймон келтириб яшаган тақводор инсонлар осон ўладилар. Баъзан бефаросат кишилар сўраб қоладилар: - Сизлар ҳам ўласизлар, Худога ишонмайдиган имонсиз одамлар ҳам ўлади, бу икки ўлим орасида қандай фарқ бор?" Жуда катта фарқ бор! Мушук оғзида ўзининг болаларини ҳам олиб юради, сичқонни ҳам. Ташқаридан қараганда у болаларини ҳам, сичқонни ҳам оғзида бир хилда олиб юрганга ўхшайди. Аслида эса, улар орасида жуда катта фарқ бор. Онасининг оғзидаги мушук боласи қувониб: "Онам мени қаергадир олиб кетяпти!" - деб ўйлади. Мушук оғзига тушган сичқон эса, ажали етганидан даҳшатга туша бошлайди. Улар орасидаги фарқ ана шундай. Гарчи, солиҳлар ҳам, Худога ишонмайдиганлар ҳам барибир ўлгани билан, ажали етганида улар қарама-қарши туйғуларни хис этадилар, уларнинг онги бир-биридан бутунлай фарқ қиласи - худди мушук оғзидаги мушук боласи билан сичқон сингари. "Ҳамма бир хил ўлади" деб ўйлаш бутунлай нотўғри. Балки таналари бир хил ҳалок бўлар, аммо уларнинг руҳий, ички кечинмалари ҳар хил бўлади.

Кришна "Бҳагавад-Гита"(4.11)да шундай дейди:

*жсанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттватах  
тийактва дехам пунар жсанма наити мам эти со аржуна*

Агар сиз шунчаки Кришнани, Парвардигорни англашга интилсангиз, ўлгандан кейин Унинг олдига борасиз. Кришна билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг барчаси руҳий, илоҳий табиатга эга: Кришнанинг ишлари, Кришнанинг кўриниши, Унга сигиниш, Унинг эҳромлари, Унинг номлари - барчаси илоҳий табиатга эга нарсалардир. Агар сиз шуларни тушунсангиз ёки тушунишга шунчаки ҳаракат қиласангиз - ўлиб-туғилишлар чархпалагидан озод бўласиз. Кришна буни ҳаммага ваъда берган. Шунинг учун Худони, Кришнани тушунишга, англаб етишга ҳаракат қилинг ва ҳамиша шундай ўйлар(Кришна онги) билан яшанг. Шунда - туғилиш, ўлиш, кексалик ва қасаллик билан боғлиқ муаммолар ўз-ўзидан осонгина ҳал бўлади.

Дхира, ўткир зеҳни инсон шундай мулоҳаза юритиши керак: "Мен мангу яшашни истайман. Нега ўлишим керак? Мен касал бўлишни истамайман. Нега касал бўлишим керак? Кексайишни истамайман, қарилек қаердан келади?" *жсанма-мритйу-жара вийадхи*. Мана шулар ҳақиқий муаммолардир. Уларни ҳал килиш мумкин, бунинг учун Кришнани англаш жараённи билан қизиқиб, Худони таниш, уни англаб етиш керак. Худони англаб етиш учун бизга муқаддас китоблар, "Бҳагавад-Гита" нозил қилинган, унда ҳамма нарса батафсил тушунтирилган. Ҳар ким ҳаётда ҳақиқий муваффакиятга эришишга интилиб яшаси керак. Сиз аслида бу моддий тана эмаслигингизни албатта тушуниб олишингиз керак. Сиз моддий тана ичига қамалган руҳсиз, аммо

хечам тана эмассиз. Масалан, қафасда қүш ўтирибди, лекин бу - қафас ҳам, қүш ҳам аслида бир нарса, яны "қафас - бу қүш" дегани эмас-ку. Факат қафасни тозалаб юриб қүшга ҳеч нарса бермасақ, у ҳалок бўлади. Худди шундай, биз ҳам руҳий қашшоқлигимиз сабабли ҳаётда қийналиб яшаймиз. Шу боис бу дунёдаги барча одамлар чексиз азоб-уқубатлар, мусибатлар, адо бўлмас муаммолар ичида яшайдилар. Бу ерда бизга факат руҳий озиқ етишмаяпти. Шунинг учун ҳам, еб-ичиш, ўйнаб-кулиш учун ҳамма нарса етарли бўлган энг бой давлат Америкада ҳам ёшлар ўз ҳаётидан лаззат, бирор маъно тополмай гиёхванд хиппиларга айланиб кетяптилар. Ёшлар ўз ҳаётидан қониқмаяптилар, чунки руҳий қашшоқлик уларни қаттиқ изтиробга солиб эзиз юборяпти. Сиз барча моддий бойликларга эга бўлишингиз мумкин, аммо руҳий, маънавий озиқ етишмаса, сиз ҳеч қачон баҳтли бўла олмайсиз.

Инсон ҳамиша руҳан ёшарид туриши керак. Сиз яхши англаб олингки: *аҳам браҳмасми* - "Мен тана эмасман, мен Браҳман, мангу руҳман". Шунда табиий равища баҳтга эришасиз. *браҳма-бхутах прасаннатма на шочати на канкишати самах сарвешу бхутешу*. Шунда бутун ер юзида ҳақиқий тенглик ва биродарлик ҳукмрон бўлади. Акс ҳолда бу тушунчаларнинг бари қуруқ гаплар бўлиб қолаверади.

Худони, Кришнани англамай туриб тенглик, биродарлик ва бошқа бирор баҳт-саодат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Инсон илохий даражага кўтарилиган заҳоти унинг кўз олдида ҳамма баробар бўлиб қолади. Акс ҳолда сиз: "Мен инсонман, икки қўлим, икки оёғим бор, сигирда эса қўллар йўқ, унинг оёқлари бор холос. Нимага мен уни ўлдириб емаслигим керак экан?" - деб ўйлайсиз. Шундай деб ўйлашга қандай ҳаддингиз сифди? Бир жониворни ўлдиришга нима ҳаққингиз бор? Сизда ҳақиқий тенглик ҳақида тўғри тасаввурга эга эмассиз, чунки Кришнани, ҳамманинг ягона эгаси бўлган Зотни, Худони танимайсиз, билмайсиз. Демак, бу дунёдаги маданият, маориф, таълим-тарбия, санъат, биродарлик каби тушунчалар шунчаки қуруқ гаплар.

Ҳақиқий инсон учун ҳаётда энг муҳим нарса - Кришнани, Худони англаб етишдан иборат. Шундагина жамиятдаги ҳар бир киши, бутун жамият баҳтли бўлади, баҳтли бўлишнинг бошқа йўли йўқ.

## Ҳақиқий ўзлигимиз ва уни ўраб олган таналар.

"Сиз олдинги ҳаётингизда ҳиссий лаззатларга гарқ бўлганингиз ва қилган гуноҳларингиз туфайли, тақдир(карма)ингизга лойиқ тана олганингиз учун ҳозир азобланяпсиз" - дейди Шрила Прабхупада 1976 йил 15 июнда Детройтдаги Ҳаре Кришина ҳаракатининг марказида қилган маърузасида.

*йатхажнас тамаси ѹукта упасте вийактам эва хи  
на веда пурвам апарам нашта-жсанма-смритис татха*

"Худди ухлаётган киши тушидаги танасини ўзиники деб ўйлаб, шунга мос равишида ҳаракат қилгани сингари, инсон ўзининг олдинги ҳаётларида қилган гуноҳ ёки савоб ишлари эвазига олган ҳозирги танасини "ўзим" деб ҳисоблайди. У на аввалги, на кейинги ҳаётлари ҳақида ҳеч нарса билмайди".(Ш-б.6.1.49).

Мана сизга моддий дунёда яшаётгани тирик мавжудотнинг ғоғиллигидан бир мисол. Биз ухлаганимизда ҳамма нарсани унугтамиш - исмимизни ҳам, яшаш жойимизни ҳам, банкадаги ҳисоб рақамимизни ҳам. Ҳаммаси унугтилади. Уйғонганимиздан кейин эса тушимизда кўрганларимизни унугтиб юборамиш. Аммо, хоҳ тушимизда бўлсин, хоҳ сергаклигимизда бўлсин, қилаётган ҳаракатларимизни назорат қилиб юрамиз. Тушимизда ҳам назоратчига ўхшаймиз, ўнгимизда ҳам. Ўзимиз мангур рух бўлган ҳолда, ҳаммасини бошимиздан ўтказамишу, аммо ўзимиз ўзгармай қолаверамиш: факат атрофимиздаги шароитнинг ўзгариб туриши бизни ҳамма нарсани унугтишга мажбур қиласи.

Худди шундай, ҳозир биз олдинги ҳаётимизда ким бўлганимизни эслай олмаймиз. Келгуси ҳайтимизда ким бўлишимизни ҳам билмаймиз. Аммо ўзимиз рух сифатида мангур эканимиз - инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Биз аввал ҳам бор эдик, ҳозир ҳам бормиз ва келажакда ҳам йўқолиб кетмаймиз. Кришна буни "Бҳагавад-Гита"да тушунтириб берган(2.12) "Эй Аржун, бизлар барчамиш: сен, Мен бу ерда турган жсангчи ва шоҳларнинг барчаси - аввал ҳам бор эдилар, ҳозир ҳам бор ва келажакда ҳам албатта мавжуд бўладилар". Мана шундай "мен - мангур рухман" деган тушунчадан инсоннинг ҳақиқий руҳий ҳаёти бошланади.

Бизлар мангур руҳлармиз, туғилмаймиз ва ўлмаймиз ҳам(*на жайате мрийате ва кадачит*). Моддий тана ҳалок бўлганида биз ўлмаймиз(*на ханияте ханијамане шарире*). Тананинг ўзгариб туриши бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Бизнинг болаликдаги танамиз аллақачон йўқолиб кетган, уни қайтаришнинг иложи йўқ. Ёшлиқдаги танамиз ўзгарди, уни ҳам топиб бўлмайди. Худди шундай, ҳозирги танамиз ҳам ўзгаради, унинг ўрнига бошқа тана оламиш(*татха дехантара-праптих*).

Рух танадан танага кўчиб ўтганида ўзининг олдинги қўпол танасини тарқ этади. Қўпол тана моддий унсурлардан таркиб топган, моддий нарсалар эса, ўзининг табиатига кўра эртами-кечми барибир ёмирилиб, йўқолиб кетади. Моддий нарсаларнинг табиати шундай. Аммо, мангур рух ўзгармас табиатга эга.

Демак, биз бирин-кетин таналарни алмаштириб юрамиз. Нимага моддий таналар ҳар хил бўлади? Чунки, мангур рух бўлган тирик мавжудот моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсирига берилади. Тирик мавжудот ўзига таъсири қилиб турган табиат гуналарига яраша қўпол моддий танага эга бўлади. Шундай қилиб, бизнинг ҳозирги танамиз - аввалги ҳаётимизда

қилган яхши-ёмон ишларимиз оқибатидир. кармана даива-нетрена жантур дехопапаттайе - "инсон аввалги ҳаётида қилган ишилари (карма) натижасида у ёки бу танага эга бўлади". Моддий табиат - кармамиз асосида ҳаракат киладиган машинага ўхшайди. Масалан, бирор касалга чалиндингиз дейлик. Табиат аёвсиз ҳаракат қиласверади: касаллик ривожланаверади ва сиз кийналаверасиз. Худди шундай, биз моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қолсак ва кармали(оқибат келтирадиган) ишлар билан машғул бўлсак, бир танадан иккинчи танага ўтиб юраверамиз. Моддий табиат қонунлари аёвсиз, бешафқат, бехато ишлайди.

Мана энди, биз онгли инсон танасида яшаш даражасига етган эканмиз, чукур ўйлаб кўришимиз керак: "Нега мен азоб чекишим керак?" Гап шундаки, биз *майа*(иллюзия, гафлат) таъсири остида чекаётган азобимизни лаззат деб қабул қиласиз. *майа* - "алданиш, йўқ нарсани бор деб қабул қилиш" деганидир. Гўё лаззат олаётгандек бўлсак ҳам, аслида биз қийналяпмиз.

Моддий тана ичидаги қамалган эканмиз, азоб-укубатларга дучор бўлишимиз мукаррар. Танамиз бизга азоб-укубат келтирувчи асбодири. Қаҳратон совуқ, жазира маисик - буларнинг барини моддий танамиз бўлгани учунгина сезамиз. Худди шундай, баъзи холларда тана орқали лаззат олгандек бўламиз. Аммо "Бҳагавад-Гита"(2.14)да Кришна шундай маслаҳат беради:

*матра-спаршаас ту каунтейа шитошна-сукха-духкха-даҳ  
агамапайино нитийас тамс титикишасва бхарат*

"Дунёвий баҳтни ҳам, мусибатни ҳам бизга танамиз олиб келади. Улар худди ёз ва қиши сингари келиб кетаверади. Шу боис ташвишланма, аксинча уларга сабр билан чидашни ўрган!" Биз бу моддий оламда яшар эканмиз баҳт ҳам, мусибатлар ҳам ўзидан-ӯзи келиб кетаверади. Улардан ташвишга тушмасликка ўрганишимиз керак. Бизнинг энг муҳим вазифамиз - ҳақиқий ўзлигимизни, аслида ўзимиз ким эканимизни англаб этишдан иборат. Бунга эришишда тўхтаб колмасдан ҳамиша олға юришимиз лозим. Ҳақиқий ўзлигини англаш - инсоннинг ҳаётдаги энг олий мақсадидир. Моддий танага эга эканмиз, бу дунёда биз турли баҳт ва мусибатларга дучор бўлаверамиз, аммо англаб этишимиз лозим бўлган энг муҳим нарса: "Мен - тана эмасман, мен - мангубурухман. Бу моддий танани мен олдинги ҳаётларимда қилган ишларим учун олганман". Мана шу ҳақиқий илмидир.

Соғлом фикрлай оладиган киши ўйланиши керак: "Мен мангубурухман бўлсам, танам эса шунчаки устимдаги моддий, вактинчалик қобиқ бўлса, бу таналарни алмаштиравериш азобидан кутулиб бўлмасмикан?" Инсон бўлиб яшашнинг маъноси шунда: моддий таналарни алмашлайвериш азобидан биратўла кутулиш йўлини излаш.

Бахтга қарши, ҳозирги даврда одамлар бу тўғрида умуман бош қотирмайдилар. Улар худди ақлдан озгандек ҳиссий лаззатларга муккасидан кетиб, ҳозир қилаётган ҳар бир иши учун келажакда албаттада жавоб бериши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. "Шримад-Бҳагаватам"(5.5.4)да бу холат шундай тасвириланади:

*нунам праматтах куруте викарма йад индрийа-притайа априноти*

*на садху манье йата атмано йам асанн ати клемешада аса дехах*

*"Қыладиган барча ишлари фақат ўз ҳиссиёт(нафс)ини қондиришига қаратилған кишилар, шубҳасиз, ақтисиз нодон кимсалардир. Улар ҳар хил бўлмагур ишларни қилиб, ўзларини бу дунёда кетма-кет тана алмашлаб юришига маҳкум этадилар, натижсада ҳар турли мусибатларга дучор бўладилар".*

Танамиз бизга ҳамиша азоб-уқубат олиб келишини тушуниб етмаймиз(клемешада). Баъзан қандайдир арзимас лаззат олишимиз мумкин, аслида эса, танамиз бизга фақат мусибат, азоб-уқубат келтиради. Буни куйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Олдинги замонларда қонунбузарни шундай жазолашган: унинг оёқ-қўлини боғлаб, қайнада дарёнинг ўртасига оборгандар. Сочидан тутиб, то охирги нафасигача сувга ботириб тургандар, нафас ололмай бўғилиб ўлишига оз қолганида сувдан чикариб, бир марта нафас олишга имкон бергандар. Кейин яна сувга босишган. Бир пайтлар шундай жазо бўлган. Бизнинг ҳаётда олаётган лаззатимизни ана шу жиноятчилининг сувдан бир лаҳзага чикиб, нафас олганида хис қыладиган лаззатига қиёслаш мумкин. Тирик мавжудотнинг моддий оламдаги ҳаёти аслида - аҳён-аҳёнда олинадиган заррача лаззат ҳамда узундан-узоқ азоб-уқубатлардан иборат.

Шунинг учун ҳам, шунчалик бадавлат бўлишига қарамай Санатана Госвами (у Хиндистондаги мусулмон ҳукуматида вазир лавозимида ишларди) Шри Чайтания Махапрабху олдига келиб, ундан: "Мен кимман? Нимага мен уч хил азоб-уқубатлар гирдобидаман?(ке ами, кене амайа жара тана-трайа) деб сўраганди. Жуда тўғри савол. Биз ҳаётда ҳамиша қийналиб яшаймиз: гоҳида танамиз ёки ақл(нафс)имиз, гоҳида бошқа тирик зотлар, гоҳида табиат кучлари сабабли безовта бўламиз. Уларнинг барчасидан кутулишни истаймиз, аммо бу мусибатлар муқаррар ҳолда яна қайтиб келаверади. Шунинг учун ҳақиқий руҳий устозни учратганда биринчи навбатда унга берадиган саволимиз шундай бўлиши керак: "Мен нега қийналиб яшаяпман?"

Аммо, биз ҳозир ғафлат боткоғига ботиб, шунчалик ҳайвонсифат бўлиб кетганимизки, ҳеч қаҷон ўзимизга ўзимиз бундай савол бермаймиз. Ҳайвонларнинг азоб чекиб юргани ҳаммага маълум, аммо ғофиллиги сабабли улар бунинг сабабини излай олмайдилар. Кассоб ҳайвонларни сўйгани олиб кетаётганида, улар ундан: "Нега мени сўйгани олиб кетяпсан?" - деб сўрамайдилар. Аммо, бирор одамни ушлаб ўлдирмоқчи бўлсангиз, у дарров дод-вой солади: "Нимага мени ўлдирмоқчисан? Нимага?" Инсон билан ҳайвонлар орасида жуда катта фарқ бор: фақат инсон ўзига "мен нима учун ҳаётда қийналяпман?" - деб савол бера олади.

Ким бўлишингиздан қатъий назар - президент Никсонми ёки оддий меҳнаткашми - барибир ҳаётда қийналишга, изтироб чекишга мажбурсиз. Бу инкор этиб бўлмайдиган факт, аниқ ҳақиқат. Ҳозир сиз моддий танангиз борлиги учун қийналяпсиз, ҳаётда қандай яшаётганингизга мос равища кейинги ҳаётингизни ҳам моддий тана билан таъминлайсиз. Сиз аввалги ҳаётингизда хиссий лаззатларга берилиб яшаганингиз туфайли, сиз ҳозир карма(тақдир)

инъом этган танангиз келтираётган азоблардан қийналиб яшаяпсиз. Ҳозирги ҳаёtingизда ҳам, факат хиссиёт(нафс)ингизнинг лаззатланишга бўлган табларини кондириш учунгина яшсангиз, руҳий илм олишга қизиқмасангиз, - кейинги ҳаёtingизда яна моддий танага эга бўлиб, азоб чекишга мажбур бўласиз. Табият қонунига биноан кейинги ҳаёtingизда оладиган танангизнинг шакли ўлаётган пайтингиздаги онг, ҳаёт ҳакидаги тасаввурингизга боғлиқ бўлади. Бошқа танага кирган заҳоти қийинчиликларингиз, мусибатларингиз янгидан бошланади. Она қорнидалик пайтингиздан бошлаб азоб уқубатларга дучор бўла бошлайсиз. Оёқ-қўллар кисилган ҳолатда, ҳатто тебранишга ҳам имкон тополмасдан тор қафас ичидаги бир неча ой қолиб кетиш - бундан ҳам қийин азоб борми? Ундан ташқари, ҳозирги вақтда она корнида пайтингиздәк ўлиб кетиш ҳавфи бор. Тугилганингиздан кейин эса сизни бошқа мусибатлар кутиб олади. "Мен нега изтироб чекишим керак? Бу мусибатлардан кутулишнинг иложи йўқман?" Миямизга ана шундай саволлар келиши учун бизда етарли ақл, фаросат бўлиши керак. Ҳаёлимизда ана шундай саволлар туғилмаса, ҳаётда ҳақиқий инсон бўлиб яшаш даражасига кўтарила олмадик, деб ҳисобласак ҳам бўлади. Бизнинг ҳаёtimиз ҳайвонлар ҳаётидан фарқ қилмайди. Ҳаётда учрайдиган мусибатларнинг асосий сабабини излаш - браҳма-жигийаса, Мутлақ Ҳақиқатга эришиш деб аталади. "Веданта-сутра"нинг энг бошида *атхато браҳма-жигийаса*, яъни: "*Инсон танасида тугилган тирик мавжудот Браҳман, Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати ҳақида савол бера бошлиши керак*" дейилган. Шу боис биз инсон танаси берадиган энг нодир имкониятдан фойдаланиб қолишимиз керак. Энг нодир инсон танасига эга бўлиб ҳам ҳайвонлар сингари фафлатга ботиб яшашда давом этмаслигимиз керак, ҳайвонлар онги пастлиги сабабли Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга интилмайдилар, улар ҳаёт қийинчиликларидан биратўла кутулиш йўлини изламайдилар.

Маълумки, турмуш қийинчиликларига барҳам бериш учун биз жонжадимиз билан ўзимизнинг ҳозирги ҳолатимизни, ҳаёtimизни сақлаб қолишга уринамиз. Нимага биз кўпроқ пул топишга уринамиз? Чунки, "Пулм бўлса мен ҳаётдаги барча қийинчиликларни бартараф кила оламан" деб ўйлаймиз. Шу тарзда ҳаёт учун кураш давом этаверади, ҳар бир инсон ўз хиссиётининг талабини кондириш билан ҳаётда лаззатланиб яшашга интилади. Аммо, сезгиларимиз орқали оладиган лаззат бизга ҳақиқий баҳт келтира олмайди. Ҳақиқий баҳт - бу руҳимиз оладиган баҳт, руҳий ҳаловатдир, унга факат Кришнага, Худога хизмат қилиш орқали эришиш мумкин. Мана шуни ҳақиқий баҳт деб аташ мумкин, биз баҳт деб юрганимиз эса, ана шу руҳий, ҳақиқий баҳтнинг арзимас сояси, аксидир, холос.

Моддий баҳт - худди сахрова кўринган сув сингари алдамчи нарсадир. Аслида сахрова сув йўқ, аммо ташналиқдан ҳолдан тойган ҳайвоннинг кўзига сахро олисдан сувга ўхшаб кўринади, шунда ҳайвон ана шу сароб бўлиб кўринган алдамчи сув томонга югурга бошлайди, натижада баттар чарчаб ҳалокатга учрайди. Биз биламизки сахрова сув йўқ, сув бўлиб кўринган нарса - кўёш нурларининг ярқираган акси холос, лекин, буни ҳайвонлар тушунмайди.

дилар. "Инсон бўлиб яшаш" деганда биз ҳайвонлар сингари хиссий лаззатларга алданиб қолмасдан, уларни тарк этиб, ҳақиқий инсон деган зотга муносаб бўлган илохий, руҳий баҳтга эришиш йўлини излаб яшашни назарда тутишимиз керак.

Ана шундай олий, руҳий баҳтга Худонинг муқаддас номларидан иборат бўлган қуидаги маҳа-мантрани тақорорлаш орқали эриша оламиз: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Рама Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Бу мантрани тақорорлашнинг қийин жойи йўқ, аммо шунинг ўзиёқ бизни бу моддий оламдаги барча қийинчиликлардан биратўла ҳалос эта олади. Ведавий муқаддас китобларда мусибатлардан қутулишнинг мана шу йўли тавсия қилинган.

Ҳаётда дуч келаётган турли хил мусибатларга ўзимиз содир қилаётган гуноҳ ишларимиз сабаб бўлади. Биз худди ҳар хил ноконуний ишлар қилиб юрган жиноятчига ўхшаймиз. У: "Мен мана шуни ўғирласам, албатта баҳтли бўламан!" - деб ўйлади. Ҳаётини ҳавф остида қолдириб у ўғирлик қиласди. Агар полиция ушласа албатта қамашини, жазолашини ўғри яхши билади, лекин, барибир ўғирлик қиласверади. Нимага? нунам праматтаҳа - у хиссий лаззатланиш касали(нафс балоси)га гирифтор бўлган, бунинг бошқа сабаби йўқ.

Демак, биз ана шундай хиссий лаззатларга гуноҳкорона интилиш истагидан қалбимизни поклашимиз лозим. Чунки истаклар бизни ўзларига кул қилиб олади, бунинг оқибатида эса турли азобларга дучор бўламиз. Муқаддас китобларда хозир биз яшаётган даврда ана шундай моддий истаклардан қутулишнинг осон йўли кўрсатилган: бунинг учун ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини, яъни Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрсангиз, бас.

Бу - Парвардигор Чайтаняй Маҳапрабхунинг бизга кўрсатган буюк марҳаматидир. *Чето-дарпана-маржанам бхава-маха-давагни-нирвананам*. Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш натижасида сиз кетма-кет тана алмаштиришлар сабабли чекаётган азоб-укубатлардан қутуласиз. Шунчаки, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрсангиз бас! Ким бўлишингизнинг, қайси динга, қайси миллатга мансублигингиз ёки танангизнинг ранги, эгал-лаб турган лавозимингизнинг мутлако аҳамияти йўқ. Худога шукурки, ҳар бир инсонга тил ва қулоқлар ато этилган. Бу мантрани, Худонинг муқаддас номларини ҳамма тақоролай олади: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

Зикр қилинг ва баҳтли бўлинг! Ҳаре Кришна.

## Психологиянинг моҳиятини англаш

1972 йил 3 октябрда Кришнани англаш Ҳалқаро жамиятининг Лос-Анжелесдаги бутун жаҳон марказида психолог Жералд Фрейзер Ҳазрат

*А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада билан учрашиди. Қуийда уларнинг сұхбати көлтирилган.*

Д-р Фрейзер. Мен сиздан сўрамоқчи эдимки, агар шогирдларингиздан бирор-таси қандайдир жисмоний ёки руҳий касалга чалинса, сиз нима қиласиз? Уларга қандай ёрдам берасиз; унинг муаммосини ўзини булардан юкори тутишни маслаҳат бериб ҳал қиласизми?

Шрила Прabhупада. Ҳа, биз факат илоҳий мавжудлик мавзусида сұхбатлашамиз, тана, ақл ва тафаккур сатҳидаги мавжудларларга эътибор бермаймиз. Бизнинг мавжудлигимиз тўрт сатҳда бўлиши мумкин: - тана сатҳида, яъни ҳиссиётимиз ҳаёти; - ундан юкорироқ турадиган ақл сатҳида; - тафаккур сатҳида; руҳий сатҳда - яъни руҳий ҳаёт. Биз теварак-атрофни бевосита сезгиларимиз ёрдамида ҳис қилиб сезиб яшаймиз. Атрофимиздаги ҳамма нарсани ҳиссий аъзоларимиз орқали қабул қиласиз.(*индирийани парани ахх*). Масалан: ҳозир мен сизнинг магнитофонингизни якқол кўриб турибман. Бу сезгилар орқали қабул қилиш хисобланади. Аммо, сиз менга магнитофонни кўрсатмай, уни ўз сўзларингиз билан таърифлай бошласангиз, мен уни ақлим билан кўрган бўламан. Бу икки кўриш - ҳиссиёт ва ақл орқали кўриш бир-биридан фарқ қиласи. Мутахассис бу магнитофонни қандай мукаммалроқ қилиш устида бош қотирганида, у магнитофонни тафаккури ёрдамида кўради. Бу бошқа кўриш бўлади. Шундай қилиб ҳатто моддий ҳаётда ҳам кўришнинг уч сатҳи мавжуд: сезгилар орқали, ақл ёрдамида, тафаккур ёрдамида. Руҳий кўриш эса булардан ҳам устун туради. Алоҳида руҳ(жон) теварак-атрофни моддий сезгилар, ақл ва тафаккур ёрдамида англаб, билиб олади. Биз ана шу руҳий сатҳда сұхбатлашамиз. Аминмизки, агар инсон руҳан тетик, соғлом бўлса, унинг танаси, ақли ва тафаккури ҳам жойида бўлади. Биз шунга қараб иш тутамиз. Агар сизнинг юз доллар пулингиз бўлса, демак сизда эллик доллар ҳам, йигирма беш доллар ҳам, ўн доллар ҳам албатта бор бўлади. Биз шогирдларимизни илоҳий, руҳий илмга ўргатамиз. Руҳий илм маъносини тушунишлари учун улар эрта туришлари, ювениб покланишлари, факат *кришна-прасад*(Кришнага тақдим этилган вегетариан овқат) еб яшашлари, баъзи номаъкул нарсалардан ўзини тийиб юришлари лозим. Улар гигиенага, тозаликка риоя қилиб юрганлари учун саломатлик муаммоси ҳам ўзидан-ўзи ҳал бўлади. Биз врачларга кўп пул сарфламаймиз. Охирги етти йил ичida мен бирор марта врачга мурожаат килмадим. Шогирдларимнинг аксарият кўпчилиги хеч қандай касалга чалинмайдилар. Аслида тананинг саломатлиги унинг ичидаги мангу руҳнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Тана ичida сиз, яъни мангу руҳ борсиз. Сизнинг шарофатингиз билан танангиз соғлом кўринади. Мангу руҳ танани тарк этиши билан тана бузила бошлайди. Тирик ва ўликнинг фарқи ҳам шунда. Тананинг ичida мангу руҳ мавжуд пайтда танани тирик дейдилар, руҳ танадан чиқкан заҳоти у танани ўлик, яъни жасад деб айтадилар. Шунинг учун инсон ҳамиша руҳий жиҳатдан тетик, соғлом бўлиш керак. Шунда сизнинг танангиз ҳам, ақлингиз ҳам, тафаккурингиз ҳам соғлом бўлади.

Мангу рух ҳақида гап очган эканмиз, айтингчи, сиз рухни қандай тасаввур қиласиз?

Д-р Фрейзер. Ҳа, аниқ тасаввур кила олмайман.

Шрила Прабхупада. Қандай тасаввур қиласиз?

Д-р Фрейзер. Уни таърифлаш қийин. Бу - таърифлаб, изоҳлаб бўлмайдиган бизнинг асл моҳиятимиз.

Шрила Прабхупада. Йўқ, бу тушунча эмас. Бу инкор этиш. Агар мангу рухни ҳақикатан ҳам англаб етмасак, уни яққол ҳис қиласак, руҳий илм ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Д-р Фрейзер. Мангу рух деганда, мен ҳиссий аъзоларимдан, сезгиларимдан фойдаланмаган вақтимда ҳис қиласетган ўзлигининг бир қисмини назарда тугаётган бўлсангиз керак.

Шрила Прабхупада. Ҳиссий органларингиз танангизда мангу рух мавжуд бўлгани учунгина ҳаракат қила оладилар. Танангиз ичидаги руҳ бўлгани учунгина сиз қўлингизни кўтара оласиз. Руҳ тарк этган заҳоти танангиз шунчаки моддий унсурлар тўпламига, ўлик жасадга айланаб колади.

Д-р Фрейзер. Демак, тана руҳга боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида мавжуд эканда?

Шрила Прабхупада. Ҳа. Руҳ - танага ҳаёт бағишловчи, уни ҳаракатга келтириб турган куч. Руҳ сизнинг танангизда, менинида, чумоли танасида, фил танасида, қискаси ҳамма жойда мавжуд.

Д-р Фрейзер. Ўлгандан кейин у бизнинг танамизда қоладими?

Шрила Прабхупада. Ўлим дегани - сиз танангизни тарк этиб кетдингиз дегани. Аммо ҳар хил бошқа мангу руҳлар тана ичидаги қолаверадилар - бактериялар, паразитлар, микроб ва бошқалар. Танангизда сон-саноқсиз мангу руҳлар бор, уларнинг ҳаммаси алоҳида мавжуд руҳлардир.

Д-р Фрейзер. Мангу руҳлар - алоҳида шахсларми?

Шрила Прабхупада. Ҳа. Сиз ҳам алоҳида шахс, мен ҳам алоҳида шахс, атрофимиздаги одамлар ҳам - ҳаммаси алоҳида шахслар.

Д-р Фрейзер. Барча мангу руҳларга хос умумий белги нимада?

Шрила Прабхупада. Улар сифат жиҳатидан бир хил. Худди сиз билан мен сингари: сиз инсонсиз, мен ҳам инсонман, сизда икки кўл бор, менда ҳам, сизда икки оёқ, менда ҳам. Лекин, барибир биз бир-биримиздан фарқ қиласиз. Мана шу фарқ - ҳар биримизнинг алоҳида шахслигимиздир. Шуни англаб этиш - Худони, Кришнани англашдир.

Д-р Фрейзер. Агар бирор ўзининг ҳиссий ёки ақлий муаммоси билан сизга мурожаат қиласа, аммо ўзи ҳали руҳий сатҳга кўтарила олмайдиган бўлса, сиз нима қиласиз? У ҳар қандай моддий муаммоларни ҳал қила олиши учун сиз уни руҳий сатҳга кўтариб қўясизми?

Шрила Прабхупада. Ҳа, Кришнани англаш ҳаракатининг мақсади шундан иборат. Кришнани англаш даражасига етган кишининг жисмоний танаси, ақли ёки тафаккури билан боғлиқ бўлган бирор муаммо қолмайди.

Д-р Фрейзер. Мени қизиқтираётган нарса, сизга мурожаат қилған кишини сиз руҳий даражага қандай күтариб қўясиз? Сизнинг қандайдир даволаш усулингиз борми?

Шрила Прабхупада. Ҳа. Худди сиз тиббий усул билан даволагандек, биз хам одамларни Кришнани англаш жараёни билан, Кришна онгидаги ҳаракат қилиб яшаш билан даволаймиз.

Д-р Фрейзер. Буни батафсилоқ тушунтириб бера оласизми?

Шрила Прабхупада. Бизнинг усулимиз - ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш. Бу худди илон чаққан кишини даволашга ўхшайди. Ҳиндистонда илон чаққан кишини даволаганларини кўрганмисиз? У ерда ҳозир ҳам шундай табибларни учратиш мумкин. Агар бирор киши илон чаққандан кейин хушидан кетиб қолган бўлса, табиб маълум бир мантраларни зикр қилиш ёрдамида уни аста-секин хушига келтиради. Бу моддий усул. Бизлар эса - мангу руҳлармиз, ҳозир ҳар биримиз касалмиз - жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам. Биз Худонинг муқадас номларини, мантра зикр қилиш билан қалбимизда мудраб ётган руҳий онгни ўйғотамиз, ана шу онг бизни жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам, тафаккуримизни ҳам даволайди.

Д-р Фрейзер. Ўйлайманки, бундай усул амалда ёрдам бериши учун инсон ҳаёт ҳакида маълум бир тасаввурга, ўз фикрига, тушунчага эга бўлиши, яъни унда ана шу усулга чукур ишонч бўлиши керак.

Шрила Прабхупада. Йўқ. Биз мантра зикр қилиш орқали инсон онгидаги соғлом фикр яратамиз. Мантра зикр қиласиз, бошқаларни ҳам биз билан бирга зикр қилишга таклиф қиласиз. Натижада улар ҳар қандай жисмоний тана, ақл ва тафаккур хасталикларидан ҳалос бўладилар.

Д-р Фрейзер. Кўпчилик одамлар таклифингизга кўшилмайдилар. Улар даволаниш учун бошқалардан ёрдам сўрайдилар. Улар фикрини бир жойга жамлаб мантра айтишга, ўз кучларига ишонмайдилар. Улар ҳақиқий ўзлигини англашга интилишни ўрганмаганлар.

Шрила Прабхупада. Шунга қарамай Ҳаре Кришна мантрасини тақорорлаш билан ўзининг жисмоний, ақлий ҳамда идрок муаммоларини бартараф этишга қарор қилған шогирдларимиз кўп. Жуда кўп. Улардан хоҳлаганингиз билан сұхбатлашиб кўришингиз мумкин.

Д-р Фрейзер. Бу усул билан барча муаммоларини ҳал қилиб, Кришнани англаш даражасига етган шогирдларингиз бу ерда қоладиларми, ёки жамиятга кайтиб яна ишга жойлашадиларми?

Шрила Прабхупада. Баъзилар айнан шундай қиласидилар. Масалан, мана бу шогирдимиз - кимё фанлари доктори. У бу борада тадқиқот ишларини давом эттиряпти, аммо Кришнани англаш ҳаракатида ҳам хизмат қиласиди. Бизда профессорлар ҳам, ишчилар ҳам кўп. Эҳромда яшаш шарт эмас. Ҳар ким ўз уйида, оиласи билан биргаликда Кришна онги билан яшаси мумкин. Аммо эҳромда, бошқа содиклар орасида яшаб, Кришна онги билан ҳаёт кечириш осонроқ. Улар билан ҳамсұхбат бўлиб юриш жуда муҳим аҳамиятга эга, улар даврасида бўлиш инсон онгига кучли таъсир кўрсатади.

Д-р Фрейзер. Сиз шогирдларингизни танасини ўз иродасига бўйсундиришга ўргатасизми?

Шрила Прабхупада. Ха. Рухий ҳаёт кечираётгандар учун гўшт ва мастилувчи нарсалар истеъмол қилиш, зино(ноконуний жинсий ҳаёт), қимор ман этилган. Таъқиқланган нарсалардан баъзилари шулар. Таъқиқланган нарсалардан ташқари жуда кўп қонун-коидалар ҳам бор. Коидалар ва ман қилинган нарсалар бизга танамизни ўз иродамизга бўйсундиришга ёрдам беради. Бизнинг шогирдлар кино, ресторонларга бормайдилар, чекмайдилар, ҳатто улар чой ёки кофе ҳам ичмайдилар. Биз бундай кераксиз нарсаларга маблағ сарфламаймиз, шунингдек врачларга ҳам деярли эҳтиёжимиз йўқ.

Д-р Фрейзер. Ноқонуний жинсий алоқа дедингиз. Қандай жинсий алоқа қонуний ҳисобланади?

Шрила Прабхупада. Қонуний жинсий алоқа, авваламбор, никоҳидаги хотини билан бўладиган жинсий алоқа ҳисобланади. Жинсий алоқа қилиш учун инсон никоҳда турган бўлиши керак, эркак киши хотини ҳайд кўрмаган кунлари ойда бир марта хотини билан жинсий алоқа қилиши мумкин. Хотини ҳомиладор бўлгандан кейин ҳар қандай жинсий алоқани тўхтатиш керак. Рухсат этилган жинсий ҳаёт мана шундан иборат.

Д-р Фрейзер. Ноқонуний жинсий алоқа билан шуғулланган шогирдларни жазолайсизми?

Шрила Прабхупада. Жазо табиий ҳолда ўзидан-ўзи келади. Табиат қонунларини бузган заҳоти, сиз албатта жазога маҳкум бўласиз. Мисол учун, сиз овқатланяпсиз дейлик. Агар керагидан сал кўпроқ есангиз, жазо сифатида қорнингиз оғрий бошлайди. Бу табиат қонуни. Агар жинсий алоқа билан ортиқча шуғуллансангиз, импотент(жинсий ожизлик) касалига учрайсиз. Агар таъқиқланган нарсаларнинг барчасига - зино, арокхўрлик, қимор, гўшт ейишларга муккасидан кетсангиз, рухий ҳаёт, илоҳий онг нима эканини ҳеч қачон тушунмайсиз. Мана шунинг ўзи энг катта жазо эмасми? Агар сиз илоҳий онг, рухий(маънавий) ҳаёт мазмунини тушуниб етмасангиз, ҳайвондан нима фарқингиз қолади? Сиз ғафлат ботқоғига ботиб қоласиз. Инсон учун шунинг ўзи энг катта жазо эмасми - инсон танасигина қодир бўлган шунча имкониятлардан маҳрум бўлиб, худди ҳайвонлар сингари пасткаш ҳаёт билан яшаш!

Д-р Фрейзер. Шундай эканлигига ишонаман, аммо, ана шундай ғафлат ботқоғидан қандай кутулса бўлади?

Шрила Прабхупада. Сиз Худони таниган заҳоти илмингиз мукаммал даражага етади. Худони танишга, уни англашга қодир бўлмасангиз, ғофил ҳайвон даражасида қолаверасиз. Ҳайвонларга Худо ҳакидаги илмни тушунтириб, англатиб, Худони танитиб бўлмайди, - Худони факат ҳақиқий инсонларгина англай оладилар. Шу боис факат инсонлар жамиятида шунча муқаддас китоблар мавжуд. Аммо, сиз айнан Худони англаш учун берилган нодир инсон умрининг имкониятидан фойдаланмасангиз, ҳайвонлигингизча қолаверасиз.

Д-р Фрейзер. Аввалига Худони таниган, Кришна онгига эришган, аммо кейин адашиб, яна жисмоний, аклий ёки фикрий хаётга, яни дунёвий хаётга шүнгигб кетган одамларни учраттганимисиз?

Шрила Прабхупада. Ҳа. Бу худди касалга чалиниб даволанган, кейин яна касалланган кишига ўхшайди, инсон Худони англаши, Уни таниши, кейин эса яна моддий хаётга берилиб кетиши мумкин. Аммо, рухий хаётингизни, рухий иродангизни ҳамиша қувватлантириб турсангиз, ҳеч қачон йўлдан адашмайсиз.

Д-р Фрейзер. Кришнани, Худони англашнинг, Кришна онгининг маъноси нимадан иборат эканини менга тушунтириб бера оласизми?

Шрила Прабхупада. Унинг маъноси Худони англаб етишда.

Д-р Фрейзер. Худони англаш ва табиат қонунларига амал қилиб яшашми?

Шрила Прабхупада. Кришнани англашнинг маъноси Худони таниш ва Уни севиш демакдир. Биз одамларга айнан мана шуни тарғибот қиласиз. Инсон умри, инсон танаси тирик мавжудотга Худони таниш ва Уни севиш учун берилган.

Д-р Фрейзер. Мен сизнинг фикрингизни тушуняпман. Ҳаётда Кришна онги билан яшаш менинг тушунчам бўйича - табиий равишда, табиат қонунларига бўйсуниб яшаш демакдир. Ҳаддан ташқари кўп ейиш, очкўзлик, бузуклик ва ҳар қандай ҳаддан ошишлар табиат қонунларига хилоф ҳисобланади.

Шрила Прабхупада. Энг муҳими - сиз тана эмаслигингизни, мангу рух эканингизни англаб етишингиз керак. Сиз моддий тана ичида бўлганингиз учун шу танага боғлиқ бўлган ҳар хил қийинчиликларга маҳкумсиз. Бизнинг барча мусибатларимизнинг сабабчиси моддий танамиз ҳисобланади. Шу боис тана биз учун бир муммодир.

Д-р Фрейзер. Аввал айтиб ўтганингиздек, мангу рух ва моддий тана бирбиридан фарқ қиласи, шундай экан комил рух ҳам тана ичида жисмоний азобларга чалинадими? Бошқача қилиб айтсак, Кришна онгига бўлган киши ҳам касалланадими?

Шрила Прабхупада. Тана касал бўлишга маҳкум. Ундан қандай қутулса бўлади? Аммо мен ўзимни тана деб ҳисобламасам, уни ўзимга қиёсламасам - касаллик мени унча безовта қилмайди. Масалан, икки киши автомобилда кетяпти. Тўсатдан авария рўй беради. Машина эгаси қийналади, аммо, иккинчи одам, гарчи у ҳам шу машинада кетаётган бўлишига қарамай хотиржам қолаверади. Нимага? Шуни сиз психология нуктаи-назаридан тушунтириб бера оласизми? Машина эгаси қийналапти, ташвишланяпти, унинг ёнидаги дўсти эса хотиржам. Машина эгасининг қийналишига сабаб нимада?

Д-р Фрейзер. Машина унинг мулки-да.

Шрила Прабхупада. Ҳа. Машина эгаси ўз мулкини қайғуряпти. "Вой, машина менинг пачаги чиқди!" Ёнидаги ўртогида эса эгалик туйгуси бўлмагани учун у бутунлай хотиржам. Худди шундай, тана руҳдан фарқ қиласи, мана шу ҳакиқатни англаб етсангиз, сиз бу тананинг мангу эгаси эмаслигингизни тушунсангиз, сиз ҳам бу дунёда қийналмай яшайсиз.

Д-р Фрейзер. Демак, Кришна онгидаги киши жисмоний касал бўлиши мумкин, аммо бу касалдан у рухан эзилмайди?

Шрила Прабхупада. Ха, у бундан қаттиқ азият чекмайди. У худди машинаси пачақ бўлганда унча эътибор бермай: "Машинам пачақ бўлди, анча харажат бўлади, ҳечқиси йўқ!" - дейдиган кишига ўхшайди. Аммо, машинасига қаттиқ боғланиб қолган киши бошқача ўйладиди: - "Вой-дод, менинг машинам ҳароб бўлди!" Шундай қилиб, ўзини тана деб ҳисоблайдиган киши қаттиқ азобланади, аммо ўзи аслида тана эмаслигини биладиган киши азобланмайди, у танасига боғланиб қолмаган. Бу ҳар кимнинг онгига, тушунчасига боғлик. Кришна онгига эга бўлган киши касал бўлиши мумкин, аммо у бунга катта аҳамият бермайди: "Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Ўз вазифамни бажарища давом этавераман. Ҳаре Кришна!" Фарқи мана шунда. Бу ҳар кимнинг англаш кобилиятига, онгига боғлик.

Д-р Фрейзер. Аҳмоқона фикр-ҳаёллар безовта қилаётган киши сиздан маслаҳат сўраса нима қиласиз?

Шрила Прабхупада. Агар киши Кришна, Худо ҳакидаги ўйлар билан банд бўлса, унинг аҳмоқона ўйларга берилишига вақти қолмайди. Инсон ҳар бир муайян вақтда фақат бир нарса ҳақидагина ўйлай олади, шунинг учун агар сиз кун бўйи Кришна ҳақида ўйлаб юрсангиз, сизда аҳмоқона фикрлар пайдо бўлмайди, сизни безовта қилолмайди.

Д-р Фрейзер. Агар мен сизни тўғри тушунган бўлсам, Кришна онгидаги кишилар аҳмоқона фикрлардан, уларни биратўла унтиши ва овоз чиқариб айтмаслик орқали эмас, аксинча уларни эсламай, юзага чиқармай халос бўладилар.

Шрила Прабхупада. Бу мана бундай бўлади: Жамиятилизга одамлар ўзларининг ҳар хил аҳмоқона ҳаёллари билан келадилар, аммо ҳамиша мантра айтиб, зикр қилиб юриш шарофати билан улар аҳмоқона ўйлардан халос бўладилар.

Д-р Фрейзер. У ўзининг аҳмоқона фикрларини ҳеч кимга айтмайдими?

Шрила Прабхупада. Айтиши мумкин, айтмаслиги ҳам мумкин, бунинг аҳамияти йўқ. Нима бўлса ҳам у ўзининг аҳмоқона фикрларидан халос бўлади.

Д-р Фрейзер. Мен бир нарсани ҳеч тушуна олмаяпман. Сиз ва сизнинг шогирдларингиз бошқаларни жамиятиянгизга жалб қилишга ҳаракат қиласиз? Нимага?

Шрила Прабхупада. Сиз ҳам худди шундай қиласиз. Сизнинг олдингизга касал одам келса, уни соғайтирасиз. Бу ҳам бошқаларни ўз жамиятиянгизга жалб қилиш эмасми?

Д-р Фрейзер. Ха, тўғри. Аммо, менинг олдимга улар ўзлари келадилар. Сизлар эса уларни ўзларингиз жалб қиласизлар.

Шрила Прабхупада. Демак, бизлар кийналаётган одамларга нисбатан сиздан кўра раҳмдилроқ, меҳрибонроқ, ҳамдардроқмиз. Сиз даволаганингиз учун пул ҳам оласиз, биз эса ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламай уларга илм,

ёрдам берамиз. Шунинг учун бизлар қийналаётганларга сиздан кўра яхшироқ дўстмиз, яхшироқ ҳамдардиз.

Д-р Фрейзер. Агар баъзи бировлар гапингизни тинглагиси келмаса нима киласиз?

Шрила Прабхупада. Демак, шундай бўлиши керак. Масалан, мева сотувчи ўз мевасини мақтаб сотади: "Мана, жуда яхши пишган манго!" Бу - ҳамма бориб албатта шу мангони олади дегани эмас-ку. Манго яхши нарса, агар кимдир уни сотиб олмаса, бу - манго ёмон экан дегани эмас. Шунчаки, у одамнинг омади келмади, яхши мангодан насибаси йўқ,

Д-р Фрейзер. Мен врачларнинг даволагани учун пул олиши ҳақида ўйляпман. Акс ҳолда врачлар қандай кун кечирадилар?

Шрила Прабхупада. Гапингиз тўғри, сиз врач-мутахасисиз, бу сизнинг ишингиз. Аммо биз ўз исимизни тирикчилик килиш учун қилмаймиз. Биз хеч кимдан ҳеч қандай ҳақ таъма қилмасдан Худо ҳақидаги илмни текин тарғибот қиласиз. Биз Кришнани, Худони англаш илмини, ҳаммага баҳтсаодат келтирадиган ана шундай улуғвор илмни ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламай кенг ҳалқ оммасига ўргатамиз.

Д-р Фрейзер. Аммо, менимча сизнинг ҳаракатингизга қўшилган киши ўз вактини, ўзининг куч- қувватини курбон қиласди...

Шрила Прабхупада. Ҳа, у бизга ҳамма нарсасини беради. Масалан, мана бу содикларни олинг. Улар Худо ўйлида ҳамма нарсасини курбон қилдилар. Нимага улар шундай қиляптилар? Биз улардан ҳеч нарса талаб қилмаймиз. Улар аҳмоқ бўлганлари учун ҳамма нарсаларини Кришнага берди, деб ўйлайсизми? Сиз буни қандай тушунасиз?

Д-р Фрейзер. Улар ўз хоҳишига қараб иш тутганлар. Улар ўз хоҳиши билан бутун ҳаётини, бутун борлигини Худога, Кришнага берган.

Шрила Прабхупада. Ҳа, бу табиий ҳол - Кришна учун, Худо учун ҳамма нарсадан воз кечиш. Ҳақиқий инсон учун бу - табиий одат. Аксинча, Кришнадан, Худодан бирор нарсани яшириш гайритабиий ҳолат. Бу худди эхромдан ўғирлик қилганга ўхшайди. Масалан, кимдир менинг рухсатимсиз мана бу кутичани олди, дейлик. У ҳамиша хавотирда юради: "Мен устознинг рухсатисиз буни олдим! У мен ҳакимда нима деб ўйларкин?" У кутичани жойига кўйиши биланоқ бундай хавотирли ўйлардан кутулади. Худди шундай, ҳамма нарса аслида Худоники, ҳамма нарса Кришнани. Ҳеч нарса менини эмас, ҳатто ўзимнинг танам ҳам. Шунинг учун ҳамма нарсани Кришнага курбон килиш, Кришна учун ишлатиш - табиий ҳол. Кришна онгига эришган киши Кришнадан олган нарсаларининг ҳаммасини Унга қайтариб беради. Бу табиий ҳол. Худонинг содикларидан бошқа одамларнинг ҳаммаси - бегона мулкни, бегона нарсаларни ўзлариники қилиб олган ўғрилардир. Масалан, сизнинг давлатингизни, Америка Кўшма Штатларини олайлик. Сиз ҳақиқатан ҳам уни сизнинг мамлакатингиз деб ўйлайсизми? Икки юз йил аввал бу ер сизники эмас, қора танли индеецларники эди. Энди сизлар бу мамлакатни бизники деяпсиз. Нимага? Яна икки юз йилдан кейин балки у бошқа бировларники бўлар. Шундай экан нега энди уни бизники дейсизлар? Худди шун-

дай, бу ҳаётни бизга Худо ато этиб қўйибди. Худо бизга шу танани, шу мияни бериб қўйибди. Ҳамма нарсани бизга Худо бериб қўйибди. Ҳамма нарса Худоники, шуни тушуниб, бундан хулоса чиқариб яшаш - ҳаётда Кришна онги билан яшаш деб аталади.

Д-р Фрейзер. Бошқа фалсафий оқимларга муносабатингиз қандай?

Шрила Прабхупада. Аслида ҳар қандай ҳақиқий фалсафа одамларни ҳамма нарса Худоники эканлини тушунишга олиб келиши керак. Фалсафанинг азалий, бошланғич маъноси шундан иборат: *ишаавасиам идам сарвам* - "Ҳамма нарса Худоники" Сиз, мен ва бошқаларнинг ҳаммаси Худонинг мулкимиз, биз ягона Парвардигорнинг фарзандлари бўлганимиз учун Худонинг нарсларидан фойдаланишга ҳаққимиз бор, - аммо фақат ўзимизга насиба қилиб берилган миқдордагина. Мен ҳам, сиз ҳам Худонинг фарзандлари, Унинг бандаларимиз, атрофимиздаги ҳамма нарса Унинг мулки. Сиз ҳам отангизнинг мулкидан фойдаланишингиз мумкин, мен ҳам. Аммо сиз менга тегишли нарсага кўз олайтирангиз ва бунинг натижасида мен оч қолсан, бу нотўри бўлади. Агар биз ҳаммамиз - одамлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, күшлар, даражатлару-ўсимликларнинг ҳаммаси Худонинг жамоаси эканини тан олсан, Унинг мулкидан ҳар биримиз фақат ўз ризкимиздан, ўзимизга тегишли нарсалардан исроф килмасдан зарур миқдордагина фойдаланишимиз мумкин. Мана шу Худони, Кришнани англаб яшашидир.

Д-р Фрейзер. Мен айтганларингизга тўла кўшиламан, аммо менда, фақат Кришнани англаш йўлигина ҳаммага тегишли бўлган ягона тўғри таълимотми, деган фикр туғилади.

Шрила Прабхупада. Бундан бошқа таълимотлар мукаммал эмас. Кришнани англаш таълимоти - мукаммал мафкура. Масалан, Американинг миллий мафкураси - номукаммал мафкура. Худони, Кришнани англаш мафкурасига келсан, бу ҳар томонлама мукаммал ва комил мафкура, мукаммал таълимот.

Д-р Фрейзер. У нимаси билан хиндуизмдан мукаммалроқ?

Шрила Прабхупада. Биз Худо ҳақида гапирияпмиз, индуизм ёки христианлик ҳақида эмас. Худо ҳамма учун бир. Худо индусларники ҳам эмас, христианларники ҳам, мусулмонларники ҳам эмас. Парвардигор ҳамма учун бир. Шунчаки Худони севишга харакат қилинг, сиз мусулмонмисиз, индусмисиз ёки бошкамисиз бунинг аҳамияти йўқ.

Д-р Фрейзер. Мени қабул қилиб, мен билан сухбатлашганингиздан миннатдорман.

Шрила Прабхупада. Сизга катта раҳмат. Ҳаре Кришна.

## **2-боб. ИЛОХИЙ ОНГ**

### **Ҳар бир одам Худони кўра олади.**

Барча муқаддас битиклар ичидаги қадимий "Веда"ларга тенг келадиганни йўқ, чунки уларда инсон онгини Худони яқъол кўриши имкониятини берадиган даражада поклашнинг амалий усули батофсил ёритилган. Ўзининг 1972 йил 15 августда Лос-Анжелесда қилган маърузасида Шрила Прабхупада шундай дейди: "Худони кўриши учун инсонда жуда қатъий истак, интилиши бўлиши керак..."Мен Худо ҳақида эшийтдим, агар Худо ҳақиқатан бор бўлса, мен албатта Уни кўришим керак!"

*тач чхраддадхана мунайо джнана-ваірагай-йуктайдай*

*нашиянти атмани чатманам бхактия шрута-грихитайдай*

"Илм ва таркидунёлик билан қуролланган, жиддий ва тиришқоқ шогирд ёки донишманд киши Мутлақ Ҳақиқатни муқаддас китоблардан ўрганган йўл билан, Унга холис хизмат қилиш орқали англай олади".(Б-г.1.2.12.)

Баъзан одамлар савол бериб қолишади: -"Сиз Худони кўрганмисиз?" ёки - "Менга Худони кўрсата оласизми?" Тез-тез шундай саволларни эшлишга тўғри келади. Одатда мен: -"Ҳа, мен Худони кўраман. Сиз ҳам Уни кўра оласиз. Худони ҳар бир одам кўра олади, аммо бунинг учун маълум сифатларга эга бўлиш керак!"- деб жавоб бераман. Фараз қилинг, сизнинг машинангиз бузилиб қолди: у ишламаяпти. Буни ҳамма кўриб турибди, аммо автомеханик, бунга бошқача кўз билан қарайди. Мутахассис сифатида у бошқаларга нисбатан кўпроқ нарсани кўради. У бошқалар кўрмаган нарсани кўриб, машинани тузатади. Кўрдингизми, ҳатто машинанинг "касал"ини кўриш учун ҳам жиддий тайёргарлик, билим, тажриба керак, биз эса Худони ҳеч қандай таёргарликсиз кўришни истаймиз. Бу нодонлик, ахмоқлик эмасми?! Ҳеч нарса қилмай туриб, Худони кўришни исташ учун одам қай даражада ахмоқ ва ғофил бўлиши керак?

Кришна "Бҳагавад-Гита"да айтадики: *нахам пракашах сарвасіа йога-майа-самаврітах* - "Мен ҳар бир одамга ҳам кўринавермайман. Мен Ўзимнинг *йога-майа* кувватим ёрдамида одамлардан бекиниб

олгандан". Сиз қандай қилиб Худони кўра оласиз? Аммо, ғофил одамлар аҳмоқларча сўрайверадилар: -"Менга Худони кўрсата оласизми?, Сиз Худони кўрганмисиз?" Худо улар учун худди хоҳлаган вақтларида кўриш мумкин бўлган оддий ўйинчоқдек. Баъзи бир ярамаслар ҳатто оддий одамларни Худо деб эълон қиласидилар: - Мана сизга Худо! Мана Худонинг ердаги тимсоли!"

*на мам душкитино мудхах пратадийанте нарадхамах.* Энг пасткаш, нодон, аҳмоқ ғофил одамлар:- "Менга Худони кўрсатинг!" - деб талаб қиласидилар. Сизда Худони кўра олишга имкон берадиган сифатлар борми? У сифатлар қуидагича: *тач чхраддадхана мунайах.* Энг аввало одамда ишонч, иймон бўлиши керак. Уни кўриш учун жуда кучли иштиёқ бўлиши керак. Бу ерда:- "Менга Худони кўрсатинг!" деган аҳмоқона енгилтак гапларга ўрин йўқ. Бу ерда сехрга, кўзбўямачиликка ҳам ўрин йўқ. Кўплар сехгарлик ва Худо бир хил нарсалар деб ўйладилар. Йўқ. Худони кўриш учун одамда кучли иштиёқ бўлиш керак ва бунга жиддий интилиш керак: -"Мен Худо ҳақида эшитдим, Худо бор бўлса мен Уни албатта кўришим керак!"

Шу мавзуда яхши бир ҳикоя бор. Жуда ибрат олишга лойик ҳикоя. Кунларнинг бирида браҳманлардан бири оммавий маъруза қилиб, "Шримад-Бҳагаватам"дан, Кришнани бузоқ боқишига жўнатишдан олдин онаси Уни қимматбаҳо безаклар билан қандай безагани ҳақида гапириб бераётган эди. Тингловчилар орасида бир ўгри ҳам бор эди, у дарҳол ўйланиб қолди: -"Вриндаванга бориб ана шу болакайнинг тақинчоқларини ўғирласам бўлмайдими? Шунча қимматбаҳо тақинчоқлар билан У ўрмонда юаркан. Унинг ҳамма тақинчоқларини ўғирлашим мумкин!" У бунга қатъий қарор қилди. Бу қароридан уни ҳеч ким қайтара олмасди. "Мен қандай бўлса ҳам бу болани топишим керак. Шунда бир кечада энг бадавлат одам бўламан!"

Зарур сифатлардан ўғрида факат биттаси - Кришнани кўриш истаги бор эди. "Мен Кришнани кўришим керак! Мен Кришнани кўришим шарт!" - ўйларди у. Ана шундай кучли иштиёқ унга ҳақиқатан ҳам Вриндаванда Кришнани кўриш имкониятини берди. Кришна кўринишидан ҳақиқатан ҳам "Бҳагаватам"дан маъруза қилган браҳман таърифлагандек эди. "Сен ҳақиқатан ҳам жуда яхши бола экансан!"- Унга мурожаат қилди ўгри. У тақинчоқларини ўғирлаш ниятида Кришнага ҳар хил тилёгламалик қила бошлиди. Кейин тўғридан-тўғри мақсадга ўтиб қўя қолди: -"Сенинг тақинчоқларингдан озгина олсан майлими? Сен шунда ҳам жуда бой-бадавлатсан-ку!"

"Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас,- жавоб берди Кришна, - Мен уларни сенга беролмайман. Онам қаттиқ хафа бўлади!" У Ўзини оддий болалардек тутарди.

Ўғри Кришнадан тақинчоқларини ялиниб сўрай бошлади, айни пайтда Кришна билан очқидан-очик учрашиш натижасида унинг қалби поклана борди. Охири Кришна: -"Майли, ма олақол!" - деди. Бу пайтга келиб ўғрининг қалби умуман покланиб, у Худонинг холис хизматкорига, муҳлисига айланиб қолган эди. Бундан шундай хуласа қилиш мумкинки, инсон қалби покланиши учун қандай бўлса ҳам Кришна, Худо билан боғланиши керак.

Кришнани кўришга кучли иштиёқ билан қатъий интилувчиларга яна бир мисол - гопилар. Улар Унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, Кришнага эришдилар. Улар барчаси ёш жувонлар, Кришна эса нихоят гўзал ўспирин. Аслида гопиларни Кришнага келтирган нарса - улардаги кучли эҳтирос, аммо Кришнанинг поклиги шунчалик беугуборки, оқибатда гопилар Кришнанинг солиҳ хизматкорларига айланди. Гопилардаги садоқатнинг чегараси йўқ, чунки Кришна уларга ҳаётда ҳамма нарсадан ҳам азизроқ эди. Бу энг муҳим сифатлардан бири. Улар Кришнани шу қадар кучли меҳр-муҳабbat билан севардиларки, кечаси Кришна олдига бориш учун уйларидан чиққанларида ҳамма нарсани: оила аъзоларини, ўз обрў-эътиборларини эсларидан чиқариб юборардилар. Кришна сурнайини чалар, унинг овозини эшишиб улар уйларидан чиқардилар. Уларнинг оталари, оғалари, эрлари орқаларидан: -"Қаерга?", "Шундай коронғу тунда қаерга борасизлар?" - деганларича қолаверардилар. Гопилар уларга қулоқ солмасдилар. Улар болаларини, оилаларини, бутун борликларини унутиб қўярдилар. Уларнинг қалбларини ягона туйғу, ягона интилиш қамраб оларди:-"Менга Кришна керак!"

Айнан ана шундай интилиш зарур. Биз бутун қалбимиз билан Кришнани кўришга интилишимиз лозим. Кришнанинг олдига боришга уйидагилар рухсат бермай, уйидан чиқармаган гопиларнинг кўплари, Кришнадан айрилиқ азобига бардош беролмасдан ҳаётдан кўз юмган. Худди ана шундай интилиш зарур - факат шундагина сиз Худони кўра оласиз. Ҳатто ўғри бўлсангиз ҳам, ҳатто эҳтиросларга тўла бўлсангиз ҳам, қотил ёки яна қандайдир гуноҳга ботган бўлсангиз ҳам, қалбингизда Худога нисбатан шундай интилишни ривожлантиришингиз лозим: -"Мен Кришнани кўришим керак!". Шунда сиз албатта Худони кўра оласиз.

Кришна қай даражада Уни кўришни исташингизни билишни хоҳлайди. Худо истагингизни жавобсиз қолдирмайди. Агар сиз

ҳақиқатан ҳам Кришнани қўришни истасангиз - эҳтиросингизни қондириш учунми, тақинчоқларини ўғирлаш учунми ёки бошқа нарса учунми, фарқи йўқ, агар Кришнани қўришга қатъий интилсангиз, ниятингизга етасиз. Бундан шубҳаланмасангиз ҳам бўлади.

Сиз фақат Кришнага интилишингиз лозим. Бу хақда Рупа Госвами шундай ёзган эди:

*смерам бханги-трайа-паричитам сачи-вистирна-дришитим  
вамиши-нийастадхара-кишалайам уджеджвалам чандракена  
говиндакхям хари-танум имах кеши-тиртхопакантхе  
ма прекишиштхас тава йади сакхе бандху-санге "сти рангах*

Гопилардан бири дугонасига шундай деяпти: "Дугонажан, бир йигит бор, Унинг номи Говинда. Ямуна дарёси соҳилида У Ўзининг сурнайини чалиб турибди. У айникса бугун, осмонда тўлин ой турган пайтда жуда ҳам гўзал. Аммо, сен агар бу дунёда ўз эринг, болаларинг ва бошқа қариндошларинг билан лаззатланиб яшамоқчи бўлсанг, яхшиси у ёкка бориб юрма!". *Бҳанги-трайа* - Кришна ҳамиша най чалиб юради, Унинг танаси уч жойида чиройли эгилган. Кришнанинг ана шу қўринишини *три-бҳанга*, яъни "уч жойида эгилган" деб атайдилар. Гопи дугонасига маслаҳат беряпти: "Агар сен бу моддий оламда баҳтли бўламан, деб ўйласанг, Кришнага интилмай қўявер, Уни кўролмайсан!" Бунинг маъноси шундан иборатки, агар сиз бирор марта Кришнани кўра олсангиз, бу моддий оламнинг ўткинчи арзимас шодликларини бутунлай унугасиз. Кришнани қўриш деган ана шундай бўлади.

Махараж Дхрува Кришнани қўрганида шундай деди: *-свамин критартха "сми варам на йаче* - "Худойим, менга энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ!" Махараж Дхрува отасининг салтанатидан ҳам каттароқ салтанат сўраш учун Кришнани излаб кетган эди, Кришнани қўргандан кейин, Кришна унга: "Мендан хоҳлаган нарсангни сўра!" - деди. "Эй Худойим, мен энди ҳеч нарса истамайман!" - деб жавоб берди Диҳрува. Кўрдингизми, Кришнани қўриш нимага олиб келади?

Шунинг учун, агар сиз Кришнани қўришни жуда-жуда истасангиз, бунга сабаб нималигидан қатъий назар, Кришнани қўришга бўлган астойдил интилишингиз шарофати билан сиз Уни кўрасиз. Ана шундай интилишнинг ўзи етарли.

Рупа Госвами ўзининг бошқа шеърида шундай ёзади: *кришна-бҳакти-раса-бҳавита матих криятам йади куто "ти лабхийате."* ("Кришна онги" деган ибора санскритча *кришна-бҳакти-раса-бҳавита* иборасининг таржимасидир.) Бу ерда Рупа Госвами бизга шундай маслаҳат беради: "Агар мабодо Кришна онгига дуч келиб

қолсангиз, дарров уни сотиб олинг. Ҳеч иккиланманг. Бу ҳаётдаги энг қимматбаҳо харидингиз бўлади."

Ҳа, Кришна онгини сотиб олиш мумкин. Сиз уни бизнинг Кришнани англаш жамиятидан сотиб олишингиз мумкин. Унинг баҳоси қанча деб ўйлайсиз? Бу энг қимматбаҳо нарса, аммо унинг учун бадал тўлаш керак. Бу бадал нима билан тўланади? *татра лаулиам ани муллиам экалам*:- "факат астойдил исташ билан". Мана шу унинг баҳоси бўлади. Сиз мана шундай ҳақ тўлашингиз керак. Шунда сиз шу заҳотиёқ Кришнага эга бўласиз. Кришна ҳеч нарсага

7

муҳтож эмас, Кришнани сотадиган Унинг содик хизматкори ҳам ҳеч нарсага муҳтож эмас. У Кришнани шунчаки текинга улашиши мумкин. У шундай қиласи ҳам. Сиз факат Худога, Кришнага эришишни астойдил исташингиз лозим.

Кимdir сўраши ммуумкин: -"Шунчаки астойдил исташми? Мен астойдил истайман!" Афсуски, ҳаммаси сиз ўйлагандек осон эмас. *жанма-коти-сукритаит на лабхийате*. Ҳатто миллион умрлар давомида савоб ишлар қилиб ҳам, шундай астойдил истакни ривожлантириб бўлмайди. Сиз умрингизни шунчаки савоб ишлар қилишга бағишиласангиз, қалбингизда Худони кўришга астойдил интилиш ўзўзидан пайдо бўлмайди.

Демак, инсон ўз қалбида ана шундай истакни уйготиши керак, - бундай истак факат Худонинг содиклари ҳамсуҳбат бўлиш натижасидагина пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз барчага қалбларида Худони кўриш имкониятини берадиган истак уйготиши учун Худонинг соф содиклари билан учрашиш, сухбатлашиш имкониятини берамиз.

Инсон умри бизга Кришнани кўриш учун берилган. Биз ҳаётда чўчқа ва итларга айланиб қолиш учун яшамаймиз. Афсуски, ҳаёт ҳозирги пайтда инсонни айнан шунга: ит ёки чўчқа сингари ҳаёт кечиришга ўргатади. Халқаро Кришнани англаш харакати - ҳаётда энг муҳим нарса, Кришнани, Худони кўришга ўргатадиган жаҳондаги ягона жамият.

*тач чхраддаҳана мунайо жсанана-ваирагай-йуктайа.* Сизнинг қалбингизда ана шундай астойдил истак пайдо бўлган заҳоти, ўзўзидан илмга эга бўласиз ва бу арзимас ўткинчи орзу-хавасларни тарк этасиз. Инсоннинг илми атом бомбаси яратиш билан ўлчанмайди. Йўқ, бу илм эмас. Шуни ҳам илм деб бўладими? Одамлар шундай ҳам ўз ажали билан ўлаётирлару, сиз эса ажални тезлаштириш усулини ўйлаб топдингиз. Биз эса одамларга ажалдан, ўлимдан кутулиш ил-

мини ўргатамиз. Бу Кришнани англаш илми, ҳақиқий илмдир. *жна-на-вайрагъя-йуктайа*. Сиз ана шундай юксак илмга эга бўлсангиз, ўз-ўзидан арзимас дунёвий истаклардан воз кечасиз.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

## **Мангу дин, ҳақиқий иймон-эътиқод йўли.**

*Шрила Прабхупада 1976 йилда Бомбейда чиқадиган "Бхаванс Жорнел" журналининг маданият ва дин муаммоларига багишланган саволларига жавоб берди.*

Шогирд. Биринчи савол: "Айтишларига қараганда индуизмнинг афзал томони унинг ҳаммаболлигида, яъни дунёқарашининг кенглигида. Бир томондан бу унинг камчилиги ҳамдир, чунки бошқа динларга нисбатан индуизмда ҳамма қилиши шарт бўлган маросим-фарзлар кам. Барча индусларга фарз бўлган асосий маросимларни аниқлаб бўладими, ва буни аниқлашнинг ҳожати борми?"

Шрила Прабхупада. "Веда"лар таълимоти тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу таълимот фақат индуслар учун эмас, барча тирик зотлар учун мўлжалланган. Энг аввало шуни тушуниб олиш керак. Ведавий таълимот - *санатана-дҳарма* - "тирик зотнинг мангу дҳармаси" деб аталади. Тирик зот - санатана(мангу), Худо ҳам санатана, шунинг учун ҳам санатана-дҳарма мавжуд. *Санатана-дҳарма* барча тирик зотларга мўлжалланган, фақат қайсиdir индуслар учун эмас. "Индуизм", худди бошқа "изм"лар каби ўткинчи ном, холос. Бу шунчаки англашилмовчилик. Худонинг хоҳиши билан санатана-дҳарма Ҳиндистонда нозил бўлган, мусулмонлар ҳиндистон халқини индуслар деб атаган. Мусулмонлар ва ҳиндистонликлар Синд дарёсининг икки кирғофида яшаганлар, дарё номини мусулмонлар "Ҳинд" деб атаганлар. Шунинг учун дарёнинг нарига ёғида яшаганларни "ҳинду"лар, давлатни эса "Ҳиндустон" деб атаганлар. Аммо, Ҳинд сўзи ҳам, индуслар ҳам ведавий битикларда кўрсатилмаган. Эндилика, санатана-дҳарма, ёки ведавий-дҳарма кўрсатмаларига ҳеч ким тўла амал қилмай, унинг кўрсатмалари бузиб кўрсатилаётган пайтда уни "индуизм" деб атай бошладилар.

Аммо бу нотўғри, хато тушунчадир. Санатана-дҳармани биз у "Бҳагавад-Гита" ва бошқа ведавий битикларда қандай кўрсатилган

бўлса, шундайлигича ўрганишимиз лозим, шундагина биз ведавий илм нима эканини тушунамиз. (шогирдига). Бҳагавад Гита"нинг ўн биринчи бобидан ўн биринчи шеърни ўки.

Шогирд. *твам акиарам парамам ведитавиам  
твам асия вишвасия парам нидханам  
твам авайайах шашвата-дхарма-гопта  
санатанаас твам пуршио мато ме*

"Эй Худованд Кришна, Сен бутун борлиқнинг азалий, олий ором олувчи даргоҳисан. Сен энг қадимий ва туганмассан. Сен мангу динни сақлаб турувчи Худо Шахсисан. Мен шундай деб ўйлайман."

Шрила Прабхупада. Буни ҳамма тушуниши керак. Кришна мангу, биз мангу, ва биз Кришна билан бирга яшашимиз мумкин бўлган даргоҳ ҳам мангу. Худо билан мангу бирга бўлиш илми *санатана-дхарма* деб аталади ва у ҳаммага мўлжалланган.

Шогирд. *Санатана-дхарма* қоидаларига амал қилиб яшамоқчи бўлган киши ҳар куни қилинадиган қандай амалларни бажариши керак? У нималар қилиши керак? Гап шундаки, индуизм чегараси - ёки сиз айтган санатана-дхарманинг чегараси шунчалик бениҳояки, - унда ҳар хил йўналишлар бор...

Шрила Прабхупада. Сизга бу хилма-хил йўналишларнинг нима кераги бор? Нимага сиз Кришна, Худованднинг Ўзи - диннинг асосий мақсади нима деб ҳисоблашини билиб олмайсиз? У айтадики, *сарва-дхарман паритяджа мам экам шаранам враджса*. "Ҳар қандай дин(дхарма)ни тарқ эт, шунчаки ўзингни Мен(Худо)га топшир!"(Б-г.18.66.) Нимага сиз Унинг гапини қабул қилмайсиз? Нега сиз ҳар ибодатлар киласизу буни "индуизм" деб эълон киласиз. Нимага Кришнанинг айтганларини бажармайсиз? Сиз санатана-дхармани Худонинг Ўзи айтгандай қилиб қабул қилишни хоҳламайсиз-у, яна "Шунча йўналишларнинг қайси бири тўғри дейсиз?" Шунча йўналишларнинг нима кераги бор? Бир нарса билан жиддий машғул бўлинг: *сарва-дхарман паритяджа мам экам шаранам враджса*. Нимага шундай қилмайсиз?

Шогирд. Кундалик хаётида одамлар бунга қандай амал қилишлари мумкин?

Шрила Прабхупада. Бизлар қандай амал қиляпмиз? Биз қилаётган ишлар амалий ишлар эмасми? Одамлар ўзлари кундалик хаётда амал қилиш қийин бўлган ҳар хил динларни ўйлаб топса-топадилар-у аммо, биз қилаётган осонгина амалларни бажаргилари келмайди. Нега? *ман-мана бхава мад-бхакто мад-яджи мам намаскуру*:- "Ҳамиша Кришна ҳақида ўйланг, Унинг содиқ хизматкори бўлинг, Унга

сигининг ва сажда қилинг!". Наҳотки бу шунчалик қийин бўлса? Наҳотки шунга амал қилиш қийин бўлса? Кришна таъкидлаб айтадики: -"Бу сенинг бурчинг! Агар сен шундай қилсанг, шубҳасиз Менинг олдимга келасан!" Нимага сиз Худонинг шу айтганини қилгингиз келмайди? Нимага ўзингизнинг индуизмга, исломга ва христианликка ёпишиб олгансиз? Бу бемаъни, ўткинчи, дунёвий атамаларнинг барчасидан воз кечинг! Шунчаки Худо(Кришна)га ўзингизни топширинг ва тушунинг "Мен Худонинг, Кришнанинг содик хизматкориман, Худонинг қулиман." Шунда сиз ўз-ўзидан барча муаммолардан кутуласиз.

Шогирд. Аммо индуслар айтадиларки: -"Индусларнинг дхармаси фақат шу билангина чекланиб қолмайди".

Шрила Прабхупада. Ҳақиқий дхарма "Шримад-Бҳагаватам"да таърифланган. - *дхармам ту сакшад бхагават-пранитам*. "дхарма - бу Худо нозил қилган қонундир." Худонинг Ўзи айтятники, -"Ҳамма динлардан воз кеч, ва ўзингни Менга топшир!" Мана шу дхармани қабул қилинг. Нимага сиз индус бўлгингиз келади? Ваҳоланки, қайси индус Кришнанинг гапларини нотўғри дея олади? Ҳатто ҳозир ҳам, қайси бир индус -"Менга Кришна ҳам, "Бҳагавад-Гита" ҳам керак эмас!"- деса, ҳамма ундей индуисдан юз ўгиради. Нимага сиз Кришнанинг кўрсатмасига амал қилмайсиз? Нимага яна бирор нарса излаб юрибсиз? Сизнинг баҳтсизлигингиз шундаки, сиз дин нима эканини, санатана-дхарма нима эканини билмайсиз. Бизнинг жамиятдагиларнинг кўпчилиги аввал индус, мусулмон ва христианлар эди, аммо ҳозир уларни индуизм ҳам, ислом ҳам, христианлик ҳам қизиқтирумайди. Уларни фақат Кришна қизиқтиради, холос. Агар сиз тўғри йўлда бўлсангиз ҳамиша баҳтиёрсиз, аммо адашганларнинг йўлида бўлсангиз ҳамиша изтироб чекасиз.

Афсуски, индуслар ҳакиқий йўл - санатана-дхарма, ёки варнашрама-дхармадан юз ўтириб, қандайдир "индуизм" деган нотўғри йўлни танладилар. Барча чалкашликлар шундан келиб чиқяпти. Ведавий таълимот - бу варнашрама-дхарма, жамиятни тўрт табака ва тўрт руҳий тоифа(яшаш тарзи)га бўлишидир. Тўрт табака бу - браҳманлар(руҳонийлар ва зиёлилар), кшатрийлар(раҳбарлар ва ҳарбийлар), вайшйалар(савдогарлар ва ер эгалари) ва шудралар(жисмоний меҳнат билан банд кишилар). Тўрт руҳий тоифа эса, браҳмачарийалар(уйланмаган шогирдлар), грихастхалар(оилали кишилар), ванапрастхалар(дунёвий ишлардан четлашган кишилар), саннийасилар(таркидунё қилганлар). Ана шу табака ва тоифаларга мансуб кишиларнинг барчаси ягона мақсад - Худо йўлида холис хиз-

мат қилишда ўз вазифаларини бажарсалар - мана шу ҳақиқий дин, ёки ҳақиқий дхарма бўлади.

Шогирд. Кейинги савол: -"Ҳозирги Кали-юга, қарама-қаршиликлар даврида бҳакти (Худога холис хизмат қилиш) Худони англашнинг энг осон йўли ҳисобланади. Нима сабабдан машхур олимлар Ведаларни ўрганишга, яъни илм олиш йўли(ўрганиш ёки фикрлаш жараёни)га катта эътибор берадилар?

Шрила Прабхупада. Ундай олимлар - "Ведалар" билимдонлари - шунчаки ношуд ярамаслардир, улар "веданта" нима эканини ҳам тушумайдилар. Аммо одамларнинг ўзлари алданишни хоҳлайдилар, бу ярамаслар эса уларнинг шу нозик томонидан фойдаланадилар. "Веда" - "илм" деганидир, "анта"- "охири" дегани. "Веданта" дегани - "якуний илм, илмнинг охири" деганидир. Айнан шундай натижавий илм "Веданта-сутра"да берилган.(сугра - бир неча сўз билан чуқур фалсафани ифодаловчи жумла). "Веданта-сутра"нинг биринчи жумласи мана бундай:-"*атхато брахма-джижнаса* - "Энди, инсон танасига эга бўлганингдан кейин, сен Брахманни, Мутлак Ҳақиқатни англашга интилишинг лозим". Шунинг учун "Веданта Сутра"ни Мутлак Ҳақиқатни англашга ихлоси бўлган кишилар ўрганиши керак. Мутлак Ҳақиқат деганда нимани тушунамиз? Бунга энг қисқа жавобни "Веданта сутра"нинг иккинчи жумласида ўқиймиз: *джанмадӣ асия йатах* -"Браҳман - бутун борлиқнинг манбаидир." Демак Браҳман - бу Худо, бутун борлиқнинг манбаи дегани. Барча илмлар ёки "веда" - Худони англаб етиш билан якунланади. Кришна ҳам "Бҳагавад-Гита"да(15.15.) шуни тасдиқлайди: *ведаии ча сарваир аҳам эва ведийах* - "Барча ведаларнинг, бутун донишмандликнинг максади - Мени англашдир". Бутун "Веданта сутра" Олий Худо Шахсини таърифлайди. Аммо ҳозирги Кали-юга даврида одамлар етарли дараҷада ўткир зеҳнга эга бўлмаганлари сабабли, "Веданта Сутра"ни чуқур ўрганишда уларга ёрдам бериш ниятида, унинг муаллифи Шрила Вйаса-деванинг ўзи бу илмни изоҳлаб берди. Бу изоҳ - "Шримад-Бҳагаватам" - (бҳашшам браҳма-сутранам)дир. "Шримад-Бҳагаватам" - "Веданта сутра"нинг муаллифи Шрила Вйасадеванинг руҳий устози Нарада Мунининг кўрсатмаси билан ўз асарига ёзган асл ҳолидаги изоҳидир. "Шримад-Бҳагаватам" ҳам "Веданта-сутра" бошланган ана шу жумла(жсанмади асия йатах)дан бошланади ва бу фикрни давом эттиради:-*анӣавад итараташ ҷартхешив абҳиджснаҳ сварат*.

Шундай қилиб, "Веданта сутра"нинг муаллифи унинг мазмуни "Шримад Бҳагаватам"да тушунириб беради. Аммо шундай яра-

маслар ҳам бор-ки, ўзлари "Веданта-сутра"ни тушунмасдан, ва унинг муаллифи ёзган изоҳни ўқимасдан, ўзларини ведантистлармиз деб, одамларни йўлдан адаштирадилар. Одамлар ўзлари саводсиз бўлганлари учун бундай ярамасларни "ведантист"лар деб қабул қиласверадилар. Аслида бундай ярамаслар ҳеч қандай ведантист эмаслар, шунчаки фирибгарлардир. Улар веданта ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. "Веданта"нинг маъноси "Шримад Бҳагаватам"да тушунтирилган, агар биз "Шримад Бҳагавтам"ни "Веданта Сутра"нинг ҳақиқий изоҳлари эканини тан олсак, шундагина Ведантани тушуна оламиз. Аммо Ведантани тушуниш учун ярамас фирибгарларга мурожаат қилсак, албатта ҳеч нарсани тушуна олмаймиз. Одамлар ғофил, ғафлат ботқогига ботган бўлганлари учун ҳам хоҳлаган киши уларни алдайверади. Аммо эндиликда Кришнани англаш ҳаракатининг ёрдами билан одамлар веданта ва унинг моҳиятини тушуниб оладилар. Бу уларга албатта катта муваффақият келтиради.

Шогирд. Одатда "Веданта сутра"га имперсоналист(Худо Шахсини тан олмайдиганлар)нинг ёзган изоҳларига амал қиласиганлар бу моддий оламнинг азоб уқубатларидан халос бўлишни истайдилар. "Шримад Бҳагаватам"да озодликка эришиш борасида бирор нарса ёзилганми?

Шрила Прабхупада. Ҳа. "Шримад Бҳагаватам" аслида "Веданта сутра"га ёзилган ҳақиқий изоҳ бўлгани учун унда бизнинг ҳозирги даврда озодликка чиқиш йўлини кўрсатувчи шеър бор:

*калер доша-нидхе раджсанн асти хи эко маҳан гунах  
киртана́д эва кришина́сайя мукта-сангах парам враджет*

Барча нуқсон ва гуноҳлар уммони бўлган Кали-юга даврининг ягона шарофати мавжуд. Бу шарофат нимада? Инсон бу даврда шунчаки Харе Кришна мантрасини такрорлаш шарофати билан озодликка чиқа олади. Мана сизга ҳақиқий Веданта, бу ҳақиқат кўз ўнгимизда амалга ошяпти.

Шогирд. Сиз "Веданта Сутра"нинг ҳам, "Шримад Бҳагаватам"нинг ҳам бир мақсадга, яъни бхакти(Худовондга ихлос билан холис хизмат қилиш)га олиб келишини назарда тутяпсизми?

Шрила Прабхупада. Ҳа.

Шогирд. Аммо, бхакти(Худога ихлос билан холис хизмат қилиш)ни Ведантани билиш, ёки донишмандлик билан қандай алоқаси бор? **бхакти** - Худони англашнинг, Худога эришишнинг энг осон, энг оддий йўли, аммо биз биламизки, Веданта таълимоти гайна, яъни илмнинг ҳам жуда муҳимлигини таъкидлайди. Шундай эмасми?

Шрила Прабхупада. гайна ўзи нима? Буни Парвардигор Кришна "Бҳагавад Гита" тушунтириб беради: *баҳунам жсанманам анте гайна-*

*ван мам пропадайанте* - "Ҳақиқий донишманд одам кўп умрлардан кейин ўз ихтиёрини Менга топширади." Шунинг учун агар инсон ихтиёрини Худога топширмаса ҳеч қандай гйана(денишмандлик) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Имперсоналистларнинг гйанаси(илми) шунчаки аҳмоқлик. Одатда имперсоналистлар ўзларини денишманд(гйани) деб ҳисоблайдилар, аммо аслида улар ҳеч нарса билмайдилар. Веданта дегани "энг олий илм" деганидир. Бу илмнинг мавзуси - Кришна, Худо. Агар сиз Худонинг, Кришнанинг ким эканлигини билмас экансиз, қани сизнинг илмингиз, қани гйана? Аммо, қандайдир бир ярамас:- "Мен олимман, мен илмга эгаман!"- деб даъво килса, нима ҳам дердик?

Кришна Ўзининг шу шеърини бундай тамомлайди: *васудеваҳ сарвам ити са маҳатма су-дурлабҳаҳ* -"Васудева, Кришна бутун борлиқнинг асл моҳияти эканини англаб етганида инсон ҳақиқий илмга эга бўлади". Акс ҳолда илм ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бошқа ҳаммаси - шунчаки адашишдир. *браҳмети параматмети бхагаван ити шабдийате*. Шахсиз Браҳманга эришишни фалсафий фикрлашлар ёрдамида бошлаш мумкин, кейин Худонинг Параматма(хар бир тирик зот қалбидаги мавжуд) кўринишини англашга эришиш лозим. Бу иккинчи пофона. Аммо, охирги энг юқори пофона - бу Олий Худо Шахсини, Кришнани англаб етишдир. Агар сиз Кришнани англаб етмаган бўлсангиз, илм ҳақида қандай гап бориши мумкин? Мукаммал бўлмаган - илм ҳақиқий илм эмас! Мукаммал илмга эга бўлиш керак, бундай мукаммал илмни Худонинг марҳамати билан "Бҳагавад Гита"дан олишингиз мумкин.

Шогирд. Шрила Прабхупада, кейинги саволни ўқисам майлими? "Руҳий ҳаётга қадам кўйиш ва унда олий мақсадга эришиш учун гуру бўлиши зарурми? Инсон ўз гуру(руҳий устозини)сини қандай билиб олади?

Шрила Прабхупада. Ҳа, гуру зарур. Бу "Бҳагавад Гита"да тушунтирилган. Кришна билан Аржун бир-бирига дўст сифатида сухбатлашиб турганларида улар ҳеч қандай натижага эриша олмадилар. Шунда Аржун Кришнани ўзига гуру қилиб олишга қарор килди. (Шогирдиға:) Шу шеърни топ:*карпанія дошопахата-свабҳавах...*

Шогирд. (ўқийди:) *карпанія-дошопахата-свабҳавах*  
*приччхами твам дхарма-саммудха-четах*  
*йаҷ чхрейах сыйан нишчитам брухи тан ме*  
*ишийас те ҳам шадхи мам твам пропаннам*

"Ожизлиқдан ўзимни бутунлай йўқотиб кўйдим; хаёлим паришон бўлим менинг вазифам, бурчим нима эканини билмай қолдим. Айтчи,

мен учун қандай қылганим афзал? Бундан буён мен Сенинг шогирдингман, ихтиёrimни бутунлай Сенга топширган зотман. Илтимос, менга йўл кўрсат!"(Б-г.2.7.)

Шрила Прабхупада. Нафақат Аржун, ҳеч ким ўз бурчи нима эканини билмайди. Ҳеч ким ўзидан-ўзи буни тушуна олмайди. Агар врач ўзи жиддий касал бўлса, у ўзини-ўзи даволамайди. У ўз фикрининг тиник эмаслигини билади ва шунинг учун бошқа врачни чакиради. Худди шунингдек, биз қийин аҳволга тушиб қолсак, паришон бўлиб аниқ қарорга кела олмасак, ўзимизга гуру топганимиз энг тўғри йўл бўлади. Бу жуда муҳим, гуру(рухий устоз)сиз ҳаёт кечириб бўлмайди.

Хозир биз ҳаммамиз паришонмиз. Бундай ҳолатда бизга тўғри йўл кўрсатадиган устоз керак. Аржун, ана шундай боши берк кўчага кириб қолган ва гуру уни куткариб олган дунёвий одам тимсолидир. Бизга ўрнак бўлиш учун Аржун ўзига устоз қилиб Кришнани танлади. Бошқа бирорни эмас, айнан Кришнанинг Ўзини гуру қилиб танлади. Шундай қилиб, фақат Аржун учун эмас, балки ҳамма учун ҳам Кришнанинг айнан Ўзи ҳақиқий гуру. Агар биз Кришнанинг насиҳатларини тинглаб уларга амал қиласаккина ҳаётимиз маънога эга бўлади. Шунинг учун Кришнани англаш ҳаракатининг вазифаси - Кришнани ҳақиқий руҳий устоз деб танлашга ҳаммани ишонтириш.

14

Бизнинг вазифамиз шундан иборат. Биз "Мен Кришнаман, Худоман!" демаймиз. Биз ҳеч қачон ундан демаймиз. Биз шунчаки илтимос қиласиз:-"Илтимос, Худонинг амрига бўйсунинг!"

Шогирд. Ўзларини гуру дейдиганларнинг кўплари Кришна айтган гапларни ҳам айтадилар, шу билан бирга улар бошқа кўрсатмалар ҳам берадилар. Улар қандай одамлар?

Шрила Прабхупада. Улар жуда хавфли одамлар. Жуда ҳам хавфли одамлар. Улар иккюзламачи қаллоблардир. Ўз насиҳатлари билан улар ўзларининг ҳар бир мижозининг кўнглини овлашга интиладилар. Худди устоз эмас, балки аравакаш сингари. Шогирдлари ундан мамнун бўлиши ва унга пул тўлашлари учун у уларнинг хизматини қиласи. Ҳақиқий гуру - ўз шогирдларининг хизматкори эмас, у уларнинг хўжайини. Агар ким улардан пул олиш ниятида, ўз шогирдларининг хизматкорига айланса, у ҳеч қандай гуру эмас. Ҳа, гуру хизматкор бўлиши керак, аммо фақат Парвардигорнинг хизматкори бўлиши керак. Гуру сўзининг асл маъноси "оғир" дегани, чунки у Кришна ато этган илоҳий илм ва руҳий ҳукмронлик остида оғирлашган. Руҳий устоздан дунёвий орзу-ҳавасларни амалга ошириш учун фойдаланмаслик керак.

Кришна шундай дейди: *сарва-дхарман паритяжайам экам шаранам враджам* - "Ҳамма динлардан воз кеч ва ўзингни Менга топшир!" Биз ҳам шундай деймиз."Кришнага ихтиёрингизни бутунлай топширинг. Ҳар қандай диндорлик ёки дхармадан воз кечинг!" Биз ўзимизни энг улуғ зот деб хисобламаймиз. Йўқ, биз "Энг Олий Зот - Худо, Кришна, Уни англашга ҳаракат қилинг, интилинг!" деймиз. Халқаро Кришнани англаш ҳаракатининг мақсади, маъноси шундан иборат.

## Кўринмас ҳукмдор

"Ҳатто энг замонавий компьютер ҳам тажрибали операторсиз, унинг назоратисиз ишлай олмайди. Ҳудди шунга ўхшаши, коинот деб атальмиши бу улкан мавжуд олам ҳам Олий Руҳнинг назорати, ҳукмронлиги остида ҳаракат қилаётганини англашимиз лозим. Ана шу олий рух - Кришна". Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган маърузада Шрила Прабхупада моддий табиат ҳақида, бу ажойиботни яратган ва уни бошқариб турган Зот ҳақида фикр юритшини тавсия қиласиди.

Кришнани англаш ҳаракатининг мақсади - инсоннинг Кришна онги билан муштарак бўлган азалий, пок онгини қайта тиклашдир. Ёмғир суви дистилланган сув каби тиник, аммо у ерга тушиши биланоқ ифлосланиб, лойқаланади. Ҳудди шунингдек, бизлар ҳам аслида Кришнанинг ажралмас мангу бўлаклари сифатида, Худонинг онгига ўҳшаган пок онгга эгамиз.

"Бҳагавад Гита"да Шри Кришна шундай дейди: .(Б.Г. 15.7.)

*мамаивамишо жисва-локе жисва-бхутах санатанаҳ  
манах шаштханиндирийани пракрити-стхани каршати*

"Моддий оламдаги тирик зотлар Менинг мангу бўлакларимдир. Шартланган моддий оламда улар ўзларининг олти туйғуси билан курашиб ҳаёт кечирадилар, бу туйғулардан бири нафс(ақл)дир

Демак, тирик зотларнинг барчаси Кришнанинг ажралмас бўлакларидир. Кришна деганда биз Худони назарда тутаётганимизни унутмаслик керак. Худовандни "Кришна", яъни, "ҳаммани Ўзига жалб қилувчи"- деган ном билан атасимиз Олий Худо Шахсининг барча тирик мавжудотнинг раҳнамоси эканини кўрсатади. Ҳудди олтин заррачалари сифат жиҳатидан олтин конидаги олтиндан фарқ қилмагани сингари, Худованд Кришна танасининг ажралмас бўлаклари бўлганимиз учун сифат жиҳатидан Унинг Ўзидан фарқ қилмаймиз.

Ўзининг "кимёвий" таркиби жиҳатидан Худонинг танаси ва тирик зотнинг руҳий танаси бир хилдир: бу таналар руҳий қувватдан таркиб топган. Шунинг учун, ўзимизнинг азалий, соғ, ҳали моддий қувват билан булғанмаган ҳолатимиизда - танамиз худди Худонинг танаси сингари руҳий сифатларга эга бўлади. Аммо ҳозир, ерга тушиб булғанганд ёмғир томчилари сингари, биз Кришнанинг ташқи қуввати бошқараётган моддий оламга аралашиб кетдик.

Ташқи қувват, моддий табиат ҳақида гап кетганда шундай савол туғилиши мумкин: "Кимнинг қуввати? Кимнинг табиати?". Моддий қувват ёки табиатнинг ўзи мустакил ҳолда ҳаракат қила олмайди. Уни мустакил деб ҳисоблаш - ғоғилликдир. "Бҳагавад Гита"да моддий табиат ўз ҳолича мустакил ҳаракат қилмайди, деб кўрсатилган. Ақлсиз киши мураккаб машинанинг ҳаракат қилаётганини кўриб, уни ўз ҳолича ишлайти деб ўйлаши мумкин, аммо аслида бундай эмас. Гарчи бальзан бизнинг мукаммал бўлмаган кўзимиз кўриши қийин бўлса ҳам, қаердадир шу машинани бошқараётган кимдир бўлиши керак. Ҳайратланарли даражада мукаммал ҳаракат қилувчи жуда мураккаб электрон асбоблар мавжуд, аммо буларнинг ҳаммасини ҳам қандайдир кнопкалар билан бошқариб турувчи олим, оператор бор. Буни англаш жуда осон: -машина фақатгина моддий нарсалардан таркиб топган, шунинг учун мустакил ҳолда ҳаракат қила олмайди, - уни руҳ бошқариши керак. Масалан, магнитофонни олайлик, у ўз ҳолича эмас, балки эгасининг, инсоннинг иродаси ва хоҳиши билан ишлайди. Ҳар қандай мукаммал яратилган моддий машина ҳам, токи мангу руҳ уни ҳаракатга келтирмагунча ишга тушмайди. Худди шунингдек, биз табиат деб атайдиган моддий коинот ҳам - катта бир моддий машинадир, холос, ва уни Худо, Кришна бошқариб туради. Бу ҳақиқат "Бҳагавад Гита"да ҳам таъкидланган, унда Кришна шундай дейди:

*майдадхъакишене пракритех суйате са-чарачарам  
хетунанена каунтейа жагад випаривартате*

"Моддий табиат Менинг амримга бўйсуниб ҳаракат қиласи, эй Кунтининг ўғли. У ҳар турли ҳаракатланувчи ва қўзгалмас тирик зотларни яратади. Унинг қонунларига биноан бу моддий олам қайта-қайта пайдо ўлади ва емирилади".(Б-г. 9.10.)

Тирик зотларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин: қўзгалувчан(одамлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва ҳоказо.) ва қўзгалмас(дарахтлар, тоғлар).

Шу икки хил тирик зотларни бошқарувчи моддий табиат ҳам Менинг амримга биноан ишлайди, - дейди Кришна. Демак, бу мавжуд борлиқни Олий Ҳукмдор бошқариб туради. Илмлари етишмаган-

лиги туфайли ҳозирги замон одамлари мана шу ҳақиқатни тан олмайдилар, шу сабабли Халқаро Кришнани англаш жамиятининг мақсади - моддий табиат гуналари таъсири остида тўғри фикр юритиш қобилиятини йўқотган инсоният онгини ҳақиқий илм ёрдамида ёритишdir. Бошқача қилиб айтганда, биз инсоният онгини ғафлат уйкусидан уйготиб, уни ўзининг аввалги азалий соғлом ҳолатига олиб келмоқчимиз.

Бутун дунёда, хусусан бу ерда, Америка Кўшма Штатларида, ҳар турли факультетлари бор Университетлар кўп, аммо ҳеч ким, уларнинг ҳеч бирида рух ҳақида илм бермайди. Худованд Шри Кришна айтган "Бҳагавад Гита"даги таълимотни ўрганадиган бирорта факультет борми? Массачусети технология институти ўқитувчи ва студентлари олдида маъруза қилганимда, мен уларга шундай савол бердим: "Институтингизда тирик одам ва ўлик мурда орасидаги фарқни ўрганадиган факультет борми?" Одам ўлган пайтида унинг танасидан нимадир чиқиб кетади. Ана шу чиқиб кетган нарсани алмаштириш технологияси ўйқми? Нимага олимлар мана шу муҳим, ечилиши жуда зарур муаммо устида ишламаяптилар? Бу муаммони ҳал қилишга уларнинг кучлари етмайди, шунинг учун, бунга қўл силтаб, ўзларини билимдон кўрсатиб еб-ичиш, ухлаш, танани муҳофаза қилиш ва жинсий алоқа технологияларини ўрганишга киришадилар. Аммо Ведавий битиклар таъкидлашича бундай технология - ҳайвонлар технологиясидир. Ҳайвонлар ҳам ўзларига яхши овқат топиш, дам олиш, жинсий алоқа қилиш ва ўзини муҳофаза қилиш имкониятини яратишга интилиб яшайдилар. Шундай экан, инсонларнинг олаётган илми ҳайвонларнинг илмидан нимаси билан фарқ киласди? Аслида инсон ўз илмларини тирик ва ўлик тана орасидаги, тирик инсон билан мурда орасидаги фарқни англаш даражасига етказиши керак. Кришна ана шу руҳий илмни "Бҳагавад Гита"нинг аввал бошида дўсти Аржунга ўргатган. Аржун Кришнанинг дўсти бўлиб, зийрак ақлга эга эди, аммо аввал унинг илми ҳам бошқаларники сингари чекланган, номукаммал эди. Лекин Кришна унга чекланган илми доирасидан ташқарида бўлган нарсалар ҳақида гапириб берди. Бу илм, факат моддий нарсалар ҳақида илм олишга имкон берадиган сезги органларимиз орқали бевосита олиб бўлмаслиги назарда тутилиб, адҳокиаджса деб аталади. Масалан, инсоннинг мукаммал бўлмаган кўзи кўра олмайдиган энг нозик нарсаларни кўра оладиган микроскоплар бор, аммо танамиздаги руҳни кўриш учун ҳеч қандай микроскоп бизга ёрдам бера олмайди. Шунга қарамай, руҳ(жон) барibir реал мавжуд нарса."Бҳагавад Гита" таълимоти жон ва танани бир биридан

яққол ажратган ҳолда қарайди. Мен - ўз танамнинг эгасиман, бошқалар ҳам ўз таналарининг эгасидир. Мен - "Бу менинг қўлим"-дейман, аммо "Мен - қўлман" демайманку. Мен бу қўл менини эканлигини эътироф этяпман, демак, мен қўлдан фарқ қиласман. Биз худди шу гапни кўзларим, оёқларим ва тананинг бошқа қисмлари тўғрисида ҳам айтишимиз мумкин. Шу нарсаларнинг орасида "мен" ўзи кимман? Ана шу саволга жавоб ахтариш медитация(муроқаба) деб аталади. Ҳақиқий муроқаба "Менинг ҳақиқий ўзлигим қани, Мен ўзи кимман?" деган саволга ўз қалбидан жавоб излашдир. Аммо, биз қанчалик моддий ҳаракат қилмайлик, мустақил ҳолда бунга жавоб топа олмаймиз, шунинг учун ҳам бундай саволларни жаҳоннинг бирорта университетида ўрганмайдилар. "Бу жуда қийин фан" -дейди олимлар, одатда. Ёки бўлмаса, бундай илмни ўрганишдан ҳеч қандай маъно йўқ дейдилар.

Хозир инженерлар отсиз аравалар, қўлбола қушлар ясаш ҳаракатида юрибдилар. Авваллари араваларни отлар тортиб юради, ҳаво ҳам тоза эди, аммо эндиликда одамлар автомашиналарда ва самолётларда юрадилар, бундан олимлар фахрланадилар. Улар - "Бизлар отсиз юрадиган аравалар ва инсон қўли билан ясалган қушлар ихтиро қилдик!" - деб мағрутланадилар. Улар самолет ва ракеталар учун сунъий қанотлар ўйлаб топишлари мумкин, аммо улар ҳеч қачон руҳсиз, жонсиз яшайдиган тана ярата олмайдилар. Агар улар жонли нарсани яратсалар эди, ҳар қандай олқишига сазовор бўлган бўлардилар, аммо бунинг ҳеч қандай иложи йўқ, чунки биз биламизки, фақат мангу мавжуд бўлган руҳгина ҳар қандай моддий машинани ишлата олади. Ҳатто энг замонавий компьютерни ҳам албатта тажрибали оператор назорат қилиб туриши зарур. Худди шунингдек, коинот деб аталмиш бу моддий олам ҳам Олий Рух -Худонинг назорати остида ҳаракат қиласми.

Олимлар ҳар хил назария ва гипотезаларни олга суриб, моддий оламни бошқариб турган зот ёки бошланғич сабабни билишга тиришадилар, аммо ҳақиқий илм олишнинг амалий усули осон ва мукаммал: - мукаммал шахс - Кришнанинг айтганларини қабул қилиш лозим. Инсон Кришнанинг "Бҳагавад Гита"да берган илмини англаш етган заҳоти, бизнинг сайёрамиз - Ерни ҳам ўз ичига олган бутун моддий борлик, коинот, уни Кришна бошқариб тургани учун ҳам бехато ҳаракат қилиб турганини тушунади.

Бизнинг илм олиш усулимиз жуда осон. Бизнинг асосий китобимиз Кришнанинг насиҳатларидан иборат бўлган "Бҳагавад Гита", уни энг биринчи, азалий тирик зот- *ади-пурушанинг* Ўзи, азалий

Олий Шахс, Парвардигорнинг Ўзи айтган. У ҳақиқатан ҳам комил шахс. Кимлардир бунга эътиroz билдириши мумкин, Кришнани муқаммал шахс деб ишонувчи сизлар билан бир қаторда Кришнани тан олмайдиган, ёки Уни билмайдиган одамлар ҳам кўп-ку? Аммо булар шунчаки, шуни ўзлари хоҳлагани учун Кришнани муқаммал шахс деб тан олган, деб ўйламанглар. Кришнанинг муқаммал Олий шахс, Худо эканини барча муқаддас битиклар, буюк авлиёлар тан олишган. Биз Кришнани ўзларимизнинг хом ҳаёлларимиз ёки ҳиссиётларимизга ишониб тан олганимиз йўқ. Мутлақо ундан эмас. Бу ҳақиқат жуда кўплаб ведавий илм билимдонлари томонидан тан олинган, улардан бири барча ведавий асарлар муаллифи - Въясадева. Ведалар - мавжуд барча илмларнинг манбаи, жавоҳиридир, уларнинг муаллифи Въясадева "Кришна - Худонинг Олий Шахси, деб тақидлайди". Буни унинг руҳий устози Нарада муни ҳам тасдиқлайди. Нараданинг руҳий устози Браҳма эса Кришнани шунчаки Худонинг Олий Шахси деб эмас, балки Олий Ҳукмдор деб ҳам атаган. У *ишвараҳ парамах кришнах* - "бутун борлиқнинг олий Ҳукмдори Кришна", деган.

Бутун мавжуд оламда ўзини мутлақо мустақил деб тасдиқлай оладиган бирор мавжудот йўқ. Ҳар бир тирик зот, қандай ҳолатда бўлмасин, қандай лавозим эгаллаб турган бўлмасин, кимнингдир амрига бўйсунишга мажбур. Аммо Кришна ҳеч кимга бўйсунмайди, шунинг учун ҳам У - Худо. У ҳар бир жонзотнинг ҳукмдори: Ундан буюкроқ ва Уни ўзига бўйсундира оладиган бирор зот йўқ. У билан тенг бўлган ва Унинг ҳокимлигини У билан тенг баҳам кўрадиган ҳам бирор зот йўқ. Бундай гаплар ғалати эшитилиши мумкин, чунки бугунги кунда ўзларини "Худо" деб атайдиганлар жуда кўпайиб кетган. Ана шундай сариқ чақага арзимайдиган "худо"лар асосан Ҳиндистонда кўп. Бошқа давлатлар бу жиҳатдан Ҳиндистонга караганда омадлироқ, чунки бошқа ерларда бундай "худо"лар кам чикади. Ҳиндистонда деярли ҳар куни кимнидир "худо" деб эълон қилишади. "Нью-Йорк ёки Лос-Анжелесга "Худо" келармиш", - деган гапларни тез-тез эшитиб турамиз, ва шу муносабат билан уни кутиб олиш учун жуда кўп одамлар тўпланади. Аммо Кришна бундай фирибгарлардан эмас, Уни ҳеч ким Худо қилиб қўймаган, У ҳамиша Худо.

Ведалар илмига асосланаб бутун борлиқни, моддий табиатни бошқариб турган Зот - Худо, Кришна эканини тан олишимиз керак. Буни барча мўътабар зотлар тан олган. Мўътабар зотларга ишониш ўзимиз ўйлаб топган усул эмас, ҳар ким ҳам кимгадир ишонади. Маълумот олиш учун биз мактабга борамиз, ёки ота-онамиз ўқитади.

Биз учун улар ишонарли, мўътабар манба, шунинг учун ҳам биз уларга ишонамиз. Болалигимиизда биз кўп нарсаларни отамииздан ўрганганмиз: "Дада, бу нима?" - "Бу - ручка, стол, очки." Бола шундай қилиб ёшлигидан ота-онасидан илм ўргана бошлади. Ҳаётдаги кўп нарсаларни одам ота-онасидан ўрганади. Яхши ота-она ҳеч қачон болаларини алдамайдилар, уларга ҳамма нарсани тўғри ва аниқ ўргатадилар. Худди шундай биз ҳам, тўғри жавоб бера оладиган ишонарли манбаларга мурожаат қилганимиизда улардан илоҳий нарсалар ҳақида илм оламиз, ва олган илмимиз мукаммал бўлади. Агар қандайдир хulosаларга ўз тафаккуrimiz орқали эришсак, албатта хотога йўл кўямиз. Индуктив усул, яъни бальзи нарсаларни ўрганиш, кутиши асосида умумий хulosага келиш мукаммал усул бўла олмайди. Бизнинг танамиз чекланган имкониятга эга, ва кузатувларимиз ва тажрибамиз ҳам чекланган, шунинг учун хulosаларимиз ҳам мукаммал бўлмайди.

Аммо илмни мукаммал манбадан, яъни Кришнадан олсак, ва кейин эшитганимиизни шунчаки тақрорласак, айтгандаримиз мукаммал ва ишонарли бўлади. *Парампара* - шогирдлар силсиласи(занжири)нинг қоидаси ана шундан иборат: Кришнадан ёки Унинг содиклари бўлган ишонарли манбалардан илм олишимиз, ва улардан олган илмимизни ҳеч ўзгартирмасдан, аниқ қилиб тақрорлашимиз лозим. "Бҳагавад Гита"да Кришна айнан ана шу усулни тавсия қиласди: *эвам парампара-праптам имам раджарашайо видух* "Бу буюк илм шогирдлар силсиласи орқали ана шу тарзда авлоддан авлодларга етиб келган ва тақводор шоҳлар уни шундай қилиб эгаллаганлар".(Б.Г. 4.2.) Олдинги замонларда илм буюк тақводор шоҳлар орқали ўтиб келган, уларнинг илмлари албатта ишонарли, мўътабар бўлган. Шундай шоҳлар *риши*, яъни "буюк донишманд ва Худонинг содик кишиси" унвонига эга бўлганлар. Улар оддий одамлардан бўлмаган, шу боис ҳам улар бошқараётган ҳокимият ўз вазифаларини бенуқсон бажарган. Ведалар жимияти тарихида Худога холис хизмат қилиш бобида камолотга эришган ана шундай шоҳлар жуда кўп. Масалан Дхрува Махараж Худони излаб ўрмонга йўл олди, ва қаттиқ риёзатлар чекиб, олти ой деганда Унинг дийдорини кўришга муваффақ бўлди. Гарчи бу шахзода ҳали атиги беш ёшга тўлган ва танаси ҳали жуда нозик бўлса ҳам, руҳий устози Нарада Мунининг кўрсатмаларига қатъий амал қилгани учун мақсадига эришди. Ўрмонга боргандан кейин Дхрува Махараж биринчи ой мобайнida ҳар уч кунда бироз мева-чева ерди ва олти кунда бир марта озгина сув иcharди. У аста секин олаётган нафасини ҳам камайтира борди ва охи-

рида умуман нафас олишни тарк этди. Бутун олти ой давомида у бир оёғида турди. У олти ой шу тарзда риёзат чеккандан сүнг, Парвардигорнинг Ўзи унинг олдида пайдо бўлди. Эндиликда бизнинг бундай қаттиқ риёзатлар чекишимизнинг ҳожати йўқ, чунки ведавий илмларни тўлиқ эгаллаган шундай буюк содикларнинг изидан бориб, биз ҳам Худони юзма-юз кўра оламиз. Инсон ҳаётидаги ҳақиқий руҳий камолот ана шудир.

Кришнани англаш усулининг асоси ҳам риёзатдан иборат, аммо ҳозирги риёзатга амал қилиш унчалик қийин эмас. Бу риёзат овқатланишни, жинсий ҳаётни, шунингдек инсонга руҳий камолот йўлида ёрдам берадиган бошқа баъзи бир нарсаларни тартибга со-лишдан иборат. Масалан, ҳар қандай овқатни аввало Кришнага тортиқ қилгандан сўнггина ейиш керак. Жинсий алоқа эса факат никоҳ доирасидагина бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ҳеч ким Дхрува Махараж риоя қилган риёзатни тақрорлай олмайди, аммо ведаларда келтирилган асосий қоидаларга амал қилган ҳолда, биз ўзимизда руҳий, илоҳий онг-- Кришна онгини ривожлантиришимиз мумкин. Шу йўлдан бориб биз аста-секин мукаммал илмга эга бўламиз. Агар биз кейинги ҳаётимизда қаерда, ким бўлишимизни билмасак, файласуф ёки олим бўлишимизнинг нима маъноси бор? Ўзида Кришна онгини ривожлантирган ҳар бир одам ҳеч қийналмасдан ўзининг кейинги ҳаёти қандай бўлишини, аслида Худо Ўзи ким эканини, тирик зотнинг моҳияти аслида нимадан иборат эканини ва унинг Худо билан ўзаро муносабати қандай эканини айтиб бера олади. Бундай одамнинг илми мукаммал ҳисобланади, чунки у ўз илмини "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" сингари мукаммал илоҳий асарлардан олади.

Кришнани англаш усули мана шундай. У жуда осон: ҳар бир одам буни амалда, ўз ҳаётида қўлланиб комил инсон даражасига эришиши мумкин. Ҳатто ўқиш-ёзишни ҳам билмайдиган, ҳеч қандай маълумоти бўлмаган киши ҳам бу усулдан бемалол фойдалана олади. Ҳар қандай одам ҳам қўйидаги маҳа-мантрани тақрорлаш шарофати билан энг юксак камолотга эришиши мумкин:

*Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.*

Кришна ҳар биримизга тил ва икки қулоқ бериб кўйибди, ва шуниси ҳайратланарлики, Парвардигорга кўз эмас, айнан тил ва қулоқлар ёрдамида эришиш мумкин. Кришнанинг насиҳатларига амал қилиб тилимизни тийишни, унинг хўжайини бўлишни ўрганамиз, тилимизни тийишни ўргансак бошқа аъзоларимизни тийишни ҳам ўрганамиз. Барча ҳиссий органлар ичида энг очофати ва

баднафси - тил, аммо уни ҳам Ҳаре Кришна мантрасини тақрорлаш ва Кришнага тақдим этилган таом, прасад ейиш билан жиловлаб олиш мүмкин.

Кришнани ўз ақлимиз ва хиссиятларимизга сиғдира олмаймиз. Бунинг иложи йўқ, чунки Кришна шунчалик буюк ва улуғворки, хиссиятимиз ва ақлимиз Уни англаб олишга ожизлик қиласиди. Аммо Унга бутунлай ўз ихтиёрини топшириш орқали эришиш мүмкин. Шунинг учун ҳам Кришна айнан шу усульнин тавсия қиляпти:

*сарва-дхарман паритайаджа мам экам шаранам враджса  
ахам твам сарва - панебхью мокшайишиами ма шучах*

"Барча диний ақидаларни тарк эт ва ўз ихтиёргини бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос эта-ман. Ҳеч нарсадан қўркма!"(Б.Г.18.66.). Аммо, баҳтга қарши, биз ҳаммамиз ғафлат остидамиз, ғоғиллигимиз сабаби эса, бизнинг бўйсунишни истамаслигимизда, биз ҳеч кимга, ҳеч нарсага ишонгимиз келмайди. Барибир, ҳеч кимга бўйсунмаймиз деганимиз билан, аёвсиз моддий табиат бизни ўзига бўйсундириб қўйибди. Унинг қонунларига бўйсунишга мажбурмиз. Ҳар хил ишларга мубтало этувчи хиссияти талабларига қул бўлиб яшаётганига қарамай, мен ҳеч нарсага бўйсунмайман, деб даъво қилувчи кишидан ҳам ачинарли зот борми? Ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдиган мустақилликни даъво қилиш бемаънилиқдир. Биз ҳеч кимга бўйсунмаймиз деб қанчалик даъво қилмайлик, барибир ҳамиша кимнингдир ҳукми остидамиз. Мана шу майа, алданиш деб аталади. Аммо шуни айтиб ўтиш лозимки, биз озгина мустақилликка эгамиш. Бу мустақиллик шундан иборатки, биз кимнинг ҳукми остида бўлишни мустақил ҳолда ўзимиз танлай оламиш: ўз хиссиятларимизнинг ҳукминими ёки Кришнанинг ҳукминими? Кришна -Олий Ҳукмдор, шу билан бирга У ҳукмдорларнинг энг аълоси, чунки У ҳамиша бизга яхшиликни право кўради ва нимани буюрса ҳам ҳамиша бизнинг саодатимиз учун буюради. Шундай экан, барибир кимнингдир ҳукми остида бўлишга мажбур эканмиз, Кришнанинг олий ҳукмдор эканлигини тан олиб, Унга бўйсунган маъқул эмасми? Унинг "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам"да куйланган улуғворлиги ҳақидаги илоҳий хикояларни шунчаки мунтазам тинглаш ва Унинг муқаддас номларидан иборат бўлган Ҳаре Кришна мантрасини тақрорлаб, зикр қилиб юриш билан биз ўз ҳаётимизда энг олий мақсадга эришишимиз мүмкин.

## **Кришна Ўзи ким?**

1973 йил августида Лондон яқинидаги гүзал манзарали Бхактиведанта Менор саройида бир неча минг киши Шрила Прабхупаданинг даъват - маъruzасини тинглади. Улар орасида Ҳиндистоннинг олий комиссари ҳам бор эди. Шрила Прабхупада Ҳиндистоннинг қадимий ведавий битиклари асосида Олий Худо Шахси, Парвардигорни таърифлаб берди. Унда Парвардигор мўйсафид чол қиёфасида эмас, балки бениҳоя жозибали, мафтункор ўстирип кўринилишида намоён бўлади.

Хурматли Олий Комиссар ҳазратлари, муҳтарам хоним ва жаноблар, Кришна Ўзини Ер сайёрасида намоён қилган кун - Жанмаштами тантанасини нишонлаш маросимида иштирок этиш учун ташриф буорганларингиздан самимий миннатдорман. "Бҳагавад Гита"да Кришна шундай дейди:(4.9) *жанма карма ча ме дивиам эвам йо ветми таттватаҳ*

*тийактва деҳам пунар жанма наити мам эти со "ржуна*

"Менинг бу дунёга келиб кетишмнинг, қилган ишларимнинг илоҳий табиатини англаб етган киши бошқа ҳеч қачон бу моддий оламда туғилмайди. Танасини тарк этгандан кейин у Менинг мангударгоҳимга келади, эй Аржун."

Биз шубҳасиз бу кетма-кет туғилиб-ўлаверишларнинг занжирини узишимиз ва мангударгоҳимга ҳаётга эришишимиз мумкин. Афсуски, ҳозирги даврда одамлар - буюк файласуфлар, сиёсатчилар ва олимлар - бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Уларга инсон - *амритаттвам*, яъни "мангулик" ҳолатига эришиш имкониятига эга экани номаълум. Бизларнинг ҳар биримиз *амрита*, "мангу тирик"миз, биз ҳеч қачон ўлмаймиз. "Бҳагавад Гита"да (2.20) шундай дейилган: *на жайате мрияте ва кадачит* - "Биз, тирик зотлар ҳеч қачон туғилмаймиз ва ўлмаймиз."

*аджо нитиаҳ шашвато "йам пурено на ханиате ханиамане шарире.* Биз азалдан мангударгоҳимиз, бизнинг на аввалимиз, на охиримиз мавжуд эмас. Тана ҳалок бўлганда биз ўлмаймиз. Бизнинг бу танамиз эскириб, йўқ бўлгандан кейин биз бошқа тана олишимиз керак бўлади.

*дехино "смин ятха дехе каумарам йауванам жара  
татха дехантара-праптирир ҳхирас татра на мухйати*

"Танада мужассам бўлган рух гўдак танасидан ўспирин танасига, ундан кейин кекса чол танасига ўтгани сингари, бир тана ҳалок бўлгандан кейин рух бошқа танага ўтади. Ўзлигини англаган, зийрак тафаккурли киши бундай ўзгаришлардан безовта бўлмайди.(Б.Г.2.13). Ҳозирги пайтда бутун жаҳондаги одамларга мана шу оддий ҳақиқат илми етишмайди: барча тирик зотлар - Кришнанинг ажралмас бўлакларидир; Кришна сингари биз ҳам, лаззатга тўла ва чуқур тафаккурга эга мангу тирик жонлармиз. Ведавий битикларда Кришна куйидагича тасвирланган:

*ишивараҳ парамаҳ кришинаҳ саччиид-ананда - виграҳаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*

"Говинда деб ҳам чакириладиган Кришна, - Олий Худо Шахсидир. Унинг лаззатга тўла мангур, руҳий танаси бор. У - бутун борликнинг манбаидир, аммо Унинг Ўзининг манбаи йўқ, чунки У Ўзи - барча сабабларнинг олий сабабчисидир".(Б-с.5.1).

Мен "Кришна" деганимда ягона Худо, Парвардигорни назарда тутяпман. Баъзан, Худонинг номи йўқ деб айтадилар. Бир томонидан бу тўғри, Унинг қилган ишларига қараб одамлар Уни ҳар хил номлар билан атайдилар. Масалан, Кришна Нанда Махараж ва Яшодамайа-нинг, Васудева ва Девакиларнинг ўғли қиёфасида намоён бўлди. Аммо аслида ҳеч ким Кришнанинг на отаси на онаси бўла олмайди, чунки Кришна барча тирик мавжудотнинг азалий отасидир. Аммо, Кришна бу моддий оламга ташриф буюрганида буюк солихларнинг баъзиларини отам ёки онам деб қабул қиласди.

Айни пайтда Кришна - *ади-пурушам*, яъни, "азалий бошлангич шахс". Демак, Уни энг кекса шахс деб тушуниш керакми? Асло, мутлақо бундай эмас. *Навайауванам ча*: У ҳамиша ёш. Кришна ана шундай. Курукшетрадаги жанг майдонида Кришна йигирма-йигирма тўрт ёш атрофидаги ёш йигит кўринишида эди. Аммо у пайтда Унинг чеваралари бор эди. Демак Кришна ҳамиша ёш йигит қиёфасида қолади. Барча ведавий битиклар шуни тасдиқлайдилар.

Аммо, барча ведавий битикларнинг мақсади - Кришнани англаб етиш бўлса ҳам, бу илм юзаки, чуқур эътиборсиз ўрганилса, Кришнанинг кимлигини англаш жуда қийин. "Бҳагавад-Гита"да(15.15.) Кришна шундай дейди: *ведайши ча сарваир аҳам эва ведайаҳ* -"Барча ведавий илмларнинг вазифаси - Мени англаб етишдир." Агар Кришнани англаб етмасангиз Ведаларни ўрганишнинг маъноси қолмайди. Илм ўрганишнинг охирги мақсади - Олий Худо, Парвардигорни, барча сабабларнинг сабабчиси Кришнани англашдир. "Веданта сутра"да шундай дейилган: *атхато браҳма-жисижнаса* - "Энди, сен инсон та-

насига эга бўлганингдан кейин Олий Мутлақ Ҳақиқат, Браҳманнинг табиати ҳақида савол бериш вақти келди". Браҳман дегани нима? жсанмадий асия йаташ. Браҳман - бу бутун борлиқнинг манбаи. Демак, барча илмларнинг ва фалсафанинг умумий мақсади - бутун борлиқнинг энг биринчи сабабчисини аниқлашдан иборат. Мана шу илмни, -(сарва-карана-каранам) Кришна бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси экани ҳақидаги илмни - ведавий битиклардан ўрганишимиз мумкин.

Шуни тушуниб олишга ҳаракат қилинг. Масалан, менинг дунёга келишимнинг сабабчиси - менинг отам, унинг дунёга келишининг сабабчиси - унинг отаси, унинг отасининг ҳам отаси бор... Ана шу тарзда давом этаверсак, биз охири ҳеч қандай сабабсиз дунёга келган зотгача етиб борамиз. *анадир адир говиндах*: ҳеч қандай сабабсиз сабабчи, - Говинда, Кришна. Мен ўғлимнинг дунёга келишига сабабчи бўлишим мумкин, аммо менинг ўзимнинг сабабчи сифатида дунёга келишимга ҳам сабабчи бор, - у менинг отам. Аммо, ведавий битиклар таъкидлайдики, - Кришна - азалий, бошланғич шахс. Унинг пайдо бўлишининг сабабчиси йўқ. Парвардигор, Кришна мана шундай шахс.

Шунинг учун Кришна шундай дейди: "Менинг бу дунёга келишимнинг, қилган ишларимнинг илохий табиатини тушуниб етишга ҳаракат қил!" Кришнанинг бу дунёга ташриф буюриши жуда муҳим воқеа. Биз Кришнани англашга, Унинг бу дунёга ташриф буюришидан мақсадини, Унинг бу моддий оламга нимага келишини, Унинг вазифаси нимадан иборатлигини, Унинг нима ишлар қилганини тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Биз шунчаки Кришнани англашга, тушунишга ҳаракат қилиш билан нимага эришамиз? *тийактва дехам пунар жсанма наити мам эти со "ржуна* - биз мангаликка эришамиз.

Инсон бўлиб яшашдан ҳақиқий мақсад - *амритатвайа катвате*, яъни мангаликка эришиш. Бугун, Кришнанинг бу дунёга келган кунини нишонлар эканмиз, биз Кришна фалсафасини тушуниб етишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Муҳтарам жаноби олийлари тинчлик ҳақида гапирдилар. "Бҳагавад Гита"да тинчликка эришишнинг формуласи келтирилган, Уни Кришнанинг Ўзи бизга берган. Мана шу формула:

*бхоктарам йажна-тапасам сарва-лока-махешварам*

*сухридам сарва-бхутанам жнатва мам шантим ричхати*

"Ҳамиша Мени эслаб юрган, барча қурбонлик ва риёзатларнинг натижасидан лаззатланувчи фақат Мен(Кришна) эканини тушунган,

барча сайёра ва фаришталарнинг олий ҳукмдори Мен эканимни, барча тирик мавжудотларнинг саодатманди ва раҳнамоси Мен эканимни англаб етган киши барча моддий қийинчиликлардан озод бўлиб фароғатда яшайди".(Б.-г. 5.29). Давлат арбоблари ва сиёсатчилар бутун дунёда тинчлик ўрнатишга ҳаракат қиласидилар. Шу ниятда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва кўплаб бошқа ташкилотлар тузилган. Уларнинг бутун фаолияти ер юзида тинчлик ва осойишталик ўрнатишга, миллатлар ва халқлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни бартараф этишга қаратилган. Аммо, афсуски бундай бўлмаяпти. Сабаб шундаки, улар нотўғри йўлдан боряптилар. Ҳар бир одам: "Менинг ватаним", "Менинг оиласи", "Менинг жамиятим", "Менинг мулким" деган тушунчалар асосида ҳаракат қиласиди. Аммо "менники" деган тушунча алданиш, майа асосидаги тушунчадир. Шастраларда айтилганки, жанасай моҳо "йам ахам мамети - "Мен ва меники" тушунчаларга асосланган фалсафа - ғофилликнинг, алданиш, майанинг намоён бўлишидир.

Агар сиз мана шу майа алданишнинг тасиридан озод бўлишни истасангиз, Кришнанинг кўрсатмасига амал қилинг: *мам эва ўе пра-падайанте майам этам таранти те* - "Ўз ихтиёрини Менга топширган киши бу алданиш таъсиридан осонгина қутулади". "Бҳагавад-Гита"да бизни ҳақиқат йўлига олиб чиқиш учун зарур бўлган барча илм берилган. Агар биз "Бҳагавад - Гита" фалсафасини асл ҳолида қабул қилиб яшасак, биз излаётган ҳамма нарсамизга эришамиз: тинчлик ҳам, тараққиёт ҳам, баҳт-саодат ҳам ўз-ўзидан келади.

Афсуски, ана шу фалсафани баъзан рад этамиз, ёки нотўғри тушунган ҳолда амал қиласимиз. Шу сабабли ҳар хил баҳтсизликларга дуч келамиз. "Бҳагавад - Гита"да Кришна шундай дейди: *ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру* - "Ҳамиша Мени ўила, Менинг содик хизматкорим бўлиб Менга сажда қил!" Наҳотки шунга амал қилиш шунчалик қийин бўлса? Мана Кришнанинг илоҳи, тасвири Наҳотки мана шу Илоҳ ҳақида ўйлаш қийин бўлса? Эҳромга келиб, бу ердаги содиклар билан бирга Илоҳга сажда қилинг. Имкониятингиз борича Илоҳга хизмат қилишга ҳаракат қилинг.

Кришнага сизнинг бойлигингиж керак эмас. Кришна Ўзига сажда қилиш имкониятини ҳаммага бир хилда яратиб қўйибди, ҳатто энг камбағал одамлар ҳам Унга сифина оладилар. Кришна нима дейди? *патрам пуштам пхалам тойам ўо ме бхактия прайаччхати* - "Агар кимда-ким Менга меҳр ва садоқат билан барг, гул, мева ва сув тақдим қилса, Мен уларни тановвул қиласман".(Б.-г. 9.26.) Кришна ҳечам оч эмас, У шунчаки сизнинг Унга содик хизматкор бўлишингизни

хоҳлайди. Гап мана шунда. *Йо ме бҳактъа прайаччхати* - "Менга садоқат билан нимадир тақдим эт!". Мана шу асосий қонун. Кришнага бирор нарса тақдим қилинг! Кришна сизнинг тақдим қилган овқатингизга муҳтоҷ эмас, Унинг Ўзи бутун мавжудотнинг ризқини берувчи- Раззоқдир. Аммо Унга сизнинг ихлосингиз, садоқатингиз, муҳаббатингиз керак. Шунинг учун ҳам У озгина сув, барг, мева ёки гул сўрайпти. Мана шунда сиз ҳамиша Кришна ҳақида ўйлашингиз ва Унинг содик хизматкори бўлишингиз мумкин(ман-мана бҳава мадбҳакта).

Кришна онгини эгаллаш ва Кришнани англаш машаққатли иш эмас, барибир ҳаммамиз ундан бош тортамиз, - бу табиатимизга хос бўлган касал. Аммо, самимий ихлоси бўлган киши учун Кришнани англаш қийин эмас. Сиз Кришнанинг содик хизматкори бўлишингиз биланоқ, бутун борлик сизнинг кафтиңгизда бўлади. Бизнинг фалсафа, бхагавата фалсафаси, руҳий коммунизм фалсафасидир, чунки биз Кришнани бутун мавжудотнинг отаси деб тан оламиз, ва барча тирик зотлар - Унинг фарзандларидир. Кришна айтадики, *сарва-лока-махешварам* - У барча сайёralарнинг олий ҳукмдоридир. Шу боис осмонда, ерда ва сувда мавжуд нимаики бўлса, ҳаммаси Кришнанинг мулкидир. Биз ҳар биримиз Унинг фарзанди бўлганимиз учун, ўз Отамизнинг мулкидан фойдаланишга ҳақлимиз. Аммо бошқа бирорнинг мулкига кўз олайтирмаслигингиз лозим. Мана тинчлик формуласи. *ишиавасийам идам сарвам... ма гридаҳа касия свид ҳанам:* - "Ҳамма нарса Худоники, ва сиз Худонинг фарзандлари бўлганингиз учун, отангизнинг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Аммо, ўзингизга етарлисидан зиёдини олманг, бунинг жазоси бор!". Агар ким керагидан ортиғини олса, демак у ўғри. *йажнартҳат кармано* "*ниятра локо*" *йам карма-бандханаҳ*(Б.-г. 3.9) Биз нима иш килсак ҳам Кришнани, Худони рози қилиш учун қилишимиз лозим. Кришна учун ишлашимиз, бутун фаолиятимизни Унга бағишлашимиз лозим.

Кришнани англаш ҳаракати одамларни айнан мана шунга ўргатади. Бу эхромда барчамиз - америкаликлар, ҳиндистонликлар, англияликлар, канадаликлар, африкаликлар - жаҳоннинг турли мамлакатларидан чиққан кишилар баҳтиёр яшаймиз. Бу сизлар учун сир бўлмаса керак. Фақат биргина мана шу эхромда эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб Кришнани англаб етган кишилар шундай баҳтиёр яшайдилар. Кришна бу моддий оламга одамларни баҳтиёр яшашга ўргатиш учун ташриф буюради.

Мана шу ҳақиқатни, Кришна - бутун борлиқнинг отаси эканини, У - Олий Ҳукмдор эканини, олий лаззатланувчи ва ҳар бир тирик зот-

нинг энг яқин дўсти эканини унугтан заҳоти моддий оламда туғиламиз ва тирикчилигимиз учун бир-биримиз билан кураша бошлаймиз. Бу дунё ҳаёти мана шундай.

Бизга ҳеч қандай сиёсатчилар ҳам, давлат арбоблари ҳам, файласуфлар ҳам ёрдам бермайди. Улар тинчлик учун шунчалик жон куйдирияптилар, аммо барчаси бефойда. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини олайлик. Бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлди ва унинг ташкилотчилари "Мана энди ҳар қандай можароларни музокаралар йўли билан тинч ҳал қиласиз!" деб ўйлагандилар. Афсуски бундай бўлмаяпти. Ҳиндистон ва Покистон, Вьетнам ва Америка ўртасида ва бошқа давлатлар орасида гохида урушлар бўлиб турибди. Дунёвий сиёсат, фалсафа ва дипломатик алоқалар йўли билан бу муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Энг тўғри йўл - Худони, Кришнани тан олиш ва Уни англаш йўлидир. Ҳеч ким ҳеч нарсанинг эгаси эмаслигини ҳар бир киши англаб етиши зарур. Бутун борлиқнинг ягона эгаси - Кришна, Худо. Бунга ҳеч қандай шакшубҳа йўқ. Масалан Американи олайлик, Икки юз йил аввал Европадан келган одамлар бу мамлакатнинг эгаси эмасдилар. Бу ерлар бошқа одамларники эди, ундан олдин эса ундан бошқаларники эди, ёки умуман кимсасиз сахро эди. Аммо унинг ҳақиқий эгаси - Кришна. Биз эса мана шу ерни "бизники!" деб дъяво қиласиз, гарчи бунга ҳеч қандай асосимиз бўлмаса ҳам. Бу алданиш, майа ҳисобланади. Кришна бу моддий оламга бизларни ана шу алданиш дардидан озод этиш учун тушади. Кришна шундай дейди: *йада йада хи дҳармасія гланир бхавати бхаратам* - "Эй Аржун, ер юзида дин тушкунликка тушганда Мен ташриф буюраман"(Б.-г.4.7.)

Ҳақиқий дин, ҳақиқий дҳарма деганда биз нимани тушунамиз? Дҳарма, диннинг энг оддий, аниқ белгиси мана шундай: *дҳармам ту сакиад бҳагават-пранитам* -"Олий Худо, Парвардигорнинг Ўзи ўргатган дин ҳақиқий диндир"(Бҳаг.6.3.19). Масалан, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари" деганда биз нимани тушунамиз? Фуқароларнинг ҳуқуқлари деганда биз ҳукумат тасдиқлаган қонунлар мажмуасини тушунамиз. Сиз бундай қонунни уйингизда ўтириб ўйлаб топмайсиз. Бунинг иложи йўқ. Агар ҳукумат сизга "бундай қилинг, ундей қилинг!" деса, бу сиз учун қонун. Худди шунингдек, дҳарма, дин ҳам Худо томонидан берилган қонун. Дҳарма - бу Худонинг кўрсатмаларида. Бу диннинг энг оддий ва аниқ белгисидир. Агар сиз бир дин яратсангиз, мен бир дин яратсам, яна бирор бошқа бир дин яратса, буларни ҳеч қандай дин деб ҳисоблаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Кришна "Бҳагавад Гита"ни шундай сўзлар билан ту-

галлайди: "сарва джарман паритяджай мам экам шаранам враджа: "Ўзинг ўйлаб топган барча динларни тарк эт ва ўзингни бутунлай Менга топшириб!" .(Б.-г.18.66). Дин бу - Худога, Кришнага ўз ихтиёри ни топширишдир. Бошқа ҳар қандай дин - дин эмас, афюн. Акс ҳолда Кришна:- "Ҳаммасини тарк эт!"- демаган бўларди. У шундай дейди: - "Ҳар даврда дин қонунларини тиклаш, тасдиқлаш учун Мен Ўзим ташриф буюраман". "Бҳагавад Гита"нинг охирида эса, ўзимиз ўйлаб чиқарган барча динларни тарк этишни буюради. Аслида одамларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган қонун-қоидаларнинг ҳақиқий динга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳақиқий дин, ҳақиқий джарманни Худонинг Ўзи яратиб қўйибди. Аммо ҳозир бизда Худонинг ким эканлиги, Унинг Сўзи(қонуни) нимадан иборат эканлиги ҳақида ҳеч қандай тушунча йўқ. Ҳозирги замонавий жамиятнинг энг асосий касали мана шунда.

Аммо, Худо ҳам, Унинг қонунлари ҳам мавжуд, биз шунчаки уларни тан олгимиз келмайди. Бу ахволда биз қандай қилиб тинчликка эриша оламиз. Бизга зарур бўлган ҳамма нарса яратиб қўйилган. Аммо биз уларни қабул қилишни, тан олишни истамаймиз. Бу касалдан биз қандай қутулишимиз мумкин? Биз тинчлик бўлишини истаймиз, аммо тинчликка олиб келадиган ҳақиқатни тан олишни истамаймиз. Бу бизнинг касалимиз. Шунинг учун "Кришнани англаш ҳаракати" ҳар бир киши қалбида мудраб ётган Кришна онгини ўйготишга, одамларни Худонинг қонуни билан таништиришга ҳаракат қиласи. Ўйлаб кўринг: бир неча йил олдин мана шу америкалик ва европаликлар Кришна ҳақида эшитмаган ҳам эдилар, лекин эндилиқда улар Кришнани англаш жараёни билан жиддий шуғулланяптилар. Кришна онги, онги ҳар бир инсон қалбида мавжуд. Уни фақат ўйготиш зарур, ва бунинг усули "Чайтанай-Чаритамрита"да таърифланган:(мадхия,22.107).

*нития сиддха кришна-према "садхя" кабху наїа  
ираванади-шуддҳа-читте караје удаїа*

Кришнага, Худога бўлган муҳаббат туйғуси, Унга садоқат ҳар бир инсон қалбида мавжуддир, аммо биз буни эсдан чиқариб қўйдик. "Кришнани англаш ҳаракати" Кришна ҳақидаги хикояларни тинглаш имкониятини яратиш билан кишилар қалбида мудраб ётган муҳаббат туйғусини ўйготишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бизнинг йўлимиз мана шундай.

Масалан, ухлаб ётган одамни ўйготиш учун унга қаттиқ овозда: - "Ҳой, туриң! Ишни бошлаш керак!"- деб қичқирасиз. Ухлаганингизда барча аъзоларингиз ичida фақат кулогингизгина ишлайди. Шунинг учун, одамлар шунчалик тубанликка юз тутиб, ҳеч ким ҳеч нар-

сани ҳатто тинглашни ҳам истамайдиган ҳозирги даврда улардаги Кришна онгини факат Ҳаре Кришна маҳа-мантрасини куйлаш билан-гина уйғотишимиз мумкин. Бунга бемалол эришса бўлади. Агар биз ҳақиқатан ҳам, жамиятда тинчлик бўлишини истасак, Кришна ҳақидаги илмни ўрганишга жиддий эътибор беришимиз керак. Сизлардан илтимос, Кришнани англаш Ҳаракатига эътиборсиз бўлманг. Бу Ҳаракат хаётдаги барча муаммоларни, бутун жаҳондаги муаммоларни ҳал қилишга қодир. Кришнани англаш шарофати билан ҳар қандай сиёсий, ижтимоий, фалсафий, диний, иқтисодий муаммоларнинг барчасини ҳал қилиш мумкин. Шунинг учун бу ерда иштирок этаётган олий комисsar сингари инсониятнинг барча йўлбошчиларини "Кришнани англаш Ҳаракати"ни тушунишга ҳаракат қилиб кўришларини илтимос қиласиз. Кришнани англаш илми - жиддий ва ишонарли илм. Бу илм қандайдир хом ҳаёллар ёки эзгу орзуларга юзаки интилиш маҳсули эмас. Бу ҳаракат чукур илмга асосланган ҳаракатdir. Барча ҳалқларнинг йўлбошчиларини бизнинг гояларимизни тушунишга, ўрганишга чақирамиз. Агар ҳақиқатан ҳам теран фикрли, чукур тафаккурга эга бўлсангиз, Кришнани англаш ҳаракати ўз олдига энг буюк мақсад - бутун инсониятни фаровонлика, баҳт-саодатга эришиш йўлига бошлашни мақсад қилиб қўйганини тушуниб оласиз.

Биз ҳаммани таклиф қиласиз - келинглар, биргалиқда муҳокама қиласиз. Инсон бўлиб яшашнинг энг олий мақсади - мангаликка эришишdir. *тиякта dexam puнар жсанма наити*. Бизнинг мақсадимиз шу, аммо биз уни эсдан чиқариб қўйганмиз. Биз, на ўлиш, на туғилиш бўлмайдиган мукаммал ҳолатга эришиш мумкинлигини билмаган ҳолда, худди ит, мушуклардек кун кечиряпмиз. Биз ҳатто амритатвам, мангаликка эришиш имконияти ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бу эса бемалол амалга оширса бўладиган нарса. Ҳеч кимнинг ўлгиси келмайди. Ҳеч ким кексайиб, картайгиси келмайди. Ҳеч ким касал бўлишни истамайди. Бу табиий ҳол. Нима учун? Чунки, аввал, биз руҳий танага эга пайтимиизда биз ҳеч қандай туғилиш, ўлиш, касал бўлиш ва кексайиш деган нарсани билмаганмиз. Энди эса, бу моддий дунёда пайдо бўлиб, эволюция жараёнида балиқ танасидан ўсимлик танасига, кейин дарахт танасига, кушлар ва ҳайвонлар танасига ўтиб, ниҳоят инсон танасига эга бўлгандан кейин, яшашдан асосий мақсад нима эканини англаб етишимиз лозим. Яшашдан мақсад - амритатвам, мангаликка эришиш.

Кришна онгига эга бўлиб ҳақиқатан ҳам мангаликка эришишингиз мумкин. Худо, Кришна шундай дейди, ва Худонинг айтган сўзи

шубха қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Биз шунчаки буни англаб етишимиз лозим. *жанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти маттватах*. Агар ҳақиқатан ҳам Кришнани англашга ҳаракат қилсангиз, бу танангизни тарк этгандан сўнг, бошқа моддий танага кириб юрмайсиз (*тиқатва дехам пунар жанма наити*). Агар бошқа танага кирмасангиз, демак мангуликка эришган ҳисобланасиз. Гап шундаки, аслида биз табиатан мангу, барҳаётмиз. Кришна бу моддий оламга мана шу ҳақиқатни бизга эслатиш учун келади:

*мамаивамио жива-локе жива-бхутах санатанаҳ*

*манах шаштханиндирийани пракрити-стхани каршати*

"Сиз табиатан мангусиз. Сизлар - Менинг ажралмас бўлакларим, мангу руҳсизлар. Мен ўлмас, мангуман, сизлар ҳам мангусизлар. Бекорга бу моддий оламда баҳтли бўлишга ҳаракат қилиб юрибсизлар".(Б.-г.15.7.)

Шу пайтгача: мушук, ит, фаришталар, дарахтлар, ўсимликлар, ҳашаротлар каби ҳар хил таналарга эга бўлиб, ҳиссий лаззатланишлар орқали баҳтли бўлишга бир неча бор уриниб кўрдингиз. Энди чукур тафаккурга эга инсон танасига эга бўлганингиздан кейин, ўткинчи ҳиссий лаззатлар қопқонига яна тушиб қолишидан сақланинг. Энди Кришнани англашга, Унга эришишга интилишингиз лозим. Барча ведавий, муқаддас битиклар шуни тақозо этади.

*найам дехо деха-бхаджам нрилоке*

*каштан каман архате вид-бхуджам йе* (Бхаг.5.5.1).

"Инсон чўчқа ва итлар сингари фақатгина ҳиссий лаззатланиш учунгина кеча-кундуз тер тўкиб ишлаши шарт эмас. Инсонга ҳаёт риёзат учун берилган". *тапо дивйам пуртрака йена саттвам шуддхийет*. Биз ҳаётимизни поклашга интилишимиз керак: инсон ҳаётининг мазмуни шунда. Нимага покланишга интилишимиз лозим? *брехма-саукхъам тв анантам* - чунки шундагина руҳнинг табиатини англаб ета оламиз ва мангу, чексиз лаззат ва баҳтга эга бўламиз. Ҳақиқий лаззат ва ҳақиқий баҳт:

*раманте йогино "нанте сатіананда-чид-аттмани*

*ити рама-паденасау парам брахмабхидхийате*

"Йоглар Мутлак Ҳақиқатга эришиб, Ундан бекиёс илоҳий лаззат оладилар, шу боис Олий Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахсини Рама деб ҳам атайдилар.(Падма-пурана).

Ҳиндистоннинг барча буюк авлиёлари шу илоҳий илм чўққиларига жиддий иштиёқ билан интилганлар. Қадимги пайтларда илоҳий илм олиш учун одамлар Ҳиндистонга борарадилар. Ҳатто Иисус Христос ҳам у ерда бўлган. Аммо биз, ҳозирги замон одамлари

шундай ноёб неъматдан фойдаланишга шошилмаймиз. Биздаги муқаддас китоблар фақатгина ҳиндишонликлар, индуслар ёки браҳманларгагина мўлжалланган эмас. Йўқ, мутлақо ундаи эмас, улар бутун инсоният учун нозил қилинган, чунки Кришна мана бундай деган: *ахам биджса-прадаҳа пита* - "Мен барча тирик зотларнинг Отасиман". Шунинг учун ҳам У ҳаммамизнинг тинч-тотув ва баҳтиёр яшашимиизни истайди. Фарзандининг баҳтли ва фаровон турмуш кечиришини истаган ҳар қандай ота сингари Кришна ҳам ҳар биримизнинг баҳтли бўлишимизни хоҳлайди. Ҳақиқий баҳтга элтувчи йўлни кўрсатиш ва шу йўлга киришимизда ёрдам бериш учун У аҳён-аҳёнда моддий оламга ташриф буориб туради. Унинг бу оламга келишидан мақсади мана шундан иборат.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

## Энг буюк санъаткор-рассом.

1973 йил Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида Шрила Прабхупадани санъат саройида маъруза қилишига таклиф этдиilar. Ўз маърузасида тингловчилардан эътиборларини энг буюк санъаткор - Парвардигор Кришнага қаратшишига чақирди: "Чиройли атиргулни Худонинг қудрати яратади, гарчи биз буни сезмасак ҳам, у шундай моҳирлик билан ҳаракат қиласиди, бир кечада шундай ажойиб мўъжисавий гулни барпо этади. Шунинг учун ҳам Кришна - энг буюк санъаткордир."

Хоним ва жаноблар, мени бу ерга таклиф қилиб, буюк рассом ҳақида гапириб бериш имкониятини яратганингиз учун сизлардан гоят миннатдорман. Ведалар Кришнанинг нақадар ажойиб санъаткор эканлигини таърифлайдилар:

*на тасія карыйам каранам ча видійате  
на тат самаш чабхіадхикаш ча дришияте.*

Парвардигордан улугроқ ёки Унга тенг келадиган ҳеч ким йўқ. Гарчи У энг буюк рассом бўлса ҳам, бирор нарсани Унинг Ўзи бажаришининг ҳожати йўқ.

Бу дунёда ҳамиша кимдир бизга тенг, кимдир биздан устунроқ, кимдир биздан пастроқ ҳолатда бўлади. Буни ўз ҳаёт тажрибамизда

кузатишимиз мумкин. Сиз қанчалик улуғ инсон бўлманг, барибир сизга teng ёки сиздан ham улуғроқ инсон топилади. Олий Худо Шахсига келсақ, буюк донишмандлар чуқур мулоҳазалар, изланишлар асосида шундай қарорга келганларки, Унга teng келадиган ёки Ундан буюрок ҳеч ким мавжуд эмас.

Парвардигор жуда ham буюк, шунинг учун Унинг йўзи бирор нарса қилиши шарт эмас, Унинг қилиши зарур бўлган ҳеч қандай вазифа, иш йўқ(*на тасйа карйам каранам ча видйате*). Буни қандай тушунса бўлади? *Парасайя шактир вивидхаива шруйате* - У ҳар турли қудратлар соҳибидир ва Унинг истагига қараб ана шу қудратларнинг ўзлари hamma ишни бажарадилар(*свабхавика жнана-бала-крий ча*). Масалан, сиз рассомсиз. Чиройли атиргулни ясашингиз учун мўйқалам олиб, рангларни бир-бирлари билан аралаштириб, чизаётган тасвирингиз ҳақиқатан ham чиройли чиқиши учун бош қотиришингиз зарур. Аммо бокқа кирсангиз бир эмас, бир қанча минглаб атиргулларни кўрасиз. Уларни буюк маҳорат билан табиат яратиб қўйибди.

Аммо бунга чуқурроқ назар ташлашимиз лозим. Табиат ўзи нима? Табиат - бу шунчаки қурол, Парвардигор қудратининг намоён бўлишидир. Бирор кувват ёрдамисиз ғунчадан мана шундай ажойиб атири гули очила оладими? Аниқки, бу қандайдир кувватнинг, қудратнинг таъсир қилиши натижасидир, шу қувват - Кришнанинг қуввати. У шунчалик тез ва сезилмай ҳаракат қиласиди, унинг қандай ҳаракат қилаётганини ҳатто англайолмай қоламиз.

Бутун моддий олам ўз-ўзидан ҳаракат қилаётгандай бўлиб туюлади, аммо аслида унинг ҳаракатини қудратли онг бошқариб туради. Расм чизаётганингизда сизнинг ишлаётганингизни hamma кўриб туради. Худди шундай ҳақиқий атиргулни ham ҳар хил қувватлар яратади. Атиргул ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб ўйламанг. Йўқ. Ҳеч нарса ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди. Чиройли атиргулни Худовандинг қудрати яратади, гарчи биз буни сезмасак ham, у шундай моҳирлик билан ҳаракат қиласиди, бир кечада шундай ажойиб мўъжизавий гулларни барпо этади. Шунинг учун ham Кришна - энг буюк санъаткордир."Хозирги ҳар хил электрон асбоблар, аппаратлар яратилган замонда олим бир тугмачани босиш билан ўз асбобларини ишга туширади. Биргина тугмани босиш билан учувчи катта самолетни ҳавога кўтаради. Агар оддий одамлар биргина тугмачани босиш билан шундай мў+жизалар кўрсатишга қодир экан, Парвардигорнинг қанчалик қудратга эга эканини фараз қилиб кўринг. Парвардигорнинг тафаккури инсон тафаккуридан, оддий рассом ва олимларнинг тафаккуридан

неча бор қудратли! У нимани хоҳласа Унинг истаги шу заҳотиёқ амалга ошади. Шунинг учун ҳам Кришна - энг буюк санъаткор.

Кришнанинг яратган мўъжизалари бениҳоя, чунки У бутун борлиқни яратувчи манба, коинотнинг бошланғич нуқтаси, уруғидир(*биджам мам сарва-бхутанам*). Сизлар баниан дараҳтини кўрганмисиз? Шу дараҳт кичкинагина уруғдан ўсиб чиқади. Ана шу кичкинагина уруғга шунчалик қудрат ато этилганки, уни тупроққа кўумиб суғориб турсангиз, баҳайбат дараҳтга айланади. Кичкинагина уруғни катта дараҳтга айлантирувчи бу қандай қудрат, мўъжиза? Қандай илмий ва сеҳрли сир шу кичкина уруғда яширинган? Катта баниан дараҳтида эса минглаб мевалар ётилади, шу меваларнинг ҳар бирида яна шундай катта дараҳт бўлишга қодир минглаб уруғлар бор. Мана шундай мўъжизани ярата оладиган олим борми? Бутун дунёни ахтариб, баниан дараҳти сингари кўзни қувонтирадиган санъат асарини ярата оладиган рассомни топа оласизми? Биз мана шундай саволлар устида бош қотиришимиз лозим.

"Веданта-сутра"нинг биринчи мисраси қуйидагича: *атҳато брахма-жисжаса* - "Инсон танасига эга бўлганингдан кейин сен Мутлақ Ҳақиқат ҳақида саволлар беришинг керак!". Инсон мана шу саволлар устида жиддий бош қотириши лозим. Сиз ўз-ўзидан катта баниан дараҳтига айланадиган нарса ярата олмайсиз. Табиатнинг мана шундай мўъжизаларини бошқариб турувчи қандайдир буюк санъаткор, буюк олимнинг онги, тафаккури мавжудлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Агар сиз "Буларнинг ҳаммасини шунчаки табиатнинг ўзи яратади" десангиз, ишонарли бўлмайди.

"Веданта-сутра"нинг иккинчи мисраси: *жсанмадӣ асия йатато* "Мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаидир". Фикримизни кичкина нарсалардан буюк нарсаларга олиб ўтиб, дунёқарашимизни кенгайтишимиз лозим. Ҳозир осмонда кичкинагина Ер йўлдошини кўриб ҳайратга тушамиз. У ойга қараб йўл олса, бундай машина яратган олимларга тасанно айтамиз, олимлар эса гердайғанларидан:- "Худо дегани ким? Фақат илмий тараққиётгина чексиз қудратга эга!", - деб даъво қиладилар.

Агар фикрлашга қодир инсон бўлсангиз, мана шу олимлар яратган йўлдошли коинотдаги сон-саноқсиз сайёра ва юлдузлар билан таққослаб кўринг. Биз яшаб турган кичкинагина Ер сайёрасида шунча океанлар, тоғлар ва осмонўпар иморатлар бор. Аммо бир неча миллион километр баландликдан Ер кўз илгамас нуқта бўлиб кўринади. Фақат кичкина нуқтанигина кўрасиз, холос. Коинотда бунга ўхшаган миллионлаган сайёralар учиб юрибди. Шу боис агар кичкинагина Ер

йўлдоши яратган олимларни шу қадар кўкларга қўтартсак, бутун борлиқни яратиб қўйган Зотга қанча ҳамду-санолар айтишимиз керак бўлади? Мана шу, энг буюк олим, энг буюк рассомни яратиш кудратига яраша олқишлиш, шарафлаш - Кришнани, Худони англаш демакдир.

Кўплаб рассомларни шарафлаб кўкларга қўтаришимиз мумкин, аммо агар энг буюк рассом - Кришнани англаб, Уни санъатига яраша шарафлай олмасак, инсон бўлиб яшаган умримиз бекорга ўтди, деб ҳисоблайверинг. Кришнани қандай олқишлишни "Браҳма-самхита" мисолида кўришингиз мумкин. Унда бу коинотни яратган Тангри Браҳма Кришнани олқишлиб ҳамду-санолар айтади.

*йасайа пррабха пррабхавато жагад-анд-коти котишв ашеша-  
васудхади-вибхути-бхиннам  
тад брахма нишкаман анантам ашеша-бхутам говиндам ади-  
пурушам там ахам бхаджами*

Биз илмий тадкиқотлар ўтқазиб сайёрамизни ўрганишни истаймиз. Аммо биз, минглаган бошқа сайёраларни эмас, ҳатто энг яқин сайёра - Ойни ҳам ўрганишга қодир эмасмиз. Лекин "Браҳма-самхита"дан биз биламизки, *йасайа пррабха пррабхавато жагад-андакоти-котишу*. Кришнанинг танасидан таралаётган порлок ёғду нурларидан сонсаноқсиз коинотлар пайдо бўлади. Биз ҳатто ўзимизнинг сайёрани ўргана олмаяпмиз, аммо, "Браҳма-самхита"да айтилишича, сонсаноқсиз коинотлар мавжуд, ва уларнинг ҳар бирида сон-саноқсиз сайёралар бор(жагад-анд-коти-котишу). *жагад анда* - "коинот" дегани, *коти-котишу* - "сон-саноқсиз". Демак сон-саноқсиз ой, қуёш ва сайёраларга эга бўлган сон-саноқсиз коинотлар мавжуд.

Мана шу моддий оламнинг ҳаммаси Кришнанинг илоҳий танаси таратаётган *брахмажйоти* нурдан пайдо бўлади. Ўзларининг арзимас тафаккурлари кучига ишониб, Мутлақ Ҳақиқатни фалсафий излашишлар орқали англашга интилаётган энг изчил кишилар яъни *гъянилар* охир-оқибатда мана шу брахмажйотига эриша оладилар. Аммо *брахмажйоти* - Кришнанинг танаси таратиб турган ёғду, холос. Буни қуёш нури мисолида осон тушунтириш мумкин. Қуёшнинг нури қуёш саёрасидан таралади. Қуёш ўзи коинотда маълум жойда жойлашган, аммо унинг нурлари бутун коинотга таралади. Худди Ойдан Қуёш нурининг акси таралгани сингари, Қуёш ҳам брахмажйоти нурларини акс эттиради. *брахмажйоти* - Кришна танасидан таралаётган нур.

Шундай қилиб, Кришнани, Худони англаб етиш энг буюк санъатdir. Ҳақиқатан ҳам буюк санъат. Ким ҳақиқий рассом бўлишни истаса, энг аввало у Кришнани англашга ҳаракат қилиши, ана шу энг

буюк рассомга иложи борича яқинроқ бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Шу мақсадда биз Халқаро Кришнани англаш жамиятини ташкил қилдик. Бизнинг жамият аъзолари ҳар бир табиат гўзалигига Парвардигор Кришнанинг нозик бадиий дидини кўра билишга ўрганадилар. Ҳар бир нарсада Яратганинг қудратини кўра билиш - Кришнани англай билиш, Кришна онги билан яшаш демакдир. "Бҳагавад-Гита"да(10.8) Кришна шундай дейди: *ахам сарвасйа прахаво маттхас сарвам правартате* - "Сиз кўриб турган ҳамма нарса Мендан пайдо бўлган. Бутун борлиқ Менинг кувватимдан пайдо бўлади". Кришна - бутун борлиқнинг манбаи эканини тушуниш керак. Буни Тангри Браҳма "Брахма-самхита"да тасдиклайди(5.1): *ишивара॒ परामा॑ क्रीश्ना॑* -"Кришна - олий ҳукмдор". Биз бу моддий оламда бошқаларга ҳукмдорлик қилаётган кўп одамларни учратамиз. Бизларнинг ҳар биримиз кимгадир ҳукм юргизамиз. Сиз ҳам, мен ҳам кимларгадир буйруқ берамиз. Аммо, бизларга ҳам кимдир буюради, ўз навбатида уларга ҳам кимдир ҳукмрон. Шу тарзда давом этиб, барча ҳукмдорларни бирма-бир текшириб, охири ҳаммага ҳукмини ўtkазадиган, аммо Унга ҳеч ким ҳукм ўtkаза олмайдиган Зотни топсангиз, ана шу Зот - Кришна бўлади. Биз Худони мана шундай аниқлаймиз: "Олий ҳукмдор".

Хозирги даврда ўзини "худо" деб санайдиганлар кўпайиб қолган, уларни ҳар қадамда учратасиз. Аммо ундаи "худо"ларнинг ҳақиқий эканини осонгина текширишингиз мумкин. Агар у бирор зотнинг ҳукми остида бўлса, демак у Худо эмас. Факат олий ҳукмдорнигина Худо деб аташ мумкин. Худонинг ким эканини аниқлашнинг оддий усули мана шу.

Худонинг яна бир сифати - Унинг лаззатга тўла эканидир(*анандамайо "бхъасат"*). Ўз табиатига биноан Мутлак Олий Шахс - *анандамайя*, лаззатга тўла. Масалан, сиз рассомсиз. Сиз лаззатланиш учун расм чизасиз. Санъат билан машғул бўлар экансиз, сиз қандайдир лаззат, раса, ёқимли туйғу ҳис қиласиз. Акс ҳолда сиз шунчалик берилиб ишламаган бўлардингиз. Тасвирий санъат кишига қандайдир лаззат олиб келиши керак. Кришна - *расо вай саҳ* - барча роҳатбахш лаззат(раса)лар манбайдир. У - *саҷ-чиd-ананда-виграха॑*, мангалик, илм ва лаззатланишлар манбайдир. *ананда-* лаззатланиш деганидир. Унинг лаззатланиш қуввати - Шримати Радҳарани. Сиз Радҳа- Кришна тасвирини кўрганмисиз? Мана шу Радҳарани Кришнанинг лаззатланиш қувватининг тимсоли. Кришна жуда кўп қувватлар соҳибидир, шу қувватлардан бири - Унинг лаззатланиш қуввати бўлган Радҳарани.

Ўз қалбида Худога нисбатан муҳаббат уйғота билған киши ҳамиша илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб юради, чунки ҳар бир нарсада Кришнанинг мукаммал санъатини кўриб юради. Солиҳ кишилар учун бу табиий ҳолат. Шу боис ҳам ҳар бир одамни Худонинг солиҳ бандалари бўлишга, ҳар ерда Кришнанинг яратиш маҳоратини кўра билиш имкониятидан баҳраманд бўлишга чақирамиз.

Ҳамма нарсада Кришнани кўра билиш учнчалик қийин эмас. Масалан сиз чанқаб, сув ичасиз. Ичаётган сувингиздан сиз чуқур лаззат оласиз. Кришна эса барча лаззатлар манбаидир(*расо ваи сах*). Сув ичаётиб олган лаззатингиз - Кришна. Кришна "Бҳагавад Гита"да (7.8) шундай дейди: *расо "хам апсу каунтейа-* "Эй Кунтининг ўғли, сувнинг таъми - Менман". Кришнани англаши қийин бўлган оддий одамга Кришна тушунтириб айтяптики,- "Чанқокни кондирадиган сувдаги таъм - Менман". Агар шунчаки, сувдаги таъмнинг Кришна, Худо эканини тушунишга уринсангиз, аста-секин Худони англай бошлайсиз. Демак, Кришнани англашга кириш учнчалик қийин иш эмас. Сиз шунчаки бунга ўрганишингиз лозим. Агар сиз "Бҳагавад Гита"ни асл ҳолида, ҳар хил ярамасларнинг нотўғри талқинларига берилмай, Кришна қандай ўргатган бўлса шундайлигича қабул қилсангиз, Кришна онгига эга бўласиз. Кришна онгига эга бўлиб, Уни англай олсангиз ҳаётда энг юксак зафарга эришасиз. Сиз албатта Кришнага эришасиз.(*тыйактва дехам пунар жанма наити мам эти*).

Кришнани англаш билан сиз ҳаётда хеч нарса йўқотмайсиз, аксинча бениҳоя баҳтга эга бўласиз. Шу боис барчангизни Кришнани англашга уриниб кўришга чақирамиз. Агар "Бҳагавад Гита"ни ўқисангиз Худони, Кришнани англаш учун зарур бўлган ҳамма саволларга жавоб топасиз. Агар "Бҳагавад Гита"ни ўқишини истамасангиз, унда шунчаки мана бу маҳа-мантрани такрорлаб юринг:

*Ҳаре Кришина, Ҳаре Кришина, Кришина Кришина, Ҳаре Ҳаре!  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.*

Бу йўл билан ҳам Худони англаб оласиз ва албатта ҳақиқий илоҳий баҳтга эришасиз. Ҳаре Кришна.

## Ҳақиқий муҳаббат.

*"Ҳозирги пайтда ҳаётидан мамнун одамни тополмайсиз, эрлар, хотинлар, ёш иигит-қизлар...Ҳаётидан норози одамларни ҳар ерда, ҳамма вақт учратиши мумкин, чунки қалбимиздаги севиши, муҳаббат*

*түйгеси севишига арзигудек нарса тополмай сарсон". 1968 йил 20 октябрда Сиэтл шаҳрида қилган маърузасида Шрила Прабхупада қалбимизда Худога нисбатан муҳаббат уйғотиш билан ҳаётда барча орзуларимизга эришишиимиз мумкинлигини тушунтириб берган.*

*ом ажсанана-тимирандхасайа жсананжсана-шалакайа  
чакшур унмилиитам йена тасмаи шри-гураве намах  
"Илохий илм нури билан қалбимдаги зулматни ёритиб, кўзларимдан  
ғафлат пардасини олиб ташлаган руҳий устозимнинг нилуфар  
қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман".*

Моддий оламда ҳамма ғоғил бўлиб дунёга келади. Аслида моддий оламнинг табиати шундай - у қоронғу зулматга чўмган. Бу олам фақат қуёш ёки ой нури, олов ёки электр нури шарофати билангина ёритилиши мумкин, лекин, аслида унинг ўзи қоронғу. Бу илмий ҳақиқат. Шу боис, моддий оламда, коинотнинг энг олий сайёрасининг ҳукмдори Браҳмадан то кичкина чумолигача - барча тирик зотлар, туғилганиданоқ зулмат, қоронгулик ичига тушиб қоладилар.

Айни пайтда Ведаларда шундай дейилган: *тамаси ма жийотир гамах* - "Ғафлатда қолма, ёруғликка чик!" Бунинг учун руҳий устоз зарур. Руҳий устознинг вазифаси - илм нури ёрдамида зулматни ёритиб, ғафлатга ботган кишининг кўзларини очиш, бизнинг вазифамиз эса - руҳий устоз олдида камтарин бош эгиш.

Инсониятни ғафлат ботқоғидан ёруғликка чиқариш зарур. Шунинг учун ҳам ҳар қандай жамиятда қандай бўлмасин бирор динга эътиқод қиладилар. Индуизм, ислом, христианлик ёки буддизмнинг мақсади нимадан иборат? Одамларни ёруғликка чиқариш. Ҳақиқий диннинг мақсади мана шундан иборат. Ёруғлик нима ўзи? Ёруғлик - Худонинг Олий Шахси. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: *дҳармам ту сакшад бҳагават-пранитам*. "Дин қонунларини Парвардигорнинг Ўзи белгилайди". Ҳар бир давлатда барчанинг амал қилиши лозим бўлган қонунлар мавжуд. Ҳукумат бошлиғи қонун чиқаради, агар сиз шу давлатнинг фуқароси бўлсангиз, шу қонунларга амал қилиб тинчгина яшайсиз. Бу қонунлар замон, макон ва шароитга қараб ўзгариши мумкин. Масалан Ҳиндистоннинг давлат қонунлари Американинг қонунлари билан бир хил бўлмаслиги мумкин, аммо ҳар бир давлат ўз қонунларига эга ва уларга амал қилишингиз лозим. Инсон давлат қонунларига бўйсуниши лозим, акс ҳолда уни жамият қонунларини бузувчи, жиноятчи сифатида жазолашлари мумкин. Бу қоида ҳамма ерда мавжуд.

Худди шунингдек, дин - Худонинг қонунларига бўйсуниш, амал

қилиш демақдир. Агар инсон Худонинг қонунларига бўсунмаса унинг ҳайвондан фарки қолмайди. Барча муқаддас битиклар, барча диний қонун-қоидалар инсонни ҳайвон даражасидан инсон даражасига кўтариш учун нозил қилинган. Демак, диний қоидаларга амал қилмайдиган, Худони, Унинг қонунларини тан олмайдиган кишининг ҳаёти ҳайвоннинг ҳаётидан фарқ қилмайди. Ведавий битикларда бу ҳақда шундай дейилган:

*ахара-нидра-бхайа-маитхунам ча  
саманийам этат пашубхир наранам*

*дхармо хи тешам адхико вишешо джармена хинах пашубхих саманаҳ*  
Овқатланиш, ухлаш, жинсий ҳаёт ва ўз ҳаётини муҳофаза килиш - одамларнинг ва ҳайвонларнинг ҳаёти мана шу тўрт принципга асосланган. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, инсон Худони излаш, Унга интилиш имкониятига эга, ҳайвонлар эса бундай имкониятдан маҳрум. Улар орасидаги мавжуд фарқ мана шундан иборат. Шунинг учун, Худони излашга интилмайдиган одам ҳайвондан фарқ қилмайди.

Бахтга қарши, ҳозирги замон одамлари қайси давлатда, қандай жамиятда яшашларидан қатъий назар, Худони унутишга интиладилар. Баъзи бирорлар очиқдан-очиқ "Худо йўқ!" дейдилар, баъзи бирлари "Худо бўлгани билан ҳам ҳозир У ўлган" дейди ва ҳоказо. Одамлар ривожланган жамият барпо қиляптилар, осмонўпар бинолар қуряптилар, аммо уларнинг бу ютуқларининг барчаси Худонинг, Кришнанинг амрига боғлиқ эканини унутиб қўйганлар. Бу инсоният учун жуда хатарли ҳолат.

Жамиятда Худони, Олий Худо Шахсини унутиш нималарга олиб келишини изоҳловчи ажойиб бир масал бор: Қадимда бир каламуш мушук келтирган азобларга чидамай, сеҳр кучига эга бир авлиё одамнинг олдига йўл олибди.

- Ҳожам, мени кутқаринг!
  - Нима бўлди?
  - Менга мушук кун бермаяпти. Ҳамиша мени қувлагани қувлаган.
  - Нима истайсан?
  - Илтимос, мени мушукка айлантиринг.
  - Майли, сен айтганча бўлсин.
- Орадан бир оз вакт ўтгандан кейин ўша мушук қайтиб келибди.
- Эй ҳожам, мен яна қийин ахволда қолдим!
  - Нима бўлди?
  - Менга итлар кун бермаяпти.
  - Энди нима истайсан?

- Мени итга айлантиринг.

- Майли, итга айлан.

Орадан бир неча кун ўтгач, ўша ит авлиё олдига келибди:

- Ҳожам, менинг аҳволим янаям оғир.

- Энди ким сенга азоб беряпти?

- Тулкилар, улар мени қувляяптилар.

- Нима истайсан?

- Мени тулкига айлантирсангиз.

- Майли тулки бўлақол.

Кўп ўтмай ўша тулки авлиё олдига келибди:

- Менга йўлбарслар кун бермаяпти!

- Нима истайсан?

- Йўлбарс бўлишни хохлайман.

- Майли, йўлбарс бўлақол.

Тулки йўлбарсга айланиб, кўзларини олайтириб авлиёга тикила бошлабди.

- Мен сени емоқчиман,- дебди йўлбарс.

- Сен мени емоқчимисан? Мен сени йўлбарсга айлантирсам, мени ейсанми?

- Ҳа, мен йўлбарсман, Ҳозир сени ейман.

Авлиё уни дуои бад қилиб, яна каламушга айлантириб қўйибди.

Ҳозирги замон тараққиёти ҳам шунга ўхшаб кетмайдими?

Яқинда мен "Жаҳон альманахи" журналини ўқидим. У ерда ёзилиши бўйича яна юз йилдан кейин одамлар ер остида яшашга мажбур бўларканлар - каламушлар сингари. Илм-фан тараққиёти одамларни оммавий қирғин қуроли - атом бомбалари яратилишига олиб келди. Агар ана шу бомбалар ишлатила бошласа одамлар каламушлар сингари ер остида яшашга мажбур бўладилар. Йўлбарс каламушга айланади. Айнан мана шундай бўлади - бу табиатнинг конуни.

Агар давлат конунини бузсангиз, жазоланасиз. Худди шундай, агар Худонинг қонунларига бўйсунмасангиз, Унга қарши чиқсангиз табиат сизни жазолайди. Сиз яна каламушга айланиб қоласиз. Атом бомбалари қўлланилса ер юзидағи моддий тараққиётдан асар ҳам қолмайди. Балки бундай бўлиши мумкинлиги ҳақида бош қотиришни, ўйлашни, тинглашни ҳам истамассиз, бунга бутун вужудингиз билан қаршиидурсиз, аммо ҳақиқат шуни тақозо этади.

*сатйам грихйат прийам грихйан ма прийах сатйам априйам.*

Жамиятдаги одоб қоидалари фақат ёқимли ҳақиқатларни гапиришни тақозо этади. Аммо биз жамият қоидаларини тан олмаймиз. Биз Худонинг хизматкорларимиз, шу боис бизлар аниқ ҳақиқатни га-

пиришимиз лозим, бу одамларга ёқадими йўқми, бунинг аҳамияти йўқ.

Худони инкор этувчи тараққиёт одамларга баҳт келтира олмайди. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам, худосиз жамиятни ғафлат уйқусидан уйғотиш учун Халқаро Кришнани англаш жамиятини ташкил этдик. Худони севишга ҳаракат қилинг - бизнинг ягона истагимиз шу. Сизнинг қалбингизда севиш туйғуси азалдан мавжуд, - ахир ҳамиша кимнидир севишни истайсизку. Йигит қизни, қиз йигитни севишни истайди. Бу табиий ҳол, чунки ҳар бири мизнинг қалбимизда севишга эҳтиёж бор. Аммо ўзимиз билмаган ҳолда шундай яшаймизки, севгимиз, мухаббатимиз бизга факат пушаймонлар келтиради. Ҳамма пушаймонда - эрлар, хотинлар, йигитлар, қизлар. Пушаймон бўлиб юрган одамларни ҳар ерда ҳамиша учратиш мумкин, чунки бизнинг севишга бўлган эҳтиёжимиз ўз орзушига етолмаяпти. Бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби Худони унугтанимизда. Бу бизнинг касалимиз, дардимиз.

Диннинг мақсади - инсонга Худони севишни ўргатиш. Бу - ҳар қандай ҳақиқий диннинг ягона мақсади. Диннинг қандай бўлмасин-христианми, исломми, индуизмми - унинг мақсади Худони севишга ўргатиш, чунки бу севги азалдан сизнинг табиатингизда бор.

"Шримад Бҳагаватам"да (1.2.6.) шундай дейилган: *са ваи пумсан паро дҳармо йато бҳактир адҳокиаджесе*. Инглиз тилида дҳарма сўзини одатда "дин", "имон" деб таржима қиласидар, аммо дҳарма сўзининг асл мазмуни - "асосий белги, сифат". Масалан, қанднинг асосий белгиси - шириклигидир. Агар сизнинг олдингизга оқ порошок келтиришса, тотиб кўриб унинг ширин эмаслигини сезсангиз, сиз дарров - "бу қанд эмас!" дейсиз. Демак шириклик - қанднинг дҳармаси. Худди шундай, шўр таъм - тузнинг дҳармаси, аччиқлик - мурчнинг дҳармаси.

Хўш, сизнинг асосий белгингиз қандай? Сиз тирик зотсиз, ва шунинг учун ҳам тирик зот сифатида сизнинг асосий сифатингиз қандайлигини англашингиз лозим. Мана шу сифатингиз - дҳармангиз, ҳақиқий диннинг бўлади: бу ҳеч қандай индуизм ҳам, ислом ҳам, христианлик ҳам ёки бошқа бир дин ҳам эмас. Сиз билан мангу бирга бўладиган асосий хислатингиз, - сизнинг диннингиз бўлади.

Бу белги нима экан? Асосий белгингиз шундан иборатки, сиз ҳамиша кимнидир севишни, ва оқибатда кимгадир хизмат қилишни истайсиз. Бу сизнинг асосий белгингиз. Оилангизни, дўстларингизни, жамиятингизни, ватанингизни севасиз. Сиз севганингиз учун уларга

хизмат қилишни истайсиз. Севганингизга хизмат қилишга интилиш - асосий сифатингиз, дхармангиз. Ким бўлишингиздан қатъий назар - христианмисиз, мусулмонмисиз, индусмисиз - шу асосий сифат сақланиб қолади. Масалан, сиз бугун христиансиз. Эртага индус бўлишингиз мумкин, аммо кимнидир севиш ва унга хизмат қилиш сифатингиз ҳамиша сиз билан бирга қолади. Демак, бошқаларни севиш ва хизмат қилиш - сизнинг динингиз, ёки дхармангиз. Бу ҳаммабоп дин, бутун инсониятнинг дини.

Севгингиз ва қиласётган хизматингиз ўзингизга роҳат олиб келиши учун, севгингиздан, хизматингиздан қалбингиз қувониши учун шунга муносиб зотни севишингиз лозим. Ҳозир ўз севгингизни арзимаган ўткинчи нарсаларга қаратяпсиз, ва шунинг учун пушаймондасиз, баҳтиёр эмассиз. Пушаймондасиз, хаёлингиз паришон. "Шримад Бҳагаватам" севгимизга лойик зотни топища бизга ёрдам беради.

*са вай пумсам паро дҳармо йато бҳактири адҳокиадже*

*ахаитуки атратихата йайатта супрасидати*

Динларнинг ичидаги энг аълоси - Худони севишига ўргатадиганидир. Мана шу дин сизни тўла баҳтиёр қилади.

Агар қалбингизда Худога нисбатан ҳақиқий мухабbat уйғота олсангиз, комил инсон даражасига эришасиз. Комил инсон бўлганингизни ўзингиз ҳам сезасиз. Сиз ҳаётингиздан мамнун бўлишни, тўла мамнун бўлишни истайсиз, аммо фақат Худони севишига эришибина тўла мамнуниятга эришиш мумкин. Худони севиши ҳар бир тирик зотнинг табиий холатидир. Мусулмонмисиз, христианмисиз ёки индусмисиз, бунинг аҳамияти йўқ. Шунчаки қалбингизда Худога нисбатан мухабbat уйғотишига ҳаракат килинг. Бу сизнинг динингизга маъно келтиради, акс ҳолда шунчаки вақтингизни бекорга кетказасиз(*шрама эва хи кевалам*). Агар умр бўйи у ёки бу дин ақидаларига амал қилсангизу, аммо қалбингизда Худога мухабbat уйғота олмасангиз, демак, ҳаётингизни бекор яшадингиз.

Кришнани англаш ҳаракати - барча динларнинг маъносини тушунган кишилар учун аспирантура ҳисобланади. Биз ҳаммани: христианларни, мусулмонларни, индусларни ва ҳ.к. ҳаммани биргаликда Худони севишини ўрганишига таклиф қиласиз. Шунчаки ушбу мантрапни тақрорланг:

*Ҳаре Кришна. Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре*

*Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.*

Менинг барча шогирдларим - америкаликлар, улар христиан ва йудаизмга эътиқод қилувчилар орасидан чиқсан. Улар орасида ҳеч бири ҳиндистонлик эмас. Демак, мен уларга берган усул, яъни Ҳаре

Кришна мантрасини тақрорлаш усули - ҳаммабоп. Бу усул индусларни ҳам эмас, ҳиндистонники ҳам эмас, бу усул бутун инсониятга мўлжалланган.

Санскритча мантра сўзи икки иборадан тузилган: *ман ва тра*. *Ман* - "акл, ҳаёл" дегани, *тра* эса - "озод қилиш", поклаш" дегани билдиради. Яъни мантра бизни бекорчи ҳаёл сурошлардан, фалсафий сафсатабозликлар ичидаги адашиб кетишдан озод қиласди. Агар сиз ма-на шу мантрани тақрорлаб юрсангиз - *Ҳаре Кришина, Ҳаре Кришина, Кришина Кришина, Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре*.- кўп ўтмай ҳақиқатан ҳам ўзингизнинг ғафлат ботқоғидан ёруғликка чиққанингизни сезасиз.

Мен сизнинг вақтингизни олишни истамайман, мен шунчаки ма-на шу Ҳаре Кришина мантрасини тақрорлашнинг нечоғлик муҳим эканлигини тушунишларингизни истайман. Ўзингиз оддийгина таж-риба ўтказиб кўринг: шу мантрани атиги бир ҳафта тақрорлаб юринг ва натижасини кўринг, бу руҳий ҳаётингизга қандай таъсир қиласкин. Биз сиздан ҳеч қандай ҳақ олмаймиз, демак сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз. Лекин мен кафолот бераманки, руҳий ҳаётингизда жуда катта силжишга эришасиз. Шунинг учун, сизлардан илтимос: Худо-нинг номларини тақрорлаб юринг: *Ҳаре Кришина, Ҳаре Кришина, Кришина Кришина, Ҳаре Ҳаре / Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре*.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

## Руҳий оламга қандай эришса бўлади?

"Руҳий оламда ҳамма нарса ўзгармас ва асл ҳолида. Моддий дунё эса, - шунчаки унинг сояси, аксидир. Бу дунё худди, ҳаётни акс этти-рувчи кинога ўхшайди". 1966 йил 18 ноябрда Нью-Йоркда қилган маърузасида Шрила Прабхупада руҳий оламни яқзол тасвиrlаган ва ташвишларга тўла бу дунёдаги ҳаётимиз охирода руҳий оламга қандай эришиши мумкинлигини тушунтириб берган.

парас тасмат ту бҳаво "нио "в'якто "в'якта санатанаҳ  
йаҳ са сарвешу бҳутешу нашиятсу на винашият  
"Аммо, намоён бўлган ва намоён бўлмаган бу моддий борлиққа нис-  
батан илоҳий, мангу, намоён бўлмаган бошқа табиат(олам) ҳам мав-  
жуд. Бу олий табиат ҳеч қачон йўқолмайди. Бутун олам емирилганда  
бу олам ўзгаришсиз қолади".(Б.-г.8.20).

Биз ҳатто биргина ўзимиз яшаб турган коинотнинг ўлчамларини аниқлай олмаймиз, аммо моддий борликда миллионлаб шундай коинотлар мавжуд. Моддий борликдан юқорида яна бошқа олам ҳам мавжуд, у - руҳий олам. У ерда барча сайёralар мангу, у ерда ҳаёт ҳам мангу. Бу ҳақдаги илмни моддий манбалардан олишнинг иложи йўқ, ва шунинг учун "Бҳагавад Гита"да келтирилган маълумотлардан фойдаланишимиз керак.

Моддий олам бутун борлиқнинг, яъни моддий ва руҳий оламнинг тўртдан бир қисмини ташкил қиласи. Бошқача қилиб айтганда, бутун борлиқнинг тўртдан уч қисми моддий осмонни қоплаб турган парда ташкарисида жойлашган. Моддий олам қалинлиги бир неча миллион километр бўлган қобиқ билан қоп-ланган, ва шу қобикдан ўтгандан сўнггина чексиз руҳий оламга чиқиш мумкин. Кришна *бхавах анйаҳ* иборасини ишлатган, бу ибора "бошқа табиат" маъносини англатади. Бошқача қилиб айтганда, бизга маълум бўлган моддий табиат билан бир қаторда, бошқа, руҳий табиат ҳам мавжуд.

Аммо, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳам моддий, ҳам руҳий табиатни сеза оламиз. Қандай қилиб? Гап шундаки, бизнинг ўзимиз - рух бўлган ҳолда моддий тана ичидамиз. Биз руҳмиз, моддий танамиз эса, биз унинг ичida юрган вақтдагина ҳаракат қиласи. Биз танани тарк этишимиз биланоқ, у тош каби қўзгалмас, ўлик бўлиб қолади. Шундай қилиб биз рух ва модданинг мавжудлигига ишонч ҳосил қиласар эканмиз, худди шундай руҳий оламнинг мавжудлигини ҳам тан олишимиз керак.

"Бҳагавад Гита"нинг еттинчи бобида Кришна моддий ва руҳий олами тасвиirlаб берган. Руҳий табиат - олий, моддий табиат эса, қуий табиат хисобланади. Моддий оламда моддий ва руҳий табиат аралашган, аммо моддий табиат чегарасидан чиқиб руҳий оламга кирсак, атрофимизда фақат олий, руҳий табиатни кўрамиз. Бу ҳақда "Бҳагавад Гита"нинг саккизинчи бобида айтилган.

Замонавий илм-фан руҳий табиатни тушунтиришга ожизлик қиласи. Олимлар телескоп ёрдамида миллионлаб юлдузларни кўришлари мумкин, аммо уларга яқинлаша олмайдилар. Уларнинг қуроллари бунга ожизлик қиласи. Улар ҳатто энг яқин сайёра - Ойга ҳам яқинлаша олмайдилар, бошқа сайёralар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бир нарсани яхши англаb олишимиз зарур-ки, Худо ва Унинг даргоҳига моддий тажрибалар, усувлар, ускуналар ёрдамида эришиб бўлмайди. Иложи бўлмаган нарсага уринишнинг ўзи ахмоқликдир. Унинг ўрнига "Бҳагавад Гита"ни тинглаш орқали Худони англаb олишимиз лозим. Бунинг бошқа иложи йўқ. Ҳар қандай тажриба

Ўтказиш йўли билан отангиз ким эканлигини аниқлай олмайсиз. Онангизнинг - "Мана шу сенинг отанг!" деган гапига ишонишдан бошқа иложингиз йўқ. Худди шундай, руҳий оламни билиш учун зарур барча илмни берувчи "Бҳагавад Гита"га ишонишимиз керак.

Шундай қилиб, Худони тажрибалар ёрдамида билиб бўлмаса ҳам, Худони, Кришнани англашда юқори даражага эришганингиздан сўнг, Унинг Ўзи билан бевосита мулокотда бўлиш имкониятига эга бўласиз. Масалан, Кришна ҳақида айтаётган гапларимнинг барчасини ўз тажрибамдан олганман, шунинг учун ҳам менинг Кришнага бўлган имоним кўр-кўrona ишониш эмас. Ҳар бир одам Худони худди шундай англай олиши мумкин. *свайам эва спхуратай адаҳ* - Кришнани англаш йўлидан изчил бораётган ҳар бир киши Худо Шахсини ўз кўзи билан кўриши мумкин. Шундай одам албатта англаб етадики: "Худонинг даргоҳи, руҳий олам албатта мавжуд, албатта шу даргоҳга етишмим керак. Албатта бунга тайёрланишим лозим". Бошқа бир давлатга боришдан олдин киши у давлат ҳақида кўп нарсани билиши мумкин, аммо у ерга боргандан кейингина ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўради. Худди шундай, Кришнани англаш йўлига кирган киши ҳам, эртами-кечми албатта Худо ва Унинг даргоҳини кўради ва натижада хаётидаги барча муаммолардан халос бўлади.

Бу ерда Кришна руҳий оламни тасвирлаш учун *санатанаҳ* иборасини ишлатган. Моддий табиатнинг аввали ва охири бор, руҳий табиатнинг эса аввали ҳам, охири ҳам йўқ. Буни қандай тушуниш керак? Буни оддий мисол тариқасида тушуниб олишимиз мумкин: Баъзан қор ёғаётган пайтда бутун осмонни булат қоплаб олганини кўрамиз. Аслида булат осмоннинг арзимас бир бўлагинигина қоплаган. Биз жуда кичкинамиз, шунинг учун, булат осмоннинг кичкина бўлгаги бўлган бир неча километр жойни қоплаб олганда бутун осмонни булат қоплагандай бўлиб туялади. Худди шунга ўхшаш, (маҳат-таттва деб аталувчи) моддий борлиқни руҳий осмоннинг кичкина қисмини қоплаган булатга ўхшатиш мумкин.

Бундан ташқари, худди булатнинг аввали ва охири бўлгани сингари моддий табиатнинг ҳам, биз ҳозир эга бўлиб турган моддий тананинг ҳам бошланиши ва охири бор. Бизнинг танамиз ўткинчи. У туғилади, ўсади, анча вақт ўзгармай туради, ўзидан иккиламчи моддалар ҳосил қиласи, эскиради, кейин йўқолади. Моддий тананинг олти хил ўзгаришлари мана шулардан иборат. Худди шундай ўзгаришлар ҳар бир моддий мавжудотда ҳам рўй беради. Энг охирида эса бутун моддий олам йўқ бўлиб кетади.

Аммо Кришна бизни ишонтириб айтяптики:

*парас тасмат ту бхаво "нио "вийакто "вийактат санатанаҳ -*  
"Булут сингари ўткинчи моддий табиатдан ташқарида бошқа мангур, олий табиат ҳам мавжуд. Унинг аввали ҳам, охири ҳам йўқ". Кейин яна айтадики: *йаҳ са сарвеши бхутешу наийатсу на винашшати* - "Моддий олам емирилганда бу олий табиат ўзгармай қолади". Осмондаги булут йўқолганида, осмон ўзгармай қолади. Бу ерда ҳам шундай: Рухий олам ўзгармай қолади. Мана шу *авийакто "вийактат* деб аталади. Ведавий битикларда моддий ва рухий осмонлар ҳақида жуда кўп маълумотлар келтирилган. "Шримад Бҳагаватам"нинг иккинчи қўшигида рухий осмоннинг табиати, унинг аҳолиси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари - ҳамма белгилари таърифланган. Биз рухий осмонда илоҳий ҳаво кемалари учibur юришларини билиб оламиз. У ердаги барча тирик зотлар - озод рухлардир, улар ўзларининг ҳаво кемаларида сайр қилгандаридан уларнинг жилоси қўзни қамаштиради.

Демак, рухий оламда ҳамма нарса ўзгармас ва асл ҳолида. Моддий олам эса, - шунчаки унинг сояси, аксиdir. Биз моддий оламда кўриб турган нарсаларимизнинг барчаси - соя, арзимас акс тасвиридир, холос. Бу дунё худди, ҳаётни экранда акс эттирувчи кинога ўхшайди.

"Шримад Бҳагаватам"да (1.1.1) шундай дейилган: *йатра три-сарго "мриша* - "Моддий олам алдамчи". Магазин витриналаридаги чиройли қизларнинг манекенларини ҳамма кўрган. Эс-хуши жойида бўлган одам улар шунчаки одамга ўхшаш нарсалар эканини билади. Моддий оламдаги чиройли, гўзал бўлиб кўринган ҳар бир нарса магазин витринасидаги чиройли қиз манекенидан фарқ қилмайди. Биз моддий оламда кўриб турган барча гўзалликлар - рухий оламдаги бекиёс гўзалликнинг шунчаки аксиdir. Бу ҳақда Шридхара Свами шундай дейди: *йат сатийатайа митхия сарго "ни сатийават пратий-ате* - "Рухий олам - ҳақиқий, моддий олам эса - факат ҳақиқийдек туюлади, холос". Факат мангур қоладиган нарсагина ҳақиқий бўла олади. Ҳақиқат, ҳақиқий мавжудлик хеч қачон йўқолмайди. Худди шундай ҳақиқий лаззат ҳам мангур бўлиши керак. Моддий лаззат вақтингчалик, шунинг учун ҳам у ҳақиқий эмас, шунинг учун ҳақиқий лаззатга интилаётган кишилар бундай ўткинчи моддий лаззатни, алдамчи орзу-ҳавасларни, рад этади. Улар Кришнани, Худони англаш жараёни келтирадиган ҳақиқий, мангур лаззатга интиладилар.

Бу ерда Кришна шундай деган: *йаҳ са сарвеши бхутешу наийатсу на винашшати* - "Моддий оламдаги ҳамма нарса емирилганда, рухий табиат ўзгармай, мангур қолади". Инсон бўлиб яшацдан мақсад - ана шу рухий оламга эришиш. Аммо одамлар рухий оламнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини билмайдилар. "Бҳагаватам"да шундай

ёзилган:на те видух свартха-гатим хи вишнум - "Одамлар ўзларининг (фойда)вазифасини тушунмайдилар. Улар, инсон ҳаёти бизларга руҳий ҳақиқат мавжудлигини англаш етишимиз ва мангу мавжудликка ўтишга ҳозирлик кўришимиз учун берилганини билмайдилар. Биз бу моддий оламда қолиб кетиш учун яшамаймиз". Барча ведавий битиклар бизга шундай кўрсатма беради. *тамаси ма жйотир гамаҳ-* "Фафлат коронгулигига қолма, ёруғликка чиқ!" Моддий олам - зулмат. Биз уни сунъий йўл билан ёритамиз: олов, электр ва ҳоказо. Аммо у ўз табиатига кўра коронгу зулмат. Руҳий оламда зулмат йўқ, у ёруғ. Худди қуёшда қоронгулик бўлмагани сингари руҳий оламда ҳам коронгу зулмат йўқ, чунки у ердаги ҳар бир сайёра ўзидан нур тарашиб туради.

"Бҳагавад Гита"да ёзилган-ки, ҳар бир тирик зотнинг охирги мақсади Олий Худо Шахси, Кришнанинг даргоҳига эришишдир, ва унга етишган зот бу моддий оламга қайтиб келмайди. "Брахмасамхита"да бу олий даргоҳ шундай таърифланган: *ананда-чинмайраса*, яъни ҳамма нарса руҳий лаззатга тўла бўлган даргоҳ. Бу даргоҳ хилма-хил гўзалликларга бой, аммо у ерда ҳеч қандай моддийлик йўқ, ва ҳамма нарса руҳий лаззатга тўлган. Бу руҳий ранг-барангликни Парвардигорнинг Ўзи намоён қилган, шунинг учун у ердаги ҳамма нарса соғ руҳий қувватдан таркиб топган.

Гарчи Парвардигор ҳамиша Ўзининг олий даргоҳида бўлса ҳам, бутун борлиқни Ўзининг моддий қуввати орқали қамраб олган. Шу боис, Ўзининг руҳий ва моддий қуввати ёрдамида У ҳар ерда, ҳам руҳий, ҳам моддий оламда мавжуддир. "Бҳагавад Гита"даги *йасайантаҳ-стхани бхутани сўзларининг маъноси* - "У ҳам моддий, ҳам руҳий оламдаги бутун мавжудотни таъминлаб туради".

"Бҳагавад Гита"да аниқ қилиб кўрсатилган-ки, Вайкунта, яъни руҳий сайёralар тузумига фақат бҳакти, яъни Худога холис хизмат қилиш ёрдамидагина эришиш мумкин. Вайкунтаханинг барча сайёralарида биргина олий илоҳ(маъбуд),- Кришна мавжуд, ва У Ўзини миллионлаган қиёфаларда намоён этади. Унинг ана шу қиёфалари тўрт қўллик кўринишга эга бўлиб, сон-саноксиз руҳий сайёralарга ҳукмронлик қиладилар. Улар ҳар хил номлар билан маълум - Пурушоттама, Тривикрама, Кешава, Мадхава, Анируддха, Хришикеша, Санкаршана, Прадьюмна, Шридхара, Васудева, Дамодара, Джанардана, Нарайана. Вамана, Падманабха ва ҳоказо. Кришнанинг ана шу қиёфаларини дарахт баргларига, Кришнанинг Ўзини эса дарахт танасига қиёслаш мумкин. Кришна Ўзининг олий даргоҳи - Голока Вриндаванда яшайди ва айни пайтда, ҳамма ерни қамраб олган ҳолда, ҳам

моддий, ҳам руҳий олам тартибини назорат қилиб туради.

Демак, агар биз Кришнанинг олий даргоҳига эришишни истасак, бҳакти-йога йўлига киришимиз лозим. бҳакти сўзи "содик хизмат қилиш" маъносини, бошқача қилиб айтганда, ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топширишни билдиради. Кришна шундай дейди: *пурушаҳ са параш партҳа бҳактиа лабхайас тв ананийайа. тв ананийайа* сўзи бу ерда "бошқа ҳеч нарсага машғул бўлмасдан" деган маънони англатади. Демак, Худонинг руҳий даргоҳига эришиш учун биз Кришнага холис хизмат қилиш билан бутунлай банд бўлишимиз лозим.

"Нарада-Панчаратра" асарида бҳакти шундай таърифланган:

*сарвопадхи-винирмуктам тат-паратвена нирмалам  
хришикена хришикеша-севанам бҳактир учияте*

"Бҳакти, ёки холис хизмат қилиш дегани шуни англатадики, биз барча ҳис-туйғуларимизни хиссиётларнинг хукмдори - Олий Худо Шахси, Парвардигорга хизмат қилиш билан банд қиласиз. Парвардигорга хизмат қилиш икки тарафдан натижага беради. Биринчидан: мангур руҳ ўзини моддий танага қиёслашдан озод бўлади, ва иккинчидан, Парвардигорга хизмат қилиш билан банд бўлгани учун, унинг моддий ҳиссиёти моддийлик иллатидан покланади".

Айни пайтда ўзларимизни танага қиёслаб, ҳар хил номлар қўйиб олганмиз. "Ҳиндистонлик", "америкалик", "африкалик", "европалик" - буларнинг барчаси танага хос бўлган номлар. Танамиз бизнинг ўзимиз эмас, шуни англамасдан уни ўзимиз деб ҳисоблаймиз. Масалан, кимдир илмий унвонга эга бўлади-ю, ўзини магистр, бакалавр, ёки доктор деб ҳисоблайди. Унинг ўзи ва унинг илмий унвони - аслида бир нарса эмас, лекин у ўзини мана шу унвонга қиёслайди. бҳакти деганда ана шу нотўғри қиёслашлардан озод бўлишни тушуниш керак(сарвопадхи-винирмуктам). упадхи - "қиёслаш" дегани билдиради. "Лорд" унвонига эга бўлган киши ўзини жуда баҳтиёр ҳисоблайди: - "Энди мен обрўли кишилар қаторига қўшилдим!" Бу унвони унинг ҳозирги танаси мавжудлик пайтидагина амал қилишини эсига ҳам келтирмайди. Аммо унинг танаси кўп ўтмай барча қиёсий номлари билан бирга йўқ бўлиб кетишини, кейин яна бошқа қиёслашларга эга янги тана олишини билмайди. Масалан, сиз ҳозир америкаликсиз. Аммо кейинги оладиган танангиз хитойликнинг танаси бўлиши мумкин. Демак, бизнинг таналаримиз ўзгариб турар экан, ўзимизни ўткинчи таналарга қиёслашни тарқ этишимиз лозим. Агар - ўзимизни бемаъни қиёслашлардан озод бўлишга катъий қарор қила олсаккина бҳакти(Кришнага муҳаббат билан холис хизмат

қилиш)га эриша оламиз.

"Нарада-панчаратра"дан олинган бу шеърдаги *нирмалам* ибораси мутлақо пок, соф" деган маънони англатади. Бу қандай поклик? "Мен - рухман!"(аҳам браҳмасми). Тана шунчаки мени ўраб турган либос, холос. Мен аслида Кришнанинг, Худонинг мангу хизматкориман. Менинг асл ҳолатим шундан иборат". Мана шу ҳақиқатга инсон ўзида тўла ишонч, иймон ҳосил қилиши лозим. Бемаъни қиёслашлардан ўзини озод қила билган ва ўзининг ҳақиқий, азалий асл ҳолатини тўла тушуниб, англай олган одам бутун хиссиёти билан ҳамиша Кришнага хизмат қилади(*хришикена хришикеша-севанам бхактир учтайтэ*). *хришика* сўзи "хиссиёт аъзолари" деганини билдиради. Ҳозир биз хиссиётимизни моддий хиссий органлар билан қиёслаб юрибмиз, аммо биз мана шу нотўғри қиёслашлардан озод бўлсақ, ва шундай пок ҳолатда Кришнага хизмат қила бошласақ, мана шу - соф содик хизмат қилиш бўлади.

Соф содик хизмат қилиш нима эканини Шрила Рупа Госвами ўзининг "Бҳакти-расамрита-синдху" асарида шундай таърифлаган:

(1.1.1)

*нийабхилашита-шунйам жснана-кармадй-анавритам  
анукулийена кришнану-шиланам бхактир уттама*

"Кришнага соф содик хизмат қилишга интилаётган киши барча моддий орзу-ҳавасларни тарқ этиши, дунёвий фалсафа билан булғангандан воз кечиши ва ҳар қандай кармали (оқибат келтирувчи) фаолиятни тарқ этиши зарур. Худонинг соф содик хизматкори ҳеч нарса га чалғимасдан, ҳамиша Кришнанинг истаги ва амрига қараб Унга хизмат қилиши керак". Биз Кришнага Унинг амрига қарши эмас, аксинча Худонинг Ўзининг ҳоҳиш-иродасига қараб хизмат қилишимиз керак. Айни пайтда бундай хизмат қилиш эвазига қандайдир моддий истакларга эришиш орзусидан ҳам озод бўлиш керак(анийабхилашита-шунйам). Одатда Худога бирор моддий нарса таъма қилиб хизмат қилишни истайдилар. Аслида бундай хизмат қилишнинг ҳам ёмон жойи йўқ. Худога бирор моддий нарса сўраб мурожаат қилиш - Унга умуман ишонмасликдан яхшироқ. Буни "Бҳагавад Гита"ҳам таъкидлайди:

*чатур видха бҳаджсанте мам жсанаҳ сукритино "ржуна  
арто жиджнасур артхартхи жснани ча бхаратаршабха*

"Эй Бҳаратлар аълоси, Аржун, ҳалол одамлардан тўрт тоифаси Худога соф содик хизмат қилиш йўлига кирадилар: -мусибат чекаётганлар, -бойлик излаётганлар, -қизиқувчанлар, ва -Мутлақ Ҳақиқатга интилевчи донишмандлар". Барibir, Худога ҳеч қандай моддий манфаат

күзламасдан мурожаат қилган яхшироқ. Биз ҳар қандай нопок орзу-хаваслардан, истаклардан озод бўлишимиз керак.(аниабхилашита-шунйам).

Соф бҳактини Рупа Госвами шундай таърифлайди: *жнана-кармадӣ-анавритам*. Жнана ибораси Кришнани фалсафий фикрлашлар ёрдамида англашга интилишни билдиради. Албатта Кришнанинг табиати ҳакида фикр юритишимиз керақ, аммо ҳамиша эсимизда тутишимиз лозимки, У бениҳоя буюк ва Уни ҳеч қачон тўлиқ англай олмаймиз. Бу қўлимиздан келмайди. Шунинг учун муқаддас китобларда Кришна(Худо) ҳакида ёзилган маълумотларни тўла қабул қилишимиз лозим. Масалан Худо ҳакида тўғри тассавурга эга бўлишимиз учун Кришна атайлаб "Бҳагавад Гита"ни Аржунга айтиб берган. "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" каби китобларни тинглаш орқали Худони англаб олишга ҳаракат қилишимиз лозим. *карма* сўзи "моддий манфаат кўриш ниятида қилинган фаолият"ни англатади. Аммо, агар соф бҳакти йўлидан бормоқчи бўлсак, Кришна онги билан хизмат қилишимиз, - ҳеч қандай манфаат кўзламасдан, холисона хизмат қилишимиз лозим.

Кейин Шрила Рупа Госвами айтадики, соф бҳакти Кришнани қувонтириши керақ, анукуйена. Қалбимизда Кришна онгини Кришнанинг Ўзи истаган шаклда ривожлантиришимиз керак. Бунинг учун Кришнани қувонтирадиган нарсаларни, Худо инсоннинг қайси амалларини хуш кўришини билиб олишимиз ва шунга қараб иш қилишимиз керак. Қандай ишлар Кришнани қувонтиришини қаердан билса бўлади? "Бҳагавад Гита"ни ишонарли устозлар оғзидан тинглаш керак. Шунда Кришнани нималар қувонтиришини билиб оламиз ва шунга қараб иш тутамиз. Шунда холис хизмат қилишда мукаммалликка эришамиз.

Кўриниб турибдики, бҳакти-йога - мукаммал илм, ва уни эгаллашда ёрдам берадиган жуда кўп китоблар бор. Бизга инсон ҳаёти учун берилган нодир вақтимизни ана шу илмни ўрганишга сарфлашимиш ва ажалимиз келган вақтда энг юксак мукофот - Олий Худо Шахсининг Ўзи яшайдиган мангу руҳий сайёralарга етишиш баҳтига мұяссар бўлишга тайёрланишимиз лозим.

Биз яшайдиган коинотда миллионлаб сайёра ва юлдузлар бор аммо, коинотнинг ўзи бутун борлиқнинг арзимас бир бўлаги холос. Кўплаб коинотлар мавжуд, аввал таъкидланганидек, руҳий олам бутун моддий борлиқдан тўрт марта катта. Бошқача қилиб айтганда, бутун намоён бўлган борлиқнинг тўртдан уч қисми руҳий оламда жойлашган.

"Бұхагавад Гита"дан биламизки, рухий оламдаги ҳар бир рухий сайёрада Кришнанинг алохида намоён бўлган қиёфаси бор. Уларнинг барчаси - пурушалар, алохида шахс бўлган Зотлардир. Кришна "Бұхагавад Гита"да шундай дейди: *пуршиаҳ са нараҳ партҳа бхактийа лабхийас тв ананайай* - Худо Шахсини фақат Унга холис хизмат қилиш билангина англаш мумкин; ўз нафсини Худога қарши қўйиш, ёки фалсафий фикр юритишлар, ёки йоганинг бошқа усуулларини қўллаш ёрдамида Худо Шахсини англаб, таниб бўлмайди. Бунинг асло иложи йўқ. Бу ерда аниқ қилиб айтилганки, Унга тўла ишониб, холис хизмат қилишга ўз ҳаётини бутунлай баҳшида қилган кишиги на Кришнага яқинлаша олади. Фалсафий фикр юритишлар ёрдамида ёки ҳар хил таълимотлар яратиш орқали, ёки жисмоний машқлар ёрдамида Худони англаш мумкинлиги ҳакида ҳеч қаерда кўрсатилмаган. Ҳаётда ҳеч қандай кармали фаолиятга, фалсафий саф-сатабозликка ёки жисмоний йога усуулларига чалғимасдан Худога холис хизмат қилиш билан машғул кишигина Кришнага эришиши мумкин. Мутлақо соф, ҳеч қандай бошқа манфаат кўзламай Худо учун қилинган холис хизматгина кишини Рухий оламга олиб чиқади.

"Бұхагавад Гита"да яна шундай дейилади: *йасйантхаҳ-стхани бхутани ѹена сарвам идам татим*. Кришна шу қадар қудратлики, йўз даргоҳини тарк этмай туриб ҳам, бутун борлиқни йўзида мужассам қилиб, ҳар ерда мавжуд бўла олади. Қандай қилиб? Қуёш бир жойда турари, аммо унинг нурлари бутун оламга таралади. Худди шундай Худо ҳам йўзи рухий оламдаги даргоҳида бўлса ҳам, Унинг қудрати бутун оламни қамраб олган. У ҳам, қуёш ўз нурларидан ажралмагани сингари, йўз қувватидан ажралмаган. Қуёш ҳам, унинг нурлари ҳам бир хил, ўзидан нур таратувчи зарралардан таркиб топган. Худди шунингдек Худо ва Унинг қудрати орасида фарқ йўқ. Демак, Кришна йўзини қуввати ёрдамида оламнинг ҳар бир бурчагида намоён этади, ва содик хизмат қилишда, Уни англашда етарлича юкори погонага кўтарилиган одам, худди - агар электр токига уланса, лампа ҳар ерда ёниши мумкин бўлгани сингари, Худони ҳар ерда кўра олади.

"Браҳма-Самхита"да Тангри Браҳма инсон Худони кўра олиши учун қандай сифатларга эга бўлиши кераклигини айтган: *преманжана-ччхурита-бхакти-вилочанена сантаҳ садаива хридайешу вилокай-анти*. Йўзида Худога нисбатан муҳаббат уйғота олган киши Уни ҳамма ерда, кеча-ю кундуз кўра олади. Бу ердаги *садаива* сўзи "ҳамиша, кеча-ю-кундуз" маъносини англатади. Ҳақиқатан ҳам Худони англаш етган киши: -"Мен кеча кечқурун Худони кўргандим, аммо ҳозир У негадир кўринмаяпти". - демайди. Йўқ, ҳар ерда ҳамиша Ху-

дона кўриш мумкин, чунки У ҳар ерда мавжуд.

Демак, Кришнани ҳамма ерда кўра оламиз, фақат қалбимизда Уни кўра олиш қобилиятини ривожлантиришимиз керак. Ана шундай қобилиятни Кришнани англаш усули ёрдамида ривожлантириш мумкин. Агар Кришнани кўра олсак, Унинг мангу руҳий даргохига етиша олсак, шунда интилаётган барча орзуларимизга эришамиз. Шунда баҳт, лаззат ва билимга тўла мангу ҳаётга эришамиз.

## **Учинчи боб. Хизмат қилиш лаззати**

### **Комил Ҳукмдор – ягона Парвардигорни қандай рози қилиш мумкин?**

*1968 йил кузидаги Сиэтл шаҳрида қилган маъruzасида Шрила Прабхупада шундай деди: "Шу ерда ўтирганлардан бирор киши- "Мен ҳеч кимга хизмат қилмайман, деб айта оладими? Йўқ, чунки, хизмат қилиши бизнинг табиий ҳолатимизdir". Кейин у кўплаб тингловчилар учун янги бўлган фикрни ўртага ташлади: -"Агар сиз Кришнага холис хизмат қила бошласангиз, аста-секин Кришна ҳам сизга хизмат қилаётганига амин бўласиз". Кейин Шрила Прабхупада Кришнани мамнун қилган кишининг чексиз баҳтга эришиши мумкинлигини тушиунириб берди.*

Ҳаётда ҳар бир одам баҳтли бўлишга интилади ва вақтинчалик бўлса ҳам мусибатлардан кутулишни истайди. Бизга моддий табиат

келтирадиган мусибатлар, азоб-уқубатларнинг уч тури бор: *адхіаттика, адхібхаутика ва адхідайвика*. *адхіаттика* - бу танамиз ва ақлимиз келтирадиган азоблар. Масалан, организмимизда модда алмашинуви мутаносиблиги бузилса, ҳароратимиз кўтарилиб, оғрик сезамиз. *адхіатмиканинг* бошқа турини ақлимиз келтириб чиқаради. Масалан, яқин одамидан ажралиб қолсан, мен ақлимни йўқотиб, мусибатга тушаман. Бу ҳам бир азоб. Демак, *адхіаттика* - тананинг касалликлари ва ақлнинг безовталиги.

*адхібхаутика* туридаги азобларни бошқа тирик зотлар келтиради. Масалан, одамлар ҳар куни миллионлаб ҳайвонларни ўлдирадилар. Ҳайвонлар чекаётган азобларини бизга айта олмайдилар, аммо улар ўлаётшиб қанчалик қийналадилар. Биз ҳам бошқа тирик зотлар томонидан кўп қийналамиз.

*адхідайвика* - бу табиатнинг олий кучлари, фаришталар томонидан келадиган азоблар. Бунга очарчилик, зилзила, сув тошкини, курғоқчилик ва бошқалар киради. Булар ахидайвика деб аталадиган азоблардир.

Биз ҳамиша у ёки бу азоблардан қийналашиб кун кечирамиз. Моддий табиат албатта бизни ана шундай жазолайди - бу Худонинг қонуни. Биз эса қўлимиздан келганча мана шу азобларни камайтиришга интиlamиз. Ҳар бир одам азоб-уқубатлардан қутулгиси келади, бу ҳақиқат. Аслида яшаш учун курашнинг маъноси ҳам шундан иборат.

Азоб-уқубатлардан қутулишнинг ҳар хил йўллари бор. Ҳозирги замон олимлари унинг бир йўлини таклиф қилса, файласуфлар бошқа йўлни таклиф қиладилар, диндорлар бир йўл таклиф қилса, худосизлар яна бошқа бир йўлни айтадилар. Бундай таклифлар жуда кўп. Аммо Кришнани англаш фалсафаси қуидагича: Агар сиз онгингизни Кришна онгига айлантирангиз, ўз-ўзидан барча мусибатлардан озод бўласиз. Бунга шунинг ўзи кифоя.

Барча азоб-уқубатларимиз - ғофиллигимиз натижасидир. Биз - аслида Кришна(Худо)нинг мангу хизматкорлари эканимизни унтиб қўйганмиз. Бенгал тилида буни тасвирлайдиган ажойиб бир шеър бор:

*кришна-баҳирмуҳха хаийа бхога-ванчха каре  
никата-стҳа майа таре жасатийа дхаре*

Кришна онги билан бир хил бўлган соғ азалий онгимиз - моддий лаззатланиш истаги, моддий табиатга ҳукмдорлик қилишга интилиш туйгуси билан булғанганд заҳоти мусибатларимиз, азоб-уқубатларимиз бошланади. Шу заҳотиёқ биз майа, алданиш тузогига илинамиз. Бу дунёда ҳар бир одам: -"мен ҳаётимдан тўла лаззат олишим керак!" деб

ўйлайди. Ҳамма, энг кичик чумолидан - то энг құдратли тирик зот, Браҳмагача ҳукмронлик қилишга уринади. Сизда күп сиёсатчилар президент бўлиш учун курашадилар. Нима учун? Чунки уларнинг ҳар бири ҳукмрон бўлишга интиладилар. Майя, алданиш мана шундай амал қиласди.

Аммо биз, Кришнани англаш ҳаракати аъзолари бунга қарама-карши нуктаи-назарга эгамиз. Бизлар ҳар биримиз Кришнанинг хизматкорининг хизматкорининг хизматкорининг хизматкори бўлишга интиламиз(*готи бхартух пада-камалайор даса-дасанудадасаҳ*). Ҳукмдор бўлишга интилиш ўрнига биз Кришнанинг хизматкори бўлишга интиламиз.

Кимдир буни "қуллик психологияси" дейиши мумкин. "Нега энди мен қул бўлишим керак? Мен ҳукмдор, хўжайин бўламан!". Аммо, айнан мана шу ҳукмдор бўлиш истаги барча азоб уқубатларимизнинг сабабчиси эканини одамлар билмайдилар. Мана шуни тушуниб олиш керак. Моддий оламга ҳукмрон бўламиз деб, нафсимизнинг, ҳиссиятимизнинг қулига айландик.

Биз ҳамиша хизмат қилишга мажбурмиз. Шу ерда ўтирган ҳар бирингиз кимгадир хизматкорсиз. Кришнани англаш йўлига кирган мана бу ёш йигит-қизлар ўз ихтиёрлари билан Кришнанинг хизматкори бўлишга қарор қиласдилар. Уларнинг барча муаммолари ҳал бўлди. Аммо бошқалар ўйлайдиларки: -"Нега мен Худонинг қули, хизматкори бўлишим керак? Мен хўжайин, ҳукмдор бўламан". Аслида ҳеч ким хўжайин бўла олмайди. Агар кимдир бунга эришишга интилса, у фақат ҳиссиятимизнинг, нафсининг қули бўлади, холос. У эҳтиросининг, очкўзлигининг, ғазабининг, нафсининг - шунча нарсанинг қулига айланади!

Бундан юкорироқ онгга эришгандан сўнг, инсониятнинг, жамиятнинг, мамлакатининг хизматкорига айланиш мумкин. Аммо хўжайин бўлиш ниятимиз қолаверади. Бу барчага хос касал. Президентликка номзод бўлганлар ҳаммаси ҳам: -"Мен ҳалқимга ва давлатимга иймон ва ихлос билан хизмат қиласман. Менга овоз беринг!"- деб айтишади. Аммо асл нияти - ҳар хил йўллар билан давлат бошлиги бўлиб олиш. Алданиш, майя мана шундай амал қиласди.

Биз табиатан хизматормиз, хизмат қилиш учун яратилганмиз, - ҳаёт фалсафасининг мана шу мухим конунини тушуниб олишимиз зарур. Ҳеч ким ҳам: -"Мен озодман, мен ўзимга ўзим хўжайнинман!" деб айта олмайди. Агар ким шундай фикрда юрган бўлса, демак у гафлатда, алданган, адашган. Шу ерда ўтирганлардан бирор киши мен ҳеч кимга, ҳеч нарсага хизмат қиласман, деб айта оладими?

Йўқ, чунки, хизмат қилиш - бизнинг табиий ҳолатимиздир.

Биз Кришнанинг, Худонинг ёки ҳиссиётимизнинг қули бўлишимиз мумкин. Аммо, гап шундаки, биз ҳиссиётимизнинг қули бўлсак, азоб-уқубатларимизни яна ҳам кўпайтирамиз, холос. Қандайдир маст килувчи нарсани истеъмол қилиб, озгина вақтга азобларингизни унудишингиз мумкин. Мастилик оқибатида ўзингизни гўё ҳеч кимга қарам эмасдек, озод, мустақил хис қилишингиз мумкин. Аммо, бу вақтинчалик, ўткинчи туйғу. Мастилигингиз тарқаган заҳоти хизматкор эканингиз эсингизга тушади.

Демак, биз хизмат қилишга мажбурмиз. Бу муаммони қандай ҳал қилса бўлади? Бу муаммонинг ечими - Кришнани, Худони англашда, Унинг онгига эга бўлишда. Сиз Кришнанинг хизматкори(кули) бўлишингиз биланоқ, ҳукмдор бўлиш орзуингиз амалга ошади. Мана бу ердаги тасвирда Кришна ва Аржунни кўриб турибмиз. Кришна - олий Худо, Парвардигор, Аржун эса - оддий инсон. Лекин Аржун Кришнани дўсти сифатида яхши кўрарди, ва дўстона муҳаббати эвазига Кришна унинг хизматкори бўлиб, аравасини бошқаряпти. Шунга ўхшаб, биз ҳам ўзимизнинг Кришна билан бўлган илоҳий, муҳаббатга тўла муносабатимизни қайта тиклай олсак, ҳукмронлик қилиш истагимиз амалга ошади. Кришнанинг содик хизматкори бўлиб, Унга холис хизмат қила бошласангиз, аста-секин Кришна ҳам сизга хизмат қилаётганига амин бўласиз. Сиз буни дарров англаб оласиз. Шунинг учун, агар ҳаётда бошқа бирорларга, ҳиссиётларимизга кул бўлишдан кутулишни истасак, хизматимизни Кришна(Худо)га бағишлишмиз, Унга хизмат қилишимиз керак. Мана шу Кришнани англаш, яъни Кришна онги билан яшаш демакдир.

Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" асарида ҳиссиётлар қули бўлишни шундай таърифлайди: *камадинам кати на катидха палита дурдинеша*. Бу ерда солиҳ Кришнага мурожаат қилиб айтиптики, узок йиллар ўз ҳиссиётимизнинг қули бўлиб келдим(*камадинам кати на катидхи*). кама дегани эҳтиросни билдиради. У дейдики: -"Эҳтирос таъсирига берилиб, мен шунча номаъқул ишларни қилдим". Кул бўлган одамни ҳамиша у истамайдиган ишларни қилишга мажбур қиласилар. Айнан мажбур қиласилар. Бу ерда солиҳ ўзи хоҳламасдан, эҳтирос туйгуси мажбур қилгани учун кўп гуноҳлар қилганини тан оляпти.

Кимдир бундай солиҳ кишига айтиши мумкин: -"Нима қилибди, шунча вақт эҳтиросинг қули бўлган бўлсанг, энди озод бўлгандирсан? Энди ҳаммаси жойида!" Аммо, гап шундаки, *тешам жати на каруна на трапа нопашантых*. Солиҳ дейди-ки: -"Мен шунча вақт ўз

хиссиётларимга астайдил хизмат қилдим, қул бўлдим, аммо уларни ҳеч қондириб бўлмаяпти. Нафсни тўйдириб бўлмаяпти. Мени қийнаётган нарса ҳам ана шу. Менинг нафсим ҳам, ўзим ҳам ҳеч қаноат топа олмаярман. Нафсимнинг эса менга ҳеч раҳми келмайди, қул бўлишдан озгина бўлса ҳам озод қилишни истамайди. Мен шундай қийин аҳволдаман. Шунча вақт нафсимга қул бўлгандан кейин, дам олиб хордик чиқарапман, деб ўйлагандим. Афсуски, улар(нафс, эҳтирос) ҳалигача мени тинч қўймаяптилар!"

Шогирдларимдан бири онаси кексайиб қолганига қарамай эрга чиққанини айтганди. Яна биттаси бувисининг эрга тегаётганини айтганди. Ўйлаб кўринг, уларнинг бири эллик ёшда, бошқа бири етмишга чиқкан, шунга қарамай эҳтирос, хиссиёти уларни мажбур қиляпти: -"Сен эрга тегишинг керак!" Ҳиссиётимиз қанчалик кучли эканини тушунишга уриниб кўринг. Факат ёш йигит-қизларгина ҳиссиётларининг қурбони бўлмайдилар. Етмиш, саксон ёшда, ва ҳатто ўлим тўшагида ётиб ҳам нафснинг қули бўлиб кетиш мумкин. Одамнинг нафси, хиссиёти ҳеч қаҷон тўймайди, қаноат топмайди.

Биз ҳаётда ана шундай ҳолатдамиз. Биз нафсимизнинг, ҳиссиётимизнинг қулимиз, аммо уларга қанчалик хизмат қилмайлик, қўзимиз тўймайди, ўзимиз қаноатланмаймиз. Нафсимиз, ҳиссиётимиз эса, ўз навбатида хизматимиздан қаноатланмайди, ҳеч тинчлик бергиси келмайди. Қандайдир оворагарчилик!

Шунинг учун яхшиси - Кришнага қул бўлиш, Унга хизмат қилиш. Кришна "Бҳагавад - Гита"да шундай дейди:(18.66)

*сарва дҳарман-паритийаджайа мам экам шаранам враджа  
аҳам твам сарва -папебхйо мокшиайишиами ма шучаҳ*

Шунча замонлардан, шунча умрлардан бери, 8 400 000 марта тана алмаштириб, хиссиётингизнинг қули бўлиб келдингиз. Кушлар ва ҳайvonлар, одамлару - фаришталар - моддий оламдага ҳамма тирик зотлар ўз хиссиётларининг талабини, нафсларини қондиришга интиладилар. "Шунинг учун, ўз ихтиёрингизни бутунлай Менга топшириг. Менга хизмат қилишга рози бўлинг, сизларни Ўзим химоя қиласман, хиссиётларингизга, нафсингизга қул бўлишдан озод қиласман!"- дейди Кришна. Умрлар оша гуноҳларга ботиб яшшимизнинг асосий сабабчиси - хиссиётимиз(нафсимиз)дир. Шунинг учун ҳар биримиз ҳар хил таналарга эга бўламиз. Аслида барчамиз ҳам бир хил ҳолатдамиз деб ўйламанг. Йўқ. Ҳар бир одам олдинги ҳаётларида қилган ишларига мос равишда муайян танага эга бўлади. Ҳар хил таналар ҳар хил ҳиссий лаззатлар олиш имконини беради. Ҳатто чўчқага ҳам ҳиссий лаззат олиш имконияти берилган, аммо бу лаззат-

лар дағал, ифлос, паст даражадаги лаззатлардир. Җүчқа ҳиссий лаззатларга шунчалик берилған-ки, үз онаси, опаси ёки қизи билан ҳам жинсий алоқа қиласыради. Ағасуски, ҳатто одамлар орасыда ҳам шундай ифлос, ҳаром кишилар учраб туради. Ҳиссиётлар ана шундай ашаддий құдратға эга.

Англаб етишимиз зарур-ки, чекаётган азобларимизнинг барчаси - ҳиссиётларимизга кул бўлиб қолганлигимиз натижасидир. Биз чангалидан кутула олмай, тортаётган уч хил азоб-уқубатларимизга сабаб - айнан ҳиссиётларимиз кўлида ўйинчоқ бўлиб қолганимиздир. Аммо, agar бизни Худога, Кришнага хизмат қилиш жараёни ўзига жалб килса, ҳиссиётларимиз чангалидан дарров кутула оламиз. Кришна(Худо)нинг номларидан бири - Мадана-Мохана. Унинг маъноси - "Севги фариштаси, эҳтиросни Ўзига ром қилувчи" деганни билдиради. Агар ҳиссиётларингизга хўжайин бўлиб, муҳаббатингизни Кришнага бера олсангиз, барча азоб-уқубатлардан озод бўласиз.

Шунинг учун атрофимиизда кўриб турган ҳамма нарсага хўжайинлик қилишга интилиш ҳиссидан воз кечишимиз керак. Бизлар ҳар биримиз табиатан хизматкормиз, қулмиз. Ҳозир ҳиссиётимизга хизмат қиляпмиз, аммо худди шундай Кришнага ҳам хизмат қилиш мумкин. Агар Кришнага хизмат қила бошласангиз, ва Унга хизмат қилишда қанчалик самимий бўлсангиз, Кришна ҳам шунчалик Ўзини намоён қилиб бораверади. Аста-секин бир-бирингизга ўзаро хизмат кўрсатиш муносабати пайдо бўлади. Сиз Кришнани дўст сифатида, ҳукмдор сифатида ёки севгили ёр сифатида севишингиз мумкин, Кришнани севишинг турлари кўп.

Кришнани севишига харакат қилиб кўринг, - ҳаётингиздан қанчалик мамнун бўлаётганингизни дарров сеза бошлайсиз. Ҳаётдан мамнун бўлишнинг, баҳтли бўлишнинг бундан бошка йўли йўқ. Пулингиз қанчалик кўп бўлмасин, улар сизга қаноат олиб келмайди, ором олиб келолмайди. Мен Калькуттада бир киши билан таниш эдим, у ойига олти минг доллар пул ишларди. Шу одам охири ўзини ўзи ўлдирди. Сабаб? Чунки, шунча пули уни баҳтли қила олмади. У ҳаётдан излаган нарсасини топа олмаганди.

Шунинг учун сизларнинг барчангиздан ўтиниб сўрайман: Кришнани, Худони англашга, бунинг қанчалик лаззат, баҳт олиб келишини тушунишга уриниб кўринг! Шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини тақрорлаш орқали қалбингизда Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотасиз, Кришнани озгина севишингиз биланоқ барча азоб-уқубатлардан озод бўлиб, ҳаётингиздан мамнун бўла бошлайсиз.

Эътиборларингиз учун раҳмат. Саволларингиз бўлса, марҳамат.

\* \* \*

Савол. Моддий танамизни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қилганимизда унда ўзгариш бўладими? Моддий танамиз руҳийлашадими?

Шрила Прабхупада. Агар мис симни электр токига уласангиз, у оддий мис сим бўлиб қолмайди, у электр токи бўлади. Худди шундай агар ўз қувватингизни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қилсангиз, бу моддий қувват эмас, - руҳий қувватга айланади. Шуннинг учун, Кришнага хизмат қила бошлишингиз биланоқ моддий қувват ҳукмронлиги остидан чиқасиз. Кришна "Бҳагавад Гита"да шундай дейди:(14.26.)

*мам ча йо "в'ябхичарена бҳакти-йогена севате  
са гунан саматитайитан браҳма-бхуйайа калпате*

"Танлаган йўлидан адашмай, бутун ҳаётини Худога холис хизмат қилишга бағишилган киши моддий табиат гуналари таъсиридан чиқади ва Браҳман даражасига эришади".

Сиз ўз қувватингизни Кришнага холис хизмат қилиш билан машғул қилганингизда у моддийлигича қолади деб ўйламанг. Кришнага хизмат қилишга ишлатилган ҳар қандай моддий нарса руҳий сифатга эга бўлади. Масалан, биз ҳар куни Кришнага эхсон қилинган мевалар - прасаддан тарқатамиз. Кимдир -"Бу меваларнинг бошқа мевалардин нима фарқи бор? Уларни ҳам бошқа мевалар сингари бозордан сотиб олган-ку? Уйда ҳам худди шундай мевалардан еймиз"! - деб ўйлаши мумкин. Аммо, бу меваларнинг бошқа мевалардан фарқи жуда катта. Биз меваларни Кришнага тақдим қилганимизда бу мевалар руҳий сифатга эга бўлади. Бунинг нима фойдаси бор? Кришна-prasad ейишда давом этинг, шунда Кришна онгига эга бўлишда, Худони англаб етишда қанча ютуқларга эришаётганингизни яққол сеза бошлайсиз.

Яна бир мисол келтираман. Агар жуда кўп сут ичсангиз, ошқозонингиз бузилиши мумкин. Шунда врачга мурожаат қилсангиз, у қатиқ асосида қилинган дори ичишни тавсия қиласди. Ҳар ҳолда Аюрведага оид тиббиётда шундай. Қатиқдан қилинган дорини ичиб тузалиб кетасиз. Лекин, қатиқ ҳам аслида бошқа кўринишдаги сутнинг ўзи-ку. Демак, сут келтириб чиқарган касаллик сутнинг ўзи билан даволанади. Нимага шундай? Чунки тажрибали врачнинг тавсияси билан уни дори сифатида ичдингиз. Худди шунингдек, тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида моддий қувватингизни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қилсангиз, бу дунёда кул бўлишингизга сабаб бўлган моддий қувватнинг ўзи ҳеч қандай азоб-уқубатлар

бўлмаган руҳий оламга кўтарилишингизга ёрдам беради.

Савол. Сиз қандай қилиб ҳамма нарсани мана шундай осонгина, ҳаммага тушунарли қилиб етказа оласиз?

Шрила Прабхупада. Гап шундаки, бутун фалсафанинг ўзи жуда оддий, содда. Худо бениҳоя буюк, аммо сиз - ундей эмассиз. Ўзингизни Худо деб ўйламанг. Худонинг борлигини инкор этманг. Худо чексиз буюк, сиз эса чексиз кичик заррасиз. Шундай экан, нима қилишимиз керак? Биз Худога, Кришнага хизмат қилишимиз керак. Бу энг оддий ҳақиқат. Худони инкор қилиш, Унга қарши чиқиш - алданиш, адашиш демакдир. Худони йўқ дейдиган, ёки, ўзини ёки ўзига ўхшаган одамни Худо деб ўйлайдиган ҳар бир одам адашган одамдир.

Агар одам ақлдан озиб қолса, ҳар хил бемаъни гапларни гапира бошлайди. Худди шундай, агар одам алданиш, (шайтон)майя таъсири остига тушиб қолса, у "Худо йўқ, Худо ўлган", ёки "Мен Худоман", "Сизга Худонинг нима кераги бор, нима қиласиз Уни излаб? Кўчага қаранг, шунча Худолар юрибди." деган гапларни айта бошлайди. Шундай гапларни айтиб юрганлар афсуски, шайтон васвасасига учебидашиб қолган, ақлдан озган кимсалардир.

Уларни Ҳаре Кришна мантрасининг илоҳий товушлари ёрдамида даволашингиз лозим. Бу товуш улар учун энг самарали дори ҳисобланади. Улар шунчаки бу товушларни тингласа бас, аста-секин ғофиллик касалидан тузала бошлайдилар. Агар сиз ухлаб ётган одамнинг кулогига кичкирсангиз, у дарҳол уйғонади. Худди шундай Ҳаре Кришна мантраси ҳам ғафлат уйқусига чўмган бутун инсониятни уйғотишга қодир. Ведалар бизга шундай таълим беради: *уттишхата жаграта пратиа варан нубодхата* - "Эй инсон! Ғафлат уйқусидан уйғон! Шунча ухлаганинг етар. Шунчалик омадли экансан-ки, инсон танасига эга бўлдинг. Инсон деган номга муносиб ишлар қил. Шайтон(майя) чангалидан халос бўл!" Ведалар бизни шунга даъват этади. Ҳаре Кришна мантрасини такрорлашда давом этинг. Дўст ёрларингизни, ватандошларингизни ғафлат уйқусидан уйғотинг, уларга ҳаётий дунё мусибатларидан озод бўлишда ёрдам беринг!

## Энг олий лаззат

"...ҳамма жинсий ҳаёт билан лаззатланишини истайди. Аммо, сиз

жинсий ҳаёт билан қанчалик лаззатланманг, қаноатланмайсиз. Ий-монингиз комил бўлсин-ки, бундан тўла лаззат ола олмайсиз, чунки, жинсий алоқа ҳақиқий лаззат олишга олиб келадиган йўл эмас."Бир неча аср аввал яшаб, Криинани англаш таълимотини фаол тарғиб этган буюк руҳий устознинг бенгал тилида ёзган қўшигини таҳлил қилиши жараёнида Шрила Прабхупада жинсий алоқадан ҳам яшироқ лаззат мавжудлигини, ва ана шу лаззатга қандай эришии мумкинлигини тушиунириб беради.

Бу қўшикни ёзган Нароттама дас Тхакур - буюк ачарья(руҳий устозлардан бири) эди ва унинг ёзиб колдирган барча қўшиклари ведалар сингари муқаддас деб эъзозланади. Бу қўшиқда у ўзини худди биз билан сиздек оддий одам қилиб кўрсатади. Парвардигор Харига, Кришнага илтижо қилиб, у шундай нола қиласди: *хари хари бипхале жсанама гонааниу* -Эй Парвардигор, Худойим, бутун умрим бекорга ўтди, чунки Сенга сажда қилмадим".

Умрларини бекорга ўтказаётганларидан одамларнинг ҳатто хабари ҳам йўқ. Улар: -"Уй-жойим, машинам, обрў-эътиборим, чиройли хотиним, бола-чакам, мол-дунём ўзимга етарли, мен баҳтлиман!"- деб ўйлайдилар. Мана шу моддий, дунёвий нарсаларнинг барчаси бизга инсон бўлиб яшашдан мақсад - Худони таниш, Худои Таолога, Кришнага сажда қилиш эканлигини унтутириб қўяди.

"Шримад Бҳагаватам"нинг бир шеърида (5.5.8) дунёвий ҳаётнинг лаззатлари ҳақида гап боради:

*пумсаҳ стрийа митхуни-бҳавам этам  
тайор митхо хридайа-грантхим ахуҳ  
ато гриха-кишетра-суматта-вимтаир  
жсанасайа моҳо "йам аҳам мамети*

Барча дунёвий ҳавасларнинг, боғланишларнинг асосини жинсий алоқа ҳосил қиласди. Эр киши аёлга интилади, аёл эса эркакка. Жинсий алоқа қилганларидан сўнг эса, улар бир бирларига жуда каттиқ боғланиб қоладилар: *тайор митхо хридайа-грантхим ахуҳ. Хридайа* "юрак" маъносини, *грантхим* эса, "каттиқ боғланиш"ни билдиради. Шундай қилиб, эркак ва аёл жинсий алоқа қилганларидан сўнг, қалбларидаги тугун қаттиқ боғланади. "Сенсиз яшай олмайман!" - дейди у. - Мен сени чин қалбим билан севаман. Сен менинг ҳаётимсан!" Аёл ҳам: -"Сендан ажралгим келмайди. Сен мен учун жонимдан ҳам ортиқсан!"- дейди.

Бундай гаплар бир неча кун давом этади, холос. Кейин эса - аж-

ралиб кетадилар. Аммо, ҳаммаси энг аввало жинсий алоқадан бошланди. Жинсий алоқа - барча моддий боғланишларнинг асосини ташкил этади. Жамиятда жинсий алоқа жуда кўп ижтимоий шартшароитлар билан йўлга қўйилган. Никоҳ маросими - бу инсонларнинг жамиятда жинсий алоқани тартибга солишга уриниб, уни маданиятлироқ қилиб кўрсатишга уринишидир, холос. Баъзан, никоҳ - бу қонуний фоҳишабозлиқдир, деб айтадилар. Жамиятда ижтимоий тартибни, одоб-ахлоқ нормаларини сақлаб туриш учун одамлар хиссиётларини босишига, жамият қонун-коидаларига амал қилишига мажбур. Шунинг учун, маданиятли, ор-номусли, иймонли кишилар никоҳ доирасидаги жинсий ҳаёт - ҳайвонларнинг жинсий алоқасидан фарқ қилмайдиган никоҳсиз жинсий ҳаётдан тубдан фарқ қилишини тан оладилар.

Нима бўлгандა ҳам, эркак ва аёл жинсий алоқа қилишлари билан уларга ер(кшетра) ва уй-жой(гриха) керак бўлади. Кейин болалар(суга) пайдо бўлади. Уй-жойга эга бўлиб, хотин олишингиз биланоқ бола-чака қилиш нияти пайдо бўлади, чунки бола-чакасиз оиласвий ҳаётнинг қизиги бўлмайди. *Путра-хинам грихам шунйам*: "Боласиз уй чўлистонга ўхшайди". Болалар - оиласвий ҳаёт келтирадиган энг буюк лаззатдир. Ниҳоят, қариндош-уруглар ёки жамоат(апта) орасида бўлиш истаги. Мана шуларнинг барчасига пул кепрак(виттаих). Шундай қилиб инсон моддий дунё тузогига тушиб, майя(шайтон), иллюзия таъсирига берилиб кетади. Нимага булар иллюзия, алданиш бўларкин? Наҳотки хотин, бола-чака, уй-жой, молдунё каби нарсалар - алдамчи нарсалар(иллюзия) бўлса? Сиз ҳозир ўз ҳаётингиздан мамнунсиз - уй-жойингиз, бола-чақангиз, обрўэътиборингиз сизни тўла қаноатлантиради, - аммо, сизнинг ҳозирги танангиз яроқсиз ҳолга келиб, уни тарқ этишингиз биланоқ, бу нарсаларнинг барчасидан маҳрум бўласиз. Сиз барчасини ташлаб, ҳаётнинг бошка турига ўтишга мажбурсиз. Энг ёмони шундаки, кейинги ҳаётингиз қандай бўлишини ҳам билмайсиз. Кейинги ҳаётингиз инсон танасида, ёки ит, мушук ёки фаришта танасида бўлиши мумкин. Сиз буни билмайсиз. Кейинги танангиз қандай бўлишидан қатъий назар, ҳозирги танангизни тарқ этишингиз биланоқ, ҳаммасини унтиб юборасиз. Ҳеч нарсани эслай олмайсиз - ўзингизнинг ким бўлганингизни, хотинингиз ким бўлганини, уйингиз қандайлигини-ю, қанча пулингиз борлигини унтиб юборасиз. Сиз учун ҳаммаси изсиз йўқолиб кетади.

Ҳаммаси худди денгиз суви юзидағи ёрилган пуфакчалар сингари йўқ бўлиб кетади. Денгиздаги тўлқинларнинг тинимсиз ҳаракати

миллион, миллиардлаб пуфакчалар ҳосил қиласи, аммо улар шу захотиёк ёрилиб йўқ бўлиб кетади.

Моддий ҳаёт ҳам шундай. Тирик зот инсон танасига эга бўлгунга қадар ҳар хил сайёralарда, турли хил таналарда биридан бирига кўчиб сарсон бўлиб юради. Инсон танаси бизга -ўзимизнинг асл ҳолатимиз(ўзлигимиз) қандай эканини англаб етмасдан бир танадан иккинчи танага, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, азоб-уқубат чекиб юришимизнинг сабаби нимада эканини англаб етиш имкониятини беради.

Биз инсон танасига эга бўлганимиздан кейин шуларни тушуниб етишга харакат қилишимиз лозим. Аммо, ўзимизнинг аслида кимлигимизни англаб етишга уринишнинг ўрнига, умримизни жинсий ҳаётга, хотин, бола-чақамизга, уй-жойга, обрў-эътибор қозонишга интилишга сарфлаймиз(*митхуни-бҳавам, гриха-кишетрасутаптавиттаиҳ*). Мана шу ўткинчи нарсалар курбони бўлиб, умримизни зое кетказамиз.

Нароттама дас Тҳакур бизнинг номимиздан Худога нола қилиб, шундай дейди: "Эй Худойим, мен ўз умримни хазон қилдим". Нимага? манушийа-жсанама пайя радҳа-кришина на бҳаджийа: "Тирик зотга инсон танаси Радҳа ва Кришнани(Худо ва Унинг қувватини) англаш ва Уларга сажда қилиш учун берилади. Аммо, Радҳа ва Кришнани излашнинг ўрнига, мен умримни дунёвий, ўткинчи орзу-ҳаваслар, ҳиссий лаззатларга интилиш билан хазон қиляпман".

*голокера према-дхана хари-нама-санкirtана рати на жсанмило кене тай.* "Нега менда Ҳаре Кришна мантрасини куйлашга ихлос, иштиёқ йўқ?" Ҳаре Кришна мантраси - бу илоҳий товуш тебранишларидир: бу товушлар моддий олам товушлари эмас. Бу товушлар тўғридан тўғри Парвардигор Кришнанинг даргоҳидан чикади. Ҳаре Кришна мантрасининг илоҳий товушлари бизга айнан шу даргоҳдан тушган. Бу товушлар худди қуёш нурларига ўхшайди. Сиз қуёшга етиб бора олмайсиз, чунки у жуда ҳам узоқда, аммо, қуёш нурларининг шу қуёшдан тараалаётганини биласиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Худди шундай Ҳаре Кришна мантрасининг товуши ҳам Голокадан, Кришнанинг олий даргоҳидан(голокера према-дхана) келган. Мана шу мантра товушлари ўзи билан бирга Кришнага муҳаббат туйгусини олиб келади.(према-дхана - Кришнага нисбатан севги гавҳари, деганини билдиради).

Нароттама дас Тҳакур шундай дейди: *хари-нама-санкirtана рати на жсанмило кене тай* - "Нега менда Ҳаре Кришна мантрасини куйлашга ихлос йўқ?" Мантрани куйлашнинг нима кераги бор? Бу

кейинги сатрларда тушунтирилади: *самсара-биишанале диба-ниши хийа жале журоате*. "Ҳаре Кришна мантрасини куйлаш - инсон қалбини ўргагувчи ҳиссий лаззатлар захрига, оғусига қарши ягона, бирдан-бир дори, дармондир." *Хийа* - юрак дегани билдиради. Бизнинг юрагимизни, қалбимизни ҳамиша нимадир ёндиради. Нимага? Чунки у бизни ҳиссиётларимизнинг лаззатланишга бўлган истагини қондиришга ундейди. Мен ҳиссиётимни қанчалик лаззатлантиришга тиришсан ҳам, у ҳеч қачон тўймайди. Одамлар ҳиссиётларини қондиришда шунчалик илгарилаб кетганки, энг юқори погонага етганга ўхшайдилар: стриптиз ва бошқа шунча нарсалар ўйлаб топгандар, мини юбкамиди?

Шогирди. Ҳа, мини-юбка.

Шрила Прабхупада. Ҳа, мини-юбка. Жинсий ҳаёт - дунёвий ҳаётнинг негизи ҳисобланади, шунинг учун ҳамма жинсий ҳаёт билан лаззатланишни истайди. Лекин, жинсий ҳаёт билан қанчалик лаззатланманг, сиз қаноатланмайсиз. Иймонингиз комил бўлсин-ки, бундан тўла лаззат ола олмайсиз, чунки, жинсий алоқа ҳақиқий лаззат олиш йўли эмас. Сиз - мангрухсиз, ва руҳий лаззат олиш даражасига кўтарилимагунча, ҳиссий лаззатларга қанчалик берилманг, ҳеч қачон ҳам қаноатланмайсиз. Янгидан янги ҳиссий лаззатларга интилаверасиз, аммо ҳеч қачон ором олиб, қаноат ҳосил қилмайсиз.

Шунинг учун Нароттама дас Тхакур, *самсара-биишаналеда* мусибат чекяпмиз дейди. Самсара дегани еб-ичиш, ухлаш, жинсий ҳаёт ва ўзимизни муҳофаза қилишга бўлган моддий эҳтиёжларимиздир. Буларнинг барчаси аччиқ заҳарга ўхшайди. Кейин у шундай дейди: "Бу аччиқ заҳар менинг юрагимни ёндирияпти, мен ҳатто бу дарддан халос этадиган малҳам - Ҳаре Кришна мантрасини изламадим ҳам. Бу мантрани такрорлагим ҳам келмайди, демак мен умримни зое кетказяпман".

Кейин у *-враджендра-нандана* жеи *шачи-сута* *холо сеи* дейди. Ҳаре Кришна мантрасини куйлашни Худованд Чайтаня, Шачисуга қиёфасида Парвардигор Кришнанинг Ўзи, Враджендра-нандана олиб келган. Кришна Вриндаван шохи Махараж Нанданинг ўғли вазифасини бажарган, шунинг учун Уни Враджендра-нандана деб ҳам айтишади. Худованд Чайтаня эса Шачиматанинг ўғли қиёфасида намоён бўлган, шунинг учун Уни Шачи-суга деб айтадилар. Парвардигорни Унинг содик хизматкори номи билан ёки Унинг қуввати билан боғлаб чакирганлари Унга жуда ёқади . Парвардигорнинг содиклари ҳам Унинг соғ руҳий қувватларидир. Парвардигорнинг отаси йўқ, чунки Унинг Ўзи ҳар бир тирик зотнинг отасидир, аммо У ерга ташриф бу-

юрганида Ўзининг соф содикларидан бирини ота қилиб олади. Соф содикларидан бири Кришна унга ўғил бўлишини орзу қилганида, Парвардигор уни худди йўз отаси, онасилик қабул қиласи.

Нароттама дас Тхакур айтадики, Враджендра-нандана (Кришна) ҳозир Шачи-сута(Худованд Чайтаня) қиёфасида, Баларама(Кришнанинг оғаси) эса Нитай кўринишида намоён бўлди. Уларнинг бу дунёга келишларидан мақсад нима? *дина-хина жата чхило хари-наме уddyxarilo*:- гуноҳга ботиб азоб чекаётган жонзотларнинг барчасини Ҳаре Кришна мантрасини куйлашга жалб қилиш билан уларни куткариш. Ҳозирги биз яшаётган Кали-юга даврида авлиё одам у ёқда турсин, ҳатто бирорта диёнатли одамни топиш амри маҳол. Одамларнинг барчаси гуноҳларга ботиб кетган. Аммо, инсониятга Ҳаре Кришна мантрасини бериб, Худованд Чайтаня ҳатто энг тубан ҳаётга мубтало бўлган одамларга ҳам озодликка чиқиши имконини берди". "Ҳаре Кришнани куйланг,- шунда сиз азобдан кутуласиз"- дейди У.Худованд Чайтаня ҳатто энг тубан тушган гуноҳкорларни ҳам куткара олишини қаердан биламиш? *тара сакии жагаи мадҳаи*. Жагай ва Мадҳай дунёдаги энг гуноҳкор одамлар эди. Улар браҳманлар оиласидан чиққан, аммо нопок одамлар орасига тушиб қолган, уларнинг таъсири билан гуноҳ ишларга ботиб кетгандилар. Бундай ҳолат ҳозир биз яшаётган даврда ҳам рўй бериб турибди: Ғарбий давлатларнинг аҳолиси энг мўътабар арийларга мансуб халқлар эдилар, аммо нопок одамлар таъсирида ҳозир улар энг пасткаш одамларга айланганлар. Улар ноконуний жинсий ҳаёт кечирадилар, маст қилувчи нарсалар истеъмол қиласидилар ва гўшт ейдилар, қимор ўйнайдилар. Демақ, Жагай ва Мадҳай бизнинг даврдаги одамларга ўхшаб кетадилар. Худованд Чайтаня уларга шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини тақрорлашни ўргатиш билан уларни озодликка чиқарди. Ҳаре Кришна мантрасининг ҳар қандай гуноҳга ботган одамни ҳам озодликка чиқаришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу оддий сўзлар эмас. Бу мантрани куйлаган ҳар бир инсон, олдинги ҳаёти қандай бўлишидан қатъий назар қалби покланиб, авлиёсифат одамга айланади. У пок инсон бўлиб, қалбида Кришнага, Кришнага нисбатан муҳаббат уйғонади.

Ҳаре Кришна мантрасини куйлаш билан ҳозир ўтда ёнаётган қалбимизни поклаймиз. Шунда Олий Худо, Кришнанинг мангумизни эканимизни англай оламиш. Одатда буни тушуниб етиш учун жуда-жуда кўп умрларни бошдан кечириш керак. Буни Кришнанинг Ўзи "Бҳагавад Гита"да тасдиқлайди:(7.19) *баҳунам жсанманам анте жсанаван мам прападайанте*:- "Жуда кўп умрлар яшагандан кейин

ҳақиқий донишманд киши ўз ихтиёрини Менга топширади". Нимага? *васудевах сарвам ити "Чунки у Васудева, Кришнанинг бутун борлиқнинг манбаи, Парвардигори эканини англаб етади.* Аммо ундей буюк рух жуда кам учрайди.(са маҳатма су-дурлабҳаҳ) Лекин Худованд Чайтанайа ана шундай буюк рух даражасига осон эришиш йўлини кўрсатиб берди. Бунинг учун нима қилиш керак? Шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини тақорорлаб куйлаш керак. Шунинг учун қўшиғининг охирида Нароттама дас Тҳакур шундай дейди: *ха ха прабху нанда-суга вришабхану-суга-жуга коруна кароҳо эи-баро -* "Эй Парвардигор Кришна, Сен ҳозир менинг кўз олдимда Ўзингнинг ички кувватинг, лаззатланиш кувватинг бўлган Радҳарани билан бирга намоён бўлдинг. Мендан Ўз марҳаматингни дариғ тутма. Мендек осий гуноҳкор бандангни рад этма. Менинг ўтган бутун умрим ғафлат зулматида ўтди, шунда ҳам мени рад этма. Мени Ўз даргоҳингга қабул эт. Мен ўз ихтиёrimни бутунлай Сенга топширдим".

Биз ҳам Нароттама дас Тҳакур изидан боришимиз лозим. Қалбимизни поклаш учун Ҳаре Кришна мантрасини тақорорлашимиз лозим. Қалбимиз бу дунёдаги ғафлат ғуборларидан пок бўлиши биланоқ унда Кришна - олий Парвардигор, биз эса - Унинг мангу хизматкорлари эканига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Шунчаки буни эсдан чиқариб қўйганмиз. Ҳа, биз ҳозир ҳам барибир хизмат қиляпмиз, аммо Кришнага эмас, ҳиссиётимизга. Барибир ҳукмдор бўлолмадик. Биз ҳиссиётимизнинг ҳукдори эмас, аксинча уларнинг(нафсимизнинг) қулимиз. Бизнинг ҳозирги ҳолатимиз ана шундай.

Шундай экан, ҳиссиётимиз кули бўлиб қолгандан кўра Худонинг, Кришнанинг кули бўлган яхши эмасми? Аслида фақат Кришнанинг кули бўлгандан кейингина одам ҳиссиётининг ҳукмдори бўла олади. Бунинг бошқа иложи йўқ. Сизнинг икки йўлингиз бор: *годас ёки госвами бўлиш.* Ҳиссиётининг кули бўлган кишини *годас деб,* ҳиссиётига хўжайин бўла олган кишини *еса-госвами деб* айтадилар. Госвами ўз ҳиссиётни бошқара олади. Унинг нафси аввал Кришнага тақдим этилмаган овқатни егиси келганида, у: -"Эй нафсим, бу таомдан ўзингни тий. Бу Кришнанинг марҳамати- прасад эмас". Мана шундай қилиб нағсининг, ҳиссиётининг хўжайини бўлиш мумкин.

Агар инсон ҳиссиётини лаззат олишга интилишдан тўхтатиб, уларнинг бутун фаолиятини Кришнага хизмат қилишга йўналтира олса, ундей фаолият Худога холис хизмат қилиш деб аталади. *хриши-кена хришикеша-севанам бхактир учайате:* Худога холис хизмат қилиш - бу ҳиссиётларни барча ҳиссиётлар сultonи(Худо)ни рози

қилиш учун ишлатишидир. Ҳиссиётларнинг олий ҳукмдори - Кришна. Ҳозир биз ҳиссиётимизни ўзимиз учун ишлатяпмиз. Бу майя, алданиш деб аталади. Аммо, ҳиссиётимизни Кришнага хизмат қилиш билан банд қилсак, биз камолотга эришамиз. Ҳиссиётимизни фаолиятдан ҳеч тўхтатиб қўймаймиз, факат уларни Худога хизмат қилиш жараёнида поклаймиз. Мана шу Кришна онгидаги фаолиятдир.

Эътиборларингиз учун раҳмат. Саволлар борми?

\* \* \*

Шогирд. Шрила Прабхупада нимага Иисус Христосни “Худонинг ўғли” деб айтадилар? Одатда Кришна кимнингдир ўғли бўлса, Иисус қандай қилиб Унинг...

Шрила Прабхупада. Ҳечам одатда эмас. Кришна - бутун борликнинг отаси, аммо, баъзан содикларининг бирортасига меҳрмуҳаббати юзасидан "ўғиллик" вазифасини ўтайди. Ўзининг асл ҳолида Кришна ўғил эмас, - Ота(ахам биджа-прадаҳ пита). Аммо, баъзан Ўз ҳоҳиши билан, содикларининг оталик ёки оналик меҳрмуҳаббатини ҳис қилиш учун кимнингдир ўғли вазифасини бажаради.

Худонинг соф содик хизматкори Кришнага -"Эй Парвардигор, Сенинг менга ўғил бўлишингни истайман!" деб илтижо қилса, Кришна унинг илтижосини бажо келтиради. Васудева ва Деваки шундай қилиб Унинг ота-онаси бўлдилар. Олдинги ҳаётларида улар Худо йўлида қаттиқ риёзат чекканлар. Улар уйланган бўлишларига қарамай жинсий ҳаёт қилмаганлар. Улар агар Парвардигорнинг Ўзи ўғил бўлишга рози бўлмаса, ҳеч қачон зурёд қолдиришга жазм қилмасликларини билдиридилар. Шундай қилиб улар бир неча минг йил риёзат чекдилар. Шунда Парвардигор уларнинг олдида намоён бўлиб, сўради:

- Мендан нима истайсизлар?
- Сенинг Ўзингга ўҳшаган фарзандимиз бўлишини истаймиз.
- Бошқа ҳеч ким Менга ўҳшай олмайди. Мен Ўзим сизларнинг ўғлингиз бўламан.

Мана шундай қилиб Кришна, барча тирик зотларнинг отаси бўлмиш Парвардигорнинг Ўзи, Ўз ҳоҳиши билан содик хизматкорларидан бирининг фарзанди бўлган. Аслида У ҳамиша барча тирик мавжудотларнинг азалий Отаси ҳолида қолади.

Шогирд. Шрила Прабхупада, мен "Шримад-бҳагаватам"да ўқидим-ки, озодликка эришган инсон, рух Худди Кришна сингари, ҳатто Уникидан ҳам буюкроқ эркинликка, озодликка эришаркан. Шуни тушунтириб берсангиз.

Шрила Прабхупада. Ҳа, мисол учун Васудевани олайлик. У Кришнадан ҳам буюкроқ. Ёки она Яшода. Сиз Яшоданинг Кришнани арқон билан боғлаб, жазолаётганини кўрганмисиз?

Шогирд. Ҳа, Кришна у ерда ёш бола кўринишида.

Шрила Прабхупада. Ҳа, бутун олам - Олий Парвардигор, Худо шахсининг Ҳукми остида, ҳамма Ундан кўрқади, аммо Унинг Ўзи она Яшодадан кўрқиб турибди, - "Онажон, илтимос, Мени боғламанг, - дейди ялининб У. - Энди айтганингиздан чиқмайман".

Она Яшода Худодан, Кришнадан ҳам буюкроқ бўляпти. Худо шахсини тан олмайдиган(майявади) файласуфлар Худога тенг бўлишга, У билан бир бўлиб қўшилиб кетишни истайдилар. Аммо бизнинг фалсафамиз ҳатто Кришнадан, Худодан ҳам буюкроқ бўлиш имконини беради. Агар Кришнадан ҳам буюк бўлиш имкони бўлса, Унга тенг бўлишнинг нима кераги бор? Аслида Кришна Ўзининг содик хизматкорларини Ўзидан ҳам буюкроқ даражага кўтаради.

Бошқа бир мисол - Аржун. Кришна унинг аравакаши бўлишга рози бўлди. Аслида Курукшетра жангоҳидаги жангнинг асосий қаҳрамони Кришна эди, аммо ғалаба шуҳратини У содик хизматкори Аржунга берди: -"Аржун, сен бу жангнинг қаҳрамони бўласан, Мен эса сенинг аравакашинг бўламан".

Кришна худди фарзандининг ўзидан улуғроқ бўлишини истайдиган отага ўхшайди. Агар отаси ўзи фан кандидати бўлса, ўғлининг фан доктори бўлишини орзу қиласи. Шунда отаси мамнун бўлади. У бошқа бирорвинг ўзидан ўзиги кетганини ёқтирамайди, аммо ўғлининг ўзидан ўзганига хурсанд бўлади.

## Севги фариштасини Ўзига мафтун этган Зот

1972 йил 11 ноябрь куни Вридаванда "Насиҳатлар лаззати" асари бўйича қилган маърузасида Шрила Прабхупада шундай деди: -"Аёл эркакни, эркак эса аёлни ўзига жалб этади, ва улар бир-бiri билан топишганларида уларнинг бу моддий дунёга боғланиши ришталари кун сайин ортиб бораверади. ...Биз ҳаётнинг ўткинчи орзу-ҳавасларига алданиб қолмаслигимиз керак, Худога, Кришнага, Унинг гўзал даргоҳига интилишимиз лозим. Агар Кришнанинг гўзалигини англаб ета олсан, бу дунёнинг ўткинчи гўзаликлари арзимас нарса бўлиб

қолади".

Жинсий алоқадан лаззатланиш моддий дунёдаги ҳаммани ўзига жалб этади. Бу инкор қилиб бўлмайдиган факт. "Шримад Бҳагаватам"да шундай ёзилган: *иан майтхунади-грихамедхи-сукхам хи туччхам* - "Оилавий ҳаётнинг лаззати жинсий ҳаётдан бошланади".

Инсон одатда хирсий эҳтиросини қондириш учун уйланади. Кейин бола-чақа пайдо бўлади. Фарзандлар улғайиб катта бўлгандан кейин, улар ҳам шу мақсадни кўзлаб,- қизлар эрга чиқадилар, ўғиллар уйланади. Кейин невараалар пайдо бўлади.

Моддий, дунёвий баҳт деб атаганимиз мана шундай давом этаверади. Бу баҳтнинг таркибий қисмлари - *ирий-аишварийа-праженесаваҳ*. *ирий* - "гўзаллик" дегани, *аишварийа* - "бойлик", *праджса* - "бола-чақа" деган маънени билдиради. Агар инсоннинг ҳаётида гўзал хотини, бойлиги, яхши фарзандлари бўлса - у ўзини баҳтиёрман деб ҳисоблайди. Агар оиласда гўзал аёл, мол-дунё ва яхши фарзандлар бўлса, ундай оиласнинг бошлигини зафар чўққисига чиққан одам дейишади.

Бу қандай баҳт, бу қандай зафар? Муқаддас китоб (шастра)ларда буларни ҳиссий лаззатларнинг шунчаки давоми деб ҳисоблайдилар. Одатда одамлар факат шу нарсалар билангина овуниб қоладилар. Биз бу "баҳт"ни қанчалик нозик-лаштиришга, чиройли қилиб кўрсатишга уринмайлик, - ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади: бунга ўхшаш хирсий лаззатлардан ҳатто энг ифлос чўчқалар ҳам лаззатланишга қодир. Улар кун бўйи ахлат ковлаб ўзларига емиш ахтарадилар, қоринлари тўйгандан сўнг эса тўғри келган бирортаси билан жинсий алоқа қиласди. Бундай алоқани ким билан қилиши уни қизиқтирмайди: онасими, опасими ёки қизими, унга барибири.

Шастраларда ёзилишича, факат шундай ҳиссий лаззатларга интилаётганимиз учун ҳам биз моддий олам зиндонига ташланганмиз. Бошқача қилиб айтганда, Купидон, ёки Мадана - севги фариштасининг тузогига илиниб қолганмиз. Факат унинг чангалига тушган ва юрагида Мадана эҳтирос оловини ёндириган кишигина жинсий ҳаётдан лаззат олиши мумкин. Кришнанинг номларидан бири - Мадана-Мохана, яъни "Маданани Ўзига ром этувчи" дегани билдиради. Бошқача қилиб, айтганда, қалбида Худога нисбатан муҳаббат уйғонган киши ҳиссий лаззатланишларни умуман эсидан чиқаради. Кришнани қай даражада англаганингизни шунга қараб аниқлашингиз мумкин.

мадана сўзининг бошқа маъноси -"сармаст қилиш", "ақлдан оз-

дириш". Ҳирсий эҳтироснинг алангага олиши, ҳар қандай одамни ақлдан оздириб кўяди. "Шримад Ҷхагаватам"да айтил-ганки, *пумсаҳ стрийа митхуни-бҳавам этам тайор митхо хридаиа-грантхим ахуҳ* - "Бутун моддий олам эркак ва аёлнинг бир бирига ўзаро интилиши туфайли мавжуддир". Аёл эркакни, эркак эса аёлни ўзига жалб этади, ва бир-бири билан-топишганларида уларнинг бу моддий дунёга боғланиш ришталари кун сайин ортиб бораверади. Оила кургандаридан кейин эр-хотин ўзларига иш ёки дәхқончилик қилиш учун ер излайдилар, чунки тирикчилик қилиш учун пул топиш керак. Кейин сута (болалар), апта (дўст-қариндошлар) ва виттаих (бойлик) пайдо бўлади. Шу тарзда уларни бу дунё ҳаёти ўзига янада кучлироқ боғлай бошлайди. Буларнинг барчаси энг аввало *маданага* - жинсий алоқа лаззатига берилишдан бошланади.

Биз бу дунё ҳаётининг ўткинчи орзу-ҳавасларига алданиб қолмаслигимиз, Худога, Кришнага, Унинг гўзал даргоҳига интилишимиз лозим. Агар Кришнанинг гўзаллигини англаб ета олсак, дунёнинг ўткинчи гўзалликлари биз учун арзимас нарса бўлиб қолади". Шри Ямуначарйа шундай деган:

*йад-авадхи мама четаҳ кришна-падаравинде  
нава-нава-раса-дхамани уйдатам рантум асит  
тад-авадхи бата нари-сангаме смарйамане  
бҳавати мукха-викараҳ суштхуништхиванам -*

"Парвардигор Кришна Ўз гўзаллиги билан маҳлиё этгандан бери Унинг муборак нилуфар қадамлари пойига хизмат қила бошладим, бундан ҳамиша чексиз роҳатланаман, (моддий дунёдаги энг олий лаззат ҳисобланган)жинсий алоқа ёдимга тушиши биланоқ афтим буришиб, тупургим келади".

Кришна - бу Мадана-Мохана, Мадана ёки Купидонни Ўзига маҳлиё қилган Зот. Севги фариштаси Мадана ҳаммани ўзига ром этади, аммо агар инсон Худонинг гўзаллигига маҳлиё бўлса, у Маданани Ўзига ром этади. Биз Маданани енган заҳоти бутун моддий олам оёғимиз остида бўлади. Бошқа йўл билан бунга эришишнинг иложи йўқ. Кришна "Бҳагавад Гита"да шундай дейди:(7.14) *даави хи эша гунамаи мама майа дуратайай*

*мам эва ўе пратападайанте майам этам таранти те*

Бу моддий олам чангалидан қутулиш жуда қийин, аммо Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиб, Унга ўз ихтиёrimизни топширгна ҳолда -"Кришна, мени куткар!" - дея илтижо қилсак, Кришна ваъда беради: - "Кўрқма, Мен сени албатта қутқараман!" *каунтейиа пратиджсанҳи нам бҳактаҳ пранашийати* - "Эй Кунтининг

ўғли, бутун оламга жар солиб айтишинг мумкинки, Менга холис хизмат қилишдан ўзга нияти қолмаган солиҳ бандамни Мен албатта Ўз ҳимоямга оламан".

Бахтга қарши, биз учун ҳаётда биргина нарса - Кришнанинг, Худонинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топишимиз зарурлигини одамлар билмайдилар. Бошқа нарсанинг кераги йўқ. Бошқа ҳар қандай нарса моддий дунёга боғланиб қолишимизга сабаб бўлади. Инсон бўлиб яшаётдан мақсад эса - бу моддий олам чангалидан озод бўлишдир. "Бҳагаватам"да ёзилганидек, *на те видуҳ свартха-гатим хи вишнум* - "Инсон бўлиб яшашининг энг олий мақсади - Кришнага, Парвардигор Вишнуга эришиш эканлигини одамлар билмайдилар".

Мана шунинг учун ҳам ҳозирги даврда одамларни Худони, Кришнани англаш жараёнига жалб этиш жуда қийин. Шунга қарамай Чайтаня Махапрабху бу илмни бутун оламга тарқатишни буюрган. Биз шунинг учун ҳаракат қилишимиз лозим. Агар, одамлар ҳатто таклифимизни рад этсалар, тинглагилари келмасалар ҳам - бу нотўғри иш қилаётганимизнинг белгиси эмас. Бизнинг вазифамиз - ўз ишимизда давом этиш. Майа(иллюзия) жуда кучли. Тирик зотларни унинг чангалидан озод қилиш осон иш эмас. Менинг Гуру Махараж(пири устоз)имнинг бутун Ҳиндистон бўйлаб жуда кўп каттакатта эҳромлари бор эди. У баъзан шундай дерди: -"Агар мана шу эҳромларнинг барчасини сотиб юбориб, атиги бирор инсонни Парвардигор Кришнани, Худони англаш йўлига кирита олсан, ўзимни ҳаётда мақсадига эришган деб ҳисоблардим!" У бу гапларни бир неча бор такрорлаганди.

Бизнинг мақсадимиз катта-катта эҳромлар куриш эмас, гарчи баъзан Кришнани англаш ҳаракатини ривожлантириш ёки содикларга бошпана қилиш мақсадида улар зарур бўлса ҳам. Бизнинг асосий мақсадимиз - ғафлат ботқоғига ботиб, бу дунё шароитига мосланиб, адашиб юрган рухларни Худога, Кришнага олиб келиш. Асосий мақсадимиз мана шу. Шу боис Бҳактивинода Тҳакур ва бошқа авлиё инсонлар бизни катта-катта эҳромлар куришдан сақланишни насиҳат қилганлар, чунки бундай ишлар бизнинг дикқат-эътиборимизни моддий ишларга жалб қилиб қўяди. Бошқача қилиб айтганда, биз Кришнани унутиб қўйишимиз мумкин.

Албатта, аслини олганда моддий нарсанинг ўзи йўқ. Ниманидир моддий деб қараш - алданишдир. Аслида руҳдан ўзга ҳеч нарса мавжуд эмас. Бирор нарса қандай қилиб моддий бўлиши мумкин? Парвардигор - Олий Руҳдир, ҳамма нарса Ундан пайдо бўлгани учун, ҳатто моддий қувват деб ҳисоблайдиган нарсалар ҳам, охир-оқибатда

рухий ҳисобланади.

Аммо, муаммо шундан иборатки, Кришнанинг пастки қуввати бўлган моддий оламда Кришнани унутиб юбориш мумкин. Одамлар ҳаётларида шунчалик кўп ишларга берилиб кетганларки, - айниқса ғарбий давлатларда - ўзларига шунчалик хилма-хил моддий қулайликлар яратганларки, натижада Кришнани умуман унутиб юборганлар.

Аммо, аслида Кришнадан ва Унинг ҳар хил қувватларидан бошқа хеч нарса мавжуд эмас. Нарада Муни айтганидек: *идам хи вишишам бҳагаван ишетараҳ* - "Бутун олам Кришна, Бҳагаван (Парвардигор)дир". Фоғил одамлар учун бу олам Бҳагавандан бошқа нарса, аммо маҳа-бҳагаваталар, соғ содиклар учун модда ва руҳ орасида хеч қандай фарқ йўқ, чунки улар ҳар ерда Кришнани кўриб юрадилар. Биз моддий деб қарайдиган нарсада улар Кришна қувватининг намоён бўлганини кўрадилар(паринама-вада). Худованд Чайтания бу ҳақда шундай мисол келтиради.

*стхавара-жсангама декхе, на декхе тара мурти  
сарватра хайа ниджса шита-дева-спхурти*

Худонинг соғ содик хизматкори дарахтни кўриб унинг дарахт эканини эсидан чиқаради, ва унда Кришнанинг қувватини кўради. Кришнанинг қувватини кўриши биланоқ Кришнанинг Ўзини кўради. Шундай қилиб у дарахтнинг ўрнида Кришнани кўради.

Яна бир мисол: қуёш ва унинг нури. Қуёшнинг нурини кўришингиз биланоқ фикрингизда қуёш пайдо бўлади. Эрталаб дераздан тушаётган қуёш нурларини кўрганингизда қуёшни эслайсиз. Қуёшнинг осмондалигига аминсиз, чунки биласизки, қуёшсиз бу нурлар бўлиши мумкин эмас. Худди шундай, нимани кўрсак ҳам дарҳол Кришнани, бу нарса ёки ҳодисалар Кришна билан қандай боғланганини ўйлашимиз керак, ахир ҳамма нарсалар Унинг қувватининг намоён бўлиши-ку. Қувват манба билан боғлик бўлгани учун, Кришнани ва Унинг барча қувватларини англаб олган киши ҳар ерда Кришнадан бошқа нарсани кўрмайди. Үндай одамлар учун моддий олам деган нарса умуман мавжуд эмас. Камолотга эришган содик учун ҳамма нарса руҳий ҳисобланади(сарвам ҳалав идам браҳма).

Биз кўзларимизни ҳамма ерда Кришнани кўрадиган қилиб ўргатишимиз, шунга машқ қилишимиз лозим. Мана шу машқимизнинг ўзи Худога хизмат қилишдир, ва демак покланиши-мизга ёрдам беради.

*сарвопадхи-винирмуктам тат-паратвегна нирмалам  
хришикена-хришикеша-севанам бхактир учайате*

Кришнани англаш йўлига кириш билан барча нотўгри қиёслашлардан воз кечамиз, барча ҳиссиётимиз - назаримиз, эшишимиз покланади(нирмала), чунки уларни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қиласиз. Шунда ҳар ерда Кришнани қўриш имкониятига эга бўламиз. Ҳиссиётимиз моддий ғуборлардан покланмай туриб, Кришнани кўра олмаймиз, аммо Худога холис хизмат қилиш жараёнида ҳиссиётимиз покланиши биланоқ, фақат Кришнани, Кришнадан ўзга хеч нарсани кўрмайдиган бўламиз.

Купидон - алдамчи, моддий кувватнинг хизматкорларидан бири, агар бутунлай Кришна онгига фарқ бўлсак, Купидон камонлари билан юрагимизга жароҳат етказа олмайди. Унинг бунга кучи етмайди. Харидас Тҳакур бошидан ўтган ҳодиса бунга мисол бўла олади. Харидас Тҳакур ёш йигит пайтида чиройли ясаниб олган гўзал фоҳиша яrim тунда унинг олдига келиб, ўзини таклиф қиласди. Харидас Тҳакур унга -"Майли, ўтириб тур, мен аввало Ҳаре Кришна мантрамни тақрорлаб бўлай, кейин сени рози қиласман!" - дейди. Тасаввур қилиб кўринг! Ярим тунда ёш Харидас Тҳакур олдида гўзал, ёш жувон кўз тикиб ўтиrsa-ю, у бамайлихотир мантра айтиб ўтиrsa: - Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. У мантра айтишни сира тарк этмади, ва фоҳиша аёлнинг истаги рўёбга чиқмади.

Демак, агар Кришна онгига бутунлай фарқ бўлсак, Купидон бизни жалб эта олмайди. Худонинг солиҳ хизматкори олдида минглаб гўзал аёллар туриши мумкин, аммо улар унинг ҳиссиётини қўзгата олмайди. Солиҳ уларда Кришна қудратининг намоён бўлганини кўради. "Буларни Кришна яратиб қўйибди, - ўйлади у, - улар Кришнага хизмат қилиб, Унга роҳат бафишлашлари керак".

Содик хизматкорнинг вазифаси - уларнинг даврасида лаззатлаиш эмас, барча чиройли аёл танасидаги рухларни Кришнага хизмат қилишга жалб қилишдир. Содикнинг қалбига Купидон камонлари санчилмайди, чунки у ҳамма нарсани Кришна билан боғлиқ ҳолда кўради. Ҳақиқий таркидунёлик мана шундай бўлади. У ўз ҳиссиёти талабларини қондириш учун хеч нарсани қабул қиласмайди, аксинча, уларни Кришна учун ишлатади ва ҳар кимни Кришнага хизмат қилишга жалб этади. Кришнани англаш усулининг моҳияти мана шундан иборат.

## Рүхий устоз. Хақиқий ва сохта эътиқод

*Лос-Анжелес, 1968 ийл 30 декабрь. Лос-Анжелес газеталаридан бирининг мухбирига берган интервьюсида Шрила Прабхупада охирги пайтларда пайдо бўлаётган,- одамларга куч, қудрат, соғлиқ, барча касаллик ва муаммолардан дарров халос этишини, рүхий баркамолликка эришишининг осон йўлни кўрсатишни вайда берувчи кўплаб "гурӯ"- рүхий устозларга ўз муносабатини билдириди. Шу пайтдаги мавжуд бўлган жуда кўп сохта диний оқимларни фоши этади. "Ўзини Худо деб билган киши - энг пасткаш, ярамас одамдир" -дейди у.*

Мухбир. Билишимча, газетамизнинг кўплаб обуначилари, умуман Кўшма Штатлардаги одамларнинг кўччилиги охирги вақтларда саросимага тушиб қолганлар: ўзларини "Худо" ёки "гурӯ" деб атайдиган одамлар кўпайиб кетдилар, улар мамлакатимизда худди баҳордаги қўзиқоринлардек ҳар ер ҳар ерда пайдо бўляптилар, уларнинг айтишларича...

Шрила Прабхупада. Мен сизни ишонтириб айтаман-ки, уларнинг барча айтганлари бўлмағур гаплар.

Мухбир. Бу ҳақда батафсилоқ тўхталиб ўтишнинг иложи борми?

Шрила Прабхупада. Бунга яна шуни қўшимча қилишим мумкин - улар ҳаммаси ярамас одамлар.

Мухбир. Медитация учун мантра сотишда шухрат қозонган киши ҳам шулар қаторига кирадими?

Шрила Прабхупада. Очиқ айтаманки, у уччиға чиққан фирибгар, ундей қаллобни ҳали дунё кўрмаган.

Мухбир. Сиз бу фикрингизни изоҳлаб беролмайсизми, чунки газетхонларимиз...

Шрила Прабхупада. Қилаётган ишларига қараб унинг энг пасткаш одамлигини билиб олиш мумкин. Уни билишнинг ҳатто кераги ҳам йўқ, чунки қилаётган ишлари унинг кимлигини кўрсатиб турибди. Фақат бир нарса мени ҳайратга солади: одатда гарбий давлатларда юқори маданиятли, онгли одамлар яшайди, деб айтишарди, - нимага улар мана шундай одамларнинг алдовига учиб юрибдилар?

Мухбир. Менингча, ҳозир одамлар қандайдир ғайриоддий нарсани кутяптилар, айни пайтда шунга ўхшаган нарсани таклиф қиласдиган

одамлар пайдо бўлишди.

Шрила Пррабхупада. Ҳа, одамлар жуда арzonгина нарсани истайдилар уларнинг айби ҳам мана шунда. Биз шогирдларимизни ҳеч қачон ундей нарсаларга ўргатмаймиз. Биз талаб қиладиган биринчи шартимиз - инсоннинг маънавий бойлика эга бўлиши. Шуни тушуна оласизми? Маънавий қонун-қоидаларга амал қилмайдиганларга фотиҳа ҳам бермаймиз ва уларни жамиятимизга қабул қилмаймиз ҳам. Сохта "турӯ"лар эса одамларга: - "Хоҳлаган нарсангизни қилишингиз мумкин. Ўттиз беш доллар тўланг, сизга мантра бераман" - дейди. Гап нимада эканини тушуняпсизми? Одамларнинг ўзлари алданишни истайдилар, натижада мана шундай қаллоблар пайдо бўлади. Одамлар ҳеч қандай қонун-қодаларга амал қилишни истамайдилар. Уларнинг пули кўп, шунинг учун улар ўйлайдиларки, "Пулинни тўлаб хоҳлаган нарсамизга эриша оламиз".

Мухбир. "Хозироқ жаннатга тушишни истайман!"

Шрила Пррабхупада. (Кулиб,) Ана холос. Бу мутлақо бемаънилик-ку.

Мухбир. Нимага ҳозирги пайтда ёшлар шарқий динларга кўпроқ мурожаат қилиб қолдилар, албатта бу ҳақда менинг ўз фикрим ҳам бор.

Шрила Пррабхупада. Чунки моддийлик, дунёвийлик асосида курилган ҳаётингиз уларни қониктирумай кўйяпти. Айниқса мана шу ерда, Америкада, роҳатланиб яшаш учун ҳамма нарса мавжуд. Сизларда озиқовқат, аёллар, ичимликлар, турар жой - ҳаммаси етарли. Аммо, шунга қарамай мамлакатингизда йўлдан адашган, ҳаётидан норози одамлар камбағал хисобланган Ҳиндистондагига қараганда анча кўп. Тўғри Ҳиндистон моддий жиҳатдан қашшоқ, аммо улар ўзларининг қадимиий маънавий қадриятларини, маданиятини авайлаб сақламоқдалар. Шунинг учун уларнинг ташвишлари сизларницидан анча камроқ. Бу шундан далолат берадики, дунёвий, моддий тараққиёт ўз-ўзидан одамларга осойишталик олиб кела олмайди, уларни ҳаётларидан мамнун қила олмайди. Ўз ҳаётида ҳақиқатан ҳам осойишталика эришишни истаган киши маънавий ҳаётга, руҳий ҳаёт йўлига кириши керак. Фақат шундагина ҳақиқатан ҳам баҳтили бўлиш мумкин. Бу ерда эса одамларнинг ҳаммаси ғафлат ботқоғига ғарқ бўлган. Уларнинг ҳеч нарсадан умидлари йўқ. Улар қаерга бораётганини билмайдилар. Уларнинг ҳаётларида "инсон" деган номга арзигулик мақсадлари ҳам йўқ. Аммо, руҳий ҳаёт йўлига кирган киши нима қилаётганини, қаерга бораётганини билади. Унинг ҳаёти ҳам, мақсади ҳам, бораётган йўли ҳам ойдин.

Мухбир. Бошқача қилиб айтганда, сизнингча, ғарбий динларда - на синагогларда, на черковларда ва на бошқа жойларда одамлар ҳақиқий

рухий қадриятларни топа олмаяптилар? Балки бу ерда тарғибот қилинаётган таълимотларни мукаммал эмас деб ҳисобларсиз? Ёки черковлар ўзларининг соф таълимотларини бузиб кўрсатяпти деб ўйлајпизми?

Шрила Прабхупада. Мисол учун Библияни олайлик. У қачонлардир ёзилган ва саҳрода яшайдиган оддий, содда одамлар учун мўлжалланган. У пайтда одамларнинг илми жуда паст эди. Таврот ёзилган пайтларда одамларга -"Худо бор, У бутун борлиқни яратган!"- дейишнинг ўзи кифоя эди. Тўғрими? Аммо ҳозир, илм-фан ривожланган пайтда одамлар оламнинг қандай яратилганини батафсил тушунишни истайдилар. Тушунасизми? Афсуски, Библияда мана шу нарсалар батафсил тушунтирилмаган. Черков эса бунга бирор нарсанни қўшишга ожизлик қиляпти. Одамлар уларнинг таълимотидан қониқмаяптилар. Шунчаки черковга бориш ва Худога илтижо қилиш уларни қониқтиրмаяпти.

Бундан ташқари дин намоёндаларининг ўзлари энг асосий диний қоидаларга риоя қилмаяптилар. Масалан, Тавротда ўн қоида берилган, улардан бирида:- "Ўлдирма!" дейилган. Аммо, ўлдириш христианлар учун одатдаги иш ҳисобланади. Дин намоёндалари қассобхоналар мавжудлигига эътибор бермаяптилар ва ҳатто "хайвонларнинг жони(рухи) йўқ" деган аҳмоқона хulosага келганлар. Худди бўри билан бузоқча ҳақидаги масалдагидек.

Биз улардан "Нега ўлдиришдек катта гуноҳга йўл қўйяпизлар?" деб сўрасак, диндорлар бу масалани мухокама қилишдан бош тортадилар. Ҳаммаси бундан ўзини олиб қочадилар. Демак, улар онгли равиша Худонинг Ўзи нозил қилган ўн қоидани, конунни бузяптилар. Шундай экан уларда қаердан ҳам диндорлик, иймон, эътиқод бўлсин? Ахир: - "Ўлдирма!", деб аниқ ёзилган-ку! Нега улар ўлдиришда давом этяптилар? Сиз бунга қандай жавоб берасиз?

Мухбир. Сиз мендан сўраяпизми?

Шрила Прабхупада. Ҳа.

Мухбир. "Ўлдирма!" деган, албатта асосий ахлоқ нормаларидан бири ҳисобланади. Бу буюк қонун, ва у ҳамиша долзарб муаммо. Аммо одамлар бунга унча эътибор бермайдилар...

Шрила Прабхупада. Тўғри. Одамлар дин билан унча қизиқмайдилар, қизиқсалар ҳам фақат бошқаларга кўз-кўз қилиш учун қизиқадилар. Агар сиз дин қоидаларига амал қилмасангиз, қандай қилиб бирор диндаман деб айта оласиз? Сизнинг диндорлигингиз нимада ўзи?

Мухбир. Мен сизга жавоб беришдан ожизман. Аксинча, сизнинг фикрингизга тўла қўшиламан. Дин қоидаларига амал қилмай туриб бирор

диндаман дейишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. "Ўлдирма!". "Мендан бошқа бирор Илоҳга сифинма!", "Яқин одамингнинг молига кўз олайтирма!", "Ота ва онангни ҳурмат қил!"... Буларнинг ҳаммаси ажойиб нарсалар...

Шрила Прабхупада. "Яқинингнинг хотинига кўз тикма!"... Ким ҳозир шу қоидага амал қилади?

Мухбир. Камдан-кам одам.

Шрила Прабхупада. Шунда қандай қилиб ўзларини диндор дея оладилар? Ҳеч қандай дин қоидаларига амал қилмайдиган жамият аъзолари ҳайвонлар тўдасидан фарқ қилмайди.

Мухбир. Хўп. Сиздан яна бир нарса ҳакида сўрашга ижозат беринг: мана шу ўн қоидага ҳек ким қатъий амал қилмайди. Мен эса уларга "Худонинг қонунларига бўйсунинг, амал қилинг!" дейман холос. Мен фақат шунга даъват қиласман.

Мухбир. Яъни сиз одамларни диний қоидаларга амал қилишга чақирапсиз.

Шрила Прабхупада. Ҳеч қандай фарқ йўқ. Аммо, аввал айтганимдек, мана шу ўн қоидага ҳеч ким қатъий амал қилмайди. Мен эса уларга "Худонинг қонунларига бўйсунинг, амал қилинг!" дейман холос. Мен фақат шунга даъват қиласман.

Мухбир. Менга фикримни бошқача қилиб ифодалашга ижозат берсангиз. Агар сиз ҳам худди иуда ва христианлар тарғибот қилаётган нарсаларга даъват қилаётган бўлсангиз, нега бу ёшлар, нафақат ёшлар кўпчилик одамлар шарқий динларга берилиб кетяптилар? Агар уларнинг қонунлари гарбий динларнидан фарқ қиласа, нега айнан шарқий динларга берилиб кетяптилар?

Шрила Прабхупада. Чунки иудаизм ва христианлик ҳозирги ҳаётда дин қонунларига қандай амал қилиш кераклигини тушунириб беролмайди. Мен эса айнан шунга ўргатяпман.

Мухбир. Яъни сиз, одамларга инсон руҳининг кундалик ҳаётда тўла баркамолликка эришишига ёрдам берасиз.

Шрила Прабхупада. Библия ҳам, "Бҳагавад Гита" ҳам одамларга Ху-

дени севишиңи ўргатади. Аммо бугунги диндорлар одамларга Худони севишиңи ўргатмаяптилар. Мен эса одамларга қандай қилиб Худони севиши мүмкінлегини ўргатяпман, - фарқимиз мана шунда, холос. Мана шу барча ёшларни бизнинг жамиятимизга жалб этяпти.

Мұхбир. Хұп. Демақ, мақсад битта, факат унга эришиш йўллари ҳар хил?

Шрила Прабхупада. Йўқ, мақсад ҳам, йўл, усул ҳам бир хил. Аммо дин раҳбарлари шу усулни ҳаётда, амалда қандай қўллаш кераклигиги-ни ўргатмаяптилар, мен эса шунга ўргатяпман.

Мұхбир. Мен сиздан ҳозирги пайтда жуда муҳим бўлган бир муаммо ҳақида сўрамоқчидим. Эркак ва аёлларга Худони севишига ва Унинг ўн коидасига амал қилишга халақит бераётган энг катта муаммо ... аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, жинсий алоқа, хирсий эҳтирос муаммоси. Мен буни яққол кўриниб турган нарса деб ўйлайман. Ҳаммамиз буни ўз ҳаётимизда кўрганмиз.

Шрила Прабхупада. Ҳа, ҳаммамиз.

Мұхбир. Аммо, наҳотки гарбий диний қонунларда мана шу муаммони ҳал қилишда ёшларга ёрдам берадиган йўл йўқ. Мен ўзим буни бошимдан кечирғанман. Бу ҳамманинг ҳам бошидан ўтган. Сизнинг таълимотингиз ёшларга бу муаммони ҳал қилишда бирор ёрдам берадими? Қандай қилиб?

Шрила Прабхупада. Мен шогирдларимдан никоҳдан ўтишларини ўтиниб сўрайман. Шогирдларимнинг ўз гумашталари билан шунчаки яшашларига йўл қўймайман. Мутлақо. Сиз уйланиб, ҳақиқий инсонлардек тўғри ҳаёт кечиришингиз лозим.

Мұхбир. Ёш ўспиринлар-чи? Ўн тўрт, ўн беш, ўн олти яшар болалар-чи?

Шрила Прабхупада. Биз ўспиринларни ўз ҳиссиётларини назорат қилишга, брахмачарий(жинсий ҳаётни рад қилиб яшашга) ўргатамиз. Ведавий қонунларга асосан йигит йигирма тўрт йигирма беш ёшга, қиз бола эса ўн олти, ўн етти ёшга етганда никоҳ килинади. Улар Кришнани англаш жараёнида рухий лаззат олаётганлари учун, уларни жинсий алоқадан олинадиган лаззатдан кўра юксакроқ нарсалар жалб этади. Биз "Аёллар билан алоқа қилманг!" ёки "Жинсий ҳаётни умуман эсингиздан чиқаринг!" -демаймиз. Асло, аммо бизда ҳамма нарса улуғвор қонунларга, Худони англаш қонунларига бўйсундирилган, шунинг учун бизда ундаи муаммолар кам.

Мұхбир. Демақ, сизнинг шогирдларингиз ҳеч қийналмай: - "Мен унга яқинлашмайман!" - дея оладиларми? Ёки уларда жинсий алоқа лаззатининг ўрнини босадиган бошқа нарса борми?

Шрила Прабхупада. Албатта, уларда юксакроқ лаззатга - Кришнани англаш лаззатига интилиш бор. Ва мана шу интилиш уларга ёрдам беради. Мен гарбий эркак ва аёлларни ҳирсий эхтиросларини жиловлашга ўргатаман. Бу ерда кўриб турган шогирдларимнинг барчаси америкаликлар. Мен уларни Ҳиндистондан олиб келганим йўқ.

Мухбир. Мен мантралар сотиш билан донг таратган гуру сингари одамларга нисбатан муносабатингизни билмоқчидим. Ўша гуру қўп одамларни ўзидан бездириб бўлди, шу ҳисобдан мени ҳам. Менинг қизим ҳам қўп вақтгача унинг издошлари орасида эди. Унинг жуда ҳафсаласи пир бўлган.

Шрила Прабхупада. Буни психологияк жихатдан шундай изоҳлаш мумкин-ки, гарбий давлатларда одамлар, айниқса ёшлар руҳий ҳаётга интиладилар. Агар бирор киши келиб менга: -"Свамиджи, мени ўзингизга шогирд қилиб олинг!" - деса, унга: - бунинг учун тўрт қоидага амал қилишингиз лозим:-гўшт емаслигингиз, қимор ўйнамаслигингиз, маст қиласиган нарсалар истеъмол қилмаслигингиз ва зино қилмаслигингиз лозим!" -дейман. Кўплар бу шартларни қабул қила олмай кетиб қоладилар. Аммо, ўша мантра сотувчи одам эса ҳеч қандай шарт қўймайди. У худди "Хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин, факат мана бу дорини иссангиз бас, тузалиб кетасиз!"- дейдиган врачга ўхшайди. Албатта шундай врач дарров шухрат қозониб кетади.

Мухбир. Ҳа. Унинг бундай даволашидан қанча одамлар бекорга ўлиб кетадилар, аммо барибири ҳамма унга бораверади.

Шрила Прабхупада. Ҳа. Аммо ҳақиқий врач: - "Уни ема, буни қилма!" - деб ҳар хил шартлар қўяди. Одамларга бундай гаплар ёқмайди, улар дарддан осонгина қутуғилари келади, ана шундай пайтда ҳар хил қаллоблар пайдо бўлади ва уларни лақиљлатади. Улар мана шу имкониятдан фойдаланиб оладилар, чунки одамларнинг ўзлари алдангиси келади.

"Бу имкониятдан фойдаланиб қолиш керак"- деб ўйлайди фирибигар қаллоб. Тушуняпсизми? Шундай қилиб, улар одамларни йўлдан ура бошлайдилар: - "Сен - Худосан, сизларнинг ҳар бирингиз Худосизлар. Шунчаки буни эсингиздан чиқаргансизлар. Мана шу мантра ни такрорланг, шунда Худога айланасаиз. Чексиз курдатга эга бўласиз. Ҳиссиётингизни жиловлашнинг ҳожати йўқ. Ароқ ичиб маст бўлишингиз, бемалол жинсий алоқа қилишингиз, умуман хоҳлаган нарсангизни қилишингиз мумкин".

Одамларга ўзи шу керак: -"Ўн беш минут медитация қилиш билан Худо бўлсан, атиги ўттиз беш долларга-я!" Бунга миллионлаб

одамлар рози бўладилар. Америкаликлар учун ўттиз беш доллар катта пул эмас. Аммо, уни миллионга кўпайтирсак, ўттиз беш миллион доллар бўлади...

Биз ҳеч қачон бундай кўзбўямачиликка йўл қўймаймиз. Биз, агар ҳақиқатан ҳам руҳий ҳаёт билан яшашни истасангиз, белгиланган шартларга амал қилишингиз керак, деймиз. "Ўлдирма!" -дейилган Худонинг қонунида. Шунинг учун мен ҳеч қачон -"Ўлдираверинг, хайвон ҳеч нарсани сезмайди, унинг жони йўқ!"- демайман. Одамларни алдашга ҳақкимиз йўқ, тушуняпсизми?

Мухбир. Ана шундай ҳолларни кўриб жуда кўп ёшлар диндорлардан юз ўтирганлар.

Шрила Прабхупада. Шунинг учун бизга ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Бизнинг ҳаракатимиз ҳақиқатан ҳам ажойиб. Бу сизнинг жамиятингизга жуда катта ёрдам беради. У бутун инсониятга ёрдам беради. Бу ҳақиқий руҳий ҳаракат. Биз ҳеч кимни алдамаймиз. Бундан ташқари бу ҳаракат ҳақиқий, ишонарли, муқаддас манбаларга таянади.

Мухбир. Қандай ишонарли манбага?

Шрила Прабхупада. Кришнага, Худои Таолонинг Ўзига. Кришнани англаш фалсафасининг Ҳиндистонда миллионлаб издошлари бор: аҳолининг саксон фоизи. Ҳиндистонда хоҳлаган кишидан сўрасангиз, сизга Кришна ҳақида кўп нарса гапириб беради.

Мухбир. Кришнани англаш ҳаракати Америкада сезиларли мываффакиятга эришишига ишонасизми?

Шрила Прабхупада. Мен бу ерда кўрганларимдан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, бу ерда жуда катта имкониятлар бор. Биз одамларга: -"Ўз динингизни тарқ этинг, бизнинг ҳаракатга қўшилинг!" дейёғтганимиз йўқ-ку. Биз: -"Ўз динингизнинг қоидаларига тўла амал қилинг, кейин, агар хоҳласангиз, биз билан бирга Худо илмини ўрганишингиз мумкин" деяпмиз. Институтни битказган студент диплом олгандан кейин чет элда илм олишни давом эттиради-ку. Нега шундай бўлади? Чунки инсон ўз билимини оширигиси келади. Худди шундай агар сиз хоҳлаган диннинг муқаддас китоби қонунларига амал қилсангиз Худо ҳақидаги илмга эга бўласиз. Агар Кришнани англаш жамияти Худо ҳақидаги илмингизни оширишига ишонсангиз, нимага бизга қўшилмайсиз? Агар ҳақиқатан ҳам ягона Худога ишонадиган бўлсангиз, -"Йўқ, мен христианман" ёки "Мен иудаман, сизнинг орангизда ўтира олмайман"- дейсизми? Ёки: -"Мен сизга бизнинг черковда Худо ҳақида гапиришингизга йўл қўя олмайман" - дейсизми? Агар Худога ишонсангиз, мен ҳам ўша Худо ҳақида гапир-

сам, бунга қандай монелик қилишингиз мумкин?

Мухбир. Мен сизга бутунлай қўшиламан.

Шрила Прабхупада. Мен Худонинг ягоналигига имон келтирган, Уни англашга ҳаракат қиласидиган ҳар қандай одам билан учрашишга тайёрман. Биз бутун инсоният келажаги, равнақи, осойишталиги йўлида фаолиятимиз режаларини муҳокама қилишимиз мумкин. Аммо одамлар ҳалиям тор фикрлайдилар. Агар инсон қайси динда бўлса ҳам қалбida Худога муҳаббат уйғота олса, унинг дини - ҳақиқий диндир. Аммо дини Худога эмас, бу дунё нарсаларига боғланиш уйғотса, унинг қадри нимада?

Мухбир. Сиз ҳаксиз.

Шрила Прабхупада. Бу бизнинг энг асосий меъзонимиз - сиз қалбингизда Худога нисбатан муҳаббат уйғотишингиз лозим. Биз "сиз ислом, ёки христиан, ёки иудаизм динига ишонишингиз лозим!"- демаймиз. Бизни фақат бир нарса қизиктиради: сиз қалбингизда Худога нисбатан муҳаббат уйғота олдингизми? Аммо одамлар: "Худо борми, мен ўзим Худоман" дейишади. Тушуняпсизми? Ҳозир ҳар бир одамга: - "Сен ўзинг Худосан!" - деб уқтиришяпти.

Мухбир. Эсимда, жуда машҳур бурни пучук бир гуру бор эди, у ҳамиша кулиб юрарди... Ана шу гуру ўлиши олдидан "Мен - Худоман!" - деб эълон қилганди.

Шрила Прабхупада. У Худо эмишми? Яна бир ярамас, қаллоб. Кўряпсизми - ҳар ким ўзини Худо дейди. У ҳам ўзини Худо деган. Демак одамлар Худонинг қандай эканини мутлақо билмайдилар. Масалан, мен сизнинг олдингизга келиб, "Мен - Америка президентиман." - десам, менга ишонасизми?

Мухбир. Ишонмасам керак.

Шрила Прабхупада. Эҳ ярамаслар. Одамлар уларнинг Худоман деганига ишонадилар, чунки, улар Худо ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

Мухбир. Агар бирор олдингизга келиб, ўзини Худо деб таништирса, ўта кетган бемаънилик бўлади.

Шрила Прабхупада. Аммо, унинг Худолигига ишонган одам ҳам ундан бадтар ярамас, аҳмоқ. Ўзини Худо деб санайдиган одам - энг пасткаш ярамас. Қаллоб. Унинг алдовига учган одам ҳам ундан афзал эмас. У Худонинг қандай эканини билмайди. У Худони арzonгина бозордан сотиб олиш мумкин деб ўйлади.

Мухбир. Албатта, ахир ғарбий динлар:- одамни Худо Ўзига ўхшаган қилиб яратган, деб ўргатишади-да. Демак, Худо ҳам одамга ўхшаган бўлиши керак.

Шрила Прабхупада. Сизда шунча олимлар бор-ку? Нега улар Худо-

нинг асл қиёфаси қандай эканини, У кимга ўхшаши кераклигини аниқламайдилар? Нега шундай институт йўқ? Илмий текшириш, технология,... шунча институтларингиз бор. Аммо Худонинг кимлигини аниқлайдиган институт қаерда? Шундай илмий маскан борми?

Мухбир. Очигини айтсам, айнан ҳозир бизда ана шундай институт йўқ.

Шрила Прабхупада. Гап шунда-да. Кришнани англаш ҳаракати - Худо илмини ўргатувчи институттидир. Агар биз билан бирга Худо илми ни ўрганишга киришсангиз, қандайдир ярамасларнинг "мен - Худоман" деган гапларига ишониб ўтирмайсиз. Ҳақиқий Худонинг кимлигини, қандайлигини билиб оласиз. Биз бу моддий табиатдан ташқарида бўлган илоҳий табиат ҳақида илм берамиз. Моддий табиат пайдо бўлади, кейин йўқолиб кетади, аммо Худо ва Унинг руҳий куввати, табиати мангумиз: Бизнинг аввалимиз ҳам, охиримиз ҳам мавжуд эмас. Кришнани англаш ҳаракати бизга ана шу мангумиз: Худонинг даргоҳига қандай эришиш мумкинлигини ўргатади.

Мухбир. Аслини олганда ҳамма ҳам шунга интилади.

Шрила Прабхупада. Ҳа, ҳамма шунга интилади. Ҳар бир одам баҳтга интилиб яшайди - бу ҳар бир тирик зотнинг қонуний хуқуқи. Аслида инсон баҳт учун яратилган, аммо у ана шу баҳтга қандай эришишни билмайди. У тўрт хил азоб: - туғилиш, кексалик, касаллик ва ажалга маҳкум бўлган бу дунёда баҳт излаб юрибди. Олимлар ўзлари ҳам баҳтли бўлишга интиладилар, бошқаларни ҳам баҳтли қилгилари келади. Аммо қайси бир олим мана шу қариллик, касаллик, ажал ва қайта туғилишларни енга олди? Бирор киши шуларни енга олдими?

Мухбир. Йўқ, албаттага.

Шрила Прабхупада. Нимага? Нимага улар шуни ўйлаб кўрмайдилар? "Биз шунча тараққиётга эришдик, аммо нимага ҳалигача мана шу тўрт муаммодан бирортасини ҳал қила олмадик?" Ҳа, бирортасини ҳам. Шунга қарамай улар ўзларининг қашфиётлари билан, технологиялари билан гердаядилар. Аммо, асосий тўрт муаммо - ечилмай қоляпти-ку. Тўғрими? Олимлар тиббиётда катта муваффақиятга эришганлар, аммо - "Энди ҳеч ким касал бўлмайди?" -деб айта оладиларми, шундай дори яратдиларми? Йўқ. Шундай экан қандай тараққиёт ҳақида гап бориши мумкин? Аксинча, ҳозир жуда кўп касалликлар пайдо бўляпти. Улар атом бомбаси ихтиро қилдилар. Бунинг нимаси яхши? Бу шунчаки ўлдириш қуроли. Ўлимдан сақлаб қоладиган бирор нарса ўйлаб топдиларми? Ана шундай қашфиёт ҳақиқий қашфиёт бўларди. Одамлар ҳар секунд сайин ўляптилар,

олимлар эса уларнинг ажалини тезлаштирадиган қурол ўйлаб топишиди. Мана сизга ҳақиқат. Мана шу уларга обрў олиб келадими? Аммо ажални тўхтатадиган усулни ҳалигача тополганлари йўқ.

Яна улар аҳолининг қўпайишiga қарши курашяптилар. Бунга қарши улар нима таклиф қиляптилар? Минут сайнин аҳоли юз кишига қўпайяпти. Статистика маълумотлари шундай. Туғилишга қарши ҳақиқий омил йўқ, худди шунингдек ажалга, касалликларга ва кексайишга қарши ҳеч қандай илож тополмадилар. Ҳатто Эйнштейндай буюк олим ҳам кексайиш ва ажалдан кутула олмади. Нимага у кексалигини тўхтатиб қола олмади? Ҳар бир одам ўзининг ёшлигини сақлаб қолишга интилади, аммо бунинг йўли борми? Олимлар бу муаммони ҳал қилиш уларнинг қўлидан келмайдиган иш. Улар фақат одамларни йўлдан урадилар, холос. Аммо Кришнани англаш жараёни ҳаётдаги барча муаммоларни ҳал қилишни таклиф этади. Бу ҳақдаги илм "Бҳагавад Гита"да берилган. Олимлар шуни тушунишга уриниб кўрсинлар. Атиги тажриба юзасидан уриниб кўрсинлар.

## Руҳий устоз қандай бўлиши керак?

*Руҳий устоз ҳеч қачон "Мен - Худоман" деб айтмайди. Руҳий устоз - "Мен Худонинг хизматкори, қулиман" дейди. 1973 йил сентябрidda Стокгольм Университетида қилган маъruzасида Шрила Прабхупада ведавий муқаддас китоблар асосида руҳий устоз эга бўлиши лозим бўлган саккиз асосий сифатни таърифлаб берди. Шу сифатлар билан танишиб ҳақиқий устозларнинг қаллоблардан фарқини билиб олишимиз мумкин.*

Руҳий ҳаёт йўлига кириш учун икки нарса зарур. Шри Чайтанайа Махапрабху айтганидек, биз биринчидан, Худонинг марҳаматига, иккинчидан - руҳий устознинг марҳаматига муҳтожмиз:

*браҳманда бҳрамите кона бҳагйаван жисва  
гуру-кришина-прасаде пайа бҳакти-лата-биоджа*

Тирик зотлар ўз таналарини алмаштириб, бир танадан иккинчи танага, бир жойдан иккинчи жойга, бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб, моддий олам бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юрадилар.

*браҳманда бҳрамите*: улар моддий олам бўйлаб айланиб юрадилар. Мангу рухнинг бир танадан бошқа танага, ва бир сайёрадан бошқа сайёрага ўтиб юриши ҳакидаги илм ҳозирги замон олимларига маълум эмас. Биз бу илмни "Бошқа сайёраларга енгил саёҳат" асаримизда тушунтириб берганмиз.

Агар руҳий устозингиз бўлса, у бу сайёрадан руҳий оламга, сонсаноқсиз руҳий сайёралар мавжуд бўлган Вайкунтҳалокага ўтишингизда ёрдам беради. Руҳий оламдаги энг олий сайёра - Голока Вриндавана деб аталувчи Кришнанинг сайёраси. Кришнани англаш харакати шу Голока Вриндавана, Кришналока сайёрасига қандай эришиш мумкинлигини ўргатади. Бу бизнинг мақсадимиз.

Моддий ва руҳий олам бир-биридан нимаси билан фарқ қиласди? Фарқ шундаки, бу моддий оламда, ўзингиз мангу бўлишингизга қарамай, ҳар хил таналарни алмаштиришга мажбурсиз. *аджсо нитийаҳ шашивато "йам пурено на ханиате ханиамане шарире*. Моддий танангиз ҳалок бўлганда ўзингиз ўлмайсиз, аммо 8 400 000 хил таналардан бирига ўтасиз. Сувда яшовчиларнинг 900 000 тури, дараҳт ва ўсимликларнинг 2 000 000 тури, 1 100 000 ҳашарот турлари, күшларнинг 1 000 000 тури ва ҳайвонларнинг 3 000 000 тури мавжуд. Шунча таналардан ўтгандан кейин ниҳоят инсон танасига эга бўласиз. Энди сиз яна бошқа тана алмаштириб, қуий ҳаёт турларига қайтасизми, ёки руҳий оламга, руҳий сайёра Голока Вриндаванага кўтариласизми, - бу фақат ўзингизга боғлиқ. Икки йўлдан қайси бирини танлаш - факат сизнинг хукуқингиз. Инсон танаси сизга шундай имконият беради. Бошқа таналарда бутунлай моддий табиат қонунлари хукмронлиги остида бўласиз, лекин табиат инсон танасини хадя қилганидагина, сиз мана шундай танлаш имкониятига эгасиз. Буни "Бҳагавад Гита" хам тасдиқлади(9.25.)

*йанти дева-врата деван питри йанти-питри-вратах  
бхутани йанти бхутеджайа йанти мад-йаджино "ни мам*

Дева-лока, яъни ҳаёт шароити жуда юқори ва узоқ яшайдиган фаришталарнинг сайёрасига кўтарилишни истайдиганлар фаришталарга сифинадилар. Агар истасангиз, Питрилокага, арвоҳлар сайёрасига, ёки бўлмаса Кришнанинг Ўзи яшайдиган сайёрага ўтишингиз мумкинһийанти мад-йаджино "*ни мам*"). Ҳаммаси бу ҳаётда қилган ишларингизга боғлиқ. Энг яхшиси, яна самсара - "*ўлиб-тирилиш*"лар чархпалағига, бу моддий оламда бир танадан иккинчи танага, бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб юришлар тегирмонига тушиб қолмаслик.

"Самсара" деб моддий оламдаги ҳаётга айтилади. *бхутва бхутва*

*пралийате*: бир танада туғиласиз, унда бироз вақт яшайсиз, кейин уни тарқ этишга мажбурсиз. Бошқа танага эга бўласиз, унда ҳам бироз вақт яшайсиз, кейин яна бошқа танага ўтасиз. Мана шу самсара деб аталади.

Моддий дунёдаги ҳаётни даванала, ўрмонга кетган ёнгинга қиёслайдилар. Маълумки, ўрмонга ҳеч ким атайлаб ўт бермайди, аммо барибир ёнгин тез-тез бўлиб туради. Худди шундай моддий оламда ҳеч ким баҳтсиз бўлгиси келмайди. Ҳар бўр одам баҳтли бўлишга интилади, аммо ҳар ким ҳам турли баҳтсизликларга мубтало бўлади. Қадимдан то бизнинг давримизгача дунёда аҳён-аҳёнда урушлар бўлиб туради, гарчи одамлар бор кучларини ишга солиб бунинг олдини олишга интилсалар ҳам. Менинг ёшлик пайтимда Миллатлар Лигаси бор эди. 1920 йилда, биринчи жаҳон урушидан кейин ҳар хил давлатлар жаҳонда тинчликни саклаш учун Миллатлар Лигасини ташкил қилгандилар. Ҳеч ким урушни хоҳламаган эди, шунга қарамай, яна ўрмонга ўт кетди - Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Ҳозир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил қилинган, аммо барибир Вьетнамда, Покистонда ва бошқа кўп ерларда урушлар давом этяпти. Сиз тинчликни саклашга қанча уринсангиз ҳам, моддий табиат уларнинг барчасини чиппакка чиқаради. Урушлар муқаррар нарсалардир. Қарама-қарши ҳиссиётларни йўқотиб бўлмайди, қаршиликлар фақат ҳалқлар орасида эмас, айрим одамлар орасида ҳам мавжуд: - қўуни-қўшнилар орасида, эр-хотин орасида, ота-она ва фарзандлар орасида. Қарама-қаршилик, душманлик тугамайди. Мана шуни ўрмон ёнгини - даванала дейдилар. Ҳеч ким ўрмонга атайлаб ўт қўйиш учун бормайди, аммо куриган бамбук таёклари шамолда бир-бири билан ишқаланишидан ўт чиқади ва ўрмонга ўт кетади. Худди шунингдек, гарчи баҳтсиз бўлишни истамасак ҳам, ҳатти-харакатларимиз билан ўзимизга душман орттирамиз, натижада келишмовчиликлар ва урушлар келиб чиқади. Мана шу - самсара-даванала деб аталади.

Ўрмон ёнгини сингари, моддий тириклиникнинг олови ҳеч қаҷон ўчмайди, мана шу оловдан сизни кутқаришга қодир одам руҳий устоз - гуру деб айтилади.

У сизни қандай қутқаради? Бунинг учун у нима қила олади? Яна ўша мисолга қайтамиз. Ўрмонга ёнгин кетганида уни чепаклаб сув қўйиб ҳам, ҳатто у ерга ўт ўчирувчиларни юборсангиз ҳам ўчира олмайсиз. Бу қўлингиздан келмайди. Хўш, қандай қилиб шу оловни ўчирса бўлади? Бунинг учун сув керак, бир чепак, ёки бир цистерна эмас. Сув осмондан қўйилиши керак. Фақат осмондан ёқкан узлуксиз ёмғиргина бу ашаддий оловни ўчира олади. Ёмғир эса илмий

тадқиқотларингизга ва тажрибаларингизга бўйсунмайди. Ёмғир фақат Парвардигорнинг марҳамати билангина ёғиши мумкин. Шунинг учун руҳий устозни булатга қиёслайдилар. Худди булат ёмғир сувларини қуйгани сингари, руҳий устоз ҳам Олий Худо Шахсининг марҳамат ёмғирини ёғдиради. Булат сувларини денгиздан олади. У ўз сувларини эмас, денгиздан олган сувларни ёғдиради. Худди шундай руҳий устоз ҳам Олий Худо Шахсининг марҳаматини олиб келади. Мана шу қиёслаш тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиб кўринг. Унинг ўзи марҳамат кўрсатмайди, Олий Худо Шахсининг марҳаматини келтириб беради. Руҳий устознинг белгиси, марҳамати шундай.

Руҳий устоз ҳеч қачон: -"Мен - Худоман, сенга ўз марҳаматимни кўрсатаман!" - демайди. Йўқ. Шундай дейдиган одам - руҳий устоз эмас, шунчаки ярамас, фирибгар. Ҳақиқий руҳий устоз: -"Мен Худонинг хизматкориман, мен Унинг марҳаматини олиб келдим. Ундан баҳраманд бўлиб баҳтингни топ!" - дейди. Руҳий устознинг вазифаси шундан иборат. Уни худди почтальонга ўхшатиш мумкин. Почтальон сизга катта пул олиб келса, маълум-ки бу унинг пули эмас. Уни кимдир бошқа бирор юборган, аммо у ўша омонатни эгасига ҳалол етказади: - "Мана, сизга пул олиб келдим. Марҳамат олинг!" - бу пуллар уники эмаслигини билсангиз ҳам, бундан жуда хурсанд бўласиз. Пулга жуда муҳтож бўлиб турганингизда почтальон отангиз ёки бошқа кимдандир пул олиб келса, албатта жуда хурсанд бўласиз. Демак, барчамиз моддий дунёнинг бешафқат оловида азоб чекаяпмиз. Руҳий устоз бизга Олий Парвардигордан омонат олиб келади, ва агар мана шу омонатни қабул қиласақ, азоб-уқубатлардан қутулиб, чинакам баҳтга эришамиз. Руҳий устознинг вазифаси мана шундан иборат.

*самсара-даванала-лидҳа-лока- транайа карунийа-гҳанагҳанатвам  
праптасия калиана-гунарнавасия ванде гуроҳ шири чаранаравиндам*  
"Эй руҳий устоз, сен Парвардигорнинг марҳаматини олиб келдинг, шу боис сенинг олдингда қарзорман. Сен мени қутқариш учун келдинг, мен оёқларингга бош кўяман" - деб руҳий устоз олдида бош эгамиз. Руҳий устоз(гурӯнинг энг асосий белгиси - у бизнинг қалбимизда ёнаётган (нафс, эҳтирос)оловини ўчиришга қодир бўлган Худонинг марҳаматини олиб келади. Унинг айнан шу қобилияти уни бошқалардан ажратиб туради.

Бизларнинг ҳар биримизнинг қалбимиз ташвиш, хавотир оловида беаёв ёняпти. Моддий дунёнинг табиати шундай. Бизларнинг ҳар биримиз ҳамиша хавотирдамиз - ҳеч ким ҳам бехавотир яшай олмайди. Ҳатто энг кичкина қушча ҳам мана шу хавотир туйғусидан озод эмас. Агар сиз унга озгина дон ташласангиз, уни чўкиб ейиш билан

бирга, тинмай ҳар томонга аланглайди: -"Биров мени ўлдиришга келлаётгани йўқми?" Бу моддий дунёда ҳаёт шундай қурилган. Оддий одамлар бу ёқда турсин, ҳатто президент Никсон ҳам ҳамиша хавотирда. Бизнинг давлатда ҳатто Ганди ҳам ҳамиша ташвиш билан юради. Барча сиёсатдонлар ҳамиша ташвишли, хавотирда юрадилар. Улар жуда катта лавозимларни эгаллаган бўлишлари мумкин, барига бир моддий дунёning ажралмас касали бўлган хавотир уларни тарк этмайди.

Агар сиз барча ташвишлардан қутулишни истасангиз, руҳий устознинг, гурунинг паноҳи остига киришингиз лозим. Агар унинг насиҳатлари ташвиш ва хавотирлардан қутулишда ёрдам берса, бу унинг ҳақиқий гуру эканидан далолат беради. Мана шу ҳақиқий мезон. Ҳаммага овоза бўлиб арzon шухрат қозонган гуруни изламанг. Ҳамма юргурган нарса(мода) кетидан чопманг. Баъзи бировлар нодир наслдор ит саклашга қизиқадилар. Агар сиз ҳам шунчаки, бошқалардан қолмаслик учун: -"Ҳамма ўзига устоз танлайди, мен ҳам танлайман. Мана менда ҳам гуру бор!"- деб юриш учунгина устоз танласангиз, бунинг фойдаси йўқ. Қалбингизда ёнаётган ташвиш - хавотирлар оловини ўчира биладиган устозни танлашингиз лозим. Бу ҳақиқий гурунинг биринчи, асосий белгиси.

Руҳий устознинг иккинчи сифати шундай таърифланган:  
*маҳапрабҳоҳ киртана-нритіа гита вадитра-мадіан-манасо расена.*

Ҳақиқий устоз ҳамиша Худованд Чайтания Маҳапрабху шұхратини күйлаб юради, бу унинг қиласынан энг асосий иши. *Махапрабҳоҳ киртана-нритіа-гита*. Руҳий устоз ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юради, чунки моддий дунёning барча ташвишларидан озод қилувчи ягона восита ана шу.

Ҳозир ҳеч ким медитация(муроқаба) қилишга қодир эмас. Фарбий давлатларда кенг тарқалган медитация - шунчаки ўз-ўзини алдашdir. Ҳозир биз яшаётган нотинч Кали(урушлар ва иккюзламачилик) даврида медитация қилиш жуда мушкул. Шунинг учун муқаддас китоб(шастра)ларда шундай дейилган: *крите йад дхайато вишнум*. Сатыйа-юға(ҳақиқатгўйлик) даврида, одамларнинг умри юз минг йил бўлган пайтда, Валмики Муни олтмиш минг йил медитация қилиб руҳий баркамолликка эришган эди. Аммо ҳозир бизларнинг ҳеч қайсимиз олтмиш йил ёки ҳатто олтмиш соат яшашимизга кафолот беролмаймиз. Шу боис ҳозир медитация қилиш билан шуғулланишининг иложи йўқ. Сатыйа-юғадан кейинги Трета-юғада одамлар ведавий шастраларда кўрсатилгандек диний маросимлар ўtkазиш билан шуғулланганлар. *третайам йаджато макхаих. Мак-*

хайх сүзи "кэттә қурбонлик маросими" деганни билдиради ва унга жуда катта маблағ сарфланади. Ҳозир одамлар жуда камбағал ва ундаидай катта қурбонлик маросимларини ўтказа олмайдилар. *двараре паричарайайам*. (Трета-югадан кейинги) Дварара-югада эхромларда мәйбұлдарга қимматбаҳо әхсонлар қилинарди, ҳозирги кунда бунинг ҳам иложи йўқ. Шу боис, ҳозир ҳаммага башқа йўл, башқа усул тавсия этилган: *калау тад әхари-киртанат* - Кали-юга даврида Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида энг юксак руҳий камолотта эришиш мумкин. Ҳалқаро Кришнани англаш ҳаракати Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш усулини кенг тарқатишга мўлжалланган. Ҳамма биргаликда Худо номларини зикр қилиб, куйлаб рақсга тушадиган бу ҳаракатни Шри Чайтаня Махапрабху башлаб берганди.

Бу ҳаракатнинг бошланганига беш юз йил бўлди. Бу ҳаракат Ҳиндистонда жуда ривожланган, ғарбий давлатларга эса бир неча йил аввал бу ҳаракатни олиб келдик. Эндиликда бу ерларда ҳам одамлар бу ҳаракатга қўшилиб ҳақиқий баҳт нима эканлигини тотиб кўряттилар. Бу - бизнинг ҳозирги давримизда руҳий камолотта эришишнинг ягона йўли.

Шунинг учун ҳам гуру Худонинг муқаддас номларини ҳамиша зикр қилиш билан банд. *Махапрабхоҳ киртана-нритай-гита* - у ҳамиша куйлаб рақсга тушади. Агар у ўзи куйлаб рақсга тушмаса, қандай қилиб у шогирдларини бунга ўргата олади? Шундай қилиб, Руҳий устознинг биринчи белгиси - барча ташвишлардан халос этувчи насиҳатлар бериши; иккинчи белгиси - у ҳамиша Худонинг номларини куйлаб, рақсга тушиб юради. *махапрабхоҳ киртана-нритай-гита вадитра-мадйан-манасо расена* - руҳий устоз куйлаб рақсга тушганида, у бундан илоҳий лаззат олади. Агар лаззат олмасангиз рақсга туша олмайсиз. Одам ўзини рақсга тушишга мажбур қилиши кийин. Худонинг холис хизматкорлари ўз-ўзидан, табиий ҳолда рақсга тушганларини билмай қоладилар. Улар бундан илоҳий лаззат олганлари учун ҳам рақсга тушадилар. Бу ўргатилган кучукчаларнинг рақсга тушишарига ўхшамайди. Мутлақо. Улар илоҳий қувват таъсири остида рақсга тушадилар. *Романча-кампашру-таранга-бхаджаш*. Уларнинг илоҳий лаззат олаётганлари уларнинг юзларидан билиниб туради - улар баъзан йиглайдилар, баъзан куладилар, туклари хурпайиб кетади. Илоҳий лаззатнинг шунга ўхшаган жуда кўп белгилари бор. Уларни қалбаки, сохта юзага келтириб бўлмайди, аммо руҳий камолотта эришган кишида булар яққол кўриниб туради.

Ҳақиқий гурунинг учинчи белгиси қуйидагicha:

*иши-виграхарадхана-нитийа-нана-  
шрингара-тан-мандира-мардженадау  
йуктасайя бхактами ша нийунджато  
"ни ванде гурох иши чаранаравиндам*

Рухий устознинг вазифаси - шогирдларини шри-виграҳа - Илоҳга сажда қилишни ўргатиш. Ер юзидағи барча марказларда бизлар Илоҳларга сажда қиласиз. Бу ерда, Стокгольмда, биз ҳали Илоҳга сифиниши бошлаганимиз йўқ, ҳали биз Худованд Чайтанйа ва гуруларнинг тасвиirlарига сажда қиласиз. Бошқа ҳамма марказларимизда, масалан Америка ва Англиядаги марказларда содиклар Илоҳларга барча конун-коидалар асосида сажда қиласилар. *иши-виграхарадхана-нитийа-нан шрингара-тан мандира-мардженадау*. Илоҳларга хизмат қилиш - бу Илоҳларни чиройли либосларга кийинтириш, эҳромни озода қилиб тозалаш, Илоҳларга ширин-ширин таомлар пишириб таклиф қилиш, кейин ана шу овқат қолдиқларини тановул қилиш. Бизнинг Илоҳларга хизмат қилиш йўлимиз ана шундай. Рухий устоз Илоҳларга ўзи хизмат қиласи ва бунга ўз шогирдларини ҳам жалб этади. Гурунинг учинчи белгиси шундай.

Гурунинг тўртинчи белгиси:

*чатур-видха-иши-бхагават-прасада-  
свар-анна-трипти-хари-бхакта-сангхан  
критваива трипти-бхаджатаҳ садаива  
ванде гурох иши-чаранаравиндам*

Рухий устоз (Кришнага эҳсон қилинган таом) - прасадани ҳамма одамларга тарқатишни буюради. Бизнинг таълимот одамларга факат қуруқ фалсафа бериб қолмайди, одамлар факат маъruzани тинглаб уйларига кетиб қолмайдилар. Йўқ. Биз прасад - жуда ширин таомлар тарқатамиз. Ҳар бир эҳромда бизлар ҳамма келган меҳмонларга прасад тарқатамиз. Ҳозир ҳар бир эҳромда элликдан то икки юзгача одам яшайди, четдан келиб ҳам прасад еб кетадилар. Шундай эҳромлар ҳозир юздан ортиқ. Демак, прасад тарқатиш - рухий устознинг яна бир белгиси.

Агар сиз бхагавад-прасад еб юрсангиз, сиз ҳаётингизда ўзидан ўзи аста-секин рухий юксалишга эриша борасиз: бу таомнинг таъсир кучи шундай. "Худони билиш - тилдан бошланади!" - деб бежиз айтмаганлар. *севонмукхе хи джихвадау*: агар тилингизни Худога хизмат қилиш билан машғул қилсангиз албатта Худога эришасиз. Хўш, тилингиз қандай қилиб Худога хизмат қилиши керак? Худонинг муқаддас номларини зикр қилишингиз, куйлашингиз, Худога тақдим этилган овқат қолдиқларини тановвул қилишингиз лозим. Ана шунда,

шу икки усул ёрдамида ўзингизнинг рух эканингизни ва Худони англаб етишга эришасиз. Худони англаб етиш учун албатта файласуф ёки олим, бой ёки зукко бўлиш шарт эмас. Сиз агар Худога тилингиз билан самимий хизмат қилсангиз Унга албатта эришасиз. Бунинг хеч кийин жоий йўқ.

Шунинг учун гуру, руҳий устоз прасад тарқатишни ташкил қилади. *свадв-анна-триптан хари-бхакта-сангхан. хари бхакта сангхан* сўзлари "Худонинг содик хизматкорлари даврасида" деган маънони билдиради. Худонинг содик хизматкорларисиз бундай ишларни қилиб бўлмайди. *критвайва триптих бхаджатах садаива: прасад* тарқатиш йўлга қўйилганини кўрган гуру Худога ҳамду-санолар айтиб, Унинг муқаддас номларини зикр қилиб, куйлаб рақсга туша бошлайди. Бу гурунинг тўртинчи белгиси.

Энди бешинчি белгиси:

*иши-радхиқа-мадхавайор апара- мадхурйа-лила-гуна-рупа-намнам пратикишанаасвадана-лолупасйа ванде гуроҳ иши-чаранаравиндам*  
Руҳий устоз ҳамиша Парвардигор Кришнанинг илохий, руҳий оламдаги ишлари ҳақида, Унинг Шримати Радҳарани ва гопилар билан бирга қандай вакт ўтказаётганини ўйлаб юради. Баъзан у Кришнанинг подачи болалар билан ўйнаган ўйинлари ҳақида ўйлаб юради. Бу дегани у ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан, Унга медитация қилиш билан банд дегани. *пратикишанаасвадана-лолупасйа. Пратикишана* дегани ҳамма вакт, куну-тун дегани билдиради. Ана шундай яшаш - Кришна онги билан яшаш деганидир. Ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақида ўйлаб юриш керак. Сиз ўз олдингизга шуни мақсад қилиб қўйишингиз керак. Ҳар холда биз ана шундай ҳаётга интилизмиз: Кришнани англаш жамиятидаги барча йигит-қизлар, ҳафтада бир марта қайсиdir эхромга бориб, шунчаки, сифиниб кетиш билан эмас, Парвардигор Кришна ҳақида кеча-кундуз ўйлаб юриш билан машғул. Уларнинг бутун ўй-фикрлари Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд. Руҳий устознинг навбатдаги белгиси:

*никунджса-йуно рати-кели-сидхайа иа иалибхир йуктир апекшанийа татрати-дакийад ати-валлабхасйа ванде гуроҳ иши-чаранаравиндам*  
Руҳий устоз интилаётган энг олий мақсад - Парвардигор Кришнанинг даргоҳига эришиш, у ерда гопиларга Кришнага хизмат қилишда ёрдам бериш. Бир руҳий устозлар гопиларга ёрдамчи бўлишга, бошқалари - подачи болаларнинг ёрдамчиси бўлишга, яна бирлари - Нанда ва Яшоданинг ёрдамчиси бўлишга, баъзи бирлари Парвардигорнинг шахсий хизматкорлари бўлишга интиладилар. Ҳатто Вриндаван(Худонинг даргоҳи)да гуллаб турадиган дараҳт бўлишни, мева бе-

радиган дарахт бўлишни, у ердаги бир бузоқча ёки сигир бўлишни истайдиганлар ҳам бор.

Худога беш хил муносабатда хизмат қилиш мумкин: - шанта(сажда қилиб эҳтиром кўрсатиш); - дасйа(бевосита хизмат қилиш); - сакхия(дўст бўлиш); - ватсалайа(ота-оналик муносабатида бўлиш); - мадхуря(ошиқлик) муносабатида бўлиш. Худонинг руҳий даргоҳида шу муносабатларнинг барчаси мавжуд. *чинтамани-пракара-садмасу*. У даргоҳда ҳатто ер ҳам руҳий табиатга эга. Дарахтлар, мевалар, гуллар, сув, хизматкорлар, дўстлари, ота-оналари, Парвардигорнинг Ўзи ва Унинг яқин ҳамроҳлари - барчаси руҳий табиатга эга. У даргоҳдаги ҳамма нарса мутлак, айни пайтда хилма-хилликка тўла.

Шу хилма-хиллик моддий оламда, худди қирғоқдаги дарахтларнинг кўл сувидаги акси сингари акс этади. Дарахт сувда қандай акс этади? Тескари ҳолатда. Худди шунингдек бу моддий олам ҳам руҳий, илоҳий оламнинг бузилган, тескари акси, намоён бўлишидир. Руҳий оламда Радҳа ва Кришна орасида ҳақиқий муҳаббат мавжуд. Кришна ҳамиша ёш - *наваяувана*. Радҳарани ҳам ҳамиша ёш, чунки У - Кришнанинг лаззатланиш қувватидир. *иши-радҳика-мадҳавайор апара жайа радҳа-мадҳава*. Биз Кришнанинг ёлғиз Ўзига эмас, Унинг мангу йўлдоши Шримати Радҳарани билан бирга сажда қиласиз. Радҳарани ва Кришнанинг муҳаббати мангу. Шунинг учун "Веданта-сутра"да шундай дейилган: *жанмадӣ асия йатаҳ*. Мутлақ Ҳақиқат - бутун мавжудотнинг манбаидир. Бу ҳаётий дунёда биз она билан бола, эр билан хотин, хўжайин билан хизматкор, дўст билан дўст, хўжайини билан ити, мушуги, сигири орасидаги ўзаро муҳаббатни кузатишими мумкин. Булар фақат руҳий оламнинг акс этиб туришидир. Кришна ҳам ҳайвонларни жуда севади, масалан сигир ва бузоқларни. Биз бу моддий дунёда ит ва мушукларни севамиз, руҳий оламда Кришна сигир ва бузоқларни севади. Сиз буни Кришна тас-виrlenган расмларда кўришингиз мумкин. Бўлмаса руҳий оламдаги муҳаббат бу ерда қандай акс этган бўларди? Бу дунё - фақат руҳий оламнинг акс жилосидир. Агар бирор нарса ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлмаса, унинг акси қаердан пайдо бўлади? Демак, руҳий оламда ҳамма нарса мавжуд. Аммо, мана шу азалий мангу муҳаббатни англаб этиш учун аввало Кришнани, Худони англаш йўлига тушишингиз лозим.

Бу дунё ҳаётида сиз пушаймон бўлишга маҳкум этилгансиз. Бу ерда ҳам муҳаббат бор - йигит қизни севади, ёки қиз йигитни севиб қолади, аммо буларнинг барчаси пушаймон билан тугайди. Одамлар

бир-бирларини севиб турмуш қурадилар, аммо кўп ўтмай ажралиб кетадилар, чунки, уларнинг севгилари - ҳақиқий муҳаббатнинг акс этган жилосидир. Бу дунёда ҳақиқий муҳаббат йўқ. Бу дунёда факат эҳтирос бор, холос. Ҳақиқий муҳаббат - руҳий оламда, Кришна билан Радҳарани орасидаги муҳаббатдир. Ҳақиқий муҳаббат Кришнани гопилар билан боғлаб туради. Ҳақиқий муҳаббат Кришна билан Унинг подачи ўртоклари орасидаги дўстлик ришталарини боғлаб туради. Ҳақиқий муҳаббат Кришна билан сигир бузоқларни боғлаб туради. Ҳақиқий муҳаббат Кришна ва дараҳтлар, гуллар ва сувлар орасида мавжуд. Руҳий оламда ҳамма нарса муҳаббатга тўлган. Руҳий олам муҳаббатдан тузилган. Бу моддий оламда факат руҳий оламдаги мавжуд муҳаббатнинг аксигагина эгамиз. Шунинг учун, инсон танасига эга бўлганимиздан кейин, Кришнани англашга, Унинг даргохига эришишга интилишимиз лозим. Мана шу нодир имкониятни қўлдан бой бермайлик - Кришна онгига эга бўлишга ҳаракат қиласайлик. "Бҳагавад Гита"да шундай дейилган:(5.9) *жанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттватаҳ* - Кришнани шунчаки, юзаки эмас, тўлик англаб олиш лозим. Кришна ҳақидаги илмни ўрганинг. Яна бир маслаҳатим - Худони, Кришнани севишга шунчаки ҳаракат қилиб кўринг. Бунинг йўли шундай: Унинг Илоҳига сажда қилиш, прasad тановул қилиб юриш, Унинг муқаддас номларини зикр қилиб юриш ва руҳий устозингизнинг кўрсатмаларига амал қилиш. Шунда сиз Кришнани, Худони тушуниб етишга, Уни англашни ўрганасиз - сиз ҳаётингизда инсон эриша олиши мумкин бўлган энг олий мақсадга эришасиз. Бизнинг Кришнани англаш ҳаракатининг маъноси шундан иборат.

## **Түртинчи боб. Йога ва муроқаба**

### **Илоҳий товушлар ёрдамида муроқаба қилиш**

1969 йил Бостоннинг Шимолий-Шарқий Университетида қилган маъruzасида Шрила Прабхупада тингловчиларга ҳайратланарли даражада кучли таъсир қилиши, хоҳлаган жойда ва хоҳлаган пайтда қўлланиши мумкинлиги билан машҳур бўлган муроқаба усулини таништиргди. "Сиз Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре ибораларини тақрорлаган заҳоти илоҳий даражага кўтариласиз. Бу - муроқабанинг ҳатто қўчада кетаётиб ҳам қўллашингиз мумкин бўлган ягона ва осон усулидир".

Хурматли йигит ва қизлар, бу учрашувга келганингиз учун сиз-

ларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Биз Кришнани англаш харакатини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз, чунки бунга зарурият ҳар ерда сезилияпти. Биз таклиф қилаётган усул жуда ҳам осон ва унинг бошқа усууллардан афзаллиги ҳам шунда.

Энг аввало "илохий(трансцендент) погона" сўзининг маъносини англаб олишимиз керак. Ҳозирги ҳолатда ҳар биримиз ҳар хил погонадамиз. Шунинг учун илохий погонага кўтарилиб олишимиз зарур, ва шундан кейингина илохий, ёки трансцендент муроқаба ҳақида гапириш мумкин.

"Бҳагавад Гита"нинг учинчи бобида моддий ҳаётнинг ҳар хил погоналари таърифланган. Биринчи погонада тирик зот ўзини танага қиёслайди.(*индрийани паранӣ ахух*). Бу дунёдагиларнинг барчаси ҳаёт ҳақида моддий тушунчаларга эга. Кимdir ўзини "хиндистонликман" дейди. Сиз эса ўзингизни "америкаликман" деб ҳисоблайсиз. Кимdir ўзини "руスマн" дейди. Яна бирор бошқаман дейди. Ҳар бир одам комил ишонч билан ўзини -"Мен - танаман" - деб ҳисоблайди.

Моддий дунёдаги шартланган ҳаётда ўзини танага қиёс қилиш погонаси - ҳиссиётлар погонаси деб аталади, чунки, биз ўзимизни танага қиёслар эканмиз, ҳаётда баҳт дегани - ҳиссиётимиз(нафсимиз) талабларини қондириш, баҳт - шундан бошқа нарса эмас, деб ўйлаймиз. Бундай фикрлаш ҳозирги пайтда жуда кенг тарқалган, аслида бу фикрлаш азалдан мавжуд. Ўзини тана деб ҳисоблаш - ўзига хос қасалликдир. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилган: *йасйатма-бүддхиҳ кунане три-дхатуке*. Агар биз ўзимизни тана деб ҳисобласак, демак, теридан қилинган ва ичи суяқ ва гўштларга тўлган қоп эканимизни тан олганимиз бўлади. Тана - бу ичи суяқ, қон, сийдик, ахлат ва шу каби "ёқимли" нарсалар билан тўлган тери қопдан ўзга ҳеч нарса эмас. Шунинг учун:- "Мен - танаман" деб ўйлаганимизда, аслида: - "Мен - ичи сийдик, ахлат ва суякларга тўла чарм қопман. Бутун гўзаллигим ва бойлигим мана шу".- деб ўйлаган бўламиз. Шундай экан, - ҳаётни тана жиҳатдан, яъни ўзини танага қиёслаб тасаввур қилиш - қишининг бефаросатлигидан далолат беради. Танани мукаммаллаштириш, уни комил ҳолга келтиришга уриниш ўзимизнинг ҳақиқий ўзлигимизни англашда ёрдам бера олмайди.

Ўзини танага қиёслаш таъсирига берилган кишиларга *дӯйана-йога* ёки муроқаба усули тавсия қилинади. "Бҳагавад Гита"да шундай ёзилган. Олтинчи бобда, ўн учинчи ва ўн тўртингичи шеърларда Кришна буни шундай тушунтиради: - "Танани, бўйинни ва каллани тик ушлаб, нигоҳни бурун тепасига қаратиш, шундай ҳолатда ақлни жиловлаб, ҳар қандай қўрқинчдан халос бўлиб, жинсий ҳаётни тарк

этиб, инсон бутун фикрини Менда жамлаши ва Мени ҳаётининг олий мақсади қилиб олиши керак".

Бундан олдинги шеърларида Худованд Кришна (трансцендент) илохий муроқабага қандай тайёрланиш ва нималар қилиш кераклигини тушунтирган эди. Бунинг учун инсон ҳиссиёти талблари ни қондиришни тарк этиши, энг аввало жинсий ҳаётни тарк этиши лозим. Кейин муқаддас маконда хилват жой танлаб, ерда қулай, мустаҳкам ўтириб олиши керак. Муроқаба билан мана шундай, яъни шаҳарда, одамлар гавжум бўлган жойда шуғулланиб бўлмайди. Хилват жойга кетиб, муроқаба билан ёлғиз ҳолда шуғулланиш зарур. Бундан ташқари, ўтириш учун маҳсус жой танлаш, маълум бир ҳолатда ўтириш керак. Бунинг бажариш зарур бўлган яна кўп шартлари бор, албатта уларнинг ҳаммасини бир неча минутда сизларга тушунтириб бўлмайди. Агар жуда қизиқсангиз, "Бҳагавад Гита"нинг "Дхјанайога" бобини ўқиб чикишингиз мумкин.

Биз онгнинг тана поғонасидан илохий, руҳий поғонага кўтарилишимиз лозим. Бу - ўзликни англаш йўлидаги ҳар қандай усульнинг мақсадидир. Аввалига барчамиз ҳам: - "Мен - танаман". - деб ўйлаймиз. *Индрыйани паранӣ аҳуҳ*. Бу ҳақда ҳали айтгандим. Кейин, Ўзини танага қиёслаш поғонасидан юқорироқ кўтарилиган киши, - ақл поғонасига кўтарилади. *Индрийебхӣах парам манаҳ*. *Манаҳ* сўзи "ақл" маъносини билдиради. Ер юзида аксарият одамлар ўзларини танасига қиёслайди, фақат баъзи бирорлар ўзларини ақллари билан қиёслаш даражасига кўтарила оладилар. Улар ўзлари ҳакида: - "Мен - ақлман" деб ўйлайдилар. Камдан-кам одам англашда тафаккур даражасига етади.

*Манасас туара буддхих. Буддхиҳ сўзи тафаккур(интеллект) маъносини англатади.* Тафаккур поғонасидан юқори кўтарилиган кишигина руҳий даражага етишади. Бу зарур бўлган биринчи шарт. Илохий муроқаба билан машғул бўлишдан олдин сиз илохий, руҳий поғонага кўтарилишингиз лозим. Бу поғона *браҳма-бҳұта* деб атала-ди. Балки сиз "*Браҳман*" сўзини эшитгандирсиз? Илохий одам *аҳам браҳмаасми* - "мен тана эмас, ақл эмас, тафаккур эмасман, мен - мангру руҳман" - деб ўйлайди. Ҳаётга илохий назар билан қараш, уни илохий тушуниш шундай бўлади.

Биз илохий муроқаба ҳакида гапираётган эдик. Демак, тана, ақл, тафаккур даражаларидан юқори кўтарилиб, *браҳма-бҳұта* деб атала-диган ҳақиқий илохий даражага эришдингиз. Шунчаки: - "Мен Браҳманга эришдим" дейишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шундай фикрлашга мос келадиган сифатларни ривожлантириш лозим. Ҳар бир

одамнинг ўзига яраша сифатлари бор. Илоҳий даражага кўтарилигган, Браҳман даражасига етган кишининг сифатлари "Бҳагавад Гита"да (18.54) таърифланган: *браҳма-бхутаҳ прасаннатта*. Илоҳий *браҳма-бхута* даражасига етган одам ҳамиша фароғатда, лаззатда, қувончли ҳолатда бўлади. У ҳеч қачон, қовоғидан қор ёғиб, тунд бўлиб, ташвишланиб юрмайди.

"Қувонч ҳолати" деганда биз нимани тушунамиз? Бу кейинги сатрларда тушунтирилади: *на шочати на канкииати*. Илоҳий даражага эришган одамнинг ҳеч қандай орзуси, армони йўқ ва у ҳеч нарса ҳакида қайғурмайди. Ҳаёт тўғрисида моддий тасаввурга эга кишилар ҳамиша нимагадир интилиб ёки нимадандир пушаймонда юрадилар. Уларнинг асосий белгиси шундай. Биз ҳамиша ўзимизда йўқ нарсага интиламиз, йўқотган нарсамизга пушаймон бўлиб юрамиз. Бу - ҳаётда ўзини танасига қиёслаб яшашнинг белгисидир.

Моддий дунёда ҳамма жинсий ҳаётдан лаззатланиб яшашга интилади. Бу - барча истакларнинг асосини ташкил этади. *Пумсаҳ стрийа митхуни-бҳавам этам. Митхуни-бҳавам* - "жинсий ҳаёт" дегани. Хоҳ одам бўлсин ёки ҳайвон, күшлар ёки ҳашаротлар - барча тирик зот учун жинсий ҳаёт жуда муҳим аҳамиятга эга. Моддий дунё ўзи шундай. Йигит қиз ҳакида ўйлади, қиз йигит ҳакида ўйлади, эркак кишини аёл ўзига жалб этади, аёлни эркак киши жалб этади, бу чексиз давом этаверади.

Эркак киши билан аёл қўшилган заҳоти уларнинг қалбларида ечилмас тутун пайдо бўлади. *Тайор митхо хридаиа-гратхим ахух*. Улар: "Мен - танаман. Бу тана меники. Бу аёл(ёки эркак) меники. Бу мамлакат меники. Бу ватан меники. Бутун олам меники"- деб фикр юритишади. Мана сизга ечилмас тутун. Ўзини танага қиёслаш, ҳаётга моддий кўз билан қараш таъсиридан кутулиш ўрнига одамлар бадтарроқ унга ботиб кетадилар. Уларнинг аҳволлари тобора қийинлашиб бораверади. Шунинг учун Кришна "Бҳагавад Гита"да йога ва муроқаба билан жиддий шугулланишга, илоҳий, руҳий даражага кўтарилишга жиддий интилаётган кишига жинсий ҳаётни тарк этишни тавсия этади.

Лекин ҳозир бунинг иложи йўқ. Шунинг учун биз одамларга Кришнани англаш усулини таклиф этамиз. Биз: "Жинсий ҳаётни бутунлай тарқ этинг!" - демаймиз. "Зинодан, яъни ноқонуний жинсий ҳаётдан сақланинг!" - деймиз. Фақат илоҳий даражага кўтарилигган киши эмас, ўзини маданиятли деб ҳисоблаган ҳар қандай одам ҳам ноқонуний, жинсий ҳаётдан ўзини тийиб юриши керак. Ҳар бир маданияти ривожланган давлатда никоҳ қонунлари мавжуд, никоҳдан

ташқаридаги жинсий алоқалар ноқонуний ҳисобланади. Бундай нарсаларга баркамол инсон даражасига етишишга, илохий даражага күтарилишга интилаётган кишилар орасыда эмас, ҳатто маданиятли одамлар жамиятида ҳам ўрин бўлмаслиги керак. Фақат ўзини танага ва ақлга қиёслаш таъсиридан қутулибгина рухий, илохий ҳаёт кечириш мумкин.

Аммо, барча ўз ҳаловатини йўқотган, инсон умри жуда қиска, ғам-ташвишларга тўла бўлган ҳозирги Кали-юга даврида одамларни илохий нарсалар қизиқтирмай қўйган. Уларни фақат тана даражасига мос келадиган ҳаётий қадриятлар қизиқтиради, холос. Туганмас ғам-ташвишлар билан юрган одам илохий онг даражасига ета оладими? Ҳозирги даврда бу жуда қийин. Ҳатто беш минг йил аввал, Кришна Аржунга "Бҳагавад Гита"ни айтиб, муроқаба усулини ўргатган пайтда ҳам қийин бўлган. Аржун шоҳ хонадонига мансуб ва жуда кўп яхши ҳислатлар соҳиби эди. Шунда ҳам Курукшетра жангроҳида у Кришнага шундай деган эди: -"Эй Кришна, мен бу илохий муроқаба, "Дхјанан-йога" билан шуғуллана олмайман. Мен оиласи одамман, бунинг устига бу ерга сиёсий манфаатларимни ҳимоя қилгани келганман. Қандай қилиб хилват жойга бориб, кўзғалмай ўтиришни, бунинг устига жинсий ҳаётдан ҳам воз кечишни талаб қиладиган бу усулини қўллай оламан? Бунинг иложи йўқ!" Бизларга нисбатан Аржуннинг қилган савоб ишлари кўпроқ эди ва шунга қарамай у ҳаётида муроқаба усулини қўллашни рад этди. Демак, хатха-йога ва дхјанан-йога усулини қўллаб ҳозирги даврда илохий даражага күтарилишнинг иложи йўқ экан. Агар кимdir ҳозир ҳам шундай муроқаба усули билан шуғулланмоқчи бўлса, аслида унинг илохий муроқаба билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Илохий муроқаба билан шаҳарда шуғулланиш мумкин эмас. Бунинг иложи йўқ. Бу ҳақда "Бҳагавад Гита"да аник ёзилган. Сизлар айнан шаҳарда, ўз оилангизда, дўст-биродарларингиз даврасида яшайсизлар. Ўрмонга кетиб, хилват жойда ўтириб олишга сизнинг имкониятингиз йўқ. Илохий муроқаба билан шуғулланиш учун ана шундай шароит бўлиши шарт, деган Кришна.

Шунинг учун, агар ҳозир илохий даражага күтарилишни истасангиз, ведавий битикларда берилган кўрсатмага амал қилишингиз лозим: *калау тад дхари-киртанат*. Ҳозирги даврда фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш усули ёрдамида юксак камолотга эриша оласиз. Соддалиги, осонлиги билан одамларни жалб қилиш учун бу усулини биз ўзимиз ўйлаб топганимиз йўқ. Асло. Илохий муроқаба усулини 500 йил аввал Худованд Чайтаня Махапрабху жорий қилган. Бу усул муқаддас ведавий битикларда тавсия қилинган,

ва у ҳақиқатан ҳам жуда қулай. Менинг шогирдларим, мана бу ёш ийгит қизлар Ҳаре Кришна мантрасини қуйлаётгандаридан қанчалик илохий лаззат олаётгандарини кўргансиз. Агар бу усулдан фойдалансангиз, унинг ёрдамида илохий даражага кўтарилиш мумкинлигини ўзингиз кўрасиз. Демак, Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини зикр килиш - илохий муроқабада бўлишнинг энг осон йўлидир.

Илохий товушлар сизни шу заҳотиёқ илохий, руҳий оламга кўтариб қўяди, айникса бу сўзларни бутунлай берилиб, диккат билан тақорласангиз. Ҳаре Кришна мантраси товушлари Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайди, чунки Кришна мутлақ табиатга эга. Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани учун Худои Таолонинг Ўзи ва номи орасида фарқ йўқ. Моддий дунёда сув ва "сув" сўзининг орасида, гул ва "гул" сўзининг орасида фарқ бор. Аммо илохий, мутлақ табиатли руҳий оламда ундан фарқ йўқ. Шунинг учун Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна деб куйлай бошлишингиз биланоқ Худонинг Ўзи ва Унинг куввати билан бевосита алоқада бўласиз.

Ҳаре сўзи Худонинг кувватини англатади. Ҳар бир воқеа, ҳодисада Худонинг куввати иштирок этади. *Парасайа браҳманаҳ шактиҳ*. Худди сайёralар Куёшнинг кувватидан пайдо бўлгани сингари, барча моддий ва руҳий олам Худонинг кувватидан пайдо бўлган. Шунинг учун Ҳаре Кришна мантрасини тақорлаганимизда, Худонинг кувватига ва Унинг Ўзига илтижо қиласиз: "Илтимос менга ёрдам бер! Мени кутқар! Ҳаёт ҳақида моддий тушунчалар гирдобига ботиб кетдим. Бу ҳаётда азоб чекяпман. Илтимос, ҳақиқий баҳтга эришишим учун мени руҳий, илохий даражага кўтар!"

Ҳозирги ҳолатингизни, қилаётган ишинингизни ўзгартиришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Агар талаба бўлсангиз, талабалигинингизча қолаверинг. Агар ишбилармон бўлсангиз, ишбилармонлигинингизча қолинг. Эркаклар, аёллар, оқ танлилар, кора танлилар - ҳар бир одам Ҳаре Кришна мантрасини тақорлаши мумкин. Бу жуда оддий ва осон усул, уни ўрганиш учун ҳеч нарса тўлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Биз: - "Менга шунча тўласангиз, сизга Ҳаре Кришна мантрасини тақорлашни ўргатаман" - демаймиз. Мутлақо, биз буни барчага бепул ўргатамиз. Факат уни эслаб қолиб, тақорлаб юрсангиз бас. Жуда тез илохий даражага кўтариласиз. Илохий товушларни тинглаётганингизда илохий муроқаба билан шуғулланаётган бўласиз.

Мана шу усул муқаддас китобларнинг барчасида тавсия этилган. Худованд Чайтанайа уни ўргатиб кетган, беш юз йилдан буён бу усул устоздан шогирдга, шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келяпти. На-

тижада бугун Ҳаре Кришна мантраси шарофатидан фақат Ҳиндистон эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб миллионлаб одамлар баҳраманд бўляптилар. Кришнани англаш ҳаракатининг мақсадини тушунишга ҳаракат қиласангиз, қандай қилиб илоҳий муроқаба билан шуғулланиш мумкинлигини ҳам билиб оласиз. Бизнинг ҳаракатимиз шунчаки ҳаёлий нарсалар асосида ташкил этилмаган: бизнинг жуда кўп китобларимиз бор - "Бҳагавад Гита", "Шримад Бҳагаватам", "Худованд Чайтаня таълимоти", "Ишопанишад" ва ҳоказо. Бизда "Худо ҳузурига қайтиш" деган журнал ҳам бор. Биз шунчаки ҳаёлий нарсаларга асосланмаймиз. Биз жуда чукур фалсафага асосланамиз. Аммо, шунчаки Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре сўзларини тақрорлаб юрсангиз, ҳатто фалсафий асарларни ўқимасангиз ҳам, илоҳий даражага кўтариласиз. Ҳаре Кришна мантраси ҳозирги Кали-юга даврининг одамларига Худованд Чайтаня Махапрабхунинг инъом этган буюк иноятидир ва барча муқаддас битиклар ҳам Худонинг номларини тақрорлашни тавсия этади.

Шунинг учун сизлардан илтимос қиласиз: шуғулланиб кўринг! Шу мантрани уйингиздами ёки бошқа жойдами, шунчаки тақрорлаб юринг. Бунинг учун ҳеч қандай шартларни бажариш ҳам керак эмас. Ҳаре Кришна мантрасини белгиланган жойда, ёки маълум шароитда тақрорлаш талаб қилинмайди. *Нийамитаҳ смаране на калаҳ*. Ҳеч қандай жой ҳам, шароит ҳам, вақт ҳам халақит бермайди. Хоҳлаган пайтингизда, хоҳлаган ерда Ҳаре Кришна мантрасини тақрорлаб илоҳий муроқабада бўлишингиз мумкин. Ҳатто кўчада кетаётib ҳам илоҳий муроқабада бўла олиш имкониятини берадиган ягона усул ма-на шу. Ҳатто қўлларингиз банд бўлган тақдирда ҳам, барибир Ҳаре Кришна мантрасини тақрорлай оласиз. Бу ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб усул.

Кришна - Худонинг, Парвардигорнинг Ўзига энг муносиб бўлган номидир. Санскритча "Кришна" сўзи - "ҳаммани Ўзига жалб этувчи" деган маънони англатади. "Рама" сўзи - "энг олий лаззат" дегани билдиради. Агар ҳаммани Ўзига жалб этмаса, агар энг олий лаззатга тўла бўлмаса, Худо - Худо бўладими? Худо энг олий лаззат манбаи бўлиши керак, акс ҳолда У бизни қаноатлантира олмайди. Қалбингиз турли туман лаззатларга ташна. Агар Худо мана шу лаззатлар билан таъминлай олмаса, интилишларингизни қондира олмаса У Худо бўла оладими? Худо ҳаммани Ўзига жалб қиласидиган бўлиши керак. Агар Худо ҳар қандай одамни Ўзига ром эта олмаса, У қандай қилиб Худо бўла олади? Кришна ҳақиқатан ҳам ҳаммани Ўзига жалб қиласи.

Ҳаре Кришна мантраси - шунчаки айрим бир гурухнинг, маҳзабнинг, ёки бирор диннинг зикр қилиш мантраси эмас. Бизнинг Кришна, Рама, Ҳаре номларини тақорораётганимизни кўрган одамларнинг баъзилари ўйлашлари мумкин: - "Бу - ҳинд Худоларининг номлари. Нимага бизлар ҳинд Худоларининг номларини тақоролашимиз керак?" Шундай деб фақат баъзи ақидапарастларгина ўйлашлари мумкин. Худованд Чайтаня шундай деган: - "Худонинг хоҳлаган номини тақоролашингиз мумкин. Агар Худонинг бошқа бир ҳақиқий номини билсангиз, уни тақоролашингиз мумкин. Худонинг номини тақороласангиз бас". Кришнани англаш ҳаракати ҳаммани шунга чақиради. Шунинг учун, бизнинг ҳаракатимиз сизларни христиан динидан ҳиндларнинг динига ўтказишга уриняпти деб ўйламанг. Қайси динда бўлсангиз шу динда қолинг: христианмисиз, мусулмонмисиз, иудамисиз. Лекин, ҳаётингизда ҳақиқатан ҳам комил инсон бўлишини истасангиз, қалбингизда мудраб ётган Парвардигорга нисбатан бўлган муҳаббатни уйғотишга ҳаракат қилинг. Мана шу ҳақиқий инсоний баркамоллик бўлади.

*Са вай пумсам паро джармо йато бхактир адҳокшадже.* Сиз хоҳлаган динда бўлишингиз мумкин, аммо динингизнинг, ўзингизнинг қай дараҷада мукаммал эканлигинизни қалбингиздаги Худога нисбатан муҳаббат билан аниқлашингиз лозим. Ҳозир муҳаббатимизни ҳар хил нарсаларга бағишлияпмиз. Агар шу муҳаббатингизни Худога нисбатан мужассам қила олсангиз, у мукаммал муҳаббат бўлади. Муҳаббат қалбимизда мавжуд, аммо биз Худо билан муносабатимизни унугиб қўйганмиз, шунинг учун ҳозир муҳаббатимизни итларга беряпмиз. Бу бизнинг касалимиз. Ўзимиздаги итларга бўлган муҳаббат туйғусини Худога қаратишимиш лозим. Ҳаётнинг баркамоллиги мана шундан иборат.

Биз сизларга ўз динимизни тарғибот қиласётганимиз йўқ. Биз сизларга Худони севишни ўргатяпмиз. Бунга эса фақат Ҳаре Кришна мантрасини тақоролаш ёрдамида эришиш мумкин.

## Йога усули

*Одатда йога деганда қандайдир жисмоний машқлар мажмуини тушунадилар. Аммо, 1966 йилнинг 15 ноябрида Нью-Йоркда қилган маърузасида Шрила Прабхупада Ҳиндистонликлар неча асрлардан*

*бери ўрганиб ва шуғулланиб келаётган ҳақиқий йоганинг табиати ва моҳиятини тушунтириб берган. У мукаммал йогаларнинг машқ қилиши ёрдамида қандай қилиб коинотнинг хоҳлаган сайёрасига бора олиши мумкинлигини тушунтириди ва сўзининг охирида шундай дейди:*  
- "Энг комил йог ўлимидан сўнг руҳий оламга, Худованд Кришнанинг сайёрасига бориб, у ерда Кришна билан мангу лаззатда яшали мумкин".

*Сарва-дварани-самйаміа мано хриди нирудхъя ча  
мурдхни адхайатманах пранам астхито йога-дхаранам*

"Йога билан шуғулланиш - моддий фаолиятдан воз кечиш демакдир. Ҳиссиётининг барча эшикларини бекитиб, ақлини қалбида, ҳаёт нафасини - калласининг юқори кисмида мужассам қилиши орқали инсон йогада мустаҳкам қарор топади".(Б.г.8.12.)

Илоҳиёт кишиларининг, яъни йогларнинг турлари кўп: гайана-йоглар, дхайана-йоглар ва бҳакти-йоглар. Уларнинг ҳар бири ҳам руҳий оламга боришлири мумкин, чунки ҳар қандай йога усули Худо билан бўлган алоқамизни қайта тиклашга мўлжалланган.

Аслида биз Худо билан мангу боғланганимиз, аммо ҳозир у ёки бу сабаблар билан моддият ботқоғига ботиб қолганмиз. Шунинг учун асосий вазифамиз - асл ҳолатимизга қайтишдир. Худо билан бўлган муносабатимизни тиклаш - йога деб аталади.

Йога сўзининг ҳақиқий маъноси - "плюс" яъни "кўшув"дир. Ҳозир ҳаётимизнинг моҳияти - Худосиз ҳаёт, яъни, Худодан ажралган, "минус" ҳаётдир. "Минус"ни "плюс"га алмаштирасак, Худо билан муносабатимизни тикласак, инсон ҳаётининг мукаммал погонасига эришган бўламиз. Ажалимиз етмасдан олдин баркамолликка эришиш лозим. Токи тирик эканмиз камолот чўққисига интилишимиз керак. Ажалимиз етганда, бу танани тарқ этаётуб, ҳақиқатан ҳам камолот чўққисига эришганимизни намойиш этишимиз мумкин. *Прайана-кале манасачалена. Прайана-кале "ажал етганда" деган маънони англатади.* Студент ҳам бир йил, икки йил, уч йил таълим олади ва охирида энг муҳим синовдан ўтади - имтиҳон топширади. Имтиҳонни топшира олса, диплом олади. Худди шундай, ажал - бу имтиҳондир, агар биз унга яхши тайёрланиб, уни топшира олсан, руҳий оламга борамиз. Ҳаётда олган илмимизнинг барчаси ажал келганда, ўлим пайтида текширилади.

Шунинг учун, "Бҳагавад Гита"да Худованд Кришна ажалимиз келганда биз нима қилишимиз кераклигини тушунтиради.

Дхайана-йога билан шуғулланувчиларга қуйидаги амаллар тавсия

қилинади: *сарва-дварани самйамай мано хриди нирудхъя ча*. Йога ти-лида бу усул *пратіахара* деб аталади. *Пратіахара* "бутунлай қарама-қарши" деган манони англатади. Мисол учун мен бу дунёning гўзаллигига маҳлиёман. Гўзалликка маҳлиё бўлишни тарк этиб, қалбимдаги гўзалликни кўриш учун муроқаба билан шуғулланишим керак. Шу *пратіахара* деб аталади. Худди шундай, ичимда Парвар-дигорнинг товуш холидаги кўринишини, омкарани тинглашим ке-рак. Шунингдек, барча ҳиссий аъзоларимни ташқи фаолиятдан тўхтатиб, Худога муроқаба қилиш билан машғул бўлишим керак. Дхйана-йогаларнинг эришадиган энг юкори натижаси - бутун фикру-хаёlinи Худода, Вишнуда мужассам қила билишdir. Ҳаёл ҳамиша харакатда бўлади, шунинг учун одам уни ўз қалбida мужассам қилиши керак: *мано хриди нирудхъя*. Кейин ҳаёт нафасини калла-нинг юкори қисмига кўтариш керак.: *мурдхайа ададаҳайатманаҳ пранам астхито йога-дхаранам*. Йоганинг мукаммал поғонаси шу.

Мукаммалликка эришган дхйана-йог ўлганидан кейин қаерга боришини ўзи ҳал қиласди. Моддий коинотда жуда кўплаб сайёralар мавжуд, ана шу моддий сайёralардан юкорида илоҳий, руҳий олам ястаниб ётибди. Йогалар шу сайёralарнинг ҳаммасини биладилар. Улар бу маълумотларни қаердан олган? Ведавий битиклардан. Маса-лан, сизнинг мамлакатингизга келишдан олдин уни ҳар хил китоб-лардан билиб олганман. Худди шундай "Шримад Бҳагаватам"дан олий сайёralар ва руҳий олам ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Йог ҳамма нарсани билади ва ўлганидан сўнг хоҳлаган сайёрага бориши мумкин. Бунинг учун унга космик кеманинг кераги йўқ. Олимлар кўп йиллардан бери космик кема ёрдамида бошқа сайёра-ларга боришга интиладилар, улар ўз уринишларини яна юз йил, минглаб йиллар давом эттиришлари мумкин. Аммо ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Бунга иймонингиз комил бўлсин. Бундай усуlda бошқа сайёрага боришнинг иложи йўқ. Балки илм-фан тараққиёти билан бир икки одам бунга муваффақ бўлар, аммо бу ҳамманинг кўлидан келмайди. Агар сиз ҳақиқатан ҳам қайсиdir яхшироқ сайёрага боришни истасангиз, бҳакти-йога билан эмас, дхйана-йога ёки гйана-йога билан шуғулланишингиз лозим.

Бҳакти-йога моддий сайёralарга эришиш учун мўлжалланмаган. Кришнага, Олий Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишини моддий оламнинг сайёralари қизиқтиrmайди. Нимага? Чунки улар моддий коинотнинг қайси сайёрасига тушмасин, ҳамма ерда барибир моддий ҳаётнинг тўрт қонуни хукм суришини билади. Бу қандай қонунлар? Ҳар бир тирик зот туғилади, ўлади, касал бўлади ва кек-

саяди. Қайси сайёрага борсангиз ҳам шу нарсаларга дуч келасиз. Баъзи бир олий сайёralарда умр кўриш ердагига қараганда жуда узоқ бўлади, аммо барибир, қачон бўлмасин сизни ажал топиб олади. Моддий ҳаёт бу - туғилиш, кексайиш, касалланиш ва ўлиш демакдир. Руҳий ҳаёт эса шу азобларнинг барчасидан кутулишга олиб келади. Руҳий оламда туғилиш ҳам, ўлиш ҳам, ғофиллик ва азоб уқубатлар ҳам йўқ. Шунинг учун фаросатли кишилар моддий оламнинг бирорта сайёрасига боришини ҳавас қилмайдилар.

Хозир олимлар Ойга чиқишига уриняптилар, аммо бунинг уддасидан чиқиши жуда қийин, чунки уларнинг бунга мослашган таналари йўқ. Лекин бошқа юкори сайёralарга йога ёрдамида боришини истасак, ана шу сайёрада яшашга мос келадиган танага эга бўламиз. Ҳар қандай сайёрада яшаш учун бунга мос келадиган маҳсус тана бўлиши керак. Акс ҳолда у сайёрага туша олмайсиз. Масалан, шу танамиз билан сувда яшай олмаймиз. Сув остида факат кислород баллонлари билангина турга оламиз, шунда ҳам ўн беш-ўн олти соатдан кўп эмас. Аммо сув остида яшайдиган ҳайвонларнинг, балиқларнинг танаси сувда яшашга мослашган, улар сувда бутун умр яшайверадилар. Агар балиқни сувдан чиқарсангиз, шу заҳотиёқ ўлиб қолади. Кўряпсизми, ҳатто бир сайёранинг ўзида, маълум шароитда яшаш учун шунга мослашган тана бўлиши керак. Худди шунингдек, агар бошқа сайёрага тушишни хоҳласангиз, бунга тайёрланишингиз, шунга мос келадиган танага эга бўлишингиз лозим.

Юкори сайёralардаги бир сутка бизнинг бир йилимизга тўғри келади, ва у ерда мана шу ҳисоб билан ўн минг йил яшайсиз. Ведавий битикларда шундай ёзилган. У ерга тушган одам албатта жуда узоқ вақт яшайди. Аммо барибир, эртами, кечми ўлишга мажбурсиз. Ўн минг йилдан кейинми, йигирма минг йилдан кейинми, миллион йилдан кейинми - бунинг аҳамияти йўқ. Умрингиз ўлчангандан ва ажал, ўлим мукаррар. Лекин, ўзингиз хеч қачон ўлмайдиган, мангу руҳсиз - "Бҳагавад Гита" мана шундан бошланади. *На ханияте ханиамане шарипре* - сиз мангу руҳсиз.

Нимага мен туғилиб ўлаверишим керак? Ўзига мана шу саволни бера олган одам ҳақиқатан ҳам чукур тафаккурга эга. Кришнани англаш ҳаракатига кўшилган кишилар ҳақиқатан ҳам жуда фаросатли, чукур тафаккурга эга кишилардир. Юкори сайёralарда умр кўриш қанчалик узоқ бўлмасин, улар бу сайёralарга интилмайдилар. Улар Худоники сингари руҳий танага эга бўлишга интиладилар. Парвардигорнинг танасини *сач-чиқ-ананда-виграҳаҳ* деб атайдилар. *Ишвараҳ парамаҳ* кришинаҳ *сач-чиқ-ананда-виграҳаҳ*. *Сам* сўзи "мангу" деган-

ни, чит сўзи - "илмга тўла" деганни, ананда сўзи эса - "лаззатга тўла" деган маънени англатади. Агар биз ҳозирги танамизни ташлаб, Кришна билан бирга бўлиш учун руҳий оламга эришсак, - биз ҳам Худо сингари, билимга ва лаззатга тўла мангум илоҳий тана соҳиби бўламиз(сач-чид-ананда). Кришна онгига эришишга интилаётганларнинг ҳаётдан мақсади, моддий оламнинг юқори сайёralарига интилаётганларнинг мақсадидан тубдан фарқ қиласди. Сиз - моддий тана ичида жуда кичкина руҳий заррасиз, сизнинг тана ичида мавжудлигинизни *прана-ваю*, яъни "ҳаёт нафаси" таъминлаб туради. Дхайана-йога тизимини - *шат-чакра* тизими деб ҳам атайдилар. Дхайана-йоганинг мақсади руҳни юракдан калланинг юқори қисмига кўтаришдир. Бу усул билан машғул бўлган йог руҳини боши тепасига олиб чиқиб, танасини боши оркали тарк этса ва ўз ҳохиши билан бирон бир юқори сайёрага етиб борса, у камолот чўққисига етган ҳисобланади. Дхайана-йог ўзи хоҳлаган сайёрага бора олади.

Агар сизни Ойдаги ҳаёт қизиқтирса, йога билан шуғулланинг ва шу ёққа боринг. Йог ўзича: -"Кўрайлик-чи, Ойда нима бор экан. Ундан кейин бошқа юқорироқ сайёralарга бораман".- деб ўйлади. Худди шундай, саёҳатчилар одатда аввал Нью-Йоркка келадилар, у ердан Калифорнияга, у ердан Канадага ўтадилар. Йога усули ёрдамида жуда кўп сайёralарда бўлишингиз мумкин. Аммо қаерга борсангиз ҳам, божхона ва паспорт кўрикларига дуч келасиз. Шунинг учун, Кришна нианглаб, Унинг онги билан яшаётган киши, вақтингчалик, ўткинчи сайёralарга интилмайди. Гарчи у сайёralарда ҳаёт жуда узоқ давом этса ҳам, бу уни қизиқтирмайди. "Бҳагавад Гита"да йогнинг қандай килиб танасини тарк этиш усули кўрсатилган(8.13):

*ом эти әкакшарам браҳма вайахаран мам ануスマран*

*йаҳ прайати тийаджсан дехам са йати парамам гатим*

Ўлим пайтида "ом" иборасини талаффуз қилиш керак. Омкара бу - илоҳий товушдир. Агар одам мана шу омкарани талаффуз қилиш билан бирга Парвардигор Кришна ёки Вишну ҳақида ўйласа, руҳий оламга, Парвардигорнинг даргоҳига эришиши мумкин.

Йоганинг барча тури инсонга фикру-ҳаёlinи Худода, Вишнуда мужассам этишга ёрдам беришга мўлжалланган. Худонинг шахс эканини тан олмайдиган имперсоналистлар мана шу омкарани Худонинг, Вишнунинг асл киёфаси деб ҳисоблайдилар. Аммо, Худонинг содиклари бундай деб ҳисобламайдилар, улар Худонинг асл киёфасини яққол кўрадилар. Ҳар ҳолда, ақлингизни ҳаёлий қиёфада жам қиласизми, ёки Худонинг ҳақиқий киёфасини кўрасизми, ўз фикрингизни Вишнуда жам қилишингиз лозим. *Мам* ибораси бу ерда

"Парвардигорда, Вишнуда" деган маънони англатади. Йах прайати тийаджсан дехам: Вишну ҳакида ўйлаб танасини тарк этган ҳар бир одам руҳий оламга тушади.

Ҳакиқий йолгар моддий оламнинг бошқа сайёralарига тушишга интилмайдилар, чунки ҳаёт у ерда ҳам ўткинчи эканини биладилар. Улар ҳакиқий донишмандлардир. "Бҳагавад Гита"да таъкидланишича, вақтингчалик баҳт, ўткинчи шодлик, ўткинчи ҳаёт ва ўткинчи лаззатлар билан қаноатланадиган кишилар ақлли кишилар эмас: *антават ту пхалам тешам тад бхавати алта-медхасам*. Мен мангуман. Мен ҳеч қачон ўлмайман. Бу ўткинчи нарсаларнинг кимга кераги бор? Ҳеч кимга.

Масалан, сиз ижарага квартира олдингиз дейлик. Бирдан уй эгаси уни бўшатишни сўраб қолди. Сиз албатта ташвишланасиз. Агарда ундан ҳам яхшироқ квартирага ўтадиган бўлсангиз, ташвишланмайсиз. Бизнинг табиатимиз шундай: Биз мангу бўлганимиз учун, қаерда бўлсак ҳам мангу қолишга интиламиш. Бу табиий интилишдир. Ўлишни истамаймиз. Нимага? Чунки мангумиз. Касал бўлишни истамаймиз. Туғилиш, касаллик, баҳтсизликлар, ўлиш - булар ҳаммаси биз учун ёт, табиатимизга зид бўлган нарсалардир. Буларнинг бари - ташки ҳолатлардир.

Мисол учун, иссиғингиз чиқапти. Табиат сизни ҳарорати баланд қилиб яратмаган, аммо барибир касалга чалиндингиз, шу боис безовталаňяпсиз. Ўзингизнинг табиий соглом ҳолатга келиш учун даволанишингиз лозим. Худди шундай, биз моддий танага эга бўлганимиз учун туғилиш, ўлиш, касалланиш ва кексайиш билан боғлиқ бўлган азоб-укубатларга махкуммиз. Агар моддий танани тарк эта олсак, ма-на шу азобларнинг барчасидан кутуламиш.

Шунинг учун имперсоналист-йог учун, танасини тарк этаётганида "ом" илохий иборасини талаффуз этиш тавсия қилинади. Бутун фикрини Парвардигорда мужассам қилган ҳолда, илохий "ом" иборасини талаффуз қилиб танасини тарк эта олган ҳар бир одам шакшубҳасиз руҳий оламга кўтарилади.

Аммо, имперсоналистлар руҳий сайёralарга туша олмайдилар. Уларнинг бу сайёralарга тушиши ман қилинган. Буни қуёш ва қуёш нурлари мисолида тушунтириш мумкин. Қуёшнинг нури қуёшдан ажралмаган. Аммо барибир, қуёш ва қуёшнинг нурлари бир нарса дегани эмас. Худди шундай, руҳий оламга тушган имперсоналистлар браҳмажийоти деб аталадиган, Парвардигорнинг танасидан тараляётган ёғдуга кўшилиб кетадилар. Худонинг шахс эканлигини билмайдиган, тан олмайдиган кишилар майда зарралар шаклида мана шу

*браҳмажийотида жойлашадилар.*

Биз барчамиз майда рухий зарралармиз. *Браҳмажийоти* ана шундай майда зарралар билан тўла. Шундай қилиб сиз ана шу рухий зарраларнинг бирига айланасиз. Бошқача қилиб айтганда - рухий борлиққа қўшилиб кетасиз. Ўзингизнинг алоҳида мавжудлик ҳолатингизни сақлаб қоласиз, аммо ҳеч қандай шахсий қиёфага эга бўлишни истамаганингиз учун, мана шу шахссиз, қиёфасиз браҳмажийотида қолиб кетасиз. Қуёш нури - жуда кичик, ўзидан нур таратувчи зарралардан иборат,- олимлар буни биладилар(квант), - биз ҳам мана шундай майда рухий зарралармиз. Бизнинг ўлчамимиз соч толасининг ўн мингдан бир бўлагига teng. Мана шу майда зарра браҳмажийотидан жой олади.

Бу ҳолат мукаммал ҳолат эмас. Гап шундаки, тирик мавжудот сифатида мен лаззатланишни истайман. Мен ахир шунчаки мавжуд бўлишни истамайманку, менда лаззатланиш туйғуси яширинган. Мен уч рухий сифатга эгаман: *сач-чид-ананда* - мен - мангуман, мен - илмга ва лаззатга тўламан. Парвардигорнинг шахссиз ёғдусидан жой олган рух Браҳманга, Худога мангу қўшилганини англаб яшаши мумкин. Аммо, улар мангу лаззат ололмайдилар, чунки у ерда(браҳмажийотида) лаззат йўқ.

Агар тўрт девор ичига қамаб қўйсалар, китоб ўқиб ёки ўй-хаёлга берилиб анча вақт ўтказишингиз мумкин, аммо у ерда бутун умр қолиб кета олмайсиз. Бунинг иложи йўқ. Ўзингизга ҳамсуҳбат, эрмак излай бошлайсиз. Бизнинг табиатимиз шундай. Шунга ўхшаб, агар Худонинг ёғдуси(браҳмажийоти) билан қўшилсак, яна моддий оламга қайтиб тушиш эҳтимоли билан бирга бунинг учун имконият ҳам сақланиб қолади. Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"да шундай ёзилган:

(10.2.32)

*Йе ние равиндакша вимукта-манинас  
Твайй аста-бхавад авишудха-буддхайаҳ  
Арухъя кричхрене парам падам татаҳ  
Патанти адхо надрита иушмад-ангхрайаҳ*

Космонавтлар одатда шундай ахволда бўладилар: улар юқорига ўн минг, йигирма минг, юз минг километр кўтарилидилар. Лекин улар қаердадир дам олишлари лозим. Худди шундай биз ҳам бир жойда дам олишимиз керак. Буни шахссиз браҳмажийотида, нур ичида қандай амалга оширасиз? Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам"да: *арухъя кричхрене парам падам татаҳ дейилган*. Имперсоналист ҳатто шунча уринишлардан кейин рухий оламга тушса-ю, ўзининг алоҳида шахс эканлигини тан олмай браҳмажийотига жойлашса, яна қайтиб

моддий оламга тушиш эҳтимоли сақланиб қолади. Нимага? *Анадри-та-йуимад-ангхрайах*. Чунки у Худога мұхабbat билан холис хизмат қилмаган.

Демак, биз моддий дунёда яшаган вактимиз - қалбимизда Худога, Кришнага нисбатан мұхабbat түйғусини үйғотишимиз лозим. Бу жуда зарур бўлган энг мұхим тайёргарлик. Шунда руҳий сайёralарнинг бирига бора оламиз. Агар шундай тайёргарлик кўрмасангиз, унда фақат руҳий оламнинг шахссиз ёғдусига тушасиз холос, ва кейин яна қайтиб тушасиз. У ерда ёлғизлиқдан кийналасиз ва ўзингизга ҳамсуҳбат қидира бошлайсиз. Олий Шахс-Худонинг даврасига кира олмаганингиз учун моддий оламга қайтиб тушишга мажбур бўласиз.

Шунинг учун ўзимизнинг азалий асл ҳолатимиз қандайлигини билиб олишимиз лозим. Унинг моҳияти шундан иборатки, биз тўлиқ илмга эга бўлиб, лаззатга тўлиб мангу яшашни истаймиз. Ёлғизликда биз лаззатлана олмаймиз. Ҳамиша нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Ана шу етишмовчиликни тўлдириш учун биз моддий лаззатларга интиламиз. Ҳавфли томони ҳам шунда. Аммо, агар биз Кришна онгига эга бўлсақ, ҳаётдан чуқур лаззат ола бошлаймиз. Моддий ҳаётда энг юксак лаззатни жинсий алоқадан оладилар, аммо бу ҳақиқий лаззатнинг бузилган кўринишидир. Руҳий оламда ҳам жинсий алоқа лаззати бор: унинг манбаи - Кришна. Аммо бу лаззатни моддий оламдаги жинсий алоқадан олинадиган лаззатга асло ўхшатмаслик керак. Агар руҳий оламда жинсий алоқа бўлмаганида, бу ерда ҳам жинсий алоқа лаззати бўлмасди(жсанмади асия йаташ). Бу ердаги жинсий алоқа - руҳий оламдаги жинсий алоқанинг бузиб кўрсатилган аксиdir. Ҳақиқий ҳаёт - у ёқда, Кришнанинг, Худонинг ҳузурида. Кришна - барча лаззатларнинг манбаидир.

Шунинг учун, энг тўғри йўл - Кришна онгида яшашга ўрганишдир. Шунда ўлгандан сўнг руҳий оламга, Кришналокага, Кришнанинг сайёрасига эришамиз ва Кришнанинг даврасида лаззатга тўла мангу яшаймиз.

*чинтамани-пракара-садмасу калпа-врикиша-  
лакшавритешу сурабхир абхипалайантам  
лакими-сахасра-шата-самбхрама-севийаманам  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

Кришналока шундай таърифланади. Чинтамани-пракара-садмасу: "у ерда уйлар фалсафа тошларидан бунёд этилган". Балки, сиз фалсафа тошларининг қандайлигини биларсиз? Агар шундай тошни темирга теккиссангиз, шу заҳоти темир олтинга айланади. Албатта сизлардан ҳеч қайсингиз фалсафа тошини кўрмагансиз, аммо шундай тош мав-

жуд. *Чинтамани-пракара-садмасу калпа-врикиша*: у ердаги барча дарахтлар - орзу дарахтларидир. Бу дарахтлар хоҳлаган мевангизни беради. Бу ерда манго дарахти фақат манго мевасини, олма дарахти - фақат олма мевасини беради. Аммо, у ерда хоҳлаган дарахтингиздан хоҳлаган мевангизни олишингиз мумкин. Булар ҳали Кришналока сифатларининг энг кичик таърифлариdir.

Шундай экан, моддий коинотнинг ҳеч бир сайёрасига интилмаслик керак, чунки уларнинг барчасида моддий ҳаётга хос бўлган азоб-укубатларга дуч келасиз. Биз буларга ўрганиб қолганмиз. Туғилиб-ўлишларга ўрганиб қолганмиз. Бизга барибир. Замонавий олимлар ўзларининг муваффакиятларини кўз-кўз қилишни ёқтирадилар, аммо улар ҳалигача мана шу ёқимсиз азоб-укубатларнинг бирортасини ҳам бартараф этолганлари йўқ. Улар касаллик, кексалик ёки ўлимни бартараф этадиган бирор нарса яратса олганлари йўқ. Бунинг иложи йўқ. Улар ўлимни тезлаштирадиган нарсалар ихтиро қилишлари мумкин, аммо ўлимни бартараф этадиган бирор нарса яратса олмайдилар. Бу уларнинг кўлидан келмайди.

Шунинг учун энг ақлли, донишманд кишилар мана шу тўрт азоб: *жанма-мритий-жара-вийадхи* - туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексайиш укубатларидан биратўла кутулишни истайдилар. Ундай одамлар илм ва лаззатга тўла руҳий ҳаётга интиладилар. Бундай орзуларни руҳий сайёralарга кўтарилиб амалга ошириш мумкин. "Бҳагавад Гита"да Кришна шундай дейди:(8.14).

*ананиа-четаҳ сататам йо мам смарати нитйашаҳ*

*тасйаҳам сулабхаҳ партха нитйа-йуктасия йогинаҳ*

*Нитйа-йуктаҳ* дегани "ҳамиша лаззатда" маъносини англатади. Ҳамиша Кришна ҳақида ўйлайдиган, ҳамиша Кришна онгида бўлган йог - энг комил йогдир. Ана шундай камолот чўккисига эришган йог йоганинг қайси бирини хоҳласам экан, гйана-йоганими ёки дхайана-йоганими, деб ўйлаб ўтирумайди. Унинг учун факат битта йўл - Кришнани англаш йўли бор холос. *Ананиа-четаҳ*. Унинг ҳаёли ҳеч нарсага чалғимайди. Ҳеч нарса уни безовта килолмайди. У Кришна ҳақида ўйлаб юради, холос. *Ананиа-четаҳ сататам. Сататам* дегани "ҳамиша ва ҳамма ерда" деганинги англатади.

Масалан, менинг уйим Вриндаванда. У ер Кришна билан бевосита боғлиқ, беш минг йил аввал Кришна шу ерда бу оламга Ўзини на-моён қилган. Мен ҳозир Америкада, сизнинг юртингизда яшайман. Бироқ бу мен Вриндавандан узоқлашиб кетдим, дегани эмас, чунки ҳамиша Кришнани ўйлаб юрган киши Вриндаванда юрган ҳисобланади. Ҳозир мен Нью-Йорқда, мана шу квартирадаман, аммо

ўй-фикрим ҳамиша Вриндаванда. Агар сиз Кришна онгига эга бўлсангиз, демак руҳий оламда, Кришна билан бирга бўласиз.

Мана шуни Кришна онги деб атайдилар: *ананиа-четах сататам ио мам смарати нитайашаҳ*. Смарати дегани - "эслаб юриш" деган маънени англатади. *Нитайашаҳ* - "ҳамиша". Кришна айтадики, Уни эслаб юрган одам учун Худо ҳамма ерда мавжуддир. Ҳаётда эришиш мумкин бўлган энг нодир, энг қиммат ҳолат Кришна онгига эга бўлган киши учун муҳайё бўлади. *Тасайаҳам сулабхаҳ партҳа нитайа-йуктасия йогинаҳ*: "У ҳамиша йога билан, бхакти-йога билан машғул, шунинг учун у Менга осонлик билан эриша олади. Унинг Менинг олдимга келиши осон". Бошқа қандайдир кийин йўлларни излашнинг нима кераги бор? Бор йўғи мана бу мантрани тақрорланг: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре/Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу мантрани кечак-ю кундуз тақрорлашингиз мумкин. Уни тақрорлашнинг ҳеч қандай қатъий, кийин шартлари йўқ. Кўчада кетаётганингизда, метрода, уйингизда, ишхонада хоҳлаган жойингизда тақрорлашингиз мумкин, бунинг учун ҳеч қандай ҳақ ҳам, солик ҳам тўламайсиз. Нимага шу йога усулидан фойдаланмайсиз?

## Ақлимизни ўзимизга дўст қилиш йўли

*Инсон қобилиягининг энг олий манбаи - ақлми? Ёки ақлдан ҳам устунроқ турадиган илм манбаи мавжудми? 1969 йил февралида Лос-Анжелесда қилган маъruzасида Шрила Прабхупада нима учун инсон ақлини руҳий қувватига бўйсундириши лозимлигини тушунтириб беради. ...*

*Бандхур аттатманас тасйа йенатмаиватмана джиситаҳ*

*Анатманас ту шатрутве вартетатманаива шатруват*

"Ақл(нафс)ини ўзига бўйсундирган кишига у энг яхши дўстдир, аммо бунинг уддасидан чиқолмаган киши учун ақл - энг ашаддий душмандир"(Б.г.6.6).

Барча йога тизимларининг мақсади - ақлни ўзимизга дўст бўладиган қилиб ўзgartиришдир. Моддий қувват таъсири остида

харакат қилувчи ақл - бизнинг душманимиздир, у худди маст киши-нинг ақлига ўхшайди. "Чайтанийа-Чаритамрита"да(Мадхья 20.117) шундай ёзилган: *кришна бхули сеи жива анади-бахирмухха атаива майа таре дейа самсара-духха* - "Кришнани унутган тирик мавжудот қадим замонлардан бери ташки қувват асиригига яшаб келади. Шунинг учун, моддий ҳаёт кечираётган тирик зотга алдамчи қувват(майя) турли-туман мусибатларни дучор этади". Мен - Худонинг бир заррачаси бўлган мангурухман, аммо, ақлим моддий қувват таъсиридан салгина булғанса бас, норози бўлиб, қаршилик қила бошлиман, чунки менга озгина мустақиллик берилган: - "Нимага Худога, Кришнага хизмат килишим керак? Мен - ўзим Худоман!" Ақлим менга шу фикрни сингдирганида ҳолатим бутунлай ўзгариб кетади. Мен хато тушунчалар, алданиш таъсирига берилиб кетаман, натижада бутун ҳаётим ўз маъносини йўқотади. Биз катта-катта давлатларни бўйсундиришга интиlamiz, аммо ақlimизни ўzimizga бўйсундиришга оjizlik қilamiz. Ақlimizни жиловлай олмасақ, ҳатто бутун давлатни бўйсундирсан ҳам, ютқазган бўламиз. Ақlimiz бизнинг энг ашаддий душманимиз бўлиб қолаверади.

Саккиз поғонали йога усули билан - ақлни кўлга олиш учун, уни дўст қилиб олиш ва ҳаётда асосий мақсадга эришиш, ўзига ёрдамчи қилиб олиш учун шуғулланадилар. Ақлни жиловлаб олмай туриб йога билан шуғулланиш - бекорга вақт ўтказиш деган гап: бундай машғулотлар фақат ташқаридан қараганлар учун, кўзбўямачилик учун қилинадиган ишдир. Ақlini жилов-лай олмаган киши ҳамиша энг ашаддий душмани билан ёнма-ён яшаётган бўлади, демак, бутун умри бекорга ўтади. Кимнингдир амрига бўйсуниб яшаш тирик зотнинг табиатига хос сифатдир. Ақли жиловланмаган киши ўз эҳтиросининг, ғазабининг, нафсининг ва бошқа ҳиссиётларининг қули бўлиб қолаверади. Аммо, ақlini енга олган киши ўз хоҳиши билан ҳар бир тирик зот қалбida мавжуд бўлган Олий Рух(Параматма)нинг иродасига бўйсунишга рози бўлади. Ҳақиқий йога билан шуғулланиб юрган одам қалбидаги Параматма билан алоқа қилиши ва Унинг амрига бўйсуниши лозим. Кришнани англаш йўлига кирган киши учун эса, Худонинг барча қонунларига сўзсиз бўйсунишдан табиийроқ нарса йўк.

*Житатманаҳ прашантасайя параматма самахитаҳ  
Шитошна-сукха-духкхешу татха манапаманайоҳ*

"Ақlini жиловлаган киши қалбидаги Худо(Параматма)га эришган ва ҳаловат топган ҳисобланади. Ундей инсон учун фам ва шодликнинг, иссиқ ва совуқнинг, шон-шуҳрат ва шармандаликнинг ора-

сида фарқ қолмайди, у бу вақтингчалик нарсаларга эътибор бермайди.(Б-г. 6.7)

Аслини олганда ҳар бир тирик мавжудот қалбиди Параматма шаклида мавжуд бўлган Олий Шахс-Худонинг амрига бўйсуниши лозим. Ташки қувват ақлимизни адаштирган заҳоти моддий фаолият билан шуғуллана бошлаймиз. Шунинг учун бирон бир йога усули ёрдамида ақлимизни жиловлай олсақ, мақсадга эришдик деб хисобласак бўлади. Барибир кимнингдир амрига бўйсунишга мажбурмиз, аммо, agar фикримиз олий, руҳий табиатга фарқ бўлган бўлса, қалбимизда туриб бизга йўл кўрсатаётган Худонинг амрига бўйсунамиз. Ақлимиз шу Олий кучнинг, Худонинг мавжудлигини тан олиши ва Унга бўйсуниши лозим. Ақлини жиловлаган инсон, Параматма яъни Худонинг амрига бўйсuna бошлайди. Кришнани англаш йўлига кирган киши мана шу илоҳий даражага кўтарилгани сабабли моддий турмуш тарзининг баҳт ва баҳтсизлик, иссиқ ва совуқ сингари ҳар қандай ҳолатлари таъсиридан азоб чекмайди. Бундай ҳолатни *самадҳи* яъни, бутун фикрини Худои Таолода мужассам қилиш деса ҳам бўлади.

*Жнана-вижнана-триптатма қута-стхо виджстандрийаҳ*

*Йукта ити учайте йоги сама-лоштрашма-канчанаҳ*

"Олган илми ва руҳий табиатини англағани туфайли тўла осойишталикка эришган кишини йога(мўъжизакор) деб атайдилар. Ундай инсонни: -"ўзлигини тўла англаб етган".- деб гапирадилар. Бундай инсон илоҳий даражага кўтарилган ва ҳақиқий ўзлигига эга. Ундай одам учун тош, гавҳар ва олтин орасида фарқ қолмайди".(Б-г.6.8)

Агар инсон олий Мутлақ Ҳақиқатга эришиш билан қувватланмаган бўлса, китоблардан олган илмининг фойдаси йўқ. "Падма Пурана"да шундай шеър келтирилган:

*Атаҳ шри-кришна-намади на бхавед грахийам индрийаҳ*

*Севонмуҳе хи джихвадау свайам эва спхурати адаҳ*

"Ҳеч ким ўзининг моддий унсурлар билан булғангандан ҳистийулари ёрдамида Шри Кришнанинг номи, қиёфаси, ўйинлари ва сифатларининг илоҳий табиатини англаб ета олмайди. Факат Худога илоҳий хизмат қилиш шарофати билан илоҳий даражага етгандан сўнггина унга Парвардигорнинг илоҳий номлари, сиймоси, сифатлари ва ўйинлари намоён бўлади".

Бу жуда муҳим. Биз Кришнани Олий Шахс -Худо деб биламиз. Нимага биз Уни Худо деб тан оламиз? Чунки, бу ҳақиқатни биз ведавий асарлардан ўқиганмиз. Масалан, "Браҳма-самҳита"да шундай дейилган: *ишиараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чиҳ-ананда-виграҳаҳ* - "Кришна олий Ҳукмдордир. Унинг илоҳий лаззатга ва илмга тўла

мангу танаси бор". Ҳирс ва ғафлат гуналари таъсири остида бўлган кишилар ўз ҳаёлларида Парвардигор қиёфасини тасаввур қилишга интиладилар. Бунинг уддасидан чиқолмаганларидан сўнг эса:- "Худо шахс эмас. Унинг қиёфаси йўқ, У - бўшлиқдир!" - деб даъво қиласидилар. Бу уларнинг омадсизликларининг исботидир.

Аслида Парвардигорнинг шахси, шакли, қиёфаси мавжуд. Нимага Унинг қиёфаси бўлмаслиги керак? "Веданта сутра"да шундай дейилган: *жанмади асайа йаташ* - "Олий мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаидир". Масалан, бизнинг қиёфамиз бор. Фақат биз эмас, барча тирик мавжудотларнинг қиёфаси бор. Бу қиёфалар каердан пайдо бўлган? Каердан келиб чиккан? Бу ўз-ўзидан, мантиқий пайдо бўладиган саволлардир. Агар Худонинг Ўзи шахссиз, қиёфасиз бўлса, бизлар - Унинг фарзандлари каердан шахс бўлиб қолдик? Агар отам шахс сифатига эга бўлмаса, мен қандай қилиб шахс сифатига эга бўламан? Агар отам ҳеч қандай қиёфага эга бўлмаса, мен қаердан қиёфага эга бўлиб қолдим? Шунга қарамай, одамлар қиёфалари, яъни моддий таналари уларнинг азоб-уқубатлари манбаи эканини кўрганларида, ўзларининг қиёфа тўғрисидаги аввали тушунчаларини рад этадилар ва "Худо қиёфага эга бўлмаслиги керак!", деган хulosага келадилар. Аммо, "Брахма-самхита" бундай хulosани инкор этади. Худонинг қиёфаси бор, аммо Унинг қиёфаси мангум, илмга ва лаззатга тўла. *Сач-чит-ананда-виграҳаҳ*. *Сат* - "мангу", *чит* - "илм", *ананда* - "лаззат" деган маъноларни англатади. Демак, Худонинг руҳий танаси бор, ва Унинг танаси илм ва лаззатга тўла, мангум.

Энди танамизни Парвардигорнинг танаси билан таққослаб кўрамиз. Танамиз мангум эмас, лаззатга ҳам, илмга ҳам тўла эмас.

Демак, қиёфамиз Парвардигорнинг қиёфасидан фарқ қиласиди. Аммо, гап шундаки, тана ҳакида фикр юритган пайтимизда, барча таналар ҳам бизнинг танамизга ўхшаган бўлади, деб ўйлаймиз. Шу тарзда, Худонинг ҳамма нарсаси бизникига қарама-қарши, демак, Унинг танаси бўлмаслиги керак, деган хulosага келамиз. Аммо бу фақат фикр юритиш, мулоҳаза, тахмин холос, аниқ илм эмас. "Падма Пурана"да шундай ёзилган: *шри-кришина-намади на бхавед грахйам индрийайах* - "Моддий ҳис-туйғулар ёрдамида Парвардигорнинг қиёфасини, номини, сифатларини ва кароматларини англаб бўлмайди". Бизнинг ҳиссиётимиз мукаммал эмас, шундай экан биз Худони, Унинг шахсини, юзини кўра оламизми? Бунинг иложи йўқ.

Парвардигорни қандай кўрса бўлади? *Севонмухе хи жихвадау* - агар биз ҳиссиётимизни бунга тайёрласак, агар уларни покласак, по-

кланган ҳиссиёт ёрдамида Худони кўра оламиз. Ҳозир қўзларимиз гафлат пардаси билан қопланган, ана шу парда бизга Худони кўришга халақит беради. Бу эса, биз ҳеч нарсани кўра олмаймиз дегани эмас, - биз шу қўзимиз билан Худони кўра олмаймиз дегани. Шундай қилиб, ҳозир Худонинг қиёфасини кўра олмаймиз, аммо қўзимиздан ана шу гафлат пардасини олиб ташласак, Худони кўра оламиз. "Браҳма Самхита"да шундай ёзиган: *преманжана-ччхурита-бхакти-вилочанена сантаҳ садаиша хридишешу вилокайанти* - "Кўзларига Худога нисбатан муҳаббат малҳами сурилган солихлар Парвардигорни кечаю-кундуз ўзларининг қалбida кўриб юрадилар". Шунинг учун ҳиссиётимизни поклашимиз лозим. Шунда Худонинг юзини, Унинг номини, сифатларини, даргоҳини ҳар ерда, ҳамиша кўриб юришга қодир бўламиз.

Ведавий битикларда Худонинг сиймоси ҳақида жуда кўп гапирилган. Масалан, Худонинг оёғи, қўллари йўқ, аммо Унга тақдим қилган нарсаларни қабул қила олади: *апани-падо жавано грихита*. Яна айтилганки, Унинг кўзлари, қулоқлари йўқ, аммо, У ҳамма нарсани кўриб, эшитиб туради. Бу ерда худди қарама-қаршилик борга ўхшайди: биз бироннинг кўриб турганини эшитсак, унинг ҳам худди бизнига ўхшаган кўзлари бўлиши керак деб ўйлаймиз. Моддий тасаввуримиз ана шундай. Худонинг ҳақиқатан ҳам кўзлари бор, аммо Унинг кўзлари бизнидан фарқ қиласди. У ҳатто қоронғуда ҳам кўра олади, биз эса кўра олмаймиз. Худо эшитади ҳам. Парвардигор Ўз даргоҳида, биздан миллионлаб километр узоқда жойлашган, аммо У ҳатто шивирлаб айтган гапларимизни ҳам эшитади, чунки У қалбимиизда ҳам мавжуддир. Шу боис, Худо кўрмасин ҳам, эшитмасин ҳам, бизга тегмасин ҳам дея, Худодан қочиб қутула олмаймиз. "Бҳагавад Гита"да Худованд Кришна шундай дейди:

*Патрам пушпам пхалам тойам йо ме бхактия прайаччхати  
Тад ахам бхакти-упахритам ашнами прайататманаҳ*

"Агар инсон Менга муҳаббат ва садоқат билан япроқ, гул, мева ва сув таклиф этса, Мен уларни тановул қиласман". У қандай қилиб ейди? Биз Унинг еганини кўрмаслигимиз мумкин, аммо У тортиғингизни ейди. Биз буни ҳар куни сезамиз. Барча қоидаларга риоя қилиб Кришнага таклиф этганимизда, таомнинг мазаси бутунлай ўзгариб кетганини ҳар куни сезамиз. Буни ўзингиз синааб кўришингиз мумкин. Парвардигор таом ейди, аммо У ҳамиша Ўзига тўқ, тўла бутун бўлгани учун бизга ўхшаб емайди. Агар менга бирор тарелка овқат берса, унинг ҳаммасини ейман, аммо Худо оч эмас, шунинг учун У еганида овқатни қандай бўлса шундайлигича қолдиради. *Пур-*

*насайа турнам адайа турнам эвавашиштате:* Худо Ўзига тўқ, тўла бутундир. Шунинг учун У тановул қилганида тақдим этган овқатнинг ҳаммасини ейиши мумкин, аммо бундан овқат камайиб қолмайди. У кўзлари билан ейиши мумкин. Бу ҳақда "Браҳма Самхита"да айтилган: *ангани йасайа сакалендириа-вритти манти* - "Парвардигор тана-сининг ҳар бир қисми бошқа қисмларининг вазифасини ҳам бажара олади". Масалан, бизлар кўзларимиз билан кўра оламиз, аммо улар билан овқат ея олмаймиз. Аммо, Худо тақдим қилинган овқатни шунчаки нигохи билан уни ея олади.

Албатта, ҳозир бунинг ҳаммасини тушуна олмаймиз. Шунинг учун "Падма пурана"да айтилганки, Парвардигорнинг номи, қиёфаси, ўйинлари, сифатлари инсон Унга илоҳий хизмат қилиш билан вужудини поклаб, руҳий даражага кўтарилигиндан сўнг намоён бўлади. Ўз уринишларимиз билан Худони англаб ета олмаймиз, лекин Худонинг Ўзи бизга намоён бўлишга қодир. Ўз ҳолимизча Худони кўришга уриниш, худди кечаси қуёшни кўришга уриниш билан баробар. Кечаси,- "менинг жуда катта фонарим бор, мен қуёшни топа оламан!", - деб ўйлаганимиз билан, барибир қуёшни кўра олмаймиз. Аммо қуёшни эрталаб, унинг ўзи пайдо бўлганда бемалол кўрсан бўлади. Худди шунингдек, ўзимиз Худони кўра олмаймиз, чунки ҳиссиётимиз мукаммал эмас. Биз - ҳиссиётимизни поклашимиз ва Худонинг марҳамат кўрсатишини кутишимиз лозим. Мана шу Кришнани англаш усулидир. Худодан талаб қила олмаймиз: - "Эй Худо, эй Кришна, Сен менинг олдимга келишинг шарт. Мен Сени кўришни истайман!" Йўқ. Худо амримизга бўйсунадиган хизматкор эмас. Уни хизматимиз билан рози қилсан, албатта Уни кўра оламиз.

Шундай қилиб, бизнинг усулимиз Уни рози қилишга, Уни мамнун қилишга ва шу туфайли Унинг Ўзини бизга намоён этишга қаратилган. Мана шу ҳақиқий йога. Шуни билмасдан одамлар ҳар хил сохта "Худо"ларга сифинадилар. Улар Худони кўра олмайдилар. Шунинг учун ўзини "Худо" деган ҳар бир одамни тан олаверадилар.

Улар Худонинг ким эканини билмайдилар ҳам. Баъзилар: - "Мен ҳақиқатни излаб юрибман"- дейиши мумкин. Аммо, у ҳақиқат нима эканини билиши керак. Акс ҳолда у ҳақиқатни қандай излайди, қандай топади? Масалан, олтин олмоқчи бўлсан, ҳар ҳолда унинг қандайлигини, озгина бўлса ҳам билишим керак. Бўлмаса алдаб кетишиади. Худди шу сингари, бу одамларни ҳам алдайдилар: улар ҳар қандай ярамасларни Худо деб қабул қиласверадилар, чунки Худонинг қандайлигини билмайдилар. Ҳар қандай одам келиб ўзини Худо деб ёълон қилиши мумкин, шунда унинг ўзига ўхшаган, унинг Худолиги-

ни тан оладиган аҳмоқлар албатта топилади. Ўзини Худо деб эълон қилган ҳам, унинг Худолигига ишониб юрган одам ҳам гирт аҳмоқ. Унданай йўллар билан Худога эришмайдилар. Худони кўриш, Уни англаб етиш, Унга эришиш учун тайёргарлик кўриш керак. Бундай тайёргарликни Худони, Кришнани англаш йўли билан кўриш мумкин. *севонмухке хи жихвадау свайам эва спхурати адаҳ*. Агар ўзимизни Худога хизмат қилишга бағишиласак, Уни кўришга тайёрланган бўламиз. Бунинг бошқа йўли йўқ.

"Бҳагавад Гита"да Кришнани англаш илми берилган. Одатдаги, дунёвий маълумот ёрдамида ҳеч ким Кришна онгига эга бўла олмайди. Бирорнинг фан кандидати ёки фан доктори деган унвони борлиги ҳали у "Бҳагавад Гита"ни тушуна олади, дегани эмас. Бу илоҳий илм, ва уни ғафлат босган ҳиссиёт билан англаб бўлмайди. Ҳиссиётимизни Кришнага хизмат қилиш билан поклашимиз лозим. Акс ҳолда машхур олим - доктор ёки профессор ҳам - Кришнани тушунишда катта хатоликларга йўл кўяди. У бундан ҳеч нарса тушумайди, чунки у бунга қодир эмас. Шунинг учун ҳам Кришна моддий оламга Ўзи қандай бўлса шундайлигича ташриф буюради. У туғилмаган(*аджсо пи санн авйайама*), аммо У, Худонинг ким эканлигини билишимиз учун бу дунёга келиб туради. Лекин хозир бу дунёда шахсан Ўзи иштирок этаётгани йўқ, шунинг учун Уни фақат Кришна онгига эга бўлган одам билан учрашган кишигина англай олади. Кришнани англаган киши мукаммал илмга эга: бу илмни у Кришнанинг кўрсатган марҳамати билан эгаллаган, чунки у ўз хизмати билан Кришнани мамнун қила олган. Шунинг учун биз ўз хизматимиз билан Кришнани мамнун қилиб, Унинг марҳаматига сазовор бўлишга интилишимиз лозим. Шунда Кришнани англай оламиз, шунда Кришнани кўра оламиз, шунда Кришна билан сўзлаша оламиз - бошқача қилиб айтганда - барча орзуларимизга эришамиз.

Кришна - шахс. У - олий шахс. Ведавий муқаддас китоблар шуни тасдиқлайди: *нитийо нитийанам четанаши четананам* - "ҳаммамиз - мангуч шахслармиз, Худо эса мангуч олий Шахс". Биз туғилиш ва ўлишга маҳкуммиз, чунки моддий танага қамалганмиз. Аммо, аслида табиаттан мангуч рух бўлганимиз учун ҳеч қачон туғилмаймиз ва ҳеч қачон ўлмаймиз. Ўз истакларимизга биноан ва қилган ишларимизга мос равишда бир танадан иккинчи танага, кейин учинчи ва ҳоказо таналарга ўтиб юрамиз. Аслида ўлмаймиз ҳам, туғилмаймиз ҳам. "Бҳагавад Гита"да бу ҳақда шундай дейилган(2.20): *на жайате мрийате ва* - "тирик мавжудот ҳеч қачон ўлмайди ва ҳеч қачон туғилмайди". Худди шу сингари Худо ҳам мангудир. *Нитийо нитийа-*

нам четанаши четананам . "Худо - барча тирик зотлар ичиде энг олий тирик зотдир, бошқа барча мангу шахслар ичиде мангу Олий Шахсдир". Шундай қилиб, Кришнани англаш жараёни билан шуғулланиб, ҳиссиётимизни покласак, мукаммал мангу тирик Зот билан мангу мұносабатимизни қайта тиклай оламиз. Шунда биз Худони күрамиз.

Илохий илмни түлиқ әгаллаб камолотта эришамиз. Илохий илмни чукур ўзлаштирган одам ҳамиша ўз фикрида, иймонаида, эътиқодида мустаҳкам қолади, лекин фақат дунёвий илмгагина эга бўлган кишининг эътиқоди хаётда учраган ҳар хил қарама-каршиликлар таъсири остида дарров ўзгаради. Фақат ўзининг ҳақиқий ўзлигини англашган кишигина ўзини ҳамиша вазмин, бамайлихотир, хотиржам тутади, чунки у бутун ихтиёрини Кришнага топширган бўлади. Ана шундай одам илохий одамдир, чунки унинг илмини ҳеч қандай дунёвий илмлар билан таққослаб бўлмайди. Бундай инсон учун дунёвий илмларни әгаллашдаги унвонларнинг ёки фалсафий сафсаталарнинг йўлда ётган чўп сингари қадри, қиммати йўқ.

Агар ихлос билан, камтарин ҳолда, муҳаббат билан Худога савимий хизмат қила бошласа, ҳатто саводсиз одам ҳам Худони англашетиши мумкин. Айни пайтда, ҳатто жуда илмли бўлган одам ҳам Худони англай олмаслиги мумкин. Худо ҳар қандай моддий шартшароитлардан устун, чунки У - Олий Руҳдир. Худони англаш жараёни ҳам ҳеч қандай моддий шартшароитларга боғлиқ эмас. Камбағал одам Худони англай олмайди, факат бадавлат одам Худони англайди, деган фикр нотўғри. Йўқ. Парвардигор учун бизнинг моддий шартшароитларимизнинг умуман аҳамияти йўқ(апратихата).

"Шримад Бҳагаватам"да (1.2.6.) шундай дейилган:*са вай пумсан паро дхармо йато бхактир адхокшаджे* - "Инсонда Худога нисбатан муҳаббатни ривожлантирадиган, Унга холис хизмат қилиш йўлидан борища ёрдам берадиган дин - энг яхши диндир". "Шримад Бҳагаватам"да энг яхши дин индуизмдир, христианликдир ёки исломдир деб айтилмаган. Унда - инсонда Худога нисбатан муҳаббатни ривожлантирадиган, Унга холис хизмат қилиш йўлида ёрдам берадиган дин - энг яхши диндир, дейилган. Вассалом. Диннинг энг осон кўрсаткичи, меъзони ана шундай. Биз қайси дин яхши, қайси дин ёмон эканини кўрсатишга уринмаймиз. Маълумки, моддий дунёда табиатнинг уч хил гунаси мавжуд(эзгулик гунаси, ҳирс гунаси ва ғафлат гунаси), ва ҳар қандай диний таълимот мана шу гунага мос равища қурилган. Диннинг мақсади - Худони англашга ва уни севишишга ўргатишдир. Худони севишишга ўргатадиган ҳар қандай дин - мукаммал диндир. Акс ҳолда дин - дин эмас, афюн. Қандайдир диний

акыдаларга биз бекаму-күст амал қилишимиз мумкин, аммо агар қалбимизда Парвардигорга нисбатан ҳеч қандай муhabbat ҳиссини сезмасақ, аксинча моддий нарсаларга боғлиқлигимиз кундан кунга кучаяётганини сезсак, - демак, бу ҳеч қандай дин эмас, бошқа бир нарсадир.

"Шримад Бҳагаватам"нинг шу шеъри охирида, диний маросимларни холис, ҳеч нарса таъма қилмасдан мунтазам (*ахаитуки апратихати*) бажариб юриш керак, дейилади. Агар ана шундай динга эътиқод қилсақ, ҳақиқий баҳтга эришганимизни сезамиз. Бундан бошқа баҳт бўлиши мумкин эмас. *Са вай пумсан паро дхармо йато бхактир адхокшаадже.* Худонинг номларидан бири - Адхокшаджа. Адхокшаджа - "моддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган Зот" деганидир. Акшаджа - "бевосита тажриба ёрдамида сезиш", адҳах - эришиб бўлмайдиган" деган маънени англатади. Биз Худога тажриба йўли билан эриша олмаймиз. Йўқ. Унга бошқача йўл билан - Унинг илоҳий номлари товушини тинглаб, камтарин, мўмин ҳолда Унга илоҳий хизмат қилиш йўли билан эришиш мумкин. Биз факат шу йўл билангина Парвардигорга эришишимиз мумкин.

Агар дин қоидалари бизга Худони севишга ёрдам берса, улар мукаммалдир. Аммо бизнинг муҳаббатимиз холис бўлиши керак. Агар: - "Мен Худони севаман, чунки У ҳиссиётим талабларини қондиришим учун менга шунча нарсалар бериб қўйибди" - деб ўйласам, бу муҳаббат эмас. Ҳақиқий муҳаббат ҳар қандай таъмагирликдан холи(ахайтуки). Биз: -"Парвардигор улуғdir, Парвардигор - менинг отам. Уни севиш - менинг бурчим". - деб ўйлашимиз керак. Муҳаббатда ҳеч қандай савдога ўрин йўқ: - "Парвардигор менга ризқрўз, насиба бериб қўйибди, шунинг учун мен Уни севаман!" Мутлақо ундай эмас. Худои Таоло ҳатто ҳайвонларга ҳам, итларга, мушукларга ҳам ризқ бериб қўйибди. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг отаси, ва У хамманинг ризкини бериб қўйибди. Шундай экан, бизларга ризқ бериб қўйгани учунгина Парвардигорга раҳмат, шукронга айтиш, ҳали муҳаббат дегани эмас. Муҳаббат таъмагирлик асосида бўлмаслиги керак. "Агар Худо менинг ризкимни қирқиб қўйса ҳам, барибир мен Уни севаман!" - деб ўйлаш керак. Мана шу ҳақиқий муҳаббат бўлади.

Чайтания Махапрабху шундай дейди:-*ашишия ва пада-ратам пинашту мам адаршанан марма-хатам кароту ва* - "Эй Парвардигор, Сен мени Ўз бағринга олишинг ёки оёғинг остида тепкилашинг мумкин. Ёки айрилиқ ўтида бағримни қон қилиб, менга кўринмаслигинг мумкин. Аммо барибир мен Сени севаман". Мана

Худога бўлган соф муҳаббат. Биз қалбимизда Худога нисбатан ана шундай муҳаббат уйғота олсан, ҳаётимиз лаззатга тўлади. Биз Худонинг Ўзи сингари лаззатга тўламиз. Мана шу ҳақиқий камолот чўққисидир.

## Олий йога

1969 йил қилган ушибу маърузасида Шрила Пррабхупада олий йога усулини таърифлаб беради. Қадимги ведалар таълимотига асосан йога хатха-йога, пранайама(жисмоний ва нафас олии машқлари) ва карма-йогадан бошланиб, бхакти-йогада ўзининг энг олий дараҷасига етади. Бхакти йога - Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиши йогасидир. "Бхакти-йога дараҷасига кўтарилиган киши бошқа барча йога погоналаридан юқори кўтарилиган бўлади".- дейди Шрила Пррабхупада.

*Йогинам апи сарвешам мад-гатенантаратмана  
Шраддхаван бҳаджсате йо мам са ме йуктатамо матаҳ*

"Барча йоглар орасида мустаҳкам иймон билан ҳамиша Менда бўлиб, Мени эслаб юрган, Менга илохий муҳаббат билан холис хизмат қилиб юрган одам Менга йоганинг энг мустаҳкам ришталари билан боғланган ва бошқа йогларнинг барчасидан устун туради. Менинг фикрим шундай".(Б-г.6.47.)

Бу ерда аштанга-йога, хатха-йога, гйана-йога, карма-йога ва бхакти йогалар ичида бхакти-йоганинг бошқа йогалардан устун туриши аниқ айтилган. Кришна тўғридан тўғри айтаптики:- "Барча йоглар ичида йогада Мен билан узвий боғланган, чуқур иймон билан Мени эслаб юрган киши бошқа йоглардан устун туради". Бу гапларни Кришна айтиб тургани учун, У Мени деганида биз Кришнани, Худони тушунишимиз лозим. Яъни, ким камолот чўққисига эришишни истаса, йоганинг энг юқори чўққисига кўтарилишни истаса - у Парвардигор онгига, Кришна онгига эришиши керак.

Ана шу жихатдан бу ерда бҳаджсате сўзи катта аҳамиятга эга. *Бҳаджсате* сўзи бҳаджс сўзидан келиб чиққан, бу ибора эса, садоқат билан хизмат қилишни назарда тутади. Одатда бу иборани "таъзим

"қилиш" деб таржима қиласылар, бу эса, иборанинг унчалик аниқ маъносини англатмайди. "Таъзим қилиш" - "хурмат қилиш ёки эҳтиром кўрсатиш" маъноларини англатади. Аммо, энг аввало иймон ва муҳаббат билан Олий Шахс -Худога хизмат қилиш лозим. Бирор обрўли одамга ёки фариштага эҳтиром кўрсатмаган киши хурматсизликда айбланиши мумкин, аммо Парвардигорга хизмат қилишдан бош тортган киши оғир жазога маҳкум бўлади.

"Таъзим қилиш" "садоқат биланхизмат қилиш"дан жуда катта фарқ қиласиди. Таъзим қилиш, сажда қилиш одатда ҳар хил таъмагирлик билан, бирор нарса ният қилиш билан бажарилади. Масалан, бирорта бадавлат одам биздан мамнун бўлса, бирор фойдали иш бериши мумкинлигини билган ҳолда унга таъзим қилишимиз мумкин. Фаришталарга сифиниш ҳам шундай сифинишдан фарқ қилмайди. Одатда одамлар бирор мақсадга эришиш учун фаришталарга сифинадилар, аммо "Бҳагавад Гита"да (7.20) бундай сифиниш қораланади: *камаис таис таир хрита-жсанаҳ прападийанте нйадеватаҳ* - "Фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлган ва эҳтироси(нафси) таъсири остида қолган киши таъмагирлик билан фаришталарга сифинади".

Шундай қилиб, сажда қилиш жараёнида ҳамиша қандайдир таъмагирлик туйгуси иштирок этади, аммо холис хизмат қилишда севган шахсга шодлик келтиришдан бошқа ҳеч қандай ният бўлмайди. Холис хизмат қилиш асосида фақат муҳаббат ётади. Мисол учун, она ўз фарзандини парваришилаётганида у ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламайди, у фақат оналик меҳри-муҳаббати туфайли фарзандини парвариш қиласиди. Унинг фарзандига бошқа бирорлар эътибор бер-масликлари мумкин, аммо у ҳечам бундай қилмайди, чунки у ўз фарзандини севади. Худди шунингдек, Худога хизмат қилиш деганда ҳам, ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламасдан қилинган хизматни тушиши керак. Мана шу Парвардигорни мукаммал англаш бўлади, ҳақиқий динни таърифлаш билан бирга "Шримад Бҳагаватам"да (1.2.6) шундай дейилган: *са вай пумсан паро*

*дхармо йато бхактир адхокиадже* - "Энг яхши дин - киши қалбида Худони англашни ривожлантирадиган, Худога муҳаббат уйғотадиган диндир". Агар инсон қалбида Парвардигорга нисбатан муҳаббат уйғотадиган бўлса, ҳар қандай дин қоидаларига амал қилиш мумкин. Диний қонун-қоидаларнинг мукаммаллиги уларнинг инсонда Парвардигорга нисбатан қанчалик муҳаббат уйғотиши билан баҳоланади.

Аммо, кимдир шахсий манфаатини кўзлаб, "мен мана шу дин қоидаларига амал қилсан, моддий эҳтиёжларимни қоплаб олишим мумкин" - деб ўйласа, унинг дини ҳеч қандай маънога эга эмас. Бу

учинчи нав дин. Инсон қалбida Парвардигорга нисбатан мухабbat уйғотадиган дин энг яхши диндер вa бу мухабbat ҳар қандай шахсий манфаатлардан холи бўлиши ва ҳар қандай тўсиқларга эътибор бермаслиги лозим(*ахаитуки апратихата*). Мана шундай дин - ҳақиқий дин хисобланади ва Кришна "Бҳагавад Гита"нинг олтинчи бобининг охирги шеърида айнан шундай динга амал қилишни маслаҳат беради. Кришнани англаш жараёни - йоганинг энг юқори поғонаси, шу билан бирга у дин сифатида ҳам ҳар қандай нуқсонлардан ҳолидир, чунки унда ҳеч қандай бошқа манфаатлар кўзланмайди. Шогирдларим Кришна уларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришидан умидвор бўлиб хизмат қилиб юрганлари йўқ. Улар ўзларига зарур ҳамма нарсаларга эга бўлишлари мумкин, аммо уларнинг мақсади бу эмас. Албатта улар қийналиб, ночорликда яшайтганлари йўқ, улар ҳеч нарсага муҳтож эмаслар, улар учун зарур ҳамма нарса етарли. Кришнани англаш йўлига кирсам ўзимни қашшоқликка мубтало қиламан, деб ўйламанг. Йўқ. Кришна, Худо бор жойда ҳамма нарса бор, чунки Худонинг Ўзи ҳамма нарсанинг яратувчисидир. Аммо биз Кришнадан талаб қилмаслигимиз лозим: -"Кришна, менга уни бер, Кришна менга буни бер!" Худди, отаси фарзандига нима зарурлигини боласидан яхшироқ билгани сингари, Кришна бизга нима кераклигини биздан кўра яхшироқ билади. Ундан бирор нарса сўрашимизнинг нима кераги бор? Худо ҳамма нарсага қодир. У керак бўлган нарсаларни, эҳтиёжимизни яхши билади. Буни ведавий битиклар тасдиқлайди: *эко баҳунам йо видадхати каман* - "Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг эҳтиёжларини қондиради".

Биз эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан Худони севишга харакат қилишимиз лозим. Худо бизга зарур бўлган ҳамма нарсани беради. Ҳатто ит ва мушуклар ҳам ўзларига зарур нарсалар билан таъминланган. Улар черковларга бориб Худодан ҳеч нарса сўрамайдилар, аммо барibir керак нарсалар билан таъминланган. Шундай экан, наҳотки Худо Унга холис, беминнат хизмат қилиб юрган солиҳ бандасини зарур нарсалар билан таъминламаса? Ҳатто ит ва мушуклар ҳеч нарса сўрамасалар ҳам, ҳаёт учун зарур ҳамма нарсага эга бўлар экан, нега энди биз Худодан ҳар хил нарсаларни талаб қилишимиз керак: "Менга уни бер, менга буни бер!" Йўқ, асло бундай қилиш керак эмас. Биз фақат Уни севишга ва Унга холис хизмат қилишга харакат қилишимиз лозим. Шунда тўлиқ ҳаловатга эришамиз, мана шу йоганинг энг юқори поғонаси бўлади.

Худога хизмат қилиш бизнинг табиий ҳолатимиз. Мен Худонинг ажралмас бир заррачаси бўлганим учун Унга хизмат қилиш - менинг

бурчим, вазифамдир. Бунга бармоқ ва танани мисол қилиб күрсатиш мүмкін. Бармоқ тананинг ажралмас бўлаги. Бармоқнинг вазифаси нимадан иборат? Унинг вазифаси - бутун танага хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Агар бирор жойингиз қичиётганини сезсангиз, бармоғингиз дарров ишга киришади. Агар бирор нарсани кўришни хоҳласангиз, кўзларингиз дарров ишга тушади. Агар бирор жойга боришини истасангиз - оёкларингиз харакатга келиб, сизни элтиб қўяди. Шундай қилиб, тананинг алоҳида қисмлари бутун танага хизмат қилади.

Худди шунга ўхшаш, барчамиз - Худонинг ажралмас заррачаларимиз ва бизнинг ягона вазифамиз - Унга хизмат қилишдир. Тананинг алоҳида бўлаклари бутун танага хизмат қил-ганда тананинг қуввати ўз-ўзидан барча аъзоларига етиб боради. Худди шундай Кришнага, Худога хизмат қилганимизда ўз-ўзидан ҳаёт учун зарур бўлган барча эҳтиёжларимизни қондирган бўламиз. *Йатха тарор мула-нишишечанена*: агар дарахтнинг илдизига сув қўйсангиз, унинг қуввати шоҳалари ва баргларига ҳам бориб етади. Худди шунингдек, Кришнага, Худога хизмат қилиш билан бутун оламга хизмат қилган бўламиз. Ҳар бир тирик мавжудотга алоҳида хизмат қилишнинг ҳожати йўқ.

Бундан ташқари, Худога хизмат қилар эканмиз, албатта барча тирик жониворларга,- факат одамларга эмас, ҳайвонларга ҳам меҳрибон бўламиз. Шунинг учун, Худони англаш, Кришнани англаш - диннинг энг юқори поғонасиdir. Агар биз Кришна онгида бўлмасак, бошқа тирик мавжудотларга раҳмимиз келмайди, Кришнани, Худони англаш бизнинг бошқа тирик зотларга бўлган меҳримизни чексиз кучайтиради.

Ҳар бир тирик зот Парвардигорнинг ажралмас заррачаларидир, шунинг учун ҳар биримизнинг вазифамиз - ҳар ким ўз имконияти ва қудрати етганича Худога хизмат қилишдир. Агар бундан бош тортсақ, албатта ҳалокатга маҳкум бўламиз. Бу "Шримад Ҷагатам"да тасдиқланган:(11.5.3.)

*Йа эшам пурушам сакиад атма-прабхавам ишварам*

*На бҳаджанти аваджсананти стханаад бҳраштах патанти адҳаҳ*"Ўзининг бурчини бажармай, барча тирик зотларни яратиб қўйган азалий Парвардигорга хизмат қилмаган ҳар қандай одам албатта ҳалокатга учрайди ва ўзининг асл ҳолатидан маҳрум бўлади". Биз қандай қилиб ҳалокатга учраймиз ва ўзимизнинг табиий ҳолатимиздан маҳрум бўламиз? Бу ерда ҳам тана ва бармоқни мисол келтириш мумкин. Агар бармоқ жароҳатланиб танага хизмат

қилолмайдиган бўлиб қолса, у танага фақат азоб келтиради. Худди шундай, Худо учун хизмат қилмайдиган ҳар бир одам Парвардигорга ташвиш, озор келтиради, холос. Ундан одамнинг ўзи, худди давлат қонунларини бузган жиноятчи сингари, азоб-укубатга маҳкум бўлади. Жиноятчи ҳокимиятни ташвишга солади ва эртами-кечми ўзи ҳам барибир жазоланади. Ундан одам ўзини яхши одамман деб хисоблаши мумкин, аммо давлат қонунларини бузгани учун у ҳукуматни ташвишга солади. Буни тушуниш қийин эмас. Худди шундай, Худога холис хизмат қилмайдиган ҳар қандай тирик зот Унга озор беради. Худога озор бериш - гуноҳи азимдир.

Ҳукумат ўзига бўйсунмайдиган одамларни қамоқхонага ташлайди:- "Сизлар жиноятчисизлар, ҳукуматга садоқат биланбўлган бошқа одамларни безовта қилмасликларингиз учун қамоқда ўтиришларингиз керак!" Худди шундай, Худонинг қонунларини бузиб, Унга ташвиш келтирган жиноятчиларни Худо ҳам азоб укубатларга тўла моддий оламга юборади.- *Стханад бхраштах патанти адхаҳ* - улар ўзларининг руҳий оламдаги табиий ҳолатларидан маҳрум бўлиб, моддий оламга тушадилар. Яна бармоқ ва танани мисол келтириш мумкин. Агар сизнинг бармогингиз қаттиқ жароҳатланган бўлса, врач сизга:- "Бармогингизни кесиб ташлаш керак. Акс ҳолда бутун тананинг касалланиши мумкин" - деб маслаҳат беради. *Стханад бхраштах патанти адхаҳ* - бармоқни кесиб ташлайдилар, шунда бармогингиз тананинг бир бўлаги бўлган ўзининг табиий ҳолатини йўқотади.

Худони англаш қонунларини рад этиб бизларнинг барчамиз мана шу моддий оламга тушдик. Агар биз ўзимизнинг аввалги табиий ҳолатимизни қайта тикламоқчи бўлсак, яна Унга хизмат қила бошлайшимиз керак. Мана шу энг ишончли дармон бўлади. Акс ҳолда азоб-укубатларга дучор бўлаверамиз, биз учун Худо ҳам озор чекади. Моддий оламда биз Худонинг ёмон фарзандлари вазифасини бажарайпмиз. Агар фарзанд ёмон бўлса, унинг ўзи ҳам, отаси ҳам қийналади. Худди шундай, биз қийналсак, Худо ҳам қийналади. Шу боис энг яхшиси, - ўзимизнинг аввалги, азалий онгимизни, ўзимизда Кришна онгини қайта тиклаш ва умримизни Худога хизмат қилишга бағишлиашдир.

"Шримад Ҷагаватам"да ишлатилган *аваджсананти* сўзи, "Ҷагавад Гита"да ҳам ишлатилган(9.11), унда Кришна шундай дейди:

*аваджсананти мам мудха манушам танум ашритам  
парам бхавам аджсананто мама бхута-махешварам*

"Бу оламга инсон қиёфасида ташриф буюрганимда, аҳмоклар Менинг

устимдан куладилар. Улар Менинг табиатим илохий эканини ва Менинг бутун борлик хукмдори эканимни билмайдилар". Фақат аҳмоқ, ярамасларгина Олий Шахс-Худо, Парвардигор Кришна устидан кулишлари мумкин. *мудха* сўзи "аҳмоқ", "ярамас" деган маънони билдиради. Фақат ярамас, аҳмоқ одамгина Кришнага, Худога бефарқ қарайди. Ўзининг ана шундай бефарқлиги учун жавоб беришини ҳаёлига ҳам келтирмай, аҳмоқ одам Худони, Кришнани тан олмасликка журъат этади. Ярамас одам Худонинг ҳамма нарсадан устун туришини тушунмасдан, қандайдир ўзи ўйлаб чиқарган "Худо"га сифинади. "Худо" сўзининг ҳозирги пайтда шунчалик қадри тушиб кетганки, кўпчилик одамлар: - "мен ўзим Худоман" дейдилар. Ундай ҳолда "Худо" сўзи нимани англатади? Агар ҳар қандай одам Худо бўладиган бўлса, бирорни Худо дейишнинг нима кераги бор?

Бу ерда *аваджсананти* сўзи жуда ўринли. Бу ибора "тана олмайдиган" деган маънони англатади ва "Худо деган ким ўзи, мен ўзим Худоман. Нимага мен Худога хизмат қилишим керак?" дейдиган одамни ифодалашга жуда мос келади. *аваджсананти* - ҳақиқий Худони тан олмаслиқдир. Жиноятчи ҳам ҳукуматга худди шундай муносабатда бўлади:- "Ҳукумат билан менинг нима ишим бор? Мен хоҳлаган ишимни қилишим мумкин. Ҳукумат ким бўлибди?" Мана шу аваджсананти. Аммо, "ҳукумат билан нима ишим бор?" - десак ҳам, полиция бунга лоқайд қарамайди. У бизни жазолаб, азоб беради. Худди шундай, биз Худонинг қонунларини назар писанд қилмасак, моддий табиат бизни жазолайди - туғилиш, касаллик, кексайиш ва ўлиш азоблари билан азобланишга маҳқум этади. Ана шундай азоблардан қутулиш учун биз йога билан шуғулланишимиз лозим.

Барча йогаларнинг энг юқори поғонаси - бҳакти-йога. Бошқа барча йога усуслари мана шу бҳакти-йогага кўтарилишга ёрдам беради. Аслини олганда ҳақиқий йога - бҳакти-йога, бошқа барча йогалар бҳакти-йогага олиб келадиган зинапоялардир. Ўзликни англашнинг карма-йогадан бошланиб бҳакти-йога билан охирига етадиган узоқ йўлдир. Бу йўлнинг аввал боши - карма-йога, яъни ўз фаолияти натижалари билан лаззатланишдан воз кечишдир. Натижасидан лаззатланиш ниятида қилинадиган фаолият гуноҳ ишларни ҳам ўз ичига олади. Аммо карма-йога, гуноҳ ишларни рад этиб, фақат муқаддас китобларда кўрсатилган савоб ишларни бажаришни назарда тутади. Муқаддас китоблар қонуни асосида яшаш - карма-йогадир. Инсон карма-йога билан шуғулланиш натижасида илмга эга бўлиб, ҳаётий ўткинчи, моддий нарсаларни тарқ этганида гйана-йога поғонасига кўтарилилган бўлади. Аста секин гйана-йога муроқабага айланади, бун-

да одам ҳар хил жисмоний машқларни бажариб, фикрини Олий Руҳда мужассам қила бошлайди. Бу погона аштанга-йога деб аталади. Аштанга-йога даражасидан юқори кўтарилиб Олий Шахс-Худо, Парвардигор Кришнанинг Ўзига хизмат қила бошлаган одам йога тузумининг энг юқори погонаси - бҳакти-йогага эришган ҳисобланади.

Аслида бҳакти-йога - йога машғулотининг охирги мақсади, аммо уни тўла тушуниб етиш учун бошқа йога погоналарини ҳам билиш керак. Ҳеч тўхтамасдан энг охирги мақсадни кўзлаб харакат қилаётган йог тўғри йўлда ҳисобланади, аммо, йоганинг қандайдир бир погонасида тўхтаб қолиб, ундан силжимаётган йог - эгаллаган даражасига қараб карма-йог, гайана-йог ёки аштанга-йог деб аталади. Омади келиб бҳакти-йога даражасига кўтарилган киши бошқа барча погоналарни ўтган ҳисобланади. Шунинг учун Кришнани англаш, Кришна онгига эга бўлиш - йоганинг энг юқори погонасида кўтарилиш демакдир. Ҳимолай тоги ҳақида гапирганимизда унинг жаҳондаги энг баланд тоғ эканини ҳамма тушунади, унинг энг баланд чўққиси эса - Эверест чўққисидир.

Агар гайана-йога билан шуғулланиб юрган йог, мен камолотга эришдим, деб юрса, у адашади. У яна ҳам юқорига харакат қилиши лозим. Фараз қилинг, юз қаватли бинонинг энг юқорисига кўтарилишингиз керак бўлса, масалан юзинчи қаватга. Сиз ўтизинчи, эллигинчи, саксонинчи ва ҳоказо қаватлардан ўтишингиз лозим. Аммо, эллигинчи ёки саксонинчи қаватга кўтарилиб - "мен мақсадимга етдим" деб ўйласангиз, адашган бўласиз. Мақсадга эришишингиз учун юзинчи қаватга кўтарилишингиз лозим. Йоганинг барча погоналарини пиллапоя шаклида фараз қилиш мумкин, оралиқ қаватларда тўхтаб қолмаслигимиз керак. Энг охирги мақсад сари - соф Кришна онгига эришгунча тўхтамаслигимиз керак.

Энди фараз қилинг, юзинчи қаватга кўтарилиши керак бўлган киши лифтдан фойдаланиш имкониятига дуч келди - бир пасда у энг охирги қаватда бўлиши мумкин. Албатта ундей одам: -"Менга лифтнинг нима кераги бор? Мен аста-секин зинапоядан кўтарилавераман" - деб айтиши ҳам мумкин. У шундай қилиши мумкин, аммо бунда охирги қаватга етиб бора олмаслиги мумкин. Бҳакти-йога лифтидан фойдалансангиз, бир пасда юзинчи қаватда, йоганинг энг олий погонасида, Кришна онгига тўлиқ эга бўласиз.

Кришнани англаш йўли - тўғри мақсадга олиб борадиган йўл. Погона-погона барча йога тузумлари орқали кўтарилишингиз ҳам мумкин, тўғридан-тўғри Кришнани англаш жараёни билан шуғулланишингиз ҳам мумкин. Ҳозирги даврда айнан шу йўл билан

бориши Худованд Чайтаня тавсия қилган эди: "одамлар ҳозир жуда оз умр күрадилар, ташвишлари кўп, шунинг учун энг тўғри йўл билан борганлари яхши". Ўзининг чексиз марҳамати билан У бизларга Ҳаре Кришна мантрасини инъом қилган. Бу мантра инсонни бир пасда бҳакти-йога поғонасига кўтариб қўяди. Бу жуда тез рўй беради, узоқ кутишнинг ҳожати йўқ. Худованд Чайтаня инъом этган ғаройиб тухфа ана шундай. Шунинг учун, Шрила Рупа Госвами Унга шундай мурожаат қилган эди: *намо маҳа-ваданийа кришина-према-прадайа te* - "Эй Худойим, Чайтаня! Сен Худонинг энг меҳр-муруватли қиёфасисан, чунки Сен Парвардигорга, Кришнага бўлган муҳаббатни сахийлик билан ҳаммага улашяпсан". Одатда инсон қалбida Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотиши учун йоганинг жуда кўп поғоналаридан ўтиши керак, аммо Худованд Чайтаня унга тўғри йўл очиб берди. Шунинг учун ҳам У Парвардигорнинг барча кўринишлари ичida энг муруватлисиdir. Худованд Чайтанйанинг Ўзига хос сифати мана шундай. Бҳакти-йога - Худони мукаммал билишнинг ягона йўлидир. Кришна буни "Бҳагавад Гита"да айтиб ўтган: (18.55) *бҳакти мам абхиджсанати йаван йаш часми таттватаҳ* - "Инсон Менинг, Олий Шахс Худонинг қандайлигини фақат холис хизмат қилиш туфайли англай олади". Ведаларнинг тасдиқлашича, фақат бҳакти, яъни холис хизмат қилиш туфайлигина камолотнинг энг юқори поғонасига кўтарилиш мумкин. Агар кимdir йоганинг бошқа усуллари билан шуғулланмоқчи бўлса, уларда албатта бҳакти-йогадан бирор нарса бўлиши керак, акс ҳолда бирор натижага эришиб бўлмайди. Ҳозир одамларда бошқа ҳар қандай йога усулларининг кўп қонун-коидаларини бажаришга вактлари бўлмагани учун, тўғридан тўғри бҳакти йога усулига - соф холис хизмат қилиш усулига ўтиш тавсия қилинган. Шунинг учун бҳакти-йога, Кришнани англаш йўлига кириб, Ведалар "инсон учун энг яхши ҳолат" деб ҳисоблаган ҳолатга эришган кишини омади келган, энг баҳтиёр инсон деб ҳисоблаш мумкин.

Камолотга эришган йог бутун фикру-хаёlinи Кришнада мужасам қиласи. Унинг ажойиб танаси булат рангини эслатади, нилуфарсимон сиймоси қуёшдек чараклаб туради, либоси эса нур таратувчи дурлар билан безатилган. Унинг кўксини гулчамбарлар безаган, бутун атроф Ундан тараалаётган браҳмажистоти деб аталадиган ёғду билан нурафшон. У Рама, Вараха, ва Олий Шахс-Худо, Кришна каби ҳар хил қиёфаларда намоён бўлади. У инсон қиёфасида, Яшоданинг ўғли кўринишида намоён бўлади, ва Уни Кришна, Говинда ва Васудева деб чақирадилар. У намунали фарзанд, намунали эр, намунали дўст

ва намунали хукмдор. У - барча илохий сифатлар ва комил хислатлар тимсолидир. Парвардигорнинг ана шу Илохий сифатларини ҳамиша тўла билган киши - йоғлар ичida энг яхшисиdir. Барча ведавий битикларнинг тасдиқлашича камолотнинг ана шундай поғонасига фақат бҳакти-йога усули шарофати билан эришиш мумкин.

## **5 - боб. Долзарб муаммолар ва уларнинг руҳий ечимлари**

### **Халқаро бирдамлик маркази.**

1969 йилнинг декабри. Бостонда Халқаро талабалар жамияти аъзолари олдида қилган маъruzасида Шрила Прабхупада дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатишнинг энг қулай, осон ва айни пайтда оқилона усулини таклиф қилди. У шундай деди: - "Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жойлашган иморат олдида янгидан янги байроқлар пайдо бўлаётганига қарамай, миллатлараро муаммолар ҳал бўлмаяпти, чунки сизнинг байналминал қадрияtlарингиз менинг байналминал қадрияtlарим билан тўқнашиб, орада низо пайдо бўлишига сабаб бўляпти. Бу муаммони ҳал қилиши учун бизнинг севишига бўлган эҳтиёжсимизнинг ҳақиқий, умумий марказини топишимиш зарур... Мана шу умумий марказ - *Худои Таоло*, ҳамма учун ягона Парвардигор, Кришина".

Кришнани англаш жамияти ташкил этган ушбу тадбирда иштирок этаётганингиз учун сизларга ўз миннатдорчилигимни изҳор эта-

ман. Менга маълум бўлишича, сизнинг жамиятингиз - "Халқаро тала-балар жамияти" деб аталади. Ҳозир жуда кўп халқаро жамиятлар бор, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Халқаро жамиятлар ташкил этиш ғояси ҳар қандай мақтовга муносибdir, аммо халқаро жамият асосида қандай меъзон бўлиши кераклигини яхши англаш лозим.

Кўлмақдаги сувга тош ташласангиз, унинг атрофидаги айланалар сувнинг энг чеккасигача тарқалади. Радио тўлқинлари ҳам шундай, айланма тўлқинлар бўйлаб тарқалади, сиз радиоприёмнигингиз билан тўлқинларни ушлаб, қандайдир радиоэшилтиришни тинглашингиз мумкин. Бизнинг муҳаббатимиз ҳам худди шу айлана тўлқинлар сингари тарқалиб, кенгайиб боради.

Биз дунёга келгандан кейинги биринчи истагимиз фақат қорин тўйғазиш бўлади. Кичкина гўдак қўлига нима тушса оғзига солади. Унинг шахсий манфаати - қорин тўйғазиш, унинг шундан бошқа иши йўқ. Кейин, сал улғайгандан сўнг у ака-укалари бўлишиб ейишга уриниб кўради: - "Майли, сен ҳам озгина олақол!" Бу жамиятга караб кўйилган биринчи қадамдир. Улгая борган сари у қалбида отаонасига нисбатан, кейин ўзининг юртдошларига, кейин ватанига ва ниҳоят бутун дунё халқига нисбатан муҳаббат уйғотади. Аммо, муҳаббатнинг ҳақиқий маркази топилмаса, агар ҳатто у бутун миллатга ёки бутун жаҳонга қаратилган бўлса ҳам, ундай муҳаббат мукаммал бўла олмайди.

Мисол учун, агар инсон бирор давлатда туғилиб ўсган бўлса, у ана шу маълум миллатга мансуб бўлади. Сизлар бошқа америкаликлар билан биргалигингизни хис қиласиз. Чунки сиз ҳам шу ерда туғилгансиз. Сиз ҳатто ўз ватандошларингиз учун жонингизни курбон қилишингиз мумкин. Аммо, "бирор давлатда туғилган" деган меъзоннинг, яъни миллатни бундай аниқлашнинг нуксони бор: америкада туғилган ҳайвонлар америкаликлар деб аталмайдику!? Бизнинг ҳатоимиз шундаки, биз фақат одамларга нисбатангина қандайдир туйгуларни хис қиласиз. Биз бу ерда туғилган ҳайвонларни ўзларимизнинг юртдошларимиз деб хисобламаймиз, ва шунинг учун уларни күшхона(гўшт комбинат)ларга жўнатамиз. Демак, бизнинг миллий ва байналминал туйгуларимизнинг маркази нотўғри танланган. Агар мана шу марказ тўғри танланган бўлса, унинг атрофига қанчалик айланалар чизманг, улар ҳеч қачон кесишмаган бўларди. Улар фақат каттайиб ривожланиб бораверадилар. Марказ тўғри танланган бўлса, унинг атрофидаги манфаатлар чизиги ҳеч қачон бир бири билан тўқнаш келмайди. Бахтга қарши, гарчи миллий ва бай-

налминал туйғулар ҳар бир инсон қалбида мавжуд бўлса ҳам, мана шу туйғуларнинг ягона маркази йўқ. Сизнинг байналминал туйғунгиз ва мендаги байналминал туйғу, сизнинг миллий туйғунгиз ва мендаги миллий туйғу тўқнашади ва орада низо чиқади. Демак, биз умумий севиш туйғумизнинг ҳақиқий марказини топишимиз лозим. Шунда биз ўз туйғуларимизни қанчалик кенгайтирсак ҳам, уларнинг бошқа бирорларнинг туйғусига тўқнашмаслигига ва низо чиқмаслигига амин бўламиз.

Мана шу марказ - Кришна, Худо. Ягона Парвардигор.

Бизнинг жамиятимиз, Кришнани англаш Халқаро жамияти бутун жаҳон халқларига, уларнинг муҳаббат изхор қилиш туйғуларининг маркази - Кришна, Худо бўлиши лозимлигини ўргатади. Бошқача қилиб айтганда биз одамларни маҳатма, буюк инсонлар бўлишига ўргатамиз. Балки бу сўзни эшитгандирсиз, маҳатма. Бу санскрит тилдаги сўз бўлиб, жуда кенг фикрга эга бўлган, севиш туйғусининг айланаси бениҳоя кенг бўлган кишини билдиради. Ана шундай одам маҳатма бўлади. *Маха* дегани "катта" ёки "буюк", *атма* дегани эса - "руҳ" дегани билдиради. Ўз қалбидаги муҳаббат чегараларини жуда кенг очган киши маҳатма деб аталади.

"Бҳагавад Гита"да ана шундай буюк инсон таърифи келтирилган:

*бахунам жсанманам анте жсанаван мам прападийате  
васудеваҳ сарвам ити са маҳатма су-дурлабхаҳ*

Бу ерда энг аввало билдирилган фикр шундан иборатки, жуда кўп умрлар инсон танасида яшагандан кейингина маҳатма даражасига кўтарилиш мумкин(*бахунам жсанманам анте*). Рух бирин-кетин сон-саноксиз таналарни алмаштиради. 8 400 000 турли ҳаёт шакллари мавжуд, ва инсон танасига эга бўлишдан олдин ана шу таналарнинг барчаси орқали яшаб ўтамиз. Фақат шундан кейин маҳатма даражасига кўтарилиш мумкин. Шунинг учун Кришна: - *бахунам жсанманам анте* - "Жуда кўп умрлар яшагандан кейин маҳатма(буюк инсон) бўлиш мумкин"- дейди.

Шунга ўхшаган шеър "Шримад Бҳагаватам"да ҳам бор: *лабдхва судурлабхам идам баҳу самбхаванте* - "Сиз жуда кўп марта туғилганингиздан кейингина жуда нодир, танқис бўлган инсон танасига эга бўлиш баҳтига сазовор бўлдингиз". Ҳаётда инсон бўлиб туғилиш - камдан кам учрайдиган ҳол. Ит, мушук ва бошқа ҳайвонларнинг танасида туғилиш қийин эмас, аммо инсон танасига эга бўлиш - жуда қийин. Биз 8000 000 марта ҳар хил ҳаёт турларида бир неча бор туғилганимиздан кейин инсон танасига эга бўламиз. Демак, "Шримад Бҳагаватам"да ҳам, "Бҳагавад Гита"да ҳам бир нарса

тўгрисида айтиляпти. Барча ведавий битиклар бир-бирини тасдиқлайдилар, уларни тушунишга қодир одам уларнинг мазмунидан ҳеч қандай тафовут топмайди.

Демак, бошқа таналарда жуда кўп марта туғилиб, яшаганимиздан кейин биз инсон танасига эга бўламиз. Аммо, инсон ҳақиқий ўзлигини англаб етиши учун ҳатто инсон бўлиб ҳам жуда кўп марта туғилиши лозим. Агар инсон бир умри давомида эмас, бир неча умрлар давомида ўзининг руҳий илмини ошириб борса, - у аста-секин илм чўққисини эгаллади: ана шундай илм чўққисига эришган одамни *гіанаван* - "ҳақиқий илм эгаси" деб атайдилар. "Шундан кейин у Менга, яъни Худога ўз ихтиёрини топширади"- дейди Кришна. Мен Кришна деганда Худони, ҳаммани Ўзига жалб этувчи ягона Худовандни, Олий Худо Шахсини назарда тутяпман.

Ҳақиқий илмга эга бўлган киши нимага ихтиёрини Кришнага топширади? *васудеваҳ сарвам ити:* Чunksи, у Васудева, Кришна - бутун борлиқнинг, оламнинг маркази, манбаи эканини билиб олади. Ва ниҳоят - *са маҳатма су-дурлабҳаҳ*. Бу ерда маҳатма ибораси ишлатилган. Жуда кўп умрлар давомида илмини ошира бориб, ниҳоят инсон ўзининг тафаккурини, онгини шу қадар кенгайтирадики, қалбida Худога нисбатан муҳаббат уйғотиб, маҳатма, буюк руҳлар даражасига кўтарилади. Худо буюк, Унинг содиқ хизматкори ҳам буюқдир.

Аммо, Кришннинг айтишига қараганда бундай буюк инсон жуда кам учрайди (са маҳатма су-дурлабҳаҳ). "Бхагавад-Гита"да маҳатма ҳақида ана шундай ёзилган.

Хозир биз муҳаббатимизни ҳар-хил нарсаларга қаратганимиз. Биз ватанимизни, ватандошларимизни, оиласизни, ит ва мушугимизни севишими мумкин. Ҳар холда бизда ниманидир севишга бўлган эҳтиёж мавжуд, аммо нимани севишими бизнинг илмимиз қай даражада мукаммал эканлигига боғлиқ. Биз мукаммал илмга эга бўлганимизда Худони, Кришнани севишга қодир бўламиз. Бу - бизнинг камолот чўққисига эришганимиздир. Худога, Кришнага муҳаббат - бизнинг бутун ҳаётимизнинг, қилаётган амалларимизнинг ягона мақсадидир. "Шримад Ҷхагаватам"да (1.2.8.), яшашнинг мақсади Кришна, Худо экани тасдиқланган.

*дхармах свануштхитах пумсам вишвахсена-катхасу йах  
нотпадайед йади ратим шрама эва хи кевалам*

Бу шеър *дхармах свануштхитах пумсам* сўзлари билан бошланади. Бу дегани, ҳар ким ҳаётдаги ҳолатига қараб ўз вазифасини бажарди. Оиласиз ҳаёт кечираётган уй эгасининг, таркидунё қилган санниси одамнинг ва брахмачарининг белгиланган вазифалари бор. Ҳар

бир одамнинг касбига ва эгаллаган лавозимига яраша бурч ва вазифалари белгилаб қўйилган. Аммо "Шримад Бҳагаватам"да таъкидланиб айтилганки, агар вазифангизни намунали равишда, сидқидилдан бажарсангиз ҳам, Кришнани, Худони англашга интилмасангиз, қилаётган барча ишларингиз бефойда (*шрама эва хи кевалам*). Шунинг учун, агар сиз камолотга эришмоқчи бўлсангиз Худони, Кришнани англаб етишга ва Уни севишга харакат қилишингиз лозим. Шунда сиздаги миллий ва байналминал муҳаббат туйғуси ҳақиқатан ҳам бутун оламни қамраб олади.

Фараз қиласайлик, кимдир: "Ҳозир ҳам менинг муҳаббатим чегара билмайди!" - деб айтиши мумкин. Хўп, аммо ундај одам чексиз муҳаббат туйғусини амалда исботлаши керак. Кришна "Бҳагавад Гита" да шундай дейди : (5.18)

*Видйа-винаиа-самтание брахмане гави ҳастини  
Шуни чайва шванаке ча пандитах сама даршинах.*

Мукаммал илм соҳиби бўлган донишманд назарида барча тирик зотлар баробардир(*сама даршинах*). Унинг тушунчаси фақат тана билангира чекланиб қолмагани учун ўзининг етук илми ва заковати билан ҳар бир жонивор - олим брахман танасида ҳам, ит, фил ва табақаси паст ҳайвонсифат инсон танасида ҳам мавжуд бўлган мангу рухни кўради. Жамиятда ҳар хил табақадаги одамлар бор. Келиб чиқишига караб инсон олий табақага эга брахмандан то чандал - худобехабар, ҳайвонсифат одамгача бўлиши мумкин, аммо ҳақиқий илм эгаси бўлган киши барча тирик мавжудотларга нисбатан бир хил муносабатда бўлади. Мана шу ҳақиқий илмдир.

Биз севгимизни халқимизга, давлатимизга, бир неча давлатга ёки бутун дунёга қаратишими мумкин. Бу бизнинг табиатимизга хос бўлган, онгимизни, дунёқарашимизни кенгайтиришга бўлган интилишдир. Лекин, агар дунёқарашимизни бенихоя кенгайтиришни истасак тирикликтининг, яшашнинг ҳақиқий асосини, негизини, марказини топишга ҳаракат қилишимиз керак, ана шу марказ Кришна, яъни Худодир. Хўп, Кришнанинг ҳақиқатан ҳам Худо эканлигини биз қаердан билами? Кришна "Бҳагавад Гита"да Ўзини Худо деб эълон қилган. Кришнани англаш ҳаракати "Бҳагавад Гита"нинг аниқ талқинига таянган фалсафага асосланади. Менинг гапларимнинг ҳаммаси "Бҳагавад Гита"дан келтирилган. Бахтга карши, "Бҳагавад Гита"ни жуда кўп одамлар нотўғри талқин қилганларки, кўпчилик у ҳақда нотўғри тушунчага эга. Аслида, "Бҳагавад Гита"нинг мақсади кишида Кришна онгини, Кришнага бўлган муҳаббатни ривожлантиришdir ва биз одамларни мана шунга ўргатишга ҳаракат қиламиз.

"Бҳагавад Гита"да Кришна бир неча марта маҳатмалар ҳақида гапиради. Масалан: *маҳатманас ту мам партха дайвим пракритим ашритах*. "Маҳатма - ҳақиқий донишманд ва чуқур тафаккурга эга бўлган инсондир ва у Менинг илоҳий қудратим ҳимоясида бўлади". Унга моддий оламнинг конунлари, қуввати таъсир қилмайди.

Биз кўриб турган ҳамма нарса Худонинг ҳар хил қувватларидан таркиб топган. Упанишадаларда шундай ёзилган: *парася-шактир видихаива шруяте* - "Олий Мутлақ Ҳақиқат, яъни Худо ҳар хил қувватларнинг соҳибидир". Мана шу қувватлар бир бири билан шунчалик мутаносиб ҳолда ҳаракат қиласаларки, ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаётгандек туюлади (*свабхавики жсана-бала-крия-ча*). Масалан, очилаётган гул фунчасини ҳар ким кузатган бўлса керак, биз уни ўзидан-ўзи очилиб чиройли бўлди, деб ўйлаймиз. Аслида ундан эмас, бу ерда Худонинг моддий қуввати ҳаракат қилияпти.

Моддий қувватдан ташқари Кришнанинг руҳий қуввати ҳам мавжуд. Ҳақиқий донишманд, яъни маҳатма Худонинг ана шу руҳий қуввати ҳимояси остида бўлади. Бошқача қилиб айтганда моддий қувват унга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад Гита"да батафсил тушунтирилган. "Бҳагавад Гита"да Кришнанинг ҳар хил қувватларининг қандай ҳаракат қилишини тушунтирадиган жуда кўп шеърлар бор, ва бизнинг мақсадимиз одамларга "Бҳагавад Гита"ни асл ҳолида, ҳар қандай кераксиз изоҳларсиз етказишдир. Қандайдир мунофиқларнинг бемаъни изоҳларига ҳожат йўқ. "Бҳагавад Гита" худди кундай равшан. Қуёшни қўриш учун чироқ ёкиш шартми? Худди шунингдек, "Бҳагавад Гита"ни ўрганишингиз учун сизга қандайдир илмсиз мунофикнинг изоҳлари зарур эмас. Асл ҳолидаги "Бҳагавад Гита"ни ўрганинг, шунда сиз ўзингизга зарур бўлган барча илмга эга бўласиз.

Ҳақиқий донишмандлик даражасига етгандан кейин сиз Худони, Кришнани англай оласиз. Шунда сиз ўз ихтиёрингизни бутунлай Кришнага топшириб, ҳақиқий маҳатма, буюк инсон даражасига етасиз.

Маҳатма нима билан машғул? Маҳатма Худонинг руҳий қуввати ҳимояси остида бўлади, аммо бу унинг кундалик ишларида қандай намоён бўлади? Кришна шундай дейди: *-мам...бхажсанти ана не ма-насаҳ* -"маҳатма ҳамиша Менга холис хизмат қилиш билан машғул". Мана шу маҳатманинг бошқалардан ажralиб турадиган белгисидир: у ҳамиша Худога, Кришнага холис хизмат қилиш билан машғул. Балки у Кришнага кўр-кўронга хизмат қилаётгандир? Йўқ. Кришна айтяптики: *жснатва бхутадим авайайам* - "у Менинг бутун борлиқнинг манбаи

эканимни яхши билади".

Кришна "Бҳагавад Гита"да ҳамма нарсани тўла тушунтириб берган. Халқаро Кришнани англаш жамиятининг мақсади - "Бҳагавад Гита"да берилган мукаммал илмни нотўғри изоҳларсиз, асл ҳолида одамларга етказишидир. Шунда бу илм одамларга фойда келтиради. Ҳозирги инсониятнинг аҳволини соғлом деб айтиш мумкин эмас, аммо одамлар "Бҳагавад Гита" илмини тушуниб етсалар ва дунёкарашларини ҳақиқатан ҳам кенгайтира олсалар барча ижтимоий, миллий ва халқаро муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, барча низолар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Аммо, агар ҳаётнинг негизи, тирикликнинг ҳақиқий маркази нима эканлигини аникламасдан ҳар ким ўз ҳолича дунёкарашини кенгайтиришга ҳаракат қиласа, нафакат алоҳида одамлар орасида, ҳатто халқлар ва давлатлар орасида ҳам низолар чиқиши муқаррардир. Жаҳон халқлари бирлашишга интиладилар, сизнинг мамлакатингизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жойлашган. Афсуски, миллатларнинг бирдамлиги ҳечам таъминланадигани йўқ, аксинча, у ердаги байроқлар сони тобора кўпайиб кетяпти. Ҳиндистон бир пайтлар ягона давлат эди, энди унда Покистон ҳам пайдо бўлди. Бироз вакт ўтгандан кейин яна қандайдир бошқа "истон" пайдо бўлди.

Бирлашаётганимиз йўқ, аксинча бўлинниб кетяпмиз, чунки бизларни бирлаштирувчи марказни тан олаётганимиз йўқ. Шунинг учун сизларга, ҳар хил давлатларнинг талабаларига илтимос билан мурожаат қиляпман: илтимос, халқаро ҳаракатингизнинг ҳақиқий марказини топишга ҳаракат қилинг. Мана шу марказ - Худо, Кришна эканини англаб етганингиздагина қалбингизда ҳақиқий байналминал туйгу пайдо бўлади, шунда халқаро ҳаракатингиз мувафақиятга эришади.

"Бҳагавад Гита"нинг ўн тўртинчи бобида Парвардигор Кришна шундай дейди:

*сарва йонишу каунтейа муртайаҳ самбхаванти йаҳ  
тасам браҳма маҳад йонир аҳам биджа-прадаҳ пита*

"Мен барча ҳаёт туридаги мавжудотларнинг отасиман. Моддий табиат - она, Мен эса, - уруғлантирувчи отаман". Ота ва онасиз ҳеч ким дунёга келмайди. Ота уруғлантиради, она эса моддий тана беради. Моддий оламда Тангри Браҳмадан то кичкина чумолигача бўлган барча тирик зотларнинг онаси моддий табиат ҳисобланади. Бизнинг танамиз моддий унсурлардан таркиб топган, демак мана шу тана - она табиатнинг бизга берган тухфасидир. Аммо, ўзим мангу руҳман, олий ота, Кришнанинг ажралмас бўлаги бўлган мангу руҳман. Кришна

*мамайвамишо.. жисва-бхутаҳ* - "барча тирик зотлар Менинг ажралмас бўлакларимдир" - дейди.

Шу боис, ўзингизнинг биродарлик, ҳамдўстлик туйғунгизни кенгайтиришни, ривожлантиришни истасангиз, "Бҳагавад Гита"ни тушунишга ҳаракат қилинг. Шунда ғафлат ботқоғидан қутулиб, ёруғликка чиқасиз, ҳақиқий махатма, буюк инсон даражасига етасиз.

Шунда ҳатто ит ва мушукларни, ҳатто судралиб юрувчиларни ҳам бир хилда сева бошлайсиз. "Шримад Бҳагаватам"нинг еттинчи кўшиғида Нарада Муни айтганки, агар сизнинг уйингизда илон ин қурган бўлса, сиз уни ҳам овқат билан таъминлашингиз лозим. Кўряпсизми, сизнинг меҳрингиз, меҳрибонлик туйғунгиз қанчалик ривожланади! Сиз бошқа одамлар ёки уй ҳайвонларига эмас, ҳатто илонга ҳам ғамхўрлик қила бошлайсиз.

Шундай экан, Худони, Кришнани англаб етмагунча ҳақиқий зиёли одам бўла олмаймиз. Шунинг учун Кришнани англаш илмини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қиласиз. Кришнани англаш ҳаракати - бу янгилик эмас. Аввал айтиб ўтганимдек, бу Ҳаракат "Бҳагавад Гита" таълимотига асосланган, "Бҳагавад Гита" эса - энг қадими мұқаддас китобдир. Тарихий манбалар бўйича у беш минг йил олдин ёзилган. Аммо, биз чуқурроқ аҳамият берсак, унинг бир неча миллион йиллар олдин пайдо бўлганига амин бўламиз. Кришна унинг тўртинчи бобида айтадики: *имам вивасвате йогам проктаван аҳам авайайам*. -"Аввал бу йога илмини Мен Қуёш худосига ўргатган эдим". Демак, Кришна бу илмни миллион йиллар олдин айтган. Аммо, текширилган тарихий манбаларга қараганда, "Бҳагавад Гита" беш минг йил олдин бўлиб ўтган Курукшетра жангидан бери маълум. Шунинг учун, "Бҳагавад Гита" бошқа барча мұқаддас китоблар ичида энг қадими ҳисобланади.

"Бҳагавад Гита"ни ҳеч қандай кераксиз изоҳларсиз, асл ҳолида тушунишга ҳаракат қилинг. "Бҳагавад Гита"нинг сўзлари сизга илм нурини беради, афсуски, жуда кўп олимлар "Бҳагавад Гита"нинг мўътабарлигидан фойдаланиб, унинг соясида одамларга ўзининг фалсафий таълимотини етказишга ҳаракат қиласилар. Бу қуруқ сафсатабозлиқдир. "Бҳагавад Гита"ни асл ҳолида тушунишга ҳаракат қилинг. Шунда сиз ҳақиқий ўзлигингизни англаб, Кришнанинг ҳақиқатан ҳам жамиятдаги ҳар қандай фаолиятининг маркази, асоси эканини тушунасиз. Агар сиз Кришнани англаш йўлига кирсангиз, сизнинг бутун ҳаётингиз мукаммал ҳолга келади ва бу ҳаётдаги барча муаммоларингиз ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Эътиборларингиз учун раҳмат. Саволларингиз борми?

\* \* \*

Хиндистонлик талаба: Аник санскритча матни эсимда йўқ, аммо "Бҳагавад Гита"нинг бир ерида Кришна шундай дейди: "Ҳамма йўллар Менга олиб келади. Нима қилишидан, нима ўйлашидан, қандай яшашидан қатъий назар эртами-кечми инсон барибир Менга эришади". Шунинг учун, инсоннинг ҳақиқий ўзлигини англаши, руҳий камолотга эришиши - унинг табиий ривожланиши натижаси эмасми?

Шрила Прабхупада. Йўқ. Кришна ҳеч қачон нима қилишингиздан, нима ўйлашингиздан қатъий назар, барибир охир оқибатда Менинг олдимга келасиз, деб айтмаган. Моддий олам шароитига тушиб қолган руҳ ўз-ўзидан бирданига ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаши, Кришна онгига эга бўлиши мумкин эмас. Биз руҳий устознинг насиҳатларига муҳтожмиз. Акс ҳолда Кришна Аржунга шунча насиҳат бериб нима қиласди? Сиз ўзингиздан устун турган одамдан илм олиб, унинг насиҳатларига амал қилишингиз лозим.

Аржун саросимага тушиб қолган эди. Ўзининг урушда қатнашиши керакми ёки йўқлигини билмай ҳайрон бўлиб турган эди. Худди шундай, ҳар бир одам моддий дунёда саросимада яшайди. Шунинг учун бизга Кришнанинг ёки Унинг ҳақиқий вакилининг ёрдами керак. Фақат шунда ҳақиқий ўзлигимизни англаб етамиз.

Табиийки, ҳайвонлар онгининг ривожланиши эволюция асосида кечади. Аммо инсон танасини олганимиздан кейин бизга фикрлаш қобилияти, тафаккур инъом этилади. Қайси йўлдан боришни ўзингиз танлашингиз мумкин. Агар Кришнага эришишни истасангиз Кришнага, бошқа ёққа боришни истасангиз, ўша ёққа боришни танлашингиз мумкин. Ҳаммаси ўзингизга, фикрлаш қобилиятингизга, ақлингизга боғлик.

Ҳар бир инсон озгина мустақилликка эга. "Бҳагавад Гита"нинг охирида (18.66) Кришна *сарва дхарма паритаджайам экам шаранам враджса* -"Ҳамма нарсани ташлаб, ўз ихтиёргингни Менга топшир!" - дейди. Агар табиий ҳолда ўз ихтиёrimизни Кришнага топширадиган бўлсақ, Кришна Унга ўз ихтиёrimизни топширишга унданб нима қиласди? Йўқ. Биз моддий олам шароитига тушгандан сўнг Кришнага ўз ихтиёrimизни топширишни истамаймиз. Биз бунга ўрганишимиз лозим. Шунинг учун ҳам биз ҳақиқий руҳий устознинг, Кришнанинг ёки Унинг ҳақиқий вакилининг насиҳатларини тинглаб, унинг кўрсатмаларига амал қилишимиз лозим. Ана шунда биз ҳақиқий ўзлигимизни англаб, Кришна онгига эга бўламиз, камолот чўйқисига эришамиз.

# **Ер юзида озиқ-овқат етишмаслиги - асоссиз уйдурма**

*Одамлар орасида, Ер юзида озиқ-овқат етишмаслиги ҳақида кўп тарқалган гапларга қарши ўлароқ, статистик маълумотларга қараганда она ер аҳолини етарлича таъминлайдиган озиқ овқат маҳсулотларини етишитириб беради. Аммо, одамларнинг очкӯзлиги ва табиий бойликлардан нотўғри фойдаланилаётгани туфайли аҳолининг чорак қисми очлик азобини чекяпти. Шрила Пребхупада очлик, ишисизлик, атроф-муҳитни ифлослаш муаммоларини кучайтириши билан бирга бир қатор муаммоларни келтириб чиқарувчи саноатнинг ҳаддан ташқари ривожланишини қоралайди. 1973 йил 2 майда Лос-Анжелесда қилган маъруzasида у инсонларни оддий, табиий шароитларда яшаб, Худони, ўзликни англашни ҳаётининг мақсади қилиб олишига чақиради.*

*Име жсана-падаҳ сериддоҳаҳ супаквауашадхи-вируудхаҳ  
Ванадри-надӣ- уданванто хи эдҳантे тава викишитаҳ*

(Малика Кунти шундай деди): "Бу шаҳар ва қишлоқларнинг барчаси гуллаб яшнаяпти, чунки, дон экинлари ва майсалар мўл-кўл ўсиб ётибди, дараҳтлар ҳосили мўл, дарёлар сувга тўла, тоғлар фойдали қазилмаларга бой, дengiz эса бойликлар кони. Буларнинг ҳаммаси Сенинг марҳаматли нигоҳинг шарофати туфайли шундай равнақ то-пяпти".(Ш.б.1.8.40)

Одамларнинг фаровонлиги катта-катта саноат корхоналари мавжудлигига эмас, балки табиатнинг, Худонинг берган инъомларининг кўплигига боғлиқ. Баҳайбат саноат корхоналари - Худобехабар жамият тараққиёти келтириб чиқарган нарсалардир. Улар инсонлардаги эзгуликка бўлган интилишни йўққа чиқаради. Фақат ташвишлар олиб келадиган ва инсоннинг бутун ҳаёт кучини сўриб оладиган катта корхоналарни қанчалик кўп курсак, одамлар шунчалик баҳтсиз бўлаверадилар, фақат бир ҳовуч одамларгина бошқаларнинг меҳнатларини сустеъмол қилиш эвазига роҳат-фарогатда яшайдилар. Ғалла, полиз экинлари, мева-чевалар, шунингдек дарёлар, қимматбаҳо тошларга ва фойдали қазилмаларга бой тоғлар, жавоҳирларга тўла дengизлар сингари табиий манбалар Парвардигорнинг амри билан ҳосил бўлади. Унинг хоҳиши билан моддий табиат уларни мўл-кўл

қилиб яратиши ёки умуман яратмаслиги мүмкін. Табиат қонунлари ассоциация табиатнинг ана шу эҳсонларидан авайлаб-тежаб фойдаланиши ва шунинг эвазига, она табиат устидан ҳукмронлик қилиш туйгусига берилмасдан фаровон яшаши мүмкін.

Биз хиссиётимиз талабларини қондириш ва лаззатланиш ниятида она табиатга қанчалик зулм қылсақ, шундай фаолиятимиз натижалари ботқоғига шунчалик ботиб кетаверамиз. Агар бизда ғалла, мева ва сабзавотлар етарли бўлса, күшхоналар қуриб бечора ҳайвонларни ўлимга махкум қилишнинг нима кераги бор? Етарли микдорда дон, мева-сабзавотлар бўлган ҳолда инсоннинг ҳайвонларни ўлдиришлари умуман номаъкул ишдир. Дарёлардаги сувлар бизга етарли микдорда дон етиширадиган ерларни суғоришга бемалол етади.

Тоғларда бойликлар мўл, денгизларда жавоҳирлар етарли. Агар одамларнинг фаровон яшаши учун етарли микдорда дон, бойликлар, қимматбаҳо тошлар, сув ва сут каби нарсалар бўлса, баҳтсиз одамларнинг оғир меҳнатлари эвазига ишлайдиган шундай катта-катта оғир саноат корхоналарининг нима кераги бор? Бизга табиатнинг барча инъомларини Кришна Ўзининг чексиз марҳамати билан бериб қўйибди. Демак, биздан талаб қилинадиган ягона нарса - Худонинг қонунларига бўйсуниш, Унга холис хизмат қилиш билан комил инсон даражасига етишдир. Малика Кунтидеви айнан мана шу тўғрисида гапиряпти. Парвардигор ундан ва унинг фарзандларидан Ўз марҳаматини аямаслигини сўраб, уларнинг салтанати аввалгидек гуллаб-яшнашини истайди.

Малика Кунтидеви уларнинг салтанатида ғалла экинларининг ҳосилдорлигини, дарахтларнинг мўл мевалар бераётганини, дарёларнинг серсувларини, тоғлардаги бойликлар мўллигини ва океаннинг жавоҳирларга тўла эканини айтяпти: у ўз салтанатининг равнақини таърифлар экан саноат корхоналарини ёки күшхоналарини айтаётганий ўқ, чунки улар умуман бефойда бўлган ҳолда, одамларнинг ҳаётини, яшаш шароитини қийинлаштиради, холос.

Агар биз ҳаётда фақат Худонинг, Кришна Ўз марҳамати билан яратиб қўйган нарсалардангина фойдалансак, биз ҳеч нарсага эҳтиёж сезмаймиз, бунинг устига ҳамиша лаззат оғушида яшаймиз. Худо яратиб қўйган ғалла ва ўсимликлар етарли: биз инсонлар дон ва мева-чевалар билан, ҳайвонлар эса, масалан сигирлар, ўт-ўланлар билан озиқланади. Хўқизлар ғалла етиширишга кўмаклашади, ўзлари эса инсонларга керак бўлмаган ҳашак ва ўт-ўланлар билан қаноатланадилар. Мева ва сабзавотларни егандада уларнинг чикиндиларини қолдирамиз, улар уй ҳайвонлари учун овқат вазифа-

сини ўтайди. Шундай қилиб, табиатда дарахтлар, ҳайвонлар, одамлар ва умуман тирик мавжудотларнинг ўзаро мутаносиблиги мавжуд бўлган ва марказида Парвардигор Кришна турган иттифоқ пайдо бўлади. Ведавий қонунларга, Кришна онгига асосланган жамият ана шундай.

"Биз фақат Сенинг марҳаматли нигоҳинг тушгани туфайлигина мана шундай фаравонликда яшаяпмиз", - деб Кунтидеви Парвардигорга ҳамду санолар айтяпти. Кришнанинг эхромига кирганимизда бизга Кришнанинг нигоҳи тушиши биланоқ бутун атроф чарогон бўлиб кетади. Буюк инсонлар Кришнанинг содиқ хизматкорлари бўлиб, унга холис хизмат килишга интилганларида, Кришна Ўзининг чексиз марҳамати билан улар олдида Ўзининг бутун улуғворлигига намоён бўлади ва Ўзининг марҳаматли нигоҳини ташлаб уларнинг қалбларини баҳтиёрик ва шодлик лаззатига тўлдиради.

Худди шундай, моддий олам Парвардигор Кришнанинг назари тушгани туфайлигина мавжуддир (*са аикшата*). Ведавий битикларда ёзилишича, моддага Кришна нигоҳини ташлаганида жон кириб, у ҳаракатга келади. Аёл эркак билан қўшилиб уруғланади: ҳомиладор бўлади ва маълум вақт ўтгандан кейин фарзанд дунёга келади. Оламнинг яралиши ҳам шу тарзда рўй беради. Кришнанинг назари тушиши билан моддий табиат уйғониб ҳомиладор бўлади ва барча тирик мавжудотларга ҳаёт ато этади. Бу қандай рўй беради? Сизлардан ҳеч ким ҳам: "Мен хотинимга нигоҳ ташласам бас, у ҳомиладор бўлади"-деб айта олмайди. Биз бунга қодир эмасмиз, аммо Худо, Кришна ҳамма нарсага қодирдир. "Браҳма самхита"да (5.32) шундай дейилган: *ангани йасайа сакалендрийа-вримтиманти* - "Парвардигор танасининг ҳар бир аъзоси Унинг бошқа аъзоларининг вазифаларини бажара олади". Биз кўзларимиз билан фақат кўра оламиз, Кришна эса Ўзининг бир нигоҳи билан оламни яратишга қодир. Тирик мавжудотларни яратиш учун Унинг жинсий алоқа қилиши шарт эмас, шунчаки бир нигоҳ ташласа бас.

"Бҳагавад Гита"да Парвардигор Кришна шундай дейди (9.10) *майа дхайакиена пракритих суйате са-чарачарам-* "Менинг назоратим остида моддий табиат барча қўзгалувчан ва қўзгалмас тирик мавжудотларга ҳаёт ато этади". *Акиша* - "кўзлар" дегани. *Акишена* сўзи барча тирик мавжудотларнинг Парвардигорнинг нигоҳи тушгани туфайлигина мавжудлигини англатади. Тирик мавжудотлар икки тур - қўзгалувчан(одамлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва хоказо) ва қўзгалмас(даражат ва бошқа ўсимликлар) мавжудотлар. Санскрит тилида бу икки тур мавжудотларни *стхавара-жсангама* деб атайдилар,

ва уларнинг барчасини моддий табиат яратади.

Табиийки, моддий табиатнинг ўзи ҳаёт баҳш эта олмайди, у фақат моддий таналарни яратади, холос. Худди она ўз фарзандига тана бергани сингари, моддий табиат ҳар хил тирик мавжудотларни маълум шаклдаги таналар билан таъминлайди. Тўққиз ой мобайнида она танаси орқали, унинг қонидан озиқланиб, ҳомиладаги чақалоқ ривожланади - аммо аслида чақалоқ моддий унсур эмас, балки тирик мавжудотдир. Айнан шу тирик мавжудот(рух) она қорнига тушади, онаси эса, тирик мавжудотнинг танасини ривожлантириш учун зарур нарсаларни етказиб беради. Табиат қонуни шундай. Бунда она қандай қилиб унинг танаси бошқа бир тана яратадиганини билмаслиги ҳам мумкин, аммо чақалоқ танаси бутунлай ривожланиб бўлгандан кейин фарзанд туғилади.

Бунда тирик мавжудотнинг ўзи туғилмайди. *На жайате мрийате ва* - дейилган "Бҳагавад Гита"да(2.20). Тирик зот(рух) туғилмайди ва ўлмайди. Туғилмаган зот ўлмайди ҳам, фақат яратилган, туғилган нарсагина ўлишга, емирилишга маҳкум. "Бҳагавад Гита"да *на жайате мрийате вакадачит* деб ёзилган. *Кадачит* дегани "ҳеч қачон" деган маънони англатади, тирик зот ҳеч қачон туғилмайди. Гарчи биз фарзанднинг дунёга келишига гувоҳ бўлсак-да, аслида тирик мавжудот туғилмайди. *Нитийах шашвато йам пуранах*. Тирик мавжудот мангур (шашвата), у ҳамиша мавжуд, ва у азалийдир (пурана). *На ханийате ханийамане шарире*: тана ўлганда тирик мавжудот ҳам ўлади деб ўйлаш хатодир. Йўқ. У ўлмайди, ҳамиша мавжудлигича колаверади.

Бир куни олим дўстларимдан бири: руҳнинг мангулигини қандай исботласа бўлади?- деб сўраган эди. *Наҳанийате ханийамане шарире* - деган Кришна. "Тана ҳалокатга учраганида рух мавжудлигича колаверади". Мана шунинг ўзи сизга исбот. Бирор нарсани ана шундай исботлаш *шрути* деб аталади, яъни Парвардигордан ва шогирдлар силсиласи орқали устоздан олинган исбот, ҳақиқат. Исботлашнинг турли усуслари бор. Улардан бири - *няя-прастхана*, яъни мантиқан исботлаш. Мантиқ ва фалсафий изланишларга асосланиб, оламни ўрганиш мумкин. Исботлашнинг яна бир тури мукаддас манбадан олинган исбот ва исботнинг учинчи тури - *смрити*, яъни шрutiдан келиб чиқадиган исбот. Пураналар - смритига, упанишадалар - шрutiига, веданта эса - нияга мисол бўла олади. Исботлашнинг ана шу уч туридан шрути-прастхана, шрутилардан олинган исбот - энг муҳим хисобланади.

Пратякша усули, яъни ҳиссётларимиз орқали олинадиган илм

мукаммал илм эмас, чунки ҳиссётларимиз номукаммалдир. Масалан, ҳар куни қуёшни қўриб юрамиз, у кичкина шарга ўхшаб қўринади. Аслида қуёш ерга нисбатан бир неча бор катта сайёра. Шундай экан, қўзимиз билан олган илмимиз мукаммал эмас. Билим оладиган жуда кўп аъзоларимиз мавжуд: қўзлар, қулоқлар, бурун ва ҳакозо, аммо ҳиссиятларимиз номукаммал бўлгани сабабли улар ёрдамида олган илмимиз ҳам нотўғридир. Олимлар табиатни ўргангандарида мукаммал бўлмаган ҳиссиятлари ёрдамида олган илмларига асосланадилар, шу боис уларнинг чиқарган хуласалари ҳам номукаммалдир. Менинг шогирдларимдан бири Сварупа Дамодара билан бирга ишлайдиган, "ҳаёт моддадан пайдо бўлади", деб ишонадиган олимдан сўрабди: "мен зарур бўлган барча кимёвий унсурларни бераман, сиз шулардан ҳаёт яратса оласизми?", "Билмасам?", деб жавоб берибди у. Мана сизга номукаммал илмга мисол. Агар ўзингиз билмасангиз демак, илмингиз ҳам номукаммалдир. Шундай экан, бошқаларни нимага ҳам ўргата оласиз? Бу ахир ҳақиқий қўзбўйямачилик-ку! Камолотга эришиш учун комил инсондан ўрганиш керак - бизнинг нуқтаи-назаримиз ана шундай.

Кришна мукаммал шахс, шу боис биз илмни Ундан ўрганамиз. Кришна: *-наханийате ханиамане шарире*, - деяпти, яъни "тана ҳалокатга учраганда рух ўлмайди". Демак, рухнинг мангалиги, тананинг ўткинчилиги ҳақидаги илм мукаммал илмдир. Малика Кунтидеви шундай дейди: *име жана-падах свиддеха супакваушадхи-вирудхаҳ* - "ғалла мўл ҳосил беряпти, дарахтлар меваси мўл, дарёлар тошқин, тоғлар бойликка кон, денгиз жавоҳирларга тўла". Инсонга бундан бошқа яна нима керак? Қадимги аёллар ипак кийимлар кийиб, олтин, кумуш ва тоғлардаги қимматбаҳо тошлардан, денгиз жавоҳирларидан қилинган гавҳар маржонлар билан безаниб юрганлар. Ҳозир шундай нарсалар қаерга ғойиб бўлди? Саноат ривожланган хозирги даврда сарвқомат, чиройли қизларимиз олтин, бриллиант ва жавоҳирдан қилинган безаклар тополмай пластмассадан ясалган тақинчоқлар тақиб юрибди. Шундай экан ҳашаматли катта-катта саноат корхоналарининг ва күшхоналарнинг кимга кераги бор?

Худо Ўз марҳамати билан етарли микдорда ғалла, сут, мева-чевалар, сабзавот ва тоза дарё сувларини тухфа қилиши мумкин. Аммо, афсуски, Европа бўйлаб саёҳат қиласр эканман амин бўлдимки, дарё сувларининг оқава сувлардан фарқи қолмаган. Мен шундай дарёларни Германия, Франция, Америка ва Россияда кўрдим. Табиат қонунларига асосан океан суви топ-тоза, дарёларда ҳам шундай тоза, фақат одамлар ундан фойдаланишлари учун тузи кам бўлган сувлар

оқади. Табиат шундай тузилган, демак, Кришнанинг хоҳиши, амри шундай. Шундай экан, катта сув ўтказиш тармоқларига не ҳожат?

Табиат бизни зарур бўлган нарса билан таъминлаб кўйибди. Агар бадавлат бўлишни истасак, океандан жавоҳир излаб бойишимиз мумкин. Бунинг учун автомобиллар чиқарадиган катта заводлар қуришнинг ҳожати йўқ. Завод ва фабрикалар қуриш билан фақат ҳаётимизни чигаллаштирамиз, холос. Биз ихтиёrimизни Худога, Кришнага топшириб, Унинг марҳаматидан умидвор бўлиб яшасак бас, чунки У Ўзининг бир нигоҳи билан (тава викшитайх) ҳамма нарсани инъом этиши мумкин. Шунинг учун, агар Кришнадан нигоҳини биздан айрмаслигини илтимос қилиб, илтижо қилиб юрсак, ҳеч қачон ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмаймиз. Ўзимизга керак бўлган ҳамма нарсага эга бўламиз. Парвардигор Кришнанинг саховатига ва Унинг марҳаматига тавакkal қилиш керак, - Кришнани англаш ҳаракатининг асосини мана шу ғоя ташкил этади.

Ҳозир дунёда одамлар Ер аҳолисининг кўпайиб кетаётганидан хавотирланиб, аҳоли ўсишини ҳар хил сунъий йўллар билан камайтиришга ҳаракат қиляптилар. Бунга сабаб нима? Ҳайвонлар ва кушлар ҳам қўпаядилар, аммо улар ҳомиладорликка қарши ҳеч қандай дори ишлатмайдилар, лекин барибир улар озиқ овқат етишмаслигидан қийналаётгандари йўқ. Сиз ҳайвон ёки кушларнинг очдан ўлганларини кўрганмисиз? Бундай ҳоллар фақат шаҳарларда, шундай жуда кам учрайди. Агар сиз қалин ўрмонларга борсангиз, у ердаги филлар, йўлбарслар, арслонлар ва бошқа ҳайвонларнинг тўқ ва соғлом юрганларининг гувоҳи бўласиз. Ким уларни озиқ-овқат билан таъминлаб турибди? Уларнинг баъзилари ўт-ўланлар билан, баъзила-ри гўшт билан озиқланади, аммо озиқ-овқат ҳаммасига этади.

Албатта, табиат шундай яратилганки, йўлбарс, гўшт билан озиқланадиган бўлгани учун, ҳар куни овқат топа олмаслиги мумкин. Табиийки, ҳеч қандай ҳайвон унинг оғзига ўзи бориб тушмайди. Ким ҳам йўлбарс олдига келиб: -"Мен ҳаммага раҳмдилман, сизнинг қорнингизни тўйғазишга келдим. Мени бемалол ейишингиз мумкин" деб айтмайди. Шунинг учун йўлбарс ҳар куни овқат топа олмайди. Бунинг устига овқат излаб овга чиққанида, унинг олдида кичкинагина ҳайвон нозик овоз билан бошқа ҳайвонларни йўлбарс келаётганидан огоҳлантириб юради. Демак, табиатан йўлбарснинг озиқ топиши осон эмас, Кришна ҳатто уни ҳам овқатсиз қўймайди. Бир ҳафтача оч юргандан кейин, йўлбарс ниҳоят қандайдир бир ҳайвонни тутишга мувваффақ бўлади. У, ҳар куни ўзига овқат топа олмагани учун, ўлжасини дараҳтлар орасига яшириб қўяди ва ҳар куни оз-оздан еб

тутатади. Йўлбарс жуда қучли ҳайвон, шунинг учун одамлар кўпинча йўлбарсга ёки арслонга ўхшашга интиладилар, аммо бу ҳавас қисса арзийдиган орзу эмас. Агар сиз ҳақиқатан ҳам йўлбарс бўлиб қолсангиз, аҳён-аҳёнда, қаттиқ қийинчиликлар билан овқат топа оласиз. Аммо вегетариан бўлсангиз, ҳар куни хоҳлаганингизча овқат ейишингиз мумкин, чунки ундан овқат ҳамма ерда етарлича топилади.

Хозир ҳар бир шахарда гўшт комбинатлари бор, аммо фақат гўшт билан овқатланмоқчи бўлсангиз, улар сизга етарли микдорда гўшт етишириб бера оладими? Йўқ, улар бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ҳатто гўшт ейишни жуда яхши кўрадиган одамлар ҳам нон, сабзавот ва мевалар ейишга мажбур. Аммо битта кабоб ейишлари учун шунча баҳтсиз ҳайвонларни азоблаб ўлдирадилар. Бу қанчалик катта гуноҳ! Шундай гуноҳларга ботган одамлар ҳаётда қандай килиб баҳтли бўла оладилар? Жониворларни ўлдириш катта гуноҳ, ҳайвонларни ўлдириш билан ўзлари билмаган ҳолда ҳар хил баҳтсизликларга дучор бўладилар. Агар Кришнани англаб етсак, Унинг саховатига ва марҳаматли нигоҳига таваккал қилиб яшасак, У ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлайди ва озиқ-овқат етишмаслиги тўғрисидаги ташвишдан биратўла қутуламиз. Баъзи давлатларда одамларга озиқ-овқатлар эҳтиёжига қараганда жуда кўп микдорда бўлади. Бунинг ҳаммаси Кришнанинг саховатли нигоҳига боғлиқ. Агар Кришна хоҳласа, У бизга жуда кўп микдорда ғалла, мева ва сабзавотлар бериши мумкин, лекин У бизни буларнинг ҳаммасидан маҳрум қилишни истаса, бизга гўштдан нима фойда? Сиз мени ейишингиз мумкин, ёки мен сизни, аммо барибир муаммо ҳал бўлмай қолаверади. Ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлиши, сув, сут ва ҳаёт учун зарур бўлган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси етарли бўлиши учун шунчаки Худога, Кришнага таваккал қилиш керак. Буюк до-нишманд Бҳактивинода Тҳакур бизга шундай насиҳат қилган: *мараби ракҳаби йо ичҳа тоҳара* - "Эй Парвардигор! Мен ихтиёrimни Сенга топшираман ва Сенинг Ўзингагина таваккал қиласман. мени ўлдиришинг ёки Ўз ҳимоянгга олишинг мумкин. Нима қилсанг ҳам ихтиёр Ўзингда". Кришна бунга жавобан шундай дейди: "*сарвадхарман паридийаджайа мам экам шаранам вражжса-* - сен Менга ихтиёрингни бутунлай топширишинг лозим". У бизга: "Сен Менга ҳам, Ўзингнинг күшхона ёки фабрикаларинга ҳам таваккал қилишинг мумкин" - демаган. Йўқ. Фақат Менга таваккал қил, дейди Худо. *Аҳам твам сарва панебхийо мокшишайами* - "Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан ҳалос этаман".

Кришнани англамасдан, шунча умрлар оша, жуда кўп гунохлар қилганмиз, аммо Кришна ишонтириб айтятники, биз Унга ихтиёризни топшириб, таваккал қилган заҳоти, У барча гунохларимизни кечириб юборади, ва ҳаётимизни янгидан бошлишимиз мумкин. Шунинг учун мен шогирдларимга фотиҳа берәтиб, уларга: "сен ҳамма гунохларингдан фориғ бўлдинг, бундан кейин гуноҳ ишлар қилма!" - деб айтаман.

Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиш барча гунохларимиздан халос этишига ишониб, гуноҳ қилишда давом этаверман ва уларнинг оқибатидан қутулиш учун мантрани зикр этаман, деб ўйламаслигимиз керак. Ана шундай деб ўйлашнинг ўзи катта гуноҳ. (*намо балад йасайа хи пана-буудхих*) кўргина диндорлар черковга келиб, қилган гунохларига тавба қиласилар, кейин гунохни қилишда давом этаверадилар. Бундай тавба қилишнинг маъноси бўлиши мумкинми? "Эй Парвардигор, мен билмасдан гуноҳ иш қилиб қўйдим, Ўзинг кечир!" - деб тавба қилган қаёқда-ю, олдиндан "Мен ҳозир гуноҳ қиласман, кейин черковга бориб тавба қиласман, ва яна гуноҳ қилишда давом этаман" - деб ўйлаш қаёқда. Худди шундай, барча гунохларимдан Ҳаре Кришна мантрасини такрорлаш билан озод бўламан, деган ўй билан гуноҳ қилишда давом этиш, шу билан бирга мантра такрорлашда давом этиш мумкин эмас. Руҳий ҳаётда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш лозим. Устоздан фотиҳа олишдан аввал шогирд устозига зино қилмасликка, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилмасликка, қимор ўйнамасликка, гўшт емасликка ваъда бериб қасам ичади - шогирд ўзининг шу қасамини ҳеч қаҷон бузмаслиги керак. Фақат шундагина у ўзининг руҳий поклигини таъминлай олади. Агар инсон ўзининг руҳий поклигини сақлаб ҳамиша Худога, Кришнага холис ҳизмат қилиш билан машғул бўлса, у албатта ҳаётда ўз мақсадига ва истаган нарсаларининг ҳаммасига эришади.

## Тадбиркорларга руҳий насиҳатлар

1973 йилнинг 30 январида Калкуттада Шрила Прабхупада шаҳарнинг етакчи тиҷоратчилари - Ҳиндистон савдо палатаси аъзолари олдида маъруза қилди. "Биз катта тиҷоратчи бўлганимиз билангина қаноатланмаслигимиз лозим. Бундан кейинги ҳаётимиз

*қандай бўлишини билишимиз лозим... Агар шундай илмни излаш билан бирга ўз бурчингизни бажаршида давом этсангиз, ҳаётда катта муваффақиятга эришасиз".*

Ҳурматли раис, хоним ва жаноблар, маъруза қилишга таклиф қилганингиздан ғоят миннатдорман. Иложи борича сизларга фойдалироқ бўлишга ҳаракат қиласман.

Бугунги маърузамнинг мавзуси - "Маданият ва тижорат". "Бизнес", "тижорат" деганда у ёки бу касб ёки хунар билан шуғулланишни назарда тутамиз. Ведалар маданиятида фаолиятнинг ҳар хил турлари мавжуд. "Бҳагавад Гита"(4.13)да айтилишича, *чатурварнийам майа сриштам гуна-карма-вibхагашаҳ*. Одамларнинг сифатларига ва уларнинг фаолиятларига қараб жамият тўрт табақага бўлинади: браҳманлар(руҳоний ва устозлар), кшатрийлар(ҳарбийлар ва хукмдорлар), вайшялар(ер эгалари ва савдогарлар) ва шудралар(ишчилар). Қандайдир тижоратга қўл уришдан олдин, нима иш қилиш кераклигини ва шу ишни бажара оладиган одам бор ё йўқлигини билиб олиш керак. Ҳар бир одамнинг ўзига хос қобилияти, лаёқати бўлади ва қилинадиган ишлар ҳам ҳар хил, аммо ҳозир биз яшаётган жамиятда ҳар бир одам ўзининг сифатларига мос бўлмаган иш билан шуғулланади. Мана шундай ҳолатни ҳечам илмий деб бўлмайди.

Жамият табиий равишда, ҳар бир одамнинг маданий ривожланиш даражасига қараб ҳар хил табақаларга бўлинади, инсон танаси ҳам шундай табиий бўлакларга бўлинган. Инсон танаси тўла бутундир, аммо унинг ҳар хил аъзолари мавжуд - калла, қўллар, корин ва оёқлар. Бу илмий ҳақиқат. Жамиятда браҳманлар - жамиятнинг калласи, кшатрийлар - қўллари, вайшялар - жамият қорни, шудралар - жамиятнинг оёклари ҳисобланадилар. Жамиятнинг фаолияти ҳам, худди шундай илмий асосда табақаларга бўлиниши керак.

Калла - тананинг энг муҳим қисмидир, шунинг учун калласиз тананинг бошка аъзолари - қўллари, оёқлари ва қорни - ҳаракат қила олмайдилар. Агар қўли бўлмаса, киши қандайдир иш билан шуғулланиши мумкин. Худди шундай, оёқлар бўлмаса ҳам. Лекин, агар калла бўлмаса, - мисол учун калла кесиб ташланган дейлик, - инсоннинг қўллари, оёқлари ва қорни ҳеч нарсага ярамай қолади.

Калла - маданият ўчоги, маънавият манбаи бўлиши лозим. Маданиятсиз ҳар қандай фаолият ҳам жамиятда чалкашликка, пала-партишиликка олиб келади. Ҳозир жамиятда айнан шундай ҳол хукм суряпти, чунки одамлар табиатларига хос бўлмаган ишлар билан

шуғулланишга интиляптилар. Демак, жамиятнинг калласи вазифасини бажарадиган табақа - бошқаларга йўл кўрсатиб, маслаҳат берадиган, "жамиятнинг калласи" бўлиши керак. Донишманд, чукур тафаккургага эга ва муносиб браҳманлар ана шундай маслаҳатчилик хисобланади.

*Шамо дамас танаҳ шаучам киантири арджавам эва ча  
жсанам виджсанам астикйам браҳма-карма свабхава-жам*

"Вазминлик, хотиржамлик, ростгўйлик, риёзат, ҳалоллик, поклик, сабр-тоқатлилик, одиллик, илмлилик, донишмандлик ва тақводорлик - браҳманларнинг қилаётган ишларида намоён бўладиган табиий хислатлар мана шулардир.(Б.г. 18.42).

Жамиятнинг калласи бўлмиш браҳманлар жамият маданиятига етакчилик қилишлари керак. Маданият деганда инсон ҳаётининг мазмуни нимадан иборатлигини билишни англашимиз лозим. Яшашдан мақсад нималигини билмайдиган одам худди бошқарадиган рули бўлмаган, (елкани бўлмаган) кемага ўхшайди. Ҳозирги даврда нима учун яшаётганимизни билмаймиз, чунки жамиятнинг калласи (браҳманлар) йўқ. Ҳозирги даврда жамият танасининг бошқа аъзоларига маслаҳат бера оладиган ҳақиқий браҳманлар етишмайди.

Кшатрийлар(харбийлар ва хукмдорлар) вакили бўлган кишининг устоздан насиҳат тинглаши зарурлигини Аржун намоён этган. Аржун жангчи эди, уруш унинг хунари бўлган. Курукшетра жанггоҳида Аржун хунарига хос бўлган вазифасини бажараётган, шу билан бирга браҳманя-деванинг, Парвардигор Кришнанинг насиҳатларига амал қилди. Муқаддас китобларда шундай дейилган:

*Намо браҳманя-девайа го-браҳманя-хитайа ча  
жсагад-хитайа кришнайа говиндаай намо намаҳ*

"Мен Парвардигор Кришна олдида эҳтиром билан таъзим бажо келтираман, Унга браҳманлар сажда қиласидилар, У сигирлар ва браҳманларнинг саодатманди ва бутун оламга баҳт-саодат баҳш этиди. Кришна, Говинда номлари билан таниш бўлган Худо Шахси олдида такрор ва такрор таъзим бажо келтираман"(Вишну-пурана.1.19.65).

Бу шеърда сигирлар ва браҳманларга алоҳида эътибор берилган(го-браҳмана). Нимага? Гап шундаки, браҳманлар маданиятидан маҳрум бўлган ва сигирларни химоя қилиб эъзозламайдиган жамият - инсонлар жамияти эмас, тартибсиз ҳайвонлар тўдасидир. Тартиб, интизом бўлмаган жойда ҳеч қандай ишни яхши сифат билан охиригача етказиб бўлмайди. Ҳақиқий маданият қонун-қоидаларига амал қилинадиган жамиятда ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб,

муваффакият қозониш мүмкін.

Мұкаммал ижтимоий жамият тузуми ҳақидаги илм "Шримад Бҳагаватам"да берилған. Наймишараның үрмөніде, брахманлар ва донишмандларга насиҳат берәётганида Шрила Сута Госвами варнашрама тузумига алохидә эътибор беріб ўтди: *атаҳ пумбхир двиджасиреитха варнашрама-вибхашаҳ*. Ведавий жамият қоидаларига асо-сан, жамият түрт табақа ва түрт турмуш тарзидан иборат бўлади. Юқорида айтиб ўтганимдек, түрт табақа - бу брахманлар, кшатрийлар, вайшялар ва шудралар, түрт хил турмуш тарзи эса - брахмачариашрам (уylanмаган шогирдлар ҳаёти), грихастха-ашрам(оилавий ҳаёт), ванапрастха-ашрам(дунёвий ишлардан четлашганлар ҳаёти) ва саннийаса-ашрам(таркидунё қилганлар ҳаёти). Агар биз варнашрама қоидаларига амал қилмасак, жамиятда тартибсизлик, пала-партишлик ҳукм сураверади.

Варнашрама-дхарманинг мақсади - Худони, Парвардигорни рози қилишдир. "Вишну-пурана"да шундай ёзилган:

*Варнашрамачаравата пурущена парах пуман  
вишинур арадхйате пантха наниат тат-тоша-каранам*

Бу ерда, инсон ўз ҳаётида варнашрама қоидаларидан қўрсатилган вазифаларини вижданан бажариш билан Худони рози қилиши лозимилиги айтилған. Бирор давлатда яшаганингизда сиз ҳукумат талабларини бажаришингиз лозим. Агар сиз шундай қилмасангиз - жамиятда тартибсизлик келиб чиқишига сабаб бўлувчи ёмон фуқаро бўласиз. Бундай хулоса коинот ҳукуматига, яъни бутун моддий олам ҳукмдорига нисбатан ҳам тааллуклидир: агар сиз бутун олам ҳукмдори, Худонинг қонунларига амал қилмасангиз - бутун борликда тартибсизлик келиб чиқишига сабабчи бўласиз. Ведалар маданияти шунга ўргатадики, сиз ҳаёtingизда нимаики иш қилсангиз ҳам, Парвардигорни, Кришнани рози қилиш учун қилишингиз керак. Мана шу - ҳақиқий маданиятдир.

*Сва-кармана там абхтарча сиддхим виндати манавах.* Хоҳлаган ишингиз билан шуғулланишингиз мүмкін: брахманларнинг иши билан, кшатрийларнинг иши билан, вайшяларнинг ёки шудраларнинг иши билан - аммо, қилган ишингиз билан Худони, Олий Худо Шахсини рози қилишингиз лозим. Ҳунарингиз, касбингиз қандай эканининг аҳамияти йўқ: тижоратчимисиз, адвокатмисиз, ишбилармоммисиз ёки врачмисиз. Агар ишингизда муваффакиятга эришишни истасангиз, Олий Худо Шахсини рози қилишга интилишингиз лозим. Акс ҳолда вақтингизни бекорга ўтказаётгандан бўласиз.

"Бҳагавад Гита"да (3.9) Кришна шундай дейди: *йаджнартхат*

*карманах. Йаджна сўзи Вишну ёки Кришнани, Кришнани англатади.* Худонинг розилиги учун ишлашингиз лозим, акс ҳолда қилаётган ишларингизнинг оқибати ўзингизга мусибат келтиради: *аниатра локо йам карма-бандханаҳ*. Сиз қилган ишларингиз оқибати - карма чангалида бўлар экансиз, бир танадан иккинчи танага ўтиб, туғулиб-ўлиб юраверасиз.

Бахтга қарши ҳозирги даврда одамлар рухнинг мавжудлигини ҳам, бир танадан иккинчи танага ўтиб юрганларини ҳам билмайдилар. "Бҳагавад Гита"да (2.13) шундай дейилган:*татха дехантара-праптих* - "тана ўлгандан кейин рух бошқа танага эга бўлади". Мен ўлимидан кейин яна ҳаёт давом этишини билмайдиган жуда кўп олимлар, профессорлар билан ҳамсухбат бўлганман. Аммо, ведаларнинг таъкидлашига асосан, ўлгандан кейин ҳаёт ҳақиқатан ҳам давом этади. Ҳатто ўз ҳаётизда ҳам рухнинг танадан танага ўтиб юрганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунинг нимаси ҳайратли: чақалоқ ёш бола танасига эга бўлади, болакай - ўспирин танасини олади, йигит кекса чол танасини олади? Худди шунга ўхшаб, ажал келган пайтда кекса чол бошқа танага эга бўлади. Бу ҳеч ажабланиб бўлмайдиган табиий ҳол.

Аслида бизнинг икки танамиз бор:- қўпол ва латиф тана. Қўпол танамиз - ҳиссиёт органлари ва суяқ, қон каби унсурлардан тузилган. Ўлаётганда биз қўпол танамизни тарқ этамиз, у йўқ бўлиб кетади, аммо латиф, нафис тана - акл, тафаккур ва сохта ўзлигимиз яшашда давом этади. Мана шу латиф тана бизни янги қўпол танага олиб ўтади.

Шунга ўхшаган ҳолат туш кўрган пайтимида ҳам рўй беради. Ухлаганда ўзимизнинг қўпол танамизни эсимиздан чиқарамиз, фақат латиф танамиз ҳаракат қиласи. Тушимизда ётган жойимизни тарқ этиб бошқа ерларга кетиб қоламиз, қўпол танамизни умуман эсдан чиқариб юборамиз. Уйкудан уйгонганда эса, тушимизни эсдан чиқариб, яна ўзимизни қўпол танага киёслай бошлаймиз. Бундай ҳолатни хар куни бошимиздан ўтказамиш.

Демак, биз баъзан ўзимизнинг латиф танамизни, баъзан қўпол танамизни хис қиласи, кузатиб юрамиз. Бу икки тана ҳам ўзгариб туради, аммо ўзимиз ўзгармаймиз, ўзгармай мана шу таналар ичida кузатувчи рух сифатида қолаверамиз. Шунинг учун фикр юритишимиз, ўзимизнинг аслида кимлигимизни аниқлашга ҳаракат қилишимиз лозим: -"Аслида мен кимман ўзи? Ухлаганимда мен қўпол танамни эсдан чиқараман, кундуз кунлари эса - латиф танамни унтуватман. Менинг ҳақиқий танам ўзи қандай?" Шу ҳақда албатта

ўйланишимиз лозим.

Худди Аржун сингари, сиз ҳам ўз бурчингизни бажаришингиз мумкин. У жангчи, кшатрий эди, аммо шу билан бирга ҳақиқий ўзлигини, маданиятини эсидан чиқармаганди, чунки у "Бҳагавад Гита" илмини устозидан ўрганган эди. Лекин сиз шунчаки ўз бурчингизни тўла бажарсангиз-у, руҳий ҳаётингизни эсдан чиқариб қўйсангиз, унда қилаётган ишларингиз - бекорга вақт ўтказишдир.(шрама эва хи кевалам)

Одамлар ўз маданиятларини эсларидан чиқармасликлари учун Кришнани англаш ҳаракатини кенгайтиришга интиляпмиз. Сизларни тижорат ишларини тарқ этишга чакирмаймиз, таркидунё қилиб, мен сингари саняси бўлишни ҳам таклиф қилмаймиз. Йўқ, ниятимиз ундей эмас. Кришна ҳам ундей демаган. Кришна Аржунга ҳеч қачон: -"Аржун, сен жангчи хунарингни тарқ эт!" - демаган. Йўқ, У -"Аржун, сен кшатрийсан. Бу ёмон иш деб жанг қилишдан бош тортияпсан. Сенинг бундай дейишга ҳаққинг йўқ. Сен жанг қилишинг керак!" - деган. Кришнанинг берган насиҳати шундай эди.

Худди шунингдек, Кришнани англаш ҳаракати аъзолари ҳам, барчага: -"Ўз ишингизни тарқ этманг, лекин шу билан бирга Кришна ҳақидағи ҳикояларни тингланг!" - деймиз. Чайтаня Махапрабху ҳам шундай маслаҳат берган. У "Шримад Бҳагаватам"дан бир шеърни айтган эди: *стхане стхитаҳ шрути-гатим тануван-манобхиҳ*. Чайтаня Махапрабху ҳеч қачон: "Эгаллаб турган лавозимингиздан, қилиб турган ишингиздан воз кечинг!" - демаган. Қилаётган ишни тарқ этиш қийин эмас. Аммо, бошқа нарса талаб қилинади: ўз ҳолатингизда қолган ҳолда руҳий ҳаётга эришиш. Ҳайвонлар руҳий ҳаётга интилмайдилар. Бунинг иложи ҳам йўқ: ҳайвонлар руҳий илм олишга қодир эмаслар. Шунинг учун, агар одамлар руҳий илм изламасалар, ҳайвонларга ўхшаб қоладилар(*дхармена хинах пашубхиҳ саманаҳ*).

Биз шу нарсани яхши тушунишимиз лозимки, биз мангу мавжуд бўлган руҳмиз. Биз - тана ичида мавжуд бўлган мангу руҳмиз(*на ханияте ханийамане шарире*). Танамиз ўлганда биз ўлмаймиз. Ҳар қандай илмий изланишлар, яъни *браҳма-жигяса*, ўзимизнинг асл табиатимизни англашга интилиш - мана шу хulosага олиб келиши кепрак. Чайтаня Махапрабхунинг биринчи шогирди, Санатана Госвами, аввал Навоб Ҳусайн шоҳ саройида хазинабон эди. Ишини тарқ этиб, у Чайтаня Махапрабхуга мурожаат қилди: "Эй Парвардигор, одамлар мени пандит(донишманд) деб атайдилар. У браҳманлар табақасига мансуб эди, табиийки, уни одамлар илмли донишманд ҳисоблардилар. Ҳатто ўзимнинг ким ёки нима эканимни билмасам,

мен қандай донишманд бўламан?"

Хозир ҳамма шундай ҳолатда. Сиз тижорат билан, ёки бошқа қандайдир фаолият билан шуғулланишингиз мумкин, аммо агар ўзингизнинг ким эканингизни, бу дунёга қаердан келганингизни, моддий оламнинг қонунлари таъсири остида нимага азобланадигизни, кейинги ҳаётингиз қандай бўлишини билмас экансиз, қилаётган ишларингизнинг барчаси - бефойдадир. "Шримад Бҳагаватам"да (1.2.8.) шундай дейилган:

*Дхармаҳ свануашхитаҳ пумсам вишаксена-катхасу йаҳ  
нотпадайед йади ратим ирама эва хи кевалам*

"Агар инсоннинг хунари ёки лавозимига биноан қилаётган ишлари унинг қалбида Кришнанинг кўрсатмаларига нисбатан қизиқишиготмаса, унинг фаолияти бефойда, бемаънидир". Шунинг учун биз ҳаммани, Кришна қандай ҳолатда кўйган бўлса, шундайлигингизча қолишга, ўз бурчингизни яхшироқ бажаришга, аммо, шу билан бирга Худони, Кришнани англашга ҳаракат қилиб кўришга чақирамиз.

Кришнани англаш - Худони таниш демақдир. Биз аслида Худонинг ажралмас бўлакчалари эканимизни англаб етишимиз лозим. *манаивамио жива-локе жива-бхутах санатанаҳ*. Бу бизнинг мангу ҳолатимиз, аммо ҳозир ўзимизнинг фикримиз ва ҳиссиётимиз билан курашиб юрибмиз: *манаҳ шаштханиндирийани пракрити-стхани каршати*. Мавжудлик учун курашнинг нима кераги бор? Биз вақтинчалик мавжудликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мангу ҳаёт билан қизиқишимиз лозим. Мисол учун, ҳозир вақтинчалик ҳаётимда жуда катта пулдор, бадавлат тижоратчи бўлиб, йигирма, эллик, боринг юз йил колдим дейлик. Аммо, кейинги ҳаётимда ҳам шундай катта тижоратчи, бадавлат бўлиб қолишимга ҳеч ким кафолот бера олмайди-ку. Бундай кафолотни ҳеч ким бера олмайди. Аммо, бу бизни қизиқтирмайди. Биз фақат ҳозирги, ўткинчи қисқа умримизни ўйлаймиз-у, аммо ўзимизнинг мангу ҳаётимизни ўйлашни истамаймиз. Мана шу бизнинг энг катта хатоимиз.

Бу ҳаётимда машхур тижоратчи бўлишим мумкин, аммо кейинги ҳаётимда, бу ҳаётда қилган ишларим оқибати - кармасига биноан, бошқа бир танага эга бўламан. 8400000 ҳаёт тури мавжуд. *Жаладжа нава-лакшани стхавара лакша-вимшатиҳ* - сувда яшайдиганларнинг 900000 тури, дараҳт ва ўсимликларнинг 2000000 тури мавжуд. *Крмайо рудра-санкхайакаҳ пакшинам даша лакхинам* - судралиб юрувчи ва ҳашаротларнинг 1100000 тури ва кушларнинг 1000000 тури мавжуд. Ва ниҳоят, *тримсал-лакшани пашаваҳ чатур-лакшани манушаҳ* - ҳайвонларнинг 3000000 тури ва одамларнинг 400000 тури

мавжуд. Инсон бўлиб туғилишдан олдин 8000000 турли таналарда яшаб ўтишимиз керак. Прахлада Махараж шундай деган эди:

*Каумара ачарет пражсно дхарман бхагаватан иха  
дурлабхам манушам жанма тад апи адхрувам артхадам*

"Етарли ақлга эга бўлган киши умрининг бошидан ҳаётини Худога холис хизмат қилишга бағишлиши керак. Инсон бўлиб туғилиш жуда нодир имкониятдир, гарчи танамиз бошқа таналар сингари ўткинчи бўлса ҳам, у жуда қимматбаҳодир, чунки, инсон танаси бизга Худога холис хизмат қилиш имконини беради. Ҳатто озгина бўлса ҳам, Худога қилинган самимий хизмат инсонни камолотнинг энг баланд чўққисига кўтара олади".(Ш.б.7.6.1).

Турли одамлар бор. Бирвларни кармилар, бошқаларни гйанилар, яна бирларини - йогалар, баъзиларини бхактилар деб атайдилар. Кармилар ҳаётда, моддий, ўткинчи дунёвий баҳтга интилиб юрганлардир. Ўзларининг шу ҳаётида иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишни, ўлганларидан кейин эса жаннатга тушишни истайдилар. Гйанилар ҳам баҳтга интиладилар, аммо моддий ҳаёт уларнинг жонига теккан, улар моддий лаззатнинг арзимас нарса эканини тушуниб, Мутлақ Ҳақиқатга, Браҳманга қўшилиб кетишга интиладиган одамлардир. Йоглар ҳар хил кароматлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлишга интиладилар. Худонинг содик хизматкорлари, бхактилар эса, Худога холис хизмат қилиш билан машғул кишилардир. Аммо, Худо ҳақида ҳеч нарса билмай туриб, Худога қандай хизмат қилиши мумкин? Шунинг учун, Худо ҳақида илмга эга бўлган киши энг юқори маданиятли киши ҳисобланади.

Маданиятнинг ҳар хил турлари бор: кармилар маданияти, гйаниларнинг маданияти, йогаларнинг маданияти ва бхактиларнинг маданияти. Аслида, одамларнинг барчасини, агар улар бурчларини ҳалол бажарсалар, йоглар деб атайдилар. Карма-йоглар, гйана-йоглар, дхайана-йоглар ва бхакти-йоглар. Аммо, "Бҳагавад Гита"да (6.47) Кришна шундай дейди:

*йогинам апи сарвешам мад-гатенантаратмана  
шраддхаван бхаджсате ѹо мам са ме йуктатамо матая*

Энг яхши йог ким? Кришна шундай жавоб беради - "Хамиша Мени ўйлаб юрган одам!" Демак, Кришнани англаб, Уни ҳамиша эслаб юрган одам - энг яхши йог экан. Аввал айтганимдек, йогларнинг тури кўп, аммо уларнинг ичидаги ҳамиша қалбидаги чукур иймон ва муҳаббат билан Худо ҳақида, Кришна ҳақида ўйлаб юрган одам - уларнинг энг яхшисидир. Кришнага холис хизмат қилиб юрган киши энг яхши йогдир.

Шунинг учун одам ўзининг аслида кимлигини, Кришнанинг кимлигини, ўзининг Кришна билан муносабати қандай эканини, яшашинг маъноси ва мақсади нимадан иборат эканини ўйлаб кўрсин. Агар шу нарсаларни билишга интилмасак, шунчаки вақтимизни бекорга ўтказаётган, бу нодир инсон умрини бекорга зоя қилаётган бўламиз. Гарчи ажалдан ҳеч ким кутула олмаса ҳам, ажалидан аввал мана шу нарсаларни билиб олган ва шунга қараб иш тутган киши баҳтли инсондир. Унинг ҳаёти ҳақиқатан ҳам мазмунли ўтган бўлади.

Ит ҳам ўлади, мушук ҳам ўлади, - ҳамма ўлади. Аммо Худони, Кришнани таниб ўлиш - энг шарафли ўлимдир! Кришна "Бҳагавад Гита"да шундай дейди. (4.9)

*Жанма-карма ча ме дивиам эвам йо ветти таттватаҳ*

*Тийактва дехам пунар жсанма наити мам эти со ржунуа*

"Менинг намоён бўлишимнинг, қилган ишларимнинг илохий табиатини тушуниб етган одам моддий оламда ҳеч қачон қайта туғилмайди. Танасини тарк этгандан кейин у Менинг мангу даргоҳимга келади, эй Аржун!"

Биз Ер юзи бўйлаб саёҳат қилиб, ҳамма ерда одамлардан бир нарсани илтимос қиласиз:- "Кришнани, Худони англаб олишга ҳаракат қилинг, шунда сиз ҳаётингизда албатта баҳт ва муваффакиятга эришасиз!" Қандай иш билан машғул эканингизнинг аҳамияти йўқ. Яшаш учун, кун кечириш учун ишлаш керак. Кришна шундай дейди: "*шарира йатрати ча те на прасиддхиед акарманаҳ-*" "Ишламасдан тирикчилик қилиб бўлмайди". Тирикчилик қилиш учун ишлаш керак, аммо айни пайтда ҳаётда баркамолликка эришиш учун ёрдам берадиган илм олишга ҳам албатта ҳаракат қилиш керак. Ҳаётда баркамолликка эришиш осон: Кришнани танишга, Кришнани англаб етишга ҳаракат қилиш лозим. Биз бутун дунёга шуни тарғибот киляпмиз. Кришнани англаш қийин эмас. Агар сиз "Бҳагавад Гита"ни ўкиб чиқсангиз бунинг уддасидан чиқасиз. У ерда Кришна ҳамма нарсани тушунтириб берган.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ одамларга Кришна шундай дейди: *расо ҳам апсу каунтейа прахасми шаши-сурайайоҳ* - "Эй Кунтининг ўғли, сувнинг таъми - Мен бўламан, қуёш ва ойнинг нури - Менман". "Мен Худони кўролмаяпман" - деган гап умуман бемаънидир. Мана Худо, сувнинг таъми - Худо. Ҳамма ҳам сув ичади, сув ичганда ҳар бир одам Худонинг борлигини сезиши мумкин. Нега "Мен Худони кўрмаяпман!" - дейсиз. Худонинг, Кришнанинг Ўзи ўргатганига амал қилиб фикр юритинг, кўп ўтмай Уни албатта кўра оласиз. Шунчаки,

"Бҳагавад Гита"даги шу насиҳатни эслаб юринграсо ҳам аның каунтейиа прабхасми шашикурйайоҳ - "Сувнинг таъми - Менман, Қуёш ва Ойнинг нури ҳам - Мен". Қуёшнинг нурини кўрмаган ким бор? Ойнинг нурини кўрмаган ким бор? Сувнинг таъмини ким билмайди? Қандай қилиб "мен Худони кўрмадим" дейиш мумкин. Бҳакти-йога билан шуғулланинг, шунда ҳар бир қултум сувда Кришнанинг мавжудлигини хис қилиб, лаззат оласиз. Сув ичган заҳоти сиз Кришнани эслайсиз. Қуёшга ёки Ойга кўзингиз тушиши билан сиз дарров: - "Мана Кришна!" - деб ўйлайсиз. Осмонда қандайдир товуш эшитган заҳоти сиз Кришнани эслайсиз: -"Мана Кришна!".

Шу тарзда Кришнани ҳар ерда, ҳамиша эслаб юрадиган бўласиз. Сиз ҳамиша Кришнани эслаб юрсангиз - йоганинг энг юқори поғонасига эришган бўласиз. Авваламбор ушбу мантрани тақрорлаб юринг:

**Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре,  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.**

Шунда ҳамиша Кришнани, Худони эслаб юришингиз осон бўлади. Бунинг учун ҳеч қандай солик олмайдилар. Ҳеч нарса йўқотмайсиз. Агар мантра тақрорлаб юрсангиз, сув ичганингизда Худони, Кришнани эслаб юрсангиз нима йўқотасиз? Шундай экан, нимага ҳаракат қилиб кўрмайсиз? Мана шу - ҳақиқий илмга асосланган ҳақиқий маданиятдир. Агар мана шу илмни ўрганишга ҳаракат қиласангиз ва шу билан бирга ўз бурчингизни ҳалол бажаришга ҳаракат қиласангиз - сизнинг ҳаётингиз маъноли ўтган бўлади.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

## Ведаларда берилган башоратлар

Қарийб беш минг йил аввал ёзилган "Шримад Бҳагаватам" бугунги кунда содир бўлаётган ҳодисалар ва ҳолатларни ҳайратланарли даражада аниқ баён этганидан кўпчилик бехабар. 1973 йилнинг 24 декабрида Лос-Анжелесдаги Кришнани Англаш жамияти эҳромида қилган маърузасида Шрила Прабхупада мана шу қадимий асардан бир неча мисоллар келтирди. "Шримад Бҳагаватам"нинг ўн иккинчи қўшигида биз ҳозирги замонавий жамиятда гувоҳи бўлаётган жуда кўп ҳодисалар баён этилган: "Диний қоидаларнинг ва адолатнинг

*қандай бўлиши кераклигини ким кучлироқ бўлса, шу белгилайди.... Инсоннинг тақвадорлиги унинг моддий бойтиги билан ўлчанади... Пули йўқ одам адолатга эриша олмайди, ҳар қандай маҳмаданани олим деб ҳурмат қиласидилар".*

*Таташи чанудинам дхармаҳ сатйам шаучам кшама дайа*

*Калена балина раджсан нанкийати айур балам смритиҳ*

"Эй шоҳ, бешафқат Замона таъсири остида тақвадорлик, адолат, поклиқ, ҳалоллик, кечиримлилик, раҳмдиллик каби хислатлар, инсоннинг жисмоний қуввати, хотираси ва умри кун сайин камая боради.(Ш.б-12.2.1).

Ҳозир биз яшаётган Кали-юга даври "Шримад Бҳагаватам"нинг ўн иккинчи бобида шундай таърифланган. "Шримад Бҳагаватам" беш минг йил муқаддам, Кали-юга бошланиши олдида, унда айтилган нарсалар хали рўй бера бошламаган пайтда ёзилган. Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам"ни шастра, яъни илоҳий, муқаддас китоб деб ҳисоблаймиз. Шастраларни ёзган одам ўтмиш, ҳозир ва келажакни кўра олишга қодир бўлган озод, илоҳий шахс бўлиши лозим.

"Шримад Бҳагаватам"да жуда кўп нарсалар башорат қилинган. Масалан, Худованд Будданинг, Худованд Калкининг келишлари. Худованд Калки Кали-юга охирида келади. Худованд Чайтанийанинг келиши ҳам эслатиб ўтилган. Гарчи "Шримад Бҳагаватам" беш минг аввал ёзилган бўлса ҳам, унинг муаллифи ўтмиш, ҳозир ва келажакни биладиган зот бўлган, ундан одамларни *три-кала-гйа* деб атаганлар ва келажакда бўладиган воқеаларни олдиндан аниқ айта олган.

Юқоридаги шеърда Шукадева Госвами биз яшаб турган даврга хос бўлган сифатларни таърифлаб беряпти. У *таташи-чанудинам* дейди, яъни бу даврда вақт ўтиши билан дхарма(диний қонунлар), сатйам(ҳақгўйлик), шаучам(поклик, ҳалоллик) кшама (кечиримлилик), дайа(саҳоват), айух(умр), балам(жисмоний куч) ва смрити(хотира) - буларнинг ҳаммаси заволга учраб, камайиб боради ва охирида умуман йўққа чикади, деб айтияпти.

Маълумки, Кали-югадан бошқа югалар ҳам бор. 1800000 йил давом этган Сатия-югада одамларнинг умри юз минг йил бўлган. Кейин Трета-юга 1200000 йил давом этган ва унда одамлар ўн минг йил умр кўрганлар. Бошқача қилиб айтганда, инсон умри ўн баробар камайган. Ундан кейинги, 800000 йил давом этган Двапара-югада одамлар яна ўн марта камроқ, минг йил умр кўрганлар. Ҳозирги Кали-югада биз ошиб борса юз йил яшашимиз мумкин. Эътибор беринг: инсоннинг умр кўриши ҳозир ўртacha етмиш ёшга тушиб кетган. Бу ҳол то

йигирма-ўттиз ёшдаги киши кекса чол деб хисобланадиган ҳолатга қадар давом этаверади.

"Шримад Бҳагаватам"да башорат қилинган Кали-юганинг яна бир белгиси хотиранинг пасайишидир. Ҳозир, кўриб турибизки, одамларнинг хотираси яхши эмас, - улар тез унутиб юборадилар. Ҳатто ҳар куни эшитиб юрган нарсаларини ҳам эсларидан чиқарадилар. Айни пайтда одамларнинг жисмоний кучлари ҳам камайиб кетяпти. Бу ҳеч кимга сир эмас, ҳар бирингиз биласизки, отангиз ёки бобонгиз сизларга қараганда анча бақувватроқ, кучлироқ бўлган. Демак, жисмоний куч камайиб, хотира пасайиб, умр қисқариб боряпти - буларнинг ҳаммаси "Шримад Бҳагаватам"да башорат қилинган.

Кали-юганинг яна бир белгиси - диннинг, инсонлардаги эътиқоднинг инқирозга учрашидир. Аслида бу даврда дин ҳакида умуман гапирмаса ҳам бўлади, дин деярли йўққа чиқкан. Дин билан ҳеч ким қизиқмайди. Черковлар, эҳромлар, масжидлар ёпиб қўйилган, уларнинг эшикларига катта қулфлар осилган. Ҳозир биз ўтирган мана шу иморат ҳам олдин черков бўлган, аммо одамлар келмай қўйгани туфайли у сотиб юборилган. Биз Австралияда ҳам жуда катта черковни сотиб оляпмиз, Лондонда ҳам бўшаб ётган черковларни жуда кўп кўрганман - черковга ҳатто ҳеч ким кирмайди. Фақат черковлар эмас, Ҳиндистонда ҳам одамлар факат бир неча катта эҳромларга борадилар, кичик-кичик эҳромлар эса бўшаб қоляпти. Улар итларга бошпана бўлиб қолган. Демак, дин, дхарма ҳам инқирозга учраган.

Ҳақгўйлик, поклик, ҳалоллик ва кечиримлилик ҳам йўқолиб боряпти. Авваллари бир киши билмай бирор ёмон иш қилиб қўйган бўлса уни кечириб юборадилар. Масалан, Аржун ўз душманларидан қанча азоб кўрди, шунда ҳам Курукшетрадаги жанг олдидан "Кришна, мен кетаман, уларни ўлдиришни истамайман!"- деган. Мана сизга кечиримлиликка бир мисол. Аммо ҳозир одамлар, ҳатто энг яқин одамини ҳам салгина ҳақорат қилгани учун ўлдириб юборишга тайёр. Ҳамма ерда ҳозир шундай аҳвол. Саҳоват, раҳмдиллик, меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч ерда қолмаган. Агар бирорвинг бирорни ўлдираётганини кўрсалар ҳам кўплар индамай ўтиб кетаверадилар. Бу ҳозир табиий ҳол. Шундай қилиб, одамларда диндорлик, ҳақгўйлик, поклик, кечиримлилик, раҳмдиллик, умр кўриш ва жисмоний куч камайиб кетяпти. Ана шу белгиларга қараб сиз атрофимизда Кали-юга ўз ҳукмини тобора кучлироқ ўтказаётганига амин бўласиз.

Кали-юганинг сифатлари ичida яна биттаси: *вимтам эва калау нринам жанмачара-гунодайаҳ* - "Кали-югада инсоннинг обрў-

эътибори унинг мол-дунёси билан ўлчанади"(12.2.2) Авваллари одамнинг обрў-эътибори унинг руҳий баркамоллиги билан ўлчанарди. Мисол учун, браҳманларни уларнинг Худони, Браҳманни англаб етгандари учун ҳурмат қиласидилар. Аммо, Кали-югада браҳманлар деярли йўқ бўлиб кетган, фақат браҳман авлоди бўлгани учунгина уларни браҳман дейдилар, жсанме. Браҳман хонадонида туғилганларни ҳурмат қилиш аввал ҳам бўлган, аммо қадимда, аввало одамнинг одоби, илмига, ўзини тутишига қараб баҳо берардилар. Агар одам браҳман ёки кшатрий оиласида дунёга келган бўлса, у ўзини браҳман ёки кшатрийлардек тутиши керак эди. Шоҳ эса, бир табакага мансуб одам бошқа табаканинг кийимини киймаслигини назорат қилиши лозим эди. Бошқача қилиб айтганда, одамларни уларнинг маданияти ва илмига қараб эъзозлардилар. Аммо ҳозир ундан эмас: *виттам эва қалау нринам* - агар пулингиз кўп бўлса, хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин. Ҳеч қандай яхши сифатларга эга бўлмаган, умуман ярамас, маданиятсиз одам ҳам, пули кўп бўлса, катта обрўга эга бўлади. Сизнинг маданиятингиз, маълумотингиз ва илмингиз ҳеч кимни қизиқтирмайди. Кали-юга мана шундай сифатларга эга.

Кали-юганинг яна бир сифати: *дҳарма-нйайа-вйава-стхайам каранам балам эва хи* -"Диний қонунлар ва адолатнинг қандай бўлишини кучлироқ, қудратлироқ бўлган одам белгилайди".(12.2.2) Агар обрўли одам бўлсангиз, ҳамма нарса сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Ўзингиз энг ашаддий - атеист, худобехабар одам бўлишингиз мумкин, аммо руҳонийни сотиб олсангиз, у сизни энг диндор одам деб гувоҳлик беради. Шундай қилиб, одамнинг обрўси унинг ҳақиқий сифатларига қараб эмас, унинг мол-дунёсига қараб белгиланади. Шеърнинг давомида айтиладики, *дам-патие бхиручир хетур майаива вйавахарике* - "Никоҳлар бир зумлик эҳтирослар асосида тузилади, бирор ишингиз битиши учун ёлғон гапиришга мажбур бўласиз".(12.2.13) Эркак билан аёл орасидаги муносабат уларнинг бир-бирларига мойиллиги (абхиручи) билан белгиланади. Агар йигит билан қиз бир-бирига ёқиб қолсалар, улар: - "Уйлансак бўлмайдими?" деб ўйлашади. Бу йигит-қизларни келажакда нималар кутаётгани ҳеч кимни қизиқтирмайди. Шунинг учун улар тез орада ажралиб кетадилар. Тўйдан кейин олти ой ўтмасдан ажралиб кетадилар. Буларнинг ҳаммасига сабаб шуки, улар бир-бирларини чукур ўрганмасдан, бир зумлик ёқтириб қолиш, эҳтиросга асосланиб турмуш курганлар.

Ҳиндистонда авваллари, масалан менинг ёшлик давримда, йигит ва қиз бир бирини ёқтириб қолгани асосида никоҳ қилинмасди.

Мутлақо. Келинни ота-оналар танлашарди. Мен студент пайтимда уйланғанман, аммо келинни ўзим танламаганман. Ҳаммасини ота-оналар ҳал қылғанлар. Яна бир мисол - Ҳиндистоннинг биринчи президенти - Раджендра Прасад. Ўзининг автобиографиясида ёзишича, уни саккиз ёшида уйлантирганлар. Менинг қайнотамни ўн бир ёшида уйлантирганлар, қайнонамни эса етти ёшида эрга берганлар. Авваллари Ҳиндистонда башоратчиларсиз биронта ҳам никоҳ ўқилмасди. Чунки келин ва күёвнинг олдинги ҳаётларини, ҳозирги ва келгуси ҳаётларини аниқ билғандагина уларнинг баҳтири бўлишларига амин бўлиш мумкин. Никоҳ ана шундай илмий асосда қурилиб, муқаддас маросим билан тасдиқланганда эр-хотин тинч-тотув яшаб, руҳий ҳаёт кечирадилар. Бир-бири билан ҳамжиҳатлиқда, баҳтиёр яшаб руҳий юксалишга эришадилар. Умрининг охирида эса, мангу уйларига Кришнанинг даргоҳига қайтадилар. Никоҳ ана шундай асосда қурилиши керак. Ёши етган йигит ва қизнинг бир-бири билан учрашишлари, бир-бирига ёқиб қолиб никоҳ қуришлари, кўп ўтмай бир-бирини ташлаб кетиши умуман ман қилинган... Ундай никоҳларга ҳеч қачон рухсат этилмаган. Аммо, Кали-юга ҳақида шундай башорат қилинган: *дам-патие бхиручих* - йигит ва қизнинг никоҳ қуришлари учун уларнинг бир бирларини яхши кўриб қолиши кифоя бўлади. Бундай муҳаббат эса бир зумда нафратга айланиши мумкин. Буни ҳамма билади. Шунинг учун, бир кўришдан муҳаббат изҳор қилишга асосланиб қурилган никоҳ сариқ чақага ҳам арзимайди.

Бизнинг давримизнинг башорат қилинган сифатларидан яна бири: - *стрите пумстве ча хи ратир випратве сутрам эва хи* - "Эр хотин бир-бирига нисбатан хирсий эхтирос мавжуд бўлсагина бирга туришади кейин ажralиб кетадилар. Браҳманларни факат уларнинг муқаддас чилвирларидан таниб оладилар".(Ш.б-12.2.3) Браҳманларга муқаддас чилвир берилади. Уни тақиб олган одам: "Мен муқаддас чилвир тақиб олдим, демак, энди мен браҳман бўлдим. Мен ўзимни жамиятда худди чандал(иймонсиз ҳароми одам)лардек тутишим мумкин, бунинг аҳамияти йўқ!" - деб ўйлади. Кўяръясизми, бизнинг ҳозирги давримизда нималар бўляпти. Браҳман бўлган одам ўз зиммасига қанчалик катта маъсулият олганини англаб етмайди. Сариқ чақага арзимайдиган браҳманлик чилвирини тақиб олиб, ўзини браҳман бўлдим, деб ҳисоблайди. Яна айтилганки: *стрите пумстве ча хи ратих* - эр билан хотин бир-бирларига ёқсаларгина бирга туришади. Аммо салгина жинсий, ҳирсий муаммо пайдо бўлган заҳоти уларнинг ўзаро муҳаббати нафратга айланади.

Кали-юганинг яна бир хислати: *авриттыйа нийая-даурбалайам*

*пандитие чапалам вачаҳ* - "Пули бўлмаган одам адолатга эриша олмайди, ҳар қандай маҳмадана, сафсатабозни олим деб ҳурмат қилишади"(Ш.б-12.2.4.) Агар пулингиз бўлмаса сиз ҳеч қачон ҳам судда адолатга эриша олмайсиз. Кали-юга мана шундай. Ҳозирги пайтда ҳатто Олий Суднинг судялари ҳам ишни сизнинг фойдангизга ҳал қилиш учун пора олишади. Агар пулингиз бўлмаса судга мурожаат қилиб юришнинг ҳожати йўқ. *Пандитие чапалам вачаҳ*. Ҳар қандай гапга чечан сафсатабозни, лаганбардорни - нима гапираётганининг ҳам, уни тушунишнинг ҳам аҳамияти йўқ, - олим деб ҳурмат қиласидар. "У олим одам!" Агар сиз қандайдир мужмал сафсатани чиройли гапирсангиз, сизни ҳеч ким тушунмаса ҳам, одамлар: - "Қаранг, қанчалик илмли, олим одам экан!" - дейишади. Ҳозир ҳақиқатан ҳам шундай-ку! Ҳозир шунча кўп саводсиз олимлар қанчаканча китоблар ёзяптилар, аммо уларнинг бирортасидан "нималар тўғрисида ёзяпсиз?"- деб сўрасангиз, у "Эх-хе, буни тушунтириш жуда кийин!" - дейди. Бундай ҳолни ҳар қадамда кўриш мумкин. "Шримад Бҳагаватам"да яна шундай дейилган:

*анадхӣатаивасадхутве садхутве дамбҳа эва ту  
свикара эва ҷодваҳе снанам эва прасадханам*

"Қашшоқлик инсоннинг иллати, нуксони деб ҳисобланади, ўзини диндор деб ҳисобладиган мунофиқ одам тақводор ҳисобланади. Никоҳлар эркин келишилган ҳолда курилади, шунчаки сувда чўмилган одам ўзини пок ва чиройлиман деб ҳисоблади"(Ш.б-12.2.5).

Биринчи белги - *анадхӣата*. Агар камбағал бўлсангиз сизни ҳеч ким ҳурмат қилмайди: ҳалолу-ҳаром йўл билан пул топишни эплай олмаган киши ҳурмат қилишга арзимайди, деб ўйлади одамлар. *Сви-кара эва ҷодваҳе* - никоҳ қуриш учун эркак ва хотин рози бўлсалар бас. Сизларда, ҳатто бизларда ҳам ҳозир шундай бўлиб кетган. Ҳукумат никоҳни қайд қилувчи бирор амалдорни белгилаб кўйган, йигит ва қиз унинг олдига келиб никоҳни қайд қилсалар, бас. Балки қандайдир солиқ тўлашлари керакдир. "Ҳа, бизлар оила қуришга розимиз"- десалар кифоя, уларга никоҳ гувоҳномасини берадилар. Авваллари ота-она фарзандларига келин ёки куёвни, уларнинг келажагини айтиб беришга қодир бўлган мунажжимнинг маслаҳати асосида танлар эди. Ҳозир эса никоҳ қуришга икки томон рози бўлса, шунинг ўзи кифоя.

Кали-юга сифатларидан яна бири: *дуре вари-айанам тиртҳам лаванийам кеши-дхаранам* - "Узокроқ жойдаги дарёга бориб келиш - зиёрат деб ҳисобланади, соchlарини узун ўстирган йигит ўзини жуда

чиройлиман деб ўйлайди".(Ш.б.12.2.6.) Кўрятпизми, "Шримад Бҳагаватам" келажакни қанчалик аниқ таърифлаган. "Кали-югада сочини узун қилиб ўстирган эркак киши ўзини жуда чиройли ҳисоблайди". Сизда бунга мисоллар жуда кўп. Эркакларнинг сочларини узун қилиб юришларини ким ҳам олдиндан кўра оларди? "Шримад Бҳагаватам"да шундай ёзилган: *кеша-дхаранам*. *Кеша* - "узун соч" дегани, *дхаранам* эса - "ўстирмоқ" деганидир.

Зиёратгоҳ жуда олисда бўлиши керак деб ўйлайди одамлар. Мисол учун, муқаддас Ганга дарёси Калкуттадан ҳам оқиб ўтади, аммо ҳеч ким Калкуттада унга чўмилмайди, ҳамма чўмилиш учун Хардварга боришади. Ҳаммаси бир дарё, - Хардварда ҳам шу Ганга, Бенгал бўғози томонга оқади. Аммо одамлар Хардварга бориб чўмилиш учун шунча йўл азобларига чидашга тайёр, чунки Хардвар *тиртҳа*, саждагоҳ жой деб хисобланана бошлади. *тиртҳа* ҳар қайси динда ҳам бор. Мусулмонларда тиртҳа - Макка ва Мадина, христианларда - Голгоф. Индуслар ҳам, худди шундай тиртҳага жуда узоқ масофа босиб бориш керак деб ўйлашади. Аммо, аслини олганда тиртҳа дегани - муқаддас авлиё одамлар тўпланган жойдир(*тиртҳа-курванти тиртҳани*). Тиртҳанинг маъноси шу, ўн минглаб километр йўл босиб бориб, шунчаки чўмилиб орқага қайтиб кетадиган жой дегани эмас.

Кейин яна шундай белгилари башорат қилинган:

*Ударам-бхарата свартхаҳ сатийатве дхарштйам эва хи  
Дакийам кутумба-бхаранам йаио- ртхе дхарма-севанам*

"Яшашдан максад - корин тўйғазиб овқат ейиш деб хисобланади, сурбетлик - ҳақиқат меъзони бўлиб қолади. Ўз оиласини боқишига кодир бўлган одамни жуда эпчил одам деб хурмат қиласидилар, диний амалларни эса, фақат обрў қозониш учун бажарадилар".(Ш.б.12.2.6). Хоҳлаган овқатидан корнини тўйғазиши кўлидан келган одамни орзуусига етган одам деб ҳисоблашади. Одамлар жуда очарчиликда яшайдилар, уларнинг ейишга нарсалари қолмайди, шунинг учун ҳам агар кимдир бир куни корни тўйиб овқат еса, ҳаётдаги орзуусига етган ҳисобланади. Чиройли гапиришни биладиган одамни ҳақгўй одам деб атайдилар. *Дакийам-кутумба-бхаранам* - оиласини боқишига қурби етган одамни эпчил одам деб хурмат қиласидилар. Демак, оиласини боқиши жуда қийин бўлиб қолади. Бу ҳозир ҳам анча қийин. Бир хотин билан икки болани боқиши катта муаммо бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам ҳеч кимнинг уйлангиси келмайди.

Кейинги шеърда, одамларнинг барчаси Кали-юганинг иллатлари билан заҳарланганларида нималар бўлиши башорат қилинган.

*Эвам праджабхир душтабхир акирне киити-мандале*

*Брахма-вим-кшатра-шудранам йо бали бхавита нрипаҳ*

Кишининг жамиятда тутган ўрни ҳеч кимни қизиқтирмай қўяди: у браҳманми, кшатрийми, вайшами ёки шудрами. Агар у гапларига сайловчиларни ишонтириб, етарли овоз олса бас, шоҳ ёки президент лавозимига кўтарилади. Авваллари фақат кшатрийгина тахтга ўтириш хукуқига эга бўлган, ҳеч қандай браҳманнинг, вайша ёки шудранинг бунга хукуки бўлмаган. Аммо ҳозир, Кали-югада кшатрий ёки браҳман тоифасига оид одам қолмаган. Энди демократия. Ҳалол ё ҳаром йўллар билан кўпчилик овоз ола билган ҳар қандай одам раҳбарлик лавозимига кўтарилаверади. У энг уччига чиқсан фирибгар, ярамас бўлиши мумкин, аммо овоз тўпласа бас, энг юкори лавозимга - президент лавозимига ҳам кўтарилиши мумкин. Кейинги шеърда ана шундай ҳукмдорлар таърифланади:

*Праджса хи лубдхай раджсанайир нирхрнаир дасийу-дхармабхих*

*Аччхинна-дара-дравина йасийанти гирикананам*

"Шафқатсиз ярамаслар ҳукмронлик лавозимига кўтарилганларидан сўнг, фуқароларни шу қадар қийнайдиларки, улар хотин ва молдунёларини ташлаб тогу-ўрмонларга қочиб кетадилар"(12.2.8.). Демак, ҳукумат лавозимига сайланган кишиларнинг пировард кўпчилиги очкўз, юлғич сипоҳилардир(лубдхай раджсанайах). *Нирхрнаир дасийу*: - уларнинг қиласидиган асосий ишлари - ҳалқни талаш бўлади. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги пайтда ҳокимиятнинг ҳар хил солиқларни тобора кўпайтираётганинг гувоҳимиз: солиқлардан тушган сармояларни эса, ҳар хил йўллар билан ўзаро бўлишиб оладилар, оддий ҳалқнинг аҳволи эса яхшиланаётгани йўқ. Барча ҳукуматлар шундай иш тутадилар. Вакти келиб одамлар бундай қийинчиликларга чидамай ўз уйларини, хотинларини ва мол-мулкини ташлаб ўрмонларга кетиб қоладилар(аччхинна-дара-дравинах). Биз бундай аҳволнинг ҳам гувоҳи бўляпмиз.

Шундай килиб, калер доша-нидже раджсан: - Кали-юга даври - ҳар қандай иллатлар манбаи бўлган уммон, океандир. Агар сизни Тинч океанига ташласалар, ҳаётингизни қандай қутқара оласиз? "Шримад Бҳагаватам"да Кали-юга даври бекорга барча иллатлар уммони деб аталмаган. Бу даврда ёмон иллатлар, ҳар хил кўзбўямачиликлар шунчалик кўпки, инсон қочиб қутулишга жой топилмайдигандай туюлади. Аммо, барибир бу балолардан ҳалос бўлишнинг ягона усули мавжуд: *киртанаед эва кришинасайя муктасангаҳ парам враджет*. "Шримад Бҳагаватам" таъкидлаб айтаптики, Кали-юга даврининг беаёв вабо касалидан сизни Кришнанинг, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳалос этади.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

## Қассоблар ёки ВАҲШИЙЛАР МАДАНИЯТИ

1974 йил июнида Франциянинг Валенси шаҳрига яқинроқда жойлашган Криинани англаш ҳаракатининг қишилоқ-хўжалик жамоасида Шрила Прабхупада ўзининг бир гуруҳ шогирдлари билан суҳбатда бўлди. Унда - "ҳозирги одамларнинг гўшт маҳсулотларига бўлган табабининг ортиши, бутун жаҳон бўйлаб беозор ҳайвонларни аёвсиз равишда ваҳшийларча ўлдирадиган куиҳоналарнинг кенг тарқалиши - жаҳон урушлари, инсонларнинг оммавий қирилиши сингари оқибатларга олиб келади". - деди.

Йогешвара дас. Шрила Прабхупада, яқинда сиз Ҳиндистонда яқин кунларгача сигир гўштини овқатга ишлатиш тақиқланганлигини, гўшт ейдиганлар эса фақат ит ва эчкилар сингари паст ҳайвонларни ўлдиришлари мумкинлигини айтгандингиз.

Шрила Прабхупада. Ҳа. Ведавий қонунларга асосланган жамиятда гўшт ейишни хоҳлайдиган одамларга итнинг гўштини истеъмол қилиш белгиланган. Худди Кореядагилар сингари ит гўштини ейишингиз мумкин. Аммо, то ўз ажали билан ўлмагунча сигир гўштини еманг. Биз "-Умуман гўшт еманг!" - демаймиз. Сигир гўштини ейишни жуда истасангиз, еяверинг, барибир ўлгандан кейин унинг гўшти қайсиdir тирик зотларга ем бўлиб кетади. Одатда сигирларнинг жасади қарға, кузгунларга ем бўлиб кетади. Нимага калхатларга ем бўлиши керак? Нимага уларни қарға ва қузгунлардан ҳеч қолишмайдиган "замонавий одамлар"га бериб бўлмас экан?

Улар фақат "замонавий одамлар" деб саналадилар холос - шу ярамасларнинг қузғун, калхатлардан нима фарқи бор? Калхатлар ҳам ўлдиришни ва кейин ўлган жасадни титкилаб ейишни яхши кўрадилар. "Ўлdir, ундан кейин мазза қилиб гўштини е!" - одамлар ҳам калхатларга ўхшаб кетган. Уларнинг маданияти калхатлар маданиятидир. Ҳайвонларни ўлдириб гўштини ейдиган одамлар калхат, ит ва бўрилардан фарқ қilmайди. Гўшт инсон учун умуман тўғри келмайдиган овқат. Ҳақиқатан ҳам зиёли бўлган одамлар учун Худо, Ведалар, муқаддас китоблар инсоннинг табиатига мос овқатлар: сут, мева-чева, сабзавот, дон, ёнғокларни белгилаб қўйган. Буни одамлар албатта билиб олишлари лозим. Тажовузкор, ёвуз, қонхўр - ҳозир олам-

ни айнан шундай сифатларга эга одамлар бошқаряпти.

Шунинг учун ҳам мен, ҳозирги йўлбошчилар энг паст табақага, тўртинчи синфга оид одамлар табақасига киради деганман, ва натижада бутун жаҳон инқирозга юз тутиб, бузилиб, пала-партиш бўлиб ётибди. Инсониятга илмли, маърифатли, биринчи синфга оид бўлган руҳий устозлар, маслаҳатчилар керак. Менинг шогирдларим биринчи синф одамлари бўлиб етишиш учун илм оляптилар. Агар жамиятда одамлар бизнинг насиҳатларга қулоқ солиб, уларга амал қила бошласалар, бутун жаҳонда тартиб интизом ўрнатиласди. Тартибсизлик ва пала-партишлик ҳукм суроғтган жамиятни тўртинчи синфга оид одамлар бошқараётган бўлса, бундан нима яхшилик кутиб бўларди?

Менинг бундай ошкора гапларимдан балки кўпларнинг ғазаби келар. Аммо, бу - ҳақиқат: аслида ҳозир барча ҳукмдорлар паст табақага оид кишилардир. Ўз сўзлари билан ҳам, намунали ишлари билан ҳам ортидан ҳаммани - давлат арбобларини ҳам, оддий фуқароларни ҳам эргаштира оладиган, Худонинг холис содик хизматкорлари - биринчи синфга оид кишилардир. Ҳокимиятнинг адолатли ишлашини, фуқароларнинг манфаатларини, хавфсизлигини сақлашни ўйладиган раҳбар ва ҳарбийлар - иккинчи синфга оид одамлардир. Дон етишитирувчи ва сигирларга ғамхўрлик қилувчи кишилар - учинчи синф одамларидир. Ким ҳозир сигирларга ғамхўрлик қилади? Бу ахир учинчи синфга оид кишиларнинг вазифаси-ку. Ҳеч ким. Шундай экан, ҳозир ҳамма тўртинчи табақага, ҳатто ундан ҳам паст табақага оид одамлардир. *Шва-вид-варахоштракхараих самстутаҳ турушаҳ пашуҳ*(Бх.2.3.19).- "Одамлар ҳаётни бошқариб турувчи илоҳий қонунларни эсларидан чиқариб, худди ҳайвонлардек яшайдилар ва ораларидан энг ашаддий ҳайвонларни ўзларига ҳукмдор қилиб сайлайдилар". Ҳар ким ўзи хоҳлаган ишини қилиб юрибди, - ҳаётнинг мазмунини, маъносини белгилайдиган ҳеч қандай қонун-қоида қолмаган.

Инсон умри белгиланган маълум қонун-қоидаларга бўйсуниши керак. Мен шогирдларимнинг ҳаммасидан ҳаётларини тартибга соловчи қонун-қоидаларга амал қилишларини талаб қиласман - гўшт емаслик, зино қилмаслик, ароқ ёки бошқа маст қилувчи нарсалар истельмол қилмаслик, қимор ўйнамаслик. Чунки, фақат шундагина улар ҳақиқий инсонлар бўлиб етиша оладилар. Ҳаётни тартибга соловчи қонунларнинг йўқлиги инсонларни ҳайвонлар қаторига қўшиб қўяди. Уларнинг ҳаёти ҳайвонлар ҳаётидан фарқ қилмайди.

Ўсимликлар ва ҳайвонлар танасида миллионлаб умрлар яшагандан кейин, ниҳоят инсон танасига эга бўлган мангу руҳ йога билан

шуғулланиш имкониятига эга бўлади, йога дегани эса ўзини тута билиш, ўз ҳиссиётларининг фаолиятини бошқара билиш деганидир. *Индианни самйамаҳ* - биз ўз ҳиссиётларимизни жиловлаб олишимиз лозим. Ҳақиқий йоганинг асл маъноси шундан иборат. Аммо ҳозир, "йога билан шуғулланиб юрибман", деб ўйлайдиган одамларнинг кўплари буни нотўғри тушунадилар. Худди ҳайвонлар сингари, улар ўз ҳиссиётларини бошқара олмайдилар. Инсон сифатида улар чукур тафаккурга эга, шу боис улар ҳиссиётларини жиловлашни ўрганишлари лозим. Шунда уларнинг ҳаётини "инсон" деган номга муносиб ҳаёт деб атаса бўлади. *На йат-карна-патхопетаҳ*: ҳеч қачон Олий Худо Шахсининг, Худонинг сўзлари қулоғига чалинмаган киши - шунчаки ҳайвондир. Давримиз одамларининг кўпчилиги ҳозир юксак руҳий, маънавий қадриятларни оширишга ундейдиган илм билан қизиқмайдилар, шу боис, бундай одамларнинг ҳайвонлардан фарки йўқ. Улар фикрлаш жиҳатидан ит, чўчка, тuya ва эшаклар билан бир қаторда туради.

Замонавий университетларда бериладиган маълумот аслида одамларга хўжайнларига ит сингари садоқат билан хизмат қилишга интилиш туйғусини сингдиради. Шундай маълумотга эга бўлганларидан кейин, ўқишни тутатган "олий маълумотли" зиёли одамлар, итларга ўхшаб, ишга олишларини сўраб эшикма-эшик дайдиб юрадилар. Улар ўзларига хўжайн излаб юрадилар, чунки ўзлари мустақил равишда ишлай олмайдилар. Худди дайди итлар сингари: агар хўжайнлари бўлмаса, иш топа олмасалар, бирон-бир мақсадсиз кўчада сангид юрадилар.

Бхагаван дас. Ҳозир жуда кўп одамлар фан доктори унвонини оляптилар, натижада ҳаммага ҳам иш топилавермайди. Натижада кўп олимлар таксист бўлиб ёки юк машиналарининг ҳайдовчиси бўлиб ишлайтилар.

Йогешвара дас. Аммо, улар зиёлилар синфининг вакиллари ҳисобланадилар - браҳманлар.

Шрила Прабхупада. Йўқ. Улар браҳманлар эмас. Ўргатган илми эвазига пул оладиган одамлар браҳман деб ҳисобланмайдилар. Бизлар ҳам маърузалар ўқиймиз, илм ўргатамиз, аммо ҳеч қачон: - "Бизга пул тўланглар!" - демаймиз-ку. Биз шунчаки таклиф қиласиз: - "Келинглар, илтимос илм ўрганинглар!" Факат шу мақсадда бизлар текин овқатлар тарқатиб, катта катта байрам маросимларини ўтказамиз: - "Биз корнингизни тўйғазамиз. Муҳташам биноларга таклиф қиласиз, илтимос, келинглар, ўзликни, Худони англаш илмини ўрганинглар!" Бунинг учун ҳеч кимдан пул сўраб, "Аввал пул тўланглар, ундан кей-

ин "Бҳагавад Гита" илмини ўрганасизлар!"- демаймиз-ку. Аммо, ўзларини устоз деб хисоблайдиган ана шу домлалар биринчи гапни маошдан бошлайдилар: -"Менга қанча маош тўлайсизлар?" Бундай фикрлаш браҳманларга эмас, итларга хос фикрлашдир. Браҳман ҳеч қачон ўзига маош сўрамайди. Браҳман шунчаки барчанинг илмли, маданиятли бўлишини истайди, холос. "Текинга илм ўрганинглар, илмли, зиёли одамлар бўлинглар, хақиқий инсонлардай яшанглар!" - хақиқий браҳманнинг фикри, мақсади шундай. Сизлар ўзларингиз ҳам бунга гувоҳсизлар-ку, - мен юртингизга пул излаб келмаганман, мен бу ерга илм ўргатиш учун келдим.

Бҳагаван дас. Ҳозирги кунда руҳонийлар, дин пешволари аччик ҳақиқатни тўғри, очиқ айтишдан қўрқадилар: уларни ишдан олиб ташлашлари мумкин, улар маошсиз қоладилар. Сиёsatчилар ҳам фикрларини очиқ айтишдан қўрқадилар. Улар сайловчиларини норози қилиб қўйишдан ва пулсиз қолишдан қўрқадилар.

Шрила Прабхупада. Руҳонийларни, диндорларни факат пул қизиктиради. Улар биринчи синф, олий мартабали эмас, энг паст синфга оид одамлардир. Христиан динининг инқирозга учрашининг асосий сабаби ҳам шунда. Руҳонийлар ҳақиқатни очиқ айта олмайдилар. Худонинг аниқ, яққол айтилган "Ўлдирма!" деган кўрсатмаси бор. Аммо одамлар ҳайвонларни ўлдириб гўштини ейишга ўрганиб кетганлар, руҳонийлар эса очиқдан очиқ "Ўлдирма!" -деган қонунни уларга айттолмайдилар. Улар одамларга энг пасткаш ишларни ҳам қиласверишга руҳсат бериб қўйибдилар. Бу қандай разолат, қандай тушкунлик! Руҳонийлар шундай ифлосликни, ҳаром ишларни маъкуллаяптилар! Сизларнинг бундан хабарларингиз борми? Уларнинг маънавий саъвияси қай аҳволга тушиб кетган?

Джйотирмайи деви даси. Сизнинг олдингизга келган руҳоний черковга келган одамларнинг барчасини Худонинг қонунларига бўйсунишга даъват қилаётганини айтганди. Сиз ундан, одамларни бешинчи қоидага - ўлдирмасликка, ҳатто ҳайвонларни, айниқса, сигирларни ўлдирмасликка ҳам даъват қиласизми, деб сўрагандингиз.

Шрила Прабхупада. Ҳа, биз -"Сигирларни ўлдирманг, уларни ҳимоя қилинг!" - деб даъват қиласиз. Сигирларни соғиб, унинг сутидан жуда кўп ширин таомлар тайёрлашингиз мумкин. Агар гўшт ейишни шунчалик ёқтирангиз, - ҳар қандай сигир ҳам эртами-кечми, ўз ажали билан ўлади, салгина чида буринг, гўшт мўл бўлади. Шунда сигирларнинг жасадини еяверасиз. Бундай таклифнинг нимаси ёмон? Агар бизларни гўшт ейишни ман қиласпти, деб ўйласангиз, адашасиз,- биз гўшт ейишни ман қилаётганимиз йўқ! Биз шунчаки ўлдириш

мумкин эмаслигини тушунтиряпмиз, холос: -"Сигирларни ўлдирманг. Улар ўз ажали билан ўлганларидан кейин гүштини ейишиңгиз мумкин".

Йогешвара дас. Сигир бизнинг онамиз сингари муқаддасдир, деган әдингиз.

Шрила Прабхупада. Ҳа, сигир бизларни ўз сути билан бокади.

Йогешвара дас. Аммо ҳозир, гарбий мамлакатларда ота-оналари кексайиб қолғанларида, уларни кексалар уйига жұнатышга одатланяптылар. Агар одамларда ҳатто ўз ота-оналарига нисбатан ғамхұрлик, меҳрибонлик түйғуси қолмаётган бўлса, уларни сигирларга ғамхұрлик қилишга, уларни химоя қилишга қандай ўргатамиз?

Шрила Прабхупада. Уларнинг сигирларни химоя қилишларига ҳожат йўқ. Ўзимиз уларга қараймиз. Биз шунчаки уларга:-"Қассоблардан гүшт сотиб олманг. Сигирлар ўзлари ўлгандан кейин гүштини сизларга текинга берамиз".- деймиз. Наҳотки бу таклиф ёқмаса?

Сатсварупа дас Госвами. Одамлар шунча кўп гүшт истеъмол қиласидиларки, биз берган гүшт уларга етмайди. Ахир улар бизлардан дарров гүшт олмайдилар-да.

Шрила Прабхупада. "Етмайди?" Сигирни ўлдирганда ундан кўпроқ гүшт чиқадими? Сигирларнинг умумий сони ўзгармай қолади. Шунчаки сигирлар ўз ажали билан ўлганча кутиб турсанглар бас. Бу бизнинг ягона шартимиз. Сизларда маълум сондаги сигирлар бор. Уларни сўйиб ўлдирасизми, ёки ўзлари ўлишини кутиб турасизми, бундан сигирларнинг сони ўзгармайди-ку? Шунинг учун илтимос қиляпмиз: -"Уларни ўлдирманг! Уларнинг ўзлари ўлишларини кутинг, кейин гүштини енглар!" Наҳотки бу шунчалик кийин бўлса? Улар тирик пайтида уларнинг сутини соғиб, ширин таомлар қилинг.

Йогешвара дас. Агар сигирларни ўлдирмасалар улар ейдиган гүшт яна ҳам кўпаяди, чунки сигирларнинг кўпайиш учун имкониятлари бўлади. Агар сигирларни ажалидан бурун ўлдирмасалар уларнинг сони кўпаяди.

Шрила Прабхупада. Ҳа, албатта. Уларнинг сигирлари кўпаяди. Биз шунчаки: "Ўлдирманглар! Күшхоналар очманг!" деб даъват қиласиз, холос. Чунки бу катта гуноҳ, гуноҳи азимдир. Карма қонунларига асосан бу гуноҳлар бутун жамиятга катта мусибатлар олиб келади. Күшхоналарни йўқ қилинглар. Биз -"Гүшт ейиши тўхтатинглар!" - деяётганимиз йўқ. Гүшт еяверинглар, аммо гүшти, ҳайвонларни бераҳмларча ўлдирадиган қассоблардан олманг. Салгина кутиб туринг, шунда ўз ажали билан ўлган ҳайвонларнинг жасадларини ейсизлар.

Ахир сигирлар узок яшамайдиларку! Энг кўпи билан йигирма йил, баъзи сигирлар ўн саккиз, ўн олти ҳатто ўн йил яшайди. Салгина кутиб туринг, шундан сўнг тўйганингизча еяверинг. Наҳотки, шу кийин бўлса?

Албатта, аввалига бир неча йил ҳозиргидек гўшт мўл бўлмайди. Бу пайтда ит ва мушукларни ейишингиз мумкин. Ахир Кореяда итларни ейдиларку. Сизнинг кореяликлардан қаерингиз кам? Ҳозирча итларни еб туришингиз мумкин. Ёки чўчқаларни. Чўчқаларни еявенинглар. Сигир ўрнига фойдаси камроқ бўлган ҳайвонларни ўлдиришни ман қилмаймиз. Биз буни маъкулламаймиз, аммо ман қилмаймиз. Лекин, биз сигирларни ҳимоя қилишингизни талаб қиласиз, чунки буни Худонинг Ўзи, Кришна буюрган. Го-ракшай - сигирларни ҳимоя қилинг. Бу бизнинг бурчимиздир.

Бунинг иктисадий жиҳатдан ҳам аҳамияти катта. Кришна бекорга сигирларни ҳимоя қилишни буюриб кўйгани йўқ. Унинг гапларида чукур маъно яширган. Жамоамиз фермаларидағи сигирлар бошқа сигирларга қараганда кўпроқ сут беради, чунки бу ерда уларни ўлдирмасликларини биладилар. Ўзларини христиан деб ҳисобладиган иккюзламачилар: -"Уларнинг руҳи, жони, онги йўқ" - деб айтадилар. Асло бундай эмас. Уларнинг онги, ақли бор. Бошқа жойларда улар шунчалик сут бермайдилар. Аммо бизнинг фермаларда улар ўзларини эркин ҳис қиласилар. Исмларини айтиб чақирсангиз худди дўстлардек югуриб келадилар. Улар бу ерда ўзларининг бўғзига пичоқ кўймасликларини сезадилар. Шунинг учун ҳам улар ҳамиша кувноқ ва кўп сут берадилар.

Европа ва Америкада сигирлар жуда ажойиб, аммо уларни сўйиб ўлдириш ҳам ажойиб равишда йўлга кўйилган. Бунга чек қўйиш керак. Одамларни ишонтиришга ҳаракат қилинг: -"Сигирнинг гўшти барибир сизларники бўлади. Сигир ўлган заҳоти сизларга унинг жасадини текинга берамиз. Тушуняпсизми, текинга, ҳозир шунча пул тўлаб гўшт сотиб оляпсиз. Нимага сигирларни ўлдиряпсизлар? Кушхоналарингизни йўқотинг!" Бу таклифнинг нимаси ёмон.

Одамлардан дон, сабзавот ва мевалар етиштиришни, савдо қилишни тўхтатиши сўраётганимиз йўқ-ку. Аммо улардан "ажал фабрикалари"ни ёпишни сўрайапмиз, чунки бу - жуда, жуда катта гуноҳ. Аммо бу ярамаслар, карма(табиат) қонуни бўйича инсоннинг ҳар бир ҳаракати кейин ўзига оқибат келтиришини ҳатто билмайдилар ҳам.

Сиз бегуноҳ, беозор сигир ва бошқа ҳайвонларни ўлдиряпсизлар, аммо табиат улар учун сиздан албатта ўч олади. Ҳали қараб туринг,

вақти келиб табиат бу ярамасларнинг ўзларини күшхоналарга, "ажал фабрикалари"га жўнатади. Ҳаммаси яксон бўлади. Улар ҳаммаси бир-бирлари билан тўқнашадилар: католиклар ва протестантлар, Россия ва Америка, улар ва бошқалар.. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Нимага? Табиат қонуни шундай. Жонга-жон, қонга-қон. "Сиз ўлдирғанмидингиз - энди ўзингизни ўзингиз ўлдирасиз!".

Ҳозир улар бегуноҳ жониворларни күшхоналарга жўнатяптилар, кейин эса ўзлари учун катта күшхона қурадилар. "Бум-Бум! Ўлдиринг! Қиринг! Қандай бўларкин!" Масалан ҳозир Белфастда шундай бўляпти. Католиклар протестантларни, протестантлар католикларни ўлдиряптилар. Табиат қонуни шундай. Сизларни күшхоналарга жўнатишнинг ҳожати йўқ. Сиз күшхонани ўз уйингизда қурасиз. Аборт қилиб фарзандингизни ўзингиз ўлдирасиз. Мана сизга табиат қонуни. Ҳозир абортларда ўлаётган кимнинг болалари деб ўйлайсиз? Уларнинг ҳаммаси гўшт еган одамлар. Улар шунча беозор жониворларни ўлдириб роҳатланиб яшаган одамлар, энди ўз оналари уларнинг ўзларини ўлдиряпти. Табиат қонунлари қандай ишлашини одамлар билмайдилар. Агар сен бирорни ўлдирсанг, ўзингни ҳам албатта бирорни ўлдиради. Агар сен онанг сингари муқаддас бўлган сигирни ўлдирсанг, кейинги ҳаётларингдан бирида онанг сени ўлдиради. Мана сизга табиат қонуни. Кейин эса онаси ҳомиладаги фарзанд бўлади, фарзанд эса она бўлади.

*Мам са қхадатит мамсаҳ.* Санскрит тилида буни мамса деб атайдилар. Мам - "мени", са дегани эса - "у" дегани билдиради. Мен бир ҳайвонни ўлдириб унинг гўштини ейман. Кейинги ҳаётда эса, у мени ўлдириб гўштимни ейди. Бирор ҳайвонни қурбонлик қилаётганида унинг қулогига мана шу мантрани ўқиганлар: -"Сен ҳозир жонингни қурбон қиласан, натижада кейинги ҳаётингда инсон бўлиб туғиласан. Мен эса, сени ўлдирганим учун ҳайвон бўлиб туғиламан, ва сен мени ўлдирасан". Мантранинг шундай маъносини билган ақли бор одамнинг бегуноҳ ҳайвонни ўлдиришга қандай қўли боради?

Бхагаван дас. Бугунги кунда рухнинг қайта туғилиши ҳақида жуда кўп одамлар гапирадилар, аммо улар бу нимага олиб келишини тушумайдилар...

Шрила Прабхупада. Улар буни қаердан тушунсин? Зиёли одамларга ўхшаб кийиниб олган ярамас аҳмоқлар. Аслида улар мана шундай.

*Тавач ча шобхате муркҳо ѹават кинчин на бхашате.* Аҳмоқ ва ярамас одамни то у гапира бошлигунча хурмат қиладилар. Гапира бошлигани заҳоти унинг аслида ким эканини билиб оласиз. Шунинг

учун ҳам ҳалиги руҳоний бизлар билан узок ўтира олмади. У ўзини фош қилиб қўйгиси келмади.

Бхагаван дас. У жуда ақлли одам эмасди.

Шрила Прабхупада. Шундай қилиб, биз қишлоқ хўжалиги билан шугулланишимиз лозим: озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб, сигирларни ҳимоя қилишимиз лозим. Агар улар эҳтиёжларимиздан ортиб қолса, сотишнимиз ҳам мумкин. Бу бизнинг қўлимиздан келадиган иш ва биз шундай қилишимиз лозим. Содиклар қишлоқ-хўжалик жамоаларида тинч-осойишта яшаб, дон, мева ва сабзавотлар етиштиришлари, сигирларни парваришлаб бор кучлари билан ишлашлари керак. Агар маҳсулотлар ортиб қолса, ресторанлар очишимиш мумкин. Кришнани англаб, Худонинг насиҳатларига амал қилиб юрган одам ҳеч қачон зарап кўрмайди. Улар фаровон яшаб ҳеч қачон муҳтожликка учрамайдилар. Таналарини тарқ этганларида эса тўғри Кришнанинг даргоҳига эришадилар: *тиқтва дехам тунар жсанма наити* (Б.г.4.9.) Бизнинг ҳаёт тарзимиз шундай бўлиши лозим.

Шунинг учун, ҳар ерда ресторанлар очиб, қачори, шрикханд, пурни, халава, ва бошқа ширин таомларни тайёрланглар. Одамлар уларни сотиб оладилар. Бизнинг ресторанларга кириб овқатланадилар. Улар қандай бўлишини сизларга тушунтиргандим: "Бизнинг ҳамма овқатимиз тайёр, келинг, ўтириб енг. Бизда фақат бир марта ҳақ тўлайсиз. Бир марта ҳақ тўлаб ҳоҳлаганингизча овқат ейишингиз мумкин - бир порциями, иккими, учми - ҳоҳлаганингизча. Фақат исроф қиласангиз бас. Ортиқча олманг!" Масалан, бир одам бир порция ейиши мумкин, бошқа бирор эса тўрт порция. Лекин, биз ундан кўпроқ пул талаб килмаймиз. Йўқ, ҳамма тенг пул тўлади. "Ўтириб тўйганингизча енг. Сизга ҳоҳлаганингизча овқат берамиз. Фақат исроф қиласангиз бас". Бизнинг қоидамиш шундай. Бизнинг ресторанларда бошқалар сингари ҳар бир таомдан кейин сиздан пул талаб килишмайди. Йўқ. "Ўтириб ҳоҳлаганингизча овқатланаверинг, баҳоси ҳамма учун бир хил".

Бхагаван дас. Одамлар бизнинг ресторанлардан чўнтакларини ширинликларга тўлдириб кетишлари мумкин.

Шрила Прабхупада. Бунга йўл қўймаймиз.

Бхагаван дас. Бир пайтлар айтган эдингизки, Ҳиндистонда оч бўлган одам манго ўсиб турган боққа кириб тўйганича улардан еб кетиши мумкин, фақат уларни ўзи билан олиб кетиши мумкин эмас.

Шрила Прабхупада. Ҳа. Агар сизнинг боғингиз бўлса, ва ўтиб бораётган бирор сиздан: -"Меваларингиздан озгина есам майлими?" - деб сўраса, сиз: -"Келинг, ҳоҳлаганингизча еяверинг!"- дейсиз. Аммо, у

ўзи билан ҳеч нарса олиб кетмаслиги керак. Боққа қанча одам бўлса ҳам кириб тўйганича ейиши мумкин. Дехқонлар ҳатто маймунларни ҳам ҳайдамайдилар: "Улар ҳам еяверсинлар, ҳамма нарса Худоникику". Кришна онгига эга бўлган одамлар мана шундай қиласидилар: агар сизнинг боғингизга бирор ҳайвон, масалан маймун кириб қолса, уни қувиб юбормайсиз. У ҳам Кришнанинг ажралмас бир бўлаги. Агар қувиб юборсангиз, у қаердан овқатланади?

Бир пайлар отам бир ҳикоя айтиб бергандилар. Отамнинг акасининг дўкони бўлган экан. Дўконни бекитишдан олдин ҳар куни кечқурун амаким полга гуруч тўла идиш қўйиб қўяркан. Албатта қишлоқларда ҳамма жойда бўлгани сингари, у ерда ҳам каламушлар бўлган. Каламушлар гуручни еб бирорта газмолни тешиб ташламаганлар. Газмол жуда қиммат туради. Каламушлар атиги бир ўрам газмолни тешсалар, бу катта зарар бўларди. Арzon пулга гуруч сотиб олиб тоғам шунча пулини тежаб қолган. Кришна онгига асосланган маданият ҳар томонлама кулади. "Улар ҳам Худонинг яратиб қўйган мавжудотлари, улар ҳам овқатланиши лозим. Уларнинг ҳам насибасини беринг, шунда улар сизга халақит бермайдилар".

Корни оч жониворнинг қорнини тўйғазищ, ҳатто у йўлбарс бўлса ҳам, ҳар бир одамнинг вазифасидир. Бир пайлар ўрмонда бир авлиё одам яшаган. Унинг шогирд(мурид)лари уларни ҳеч қачон йўлбарслар безовта қилмасликларига ишонардилар, чунки устози сал узокроқда бир идишга сут солиб қўяр эди. Йўлбарслар сутни ичиб қайтиб кетишарди. "Эй йўлбарслар, келинглар, сут ичинглар!" деб қичқирауди устоз. Йўлбарслар аста келиб, сут ичиб яна ғойиб бўлишарди. Улар ҳеч қачон у ерда яшаётган одамларга ҳамла қилмаганлар. Устоз уларга "Булар менинг дўстларим - уларга тегманлар!"- деб айтарди.

Бутун жаҳон кўргазмасида арслон ўргатувчини кўрганим эсимда. У арслон билан худди уйидаги ит билан ўйнагандек ўйнарди. Ҳайвонлар ҳам сезади: "Бу одам мени яхши кўради. У менинг қорнимни тўйғазади, у менинг дўстим!" Улар ўзларига килинган яхши муомалани қадрлайдилар.

Харидас Тҳакур ғорда яшаб, Харе Кришна мантра тақорорлаганида, ғорда яшайдиган катта илон у ерни ташлаб кетган. "Бу одам муқаддас авлиё одам, - деб ўйлаган илон, - уни безовта қилиб бўлмайди. Яхшиси бошқа ерга бораман!" "Бҳагавад Гита"дан биз биламизки, *ишивараҳ сарва бҳутанам хриð-деше* - ҳар бир тирик зот қалбida Кришна, Худо бор ва У ҳар бир зотга йўл кўрсатиб туради. У беозорликни ҳар бир тирик зотнинг - ҳайвонларнинг, илонларнинг

қалбига жойлаши мумкин. Ведалар маданияти асосан сутдан тайёрланадиган ҳар турли ширин-ширин таомларни таклиф қиласи. Аммо, ўзларини маданиятли ҳисоблаган ҳозирги одамлар бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Улар сигирларни ўлдирадилар, сутларни чўчқаларга берадилар, гарчи қилаётган ишлари бўри ва калхат, қузғуларнинг ишларидан фарқ қилмаса ҳам, ўзларининг маданияти билан мағрурланадилар. Кришнани англаш ҳаракатимиз бу маданиятсиз одамларнинг онгларини албатта ўзгартиради ва бутун жаҳонда инсонларга хос бўлган ҳақиқий маданиятни юзага келтиради.

\* \* \* \*

## **6 - боб. Долзарб муаммолар ечими**

### **Жаҳонда барқарор тинчликка эришиш омили**

*Бу мақолани Шрила Прабхупада биринчи бор 1956 йил Делҳида, 1944 йилда ўзи асос соглан "Кришнага қайтиши" журнали сахифаларида чоп этган эди. Ўзининг ҳиндистонлик ўқувчиларини "ўз ҳаётларини Кришнага холис хизмат қилишига бағишилаши"га чақирап экан, у "фақат шу йўлгина инсонлар орзиқиб кутаётган тинчликка олиб келади" деб хуоса чиқаради.*

Муқаддас китобларда Кришна сач-чид-ананда виграҳа сўзлари билан таърифланган. Сат дегани - "мангу", чит - "илмга тўла", ананда - "лаззатга тўла", виграҳа сўзи эса - "алоҳида шахс" деганидир.

Демак, Кришна, ягона Худо, - мангу, лаззатга тўла, Ўзини тўла англаган алоҳида Шахс экан. Бу Парвардигорнинг энг қисқа таърифи холос. Ундан улуғроқ ва Унга тенг келадиган ҳеч қандай шахс йўқ.

Тирик мавжудот(жива) - Парвардигорга ўхшаган кичик зарра холос, шунинг учун тирик зот табиатан мангу умр кўришга, илмга ва лаззатланишга интилади. Тирик мавжудотларнинг шу уч сифати ҳатто Ер сайёрасида ҳам намоён бўлади, Бхуварлока, Сваргалока, Жаналока, Тапалока, Махарлока, Брахмалока сингари олий сайёralарда яшайдиган тирик зотларда эса, бу сифатлар бир неча бор кучли ривожланган ва уларга чуқурроқ лаззат олишга имкон беради.

Энг юкори сайёрадаги лаззатлар Ер сайёрасида олиш мумкин бўлган лаззатдан минглаб марта кучлироқ, аммо, ҳатто шундай лаззат ҳам, тирик мавжудот Кришнанинг даргоҳида оладиган лаззати олдида арзимас нарса бўлиб қолади. Парвардигорга муҳаббат билан ҳар хил раса(муносабат)ларда холис хизмат қилиш лаззати олдида, Худонинг шахсиз руҳий нури билан қўшилишдан олинадиган лаззат, худди океан олдида бир томчи сув сингари арзимас лаззат бўлиб қолади.

Моддий оламда ҳар бир тирик зот иложи борича кўпроқ лаззат олишга интилади, ва шунга қарамай барибири бахтсиз бўлиб қолаверади. Гарчи орзу қилиш мумкин бўлган барча моддий имкониятларга эга бўлсалар ҳам, тирик зот ҳатто олий сайёralарда ҳам баҳтга эриша олмайди.

Моддий табиатнинг қонуни шундай. Инсон ўзининг умрини қанчалик узайти rmsин, барча яхши нарсаларнинг эгаси бўлmasin, табиат қонунларига биноан бахтсиз бўлиб қолаверади. Бунинг сабаби шундаки, асл ҳолатимизга мос келадиган ҳақиқий баҳт, бу ҳаётда, моддий дунёдаги фаолиятимиздан оладиган баҳтдан фарқ қиласди. Тирик мавжудот *сач-чид-ананда виграҳа* бўлган Зотнинг кичик заррасидир, шунинг учун табиий ҳолда у руҳий баҳтга интилади. Аммо, табиатига ёт бўлган моддий табиат қуршовида руҳий лаззатга, руҳий баҳтга эришиш орзуси ушалмай қолаверади.

Қуруқликка чиқарилган балиқ, ҳатто унинг учун ҳар қандай шароит яратсангиз ҳам, баҳтли бўла олмайди, - баҳтли бўлиши учун у сувда яшashi керак. Худди шунингдек, тирик зот - сач-чид-ананданинг кичик бўлғаги ҳам, бу дунёда, адашган ақли қанчалик моддий режалар тузмасин, ҳақиқий баҳтга эришолмайди. Тирик мавжудотга умуман бошқа, руҳий лаззат деб аталадиган илоҳий баҳт зарур. Бизнинг барча интилишларимиз моддий баҳтга эмас, ана шундай руҳий лаззатга эришишга қаратилган бўлиши керак.

Инсоннинг руҳий лаззатга эришишга интилиши яхши, аммо

моддий баҳтдан шунчаки воз кечиш билан биз руҳий лаззатга эриша олмаймиз. Шрипада Шанкарачаря тақлиф этган моддий фаолиятдан воз кечиш таълимоти балки бирор гурӯҳ одамларига қўл келар, аммо Шри Чайтаня Махапрабху даъват қилган, Кришнага холис хизмат қилиш усули - руҳий лаззатга олиб келадиган энг тўғри ва энг самарали йўл, у барчага мос келади. Аслида Худога холис хизмат қилиш моддий табиатнинг ўзини ҳам ўзгартириб юборади.

Моддий баҳтга интилиш - эҳтирос деб аталади ва ана шу эҳтирос асосида қилинган ҳар қандай фаолият пушаймонга олиб келади. Захарли илоннинг танаси салқин бўлади. Аммо, кимдир илонни бўйнига ўраб, шу салқиндан роҳатланмоқчи бўлса, илон заҳаридан ҳалок бўлади. Ҳиссиётнинг моддий органлари ҳам худди шундай илонлардир, уларнинг ўткинчи моддий лаззатидан тўйиб лаззатланиш истаги инсонни руҳий ўзлигини англаш имкониятидан маҳрум этади. Шунинг учун ақлли одам ҳақиқий баҳт, руҳий лаззатнинг ҳақиқий манбани топишга интилиши керак.

Бир пайтлар, ҳеч қачон шакарқамиш мазасини тотиб кўрмаган тентак яшаган экан, бир куни унга ўртоғи шакарқамишнинг ширин эканини айтибди. Тентак ундан, шакарқамиш қандай бўлади, деб сўраганида, ўртоғи унга, бамбукка ўҳшаган бўлади, дебди. Тентак бамбуқдан ширин шарбат олишга уринган, албатта бунинг уддасидан чиқолмаган экан.

Алданиш тузогига илинган тирик зот ҳам ана шундай аҳволда: у мангу баҳтни, табиатан ўткинчи ва азоб-укубатга тўла бўлган моддий дунёдан излаб юрибди. Моддий оламнинг азоб-укубатга тўла экани, "Бҳагавад Гита"да ёзилган. Баҳтга интилишнинг ўзи қонуний, табиий ҳол, аммо баҳтни ўлик моддалардан илмий йўл билан топишга ҳаракат қилиш - алданишдан ўзга нарса эмас. Адашган инсонлар буни тушуна олмайдилар. "Бҳагавад Гита" моддий баҳтга интилаётган одамни шундай таърифлайди: - "Бугун менинг шунча пулим бор, режаларим амалга ошса, ундан ҳам кўп бўлади. Мен энди бадавлат одамман, менинг бойлигим кўпаяверади!".

Атеистик, Худосиз таракқиёт ҳиссий лаззатланишларнинг кенг тармогини ёйиб кўйган, бунинг оқибатида ҳар бир одам улардан фойдаланиш учун пул топишга ҳаракат қиласи. Имконияти борича ҳамма лаззатлардан тотиб кўриш учун ҳар бир одам пул излайди. Пул топиш, лаззатланиш илинжида ақлдан озган одамлар билан тўлган бу дўзахда тинчликни, осойишталикни сақлаш - рўёбга чиқмайдиган орзудир. Бизда озгина бўлса ҳам, ҳиссиётларимизни қондиришга бўлган аҳмоқона интилиш сақланиб қолар экан, тинчликка, осойиш-

таликка эриша олмаймиз. Чунки, ҳар биримиз, табиатимизга кўра Худонинг мангу хизматкорларимиз, ва шунинг учун Ундан ажралган ҳолда лаззатланишга ҳаққимиз йўқ. Ҳамма нарсани Парвардигорга илохий хизмат қилиш учун, Уни рози қилиш учун ишлатишимиш лозим. Фақат шундагина орзу қилган осойишталика эришишимиз мумкин. Тананинг ҳеч бир бўлаги ўзидан ўзи, бошқа аъзолардан ажралган ҳолда лаззатлана олмайди, у фақат бутун танага хизмат қилсагина, бутун тана билан бирга лаззатланади. Аммо, ҳозир ҳар кимни фақат шахсий манфаатлари қизиктиради, ҳеч ким Худога хизмат қилишни истамайди. Шахсий манфаатларга интилиш - бизнинг моддий дунёга тушиб колишимизнинг асосий сабабидир.

Энг юқори лавозимдаги амалдордан то оддий ишчигача - ҳамма ягона ният билан: - қандай қилиб қонундан ташқари кўпроқ пул топсан экан, деган ният билан ишлайдилар. Аммо, фақат шахсий манфаатни кўзлаб яшаш қонунга тўғри келмайди ва ҳалокатли. Ҳатто, инсоннинг ўзлигини, руҳнинг табиатини ҳам, фақат шахсий манфаатни гина кўзлаб англашга интилиш нотўғри ва ҳалокатлидир.

Ҳар хил молиявий кўзбўямачиликлар туфайли Ер юзида пул миқдори кундан кунга кўпайиб, тинчлик ва осойишталиқ эса камайиб боряпти. Чунки инсоннинг бутун куч-куввати пул топишга кетяпти, одамларнинг қобилиятлари ҳам шунга яраша ривожланиб боряпти. Натижада, ноқонуний топилган пуллар ҳаддан ташқари кўпайиб кетяпти, бу ўз навбатида пулнинг қадрсизланишига, иктисаднинг инкиrozига олиб келяпти, шунингдек даҳшатли ва қимматбаҳо оммавий қирғин қуролининг пайдо бўлишига олиб келди, у эса, бизнинг мол-дунё тўплашга бўлган бутун фаолиятимиз натижаларининг кулини кўкка совуради.

Бу дунёнинг лаззатларидан баҳраманд бўлиш ўрнига, пули кўп бўлган катта-катта давлатларнинг бошлиқлари, оммавий қирғин қуролидан кутулиш режаларини ишлаб чиқяптилар ва шу билан бирга, худди шундай қуролларни синовдан ўтказиш учун ҳалқнинг миллиардлаб пулларини ҳавога совурмоқдалар. Шундай синовлар катта маблағларнинг исроф бўлиши билан бирга кўплаб тирик мавжудотларнинг қирилиб кетишига, ва шу давлатларнинг карма қонунлари чангалига яна ҳам чукурроқ ботиб кетишлирига олиб келмоқда. Моддий оламнинг алдамчи кўриниши мана шундай. Ҳиссиётларини қондириш учун одамлар ахмоқона равишда умрларини пул топишга зое қиляптилар, кейин эса, топган пулларини инсониятни йўқ қилишга сарфлаяптилар. Шундай қилиб, табиат қонунлари уларни ўз кучларини бекорга сарфлашга мажбур қиляпти, чунки, улар кучлари-

ни барча қувватларнинг ягона соҳиби бўлган Парвардигорга холис хизмат қилишга сарфлашни истамаяптилар.

Инсонларга бойликни она Лакшми, равнақ фариштаси беради. Ведавий битикларда ёзилганига қараганда, равнақ фариштаси Худованд Нарайанага, барча нара - тирик мавжудотларнинг манбаига хизмат қилиши лозим. Наралар, яъни тирик зотлар эса, равнақ фариштаси раҳбарлигига Нарайанага, Худога хизмат қилишлари керак. Тирик мавжудот, агар Нарайана ёки Кришнага хизмат қилмаса, равнақ фариштаси билан лаззатлана олмайди, шунинг учун, ноконуний равишда у билан лаззатланишни истаганлар, табиат қонунлари асосида албатта жазоланади, ва унинг бойлиги эса, тинчлик ва фаровонлик келтириш ўрнига ўзининг ҳалокатига сабаб бўлади.

Ноконуний топилган пулларни хасис фуқаролардан давлат ҳар хил соликлар сифатида йиғиб олади ва уларни ҳарбийларга беради, улар бу маблагни ички ва ташки ҳарбий низолар пайтида шамолга совуради. Оддий фуқаро ҳозирги пайтда фақат оиласининг тирикчилигига ва руҳий ҳаёт билан шуғулланиш учун етарли пулга, яъни инсон тирикчилигига етарли бўлган маблагга қаноат қилмайди. У, ҳисобсиз орзу-ҳавасларини амалга ошириш учун бойлигини чексиз кўпайтиришга интилади. Унинг орзу-ҳаваслари, бемаъни интилишлари кўпайган сари алдамчи дунёнинг: врачлар, адвокатлар, соликчилар, ҳар хил жамиятлар, диндорлар каби вакиллари ва очлик, зилзила ва бошқа шунга ўхшаган нарсалар унинг бойлигини талай бошлайди.

Бир хасис тижоратчи, алдамчи қувват таъсири остида "Кришнага қайтиш" журналини сотиб олишга озгина пулинин қизганган эди, аммо бир ҳафта ичida дорилар учун икки ярим минг доллар пулинин сарфлади ва ўлиб кетди. Худога хизмат қилиш йўлида эҳсон қилишни истамаган бошқа бир одам ҳам оила аъзолари билан судлашиб уч ярим минг доллар пулинин кўкка совурди. Табиат қонуни шундай. Агар одам пулларини Худога хизмат қилиш йўлида ишлатмаса, табиат қонунига биноан унинг пуллари касаллик ёки бошқа муаммоларга сарф бўлиб кетади. Ақлсиз одамлар мана шу ҳақиқатдан юз ўгирадилар ва натижада қайта-қайта Парвардигорнинг қонунларига биноан жазоланаверадилар.

Табиат қонунларига биноан оддий ҳаёт учун зарур бўлганидан кўп пулга эга бўлмаслигимиз керак. Табиат ҳар бир одамга ризқ ва бошпана бериб қўйибди, аммо инсоннинг очкўз нафси барча тирик мавжудотларнинг кудратли Отаси, Худо ўрнатиб қўйган тартибни бузиб юборган.

Худо бизга бутун океан тўла шўр сув бериб қўйибди, чунки барча тирик зотларга туз керак. Худо ҳаммага зарур бўлган ҳаво ва ёруғликни етарлича бериб қўйибди. Магазиндан хоҳлаган микдорда туз сотиб олиш мумкин, аммо овқатга қанча керак бўлса, шунчагина солиш керак. Шўр бўлиб кетган овқат ҳам, тузи кам овқат ҳам бемаза бўлади. Лекин, туз меййорида ишлатилса, овқат ҳам ширин бўлади, одам ҳам касал бўлмайди. Худди шунга ўхшаш, бойликка ружу қўйиш, керагидан ортиқ бойлик тўплашга интилиш ҳам, худди шўр овқат сингари ҳалокатга олиб келади. Табиат қонуни шундай.

## Парвардигор ва карма қонунлари

*Ведалар номи билан маълум бўлган қадимий санскрит битикларнинг ичида бир юз саккиз Упанишада фалсафий асарлар ҳисобланади. Упанишадларнинг ичида энг муҳими - "Ишопанишад"дир. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган Шрила Прабхупаданинг 1968 йил "Ишопанишад" бўйича қилган маърузаларидан олинган очерклардан Худо ҳақида, Унинг моддий ва руҳий оламларни бошқариб турган қонунлари ҳақида, ва шунингдек карма қонунлари тузогидан қандай қутулиши мумкинлиги ҳақида билиб оласиз.*

"Ишопанишад" Олий Худо Шахсини "ҳар томонлама мукаммал" деб таърифлаган. Худо мукаммал қилиб яратган моддий оламнинг ажралмас сифатларидан бири - яратиш, мавжудлик ва емирилиш жараёнидир. Моддий дунёда ҳар бир тирик мавжудот умри давомида олти поғонадан ўтади:- туғилади, -ўсади, -ҳаёт лаззатини суради, - ўзидан насл қолдиради, -кексаяди, ва ўлади. Моддий табиат қонуни шундай. Гул - ғунча кўринишида пайдо бўлади. У очилади, икки-уч кун очилиб туради, уруғлар ҳосил қиласи, аста-секин сўлади ва ҳалок бўлади. Моддий илм-фан бу жараённи тўхтатишга кодир эмас. Тўхтатишга уриниши - ғофилликнинг намоён бўлишидир.

Баъзи бир одамлар ўзларининг ғофилликлари туфайли, фан тараққиёти инсонни ўлмайдиган, мангу яшайдиган қилиши мумкин, деб ўйлайдилар. Мутлақо бемаъни гап. Моддий табиат қонунларининг ҳаракатини тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун "Бҳагавад Гита"да Худованд Кришна моддий қувватни дуратйайа (илоҳий қувват) деб атаган(7.14). Уни моддий омиллар билан енгиб бўлмайди.

Моддий табиат уч гуна(сифат)дан таркиб топган: саттва-гуна,

раджо-гуна ва тамо-гуна яъни эзгулик, ҳирс ва ғафлат гуналаридан. "Гуна" сўзининг "арқон" деган маъноси ҳам бор. Арқон иплардан уч ҳаракат давомида тайёрланади. Аввало уч ипни бир чилвир қилиб эшадилар, кейин уч чилвирни бир нозик арқон қилиб эшадилар, кейин нозик уч арқонни бир арқон қилиб эшадилар. Мустаҳкам арқон шундай тайёр бўлади. Худди шунга ўхшаш, табиатнинг уч гунаси - эзгулик, ҳирс ва ғафлат гуналари аралашиб, ҳар турли сифатларни ташкил қиласди. Бу аралашиш тақрор ва тақрор юз беради. Шундай қилиб сон саноқсиз сифатлар юзага келади.

Натижада моддий қувват сизни яна маҳкамроқ ўзига боғлаб ола-веради. *Паварга* деб аталадиган бу тутқунликдан сиз ўз кучингиз билан қутула олмайсиз. Паварга - бу "деванагари" санскрит алфавитининг бешинчи гурух ҳарфларидан. У - *па*, *пха*, *ба*, *бҳа*, *ма* ҳарфларидан таркиб топган. *Па* ҳарфи *паришрама-* "оғир меҳнат" деган маънони англатади. Моддий дунёда ҳар бир тирик зот ўз ҳаётини таъминлаш ва уни узайтириш учун оғир меҳнат қиласди. Бу "ҳаёт учун кураш" деб аталади. *Пха* ҳарфи *пхена*, я+ни "кўпик" сўзини билдиради. Оғир меҳнат қилганида отнинг оғзи кўпикка тўлади. Оғир меҳнатдан чарчаганимизда тилимиз қуриб, оғзимиз кўпиради. Бу дунёда ҳар бир одам хиссиётлари талабини қондириш учун жон-жаҳди билан меҳнат қилаётганлари туфайли "оғизлари кўпира" бошлайди. *Ба* ҳарфи - "бадҳа" яъни "қул, хизматкор" деган маънони англатади. Қанча уринсак ҳам моддий табиатнинг, гуналар билан қаттиқ боғланган қуллари бўлиб қолаверамиз. *Бҳа* - *бҳая* сўзининг кисқарган кўриниши бўлиб, "кўркув" маъносини англатади.

Моддий оламда ҳар бир тирик зот ҳамиша кўркув остида бўлади, чунки бир пасдан кейин нима содир бўлишини ҳеч ким билмайди. Ва ниҳоят, *ма* ҳарфи *мритиу*, яъни "ажал, ўлим" маъносини англатади. Ҳар хил режалар тузамиз, ҳаётда баҳт ва фаровонликка эришишни истаймиз, аммо ажал ҳамма режа ва умидларимизни йўққа чикаради. Кришна онги, Кришнани англаб етиш - мана шу *паварга* жараёнини тўхтатиб қўяди. Бошқача қилиб айтганда, Кришнани, Худони англаш йўлига кирган одам *апаварга* ҳолатига эришади, бунда унинг тирикчилик учун жон-жаҳди билан курашишининг, моддий тутқунликда азоб чекишининг, ўз ҳаёти учун ташвиш қилишининг ва ўлимдан кўркишининг кераги бўлмай қолади. *Паварга* моддий оламни ифодалайди, аммо биз унинг олдига "а" ҳарфини кўйиб, унинг маъносини қарама-қарши, тескари томонга ўзгартирамиз. Кришнани англаш ҳаракати апаваргага йўл кўрсатади.

Бахтга қарши одамлар бу ҳақиқатдан бехабардирлар ва шу боис

умрларини бекорга ўтказиб юрибдилар. Ҳозирги замон тараққиёти инсон учун, унинг ҳақиқий ўзлиги бўлган рух учун ҳалокатлидир: одамлар умрларини зое қиляптилар, чунки ҳақиқий инсон қандай яшаши кераклигини билмайдилар. Улар худди ҳайвонлардек яшаяптилар. Ҳайвонлар ҳаёт нималигини тушунмайдилар, шунинг учун улар табиат қонунларига бўйсунган ҳолда, шунчаки тирикчилик қиласди ва аста-секин ривожланадилар. Аммо, инсон бўлиб туғилиш шарофатига мұяссар бўлган экансиз, сизга жуда катта маъсулият юкланган: сиз бошқача яшашингиз керак. Сизга Худони, ўзлигингизни англаш йўлига кириш ва барча муаммоларингизни ҳал қилиш имконияти берилган. Бироқ ана шу имкониятдан фойдаланмасдан ҳайвонлар сингари яшашда, фақат тирикчилик учун курашда давом этсангиз, яна ўлиб-туғилишлар гирдобига тушиб қоласиз ва 8400000 турдаги ҳаёт шаклларини қайтадан босиб ўтишингизга тўғри келади. Сиз яна инсон бўлиб туғилгунга қадар кўп миллион йиллар ўтиб кетади. Мисол учун, ҳозир кўриб турган қуёш нурини яна қўришингиз учун орадан бир сутка ўтиши керак. Табиатда ҳамма нарса ўз навбати билан бўлади. Агар ҳозир имкониятингизни кўлдан бой бериб, ривожланишининг юқорироқ палласига кўтарилишни истамасангиз, яна туғилиб-ўлишлар чархпалагига тушиб қоласиз. Табиат қонунлари аёвсиз ўз ҳукмини ўтказаверади. Шунинг учун, одамлар келиб маънавий, руҳий жиҳатдан юқорироқ поғонага кўтарилишлари учун биз жаҳоннинг жуда кўп ерларида Кришнани англаш жамиятининг марказларини очиб қўйганмиз.

Кришнани англаш йўлига иложи борича эртароқ кирган яхши, чунки ўзимизнинг яна қанча умримиз қолганини билмаймиз. Ҳозирги танада бўлиш, яшаш вақтингиз тугаганида ажални ҳеч нарса билан тўхтатиб бўлмайди. Моддий табиат шундай тузилганки, унинг кучига ҳеч ким қаршилик қилолмайди. Ажални салгина кейинга суришни илтимос қилишга ҳеч ким рухсат бермайди. Шунга қарамай кўпчилик одамлар бунга уриниб кўрадилар. Мен Аллахободда яшаган пайтимда, бир бадавлат ўртоғим ўлим тўшагида ётганида: "Наҳотки менинг умримни атиги яна тўрт йилга узайтира олмасангиз? - деб у врачдан илтимос қилганди, - мен ҳали баъзи бир ишларимни тутатганим йўқ!" Бу гирт ахмоклик. Ҳар бир одам - "Мен уни қилишим керак, мен буни қилишим керак!" - деб ўйлади. Аммо, на врачлар, на олимлар муқаррар ажални тўхтата олишга қодир эмаслар. "Йўқ, йўқ азизим. Мен ажалингизни тўрт йилга эмас, ҳатто тўрт минутга ҳам кечиктира олмайман, сиз ҳозирнинг ўзида ҳаётдан қўз юмасиз!" Табиат қонуни ана шундай. Шунинг учун, ана шу маъшум вакт келмасдан аввал

Кришнани, Худони англаб етиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш керак. Сиз бунга албатта шошилишингиз керак. Орқангиздан ажал яна қувиб етмасдан олдин қилишингиз шарт бўлган ишларни қилиб улгуришингиз зарур. Ақлли одамнинг иши шундай бўлади. Акс ҳолда умрингизнинг охирида пушаймон бўлиб қоласиз.

"Ишопанишад" "мукаммал бутун Зот - Парвардигордан чиқаётган ҳар бир нарса мукаммал бўлади", деб ўргатади. Шунинг учун, агар сиз умрингиздан мазмунли, унумли фойдаланиб, Кришна онгига эга бўлишни истасангиз, бунинг учун зарур ҳамма нарсага эга бўласиз. Лекин ўзингиз бунинг учун харакат қилишингиз лозим. Кришнани, Худони англаш - бу шунчаки қуруқ фалсафа, сохта таълимот эмас, бу - ҳақиқий амалий фаолиятдир. Бу борада зарур бўлган барча тажрибалар ўтказиб бўлинган. "Ишопанишад"да айтилгани сингари, мукаммал кичик зарра бўлган бизларга, олий мукаммал Зот бўлган Кришнани, Худони англаш учун барча имкониятлар бериб қўйилган. Биз ҳам мукаммал тўлиқ бутунмиз, аммо жуда кичикмиз. Мисол учун, катта машинанинг кичик винтининг мукаммаллиги унинг ўз жойида тургани билан белгиланади. Аммо, бирор сабаб билан винт ерга тушиб кетса, у дарров қадрини йўқотади. Худди шунингдек, биз ҳам Кришна, Худо билан боғланган ҳолатимиздагина мукаммал бўламиз, акс ҳолда бизнинг ҳеч қандай қадримиз бўлмайди.

Мукаммал бутун Зотни билиш, англаш учун У билан қандай муносабатда эканимизни билиб олишимиз керак. Барча тушунмовчиликлар Мукаммал бутун Зот ҳақида мукаммал илмга эга бўлмаганликдан келиб чиқади. Биз - "Мен Худога tengman, мен Xudoman!" - деб ўйлаймиз. Бу - мукаммал бўлмаган илм. Аммо сиз - "Мен - Худонинг ажралмас кичик заррасиман, шунинг учун сифат жиҳатдан У билан бир хилман" - десангиз, илмингиз мукаммал бўлади. Инсон танасида туғилиш бизга тирик зотга хос бўлган мукаммал онгни қайта тиклаш имкониятини беради. Ана шундай мукаммал онгни Кришнани англаш усули ёрдамида қайта тиклаш мумкин.

Аммо, агар сиз эътиборсизлик билан шундай имкониятни бой берсангиз, ўзингизни ҳалок қилган бўласиз, ўзингизни ўзингиз ўлдирган бўласиз. "Ишопанишад"да: - "Ўзини ҳалок қилган одам учун, у ким бўлишидан қатъий назар, ғафлат ва зулмат ботқоғига ботган иймонсизлик оламидаги сайёralардан жой ҳозирлаб қўйилган"- деб ёзилган. Ўзингизнинг, руҳингизнинг қотили бўлманг! Кришнани, Худони англаш етиш учун инсон сифатида сизга берилган имкониятдан фойдаланиб қолинг! Сиз учун хаётда бундан муҳимроқ

хеч нарса йўқ ва бўлмайди ҳам.

## Карма қонунлари чангалидан озод бўлиш

Бу моддий дунёда биз ўйлаб ўтирасдан ҳар қадамда гуноҳ ишлар қиламиз. Биз ҳатто гуноҳ қилаётганимизни ҳам англаб етмаймиз, чунки, туғилганимиздан бери ғафлат ичидамиз. Атрофимизда шунча олий ўқув юртлари бўлишига қарамай ана шундай ғофиллик дарров кўзга ташланади. Нимага шундай? Чунки, катта-катта университет ва бошқа ўқув юртларининг бирортасида *аттама-таттвава*, рух ҳакидаги илм ўргатилимайди. Шунинг учун одамлар гуноҳ қилишда, гуноҳларининг оқибатлари азобини чекишда давом этяптилар. Бу ҳақда "Шrimad Бҳагаватам"да айтилган: (5.5.5) *парабхавас тавад абодха-джсато йаван на жижжнасата аттама-таттвам*. Инсон ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаши зарур эканлигини тушуниб етмагунча бундай нодонликни тарк эта олмайди. Яъни, университет ва бошқа ўқув юртлари ғафлат ва нодонлик ўчоклари бўлиб қолаверади. Инсон қачон ўзига ўзи: -"Мен аслида кимман? Худо дегани ким? Бу мавжуд олам ўзи нима? Менинг бу оламга ва Худога қандай алоқам бор?" - каби саволларни бериб, уларга жавоб топмагунча, ҳайвонлар сингари ақлсиз, ғофил ҳолда қолаверади ва ҳар хил ҳаёт турларида бир танадан иккинчи танага ўтиб юраверади. Ғофилликнинг натижаси ана шундай.

Демак, ҳозирги замон тараққиёти инсоннинг маънавий ривожланиши учун жуда хатарли. Балки омади юришиб турган тижоратчи ёки сиёsatчи ҳаётидан мамнун ва кўнгли хотиржам бўлиши мумкин: худди шундай хотиржамлик Америка сингари бой давлатда туғилган одамларда ҳам бўлиши мумкин, аммо бундай ҳолат ўткинчи. Биз барибир ҳолатимизни ўзгартиришга мажбурмиз, кейинги ҳаётимизда ҳозир қилаётган гуноҳларимиз учун қандай азобларга дучор бўлишимизни билмаймиз. Шунинг учун, агар руҳий илм олишга интилмасак, ҳозирги ҳолатимиз хатарлилигича қолаверади. Юқумли қасалликларга чалинган беморлар орасида яшаётган соглом одамни кўз олдингизга келтиринг. Унинг ҳаёти хавф остида эмасми? У хоҳлаган пайтда қасалга чалиниши мумкин. Шунинг учун, илоҳий илм ўрганишшага интилишимиз ва унинг ёрдамида ғофиллигимизга чек қўйишимиз лозим.

Бизнинг қандай қилиб, ўзимиз англамаган холда гуноҳ ишлар қилишимизга овқат тайёрлашимиз мисол бўла олади. "Бҳагавад Гита"да Парвардигор Кришна айтадики, Унинг содик хизматкорлари ўзларининг барча гуноҳларидан покланадилар, чунки улар аввал Кришнага тақдим этилган таомдан овқатланадилар. Овқатни фақат ўз нафси учун тайёрлайдиганлар, аслида ўз гуноҳларини тановул қиласидилар. Бу ерда, эхромда тайёрланган овқат билан бошқа оддий уйда тайёрланган овқат орасида катта фарқ бор. Бу фарқ шундан иборатки, бу ерда пиширилган овқатни аввало Кришнага тақдим этиб, Унинг қолдирган овқатини эҳтиром билан тановул қилиш туфайли гуноҳларимиздан покланамиз, Худони эсига олмайдиган одам уйида ўзининг нафси учун пиширган овқатини еганида гуноҳга ботиб, ўзига оқибат(карма) тайёрлайди. Сиртдан қараганда бу овқат ҳам, бошқа овқат ҳам бир хил тайёрлангандай, аммо уларнинг фарқи жуда катта. Бу ерда овқат тайёрланганда гуноҳга йўл қўйилмайди, чунки овқат Худо учун пиширилади.

Худони, Кришнани англаш билан боғлик бўлмаган ҳар қандай фаолият - табиат гуналарининг тўрига бадтарроқ ўралиб қолишимизга ёрдам беради. Кўпчилик одамлар шу тарзда гуноҳ ишларига ботиб кетадилар. Шахсий ҳаётига жиддийроқ муносабатда бўлгандар эса, гуноҳ ишлардан узокроқ юриб, кўпроқ савобли ишлар қилишга интиладилар. Аммо бундай савоб ишлар ҳам уларни бу дунёга боғлаб қўяди. Кўп савоб ишлар қилган киши кейинги ҳаётида жуда бадавлат оилада туғилиши, жуда чиройли ва ақлли бўлиб ўсиши мумкин. Буларнинг барчаси инсоннинг олдинги ҳаётларида қилган савоб ишларининг натижасидир. Аммо, яхши одаммисиз ёки ёмонми барибир бу дунёда яна туғилишга, она қорнига тушишга мажбурсиз. Жуда бой, бадавлат ёки обрўли оилада туғиламизми, ёки бирорта ҳайвондан туғиламизми, барибир туғилиш, кексайиш, касалланиш ва яна ўлиш азоблари давом этаверади.

Кришнани англаш ҳаракати сизга мана шу туғилиш, кексайиш, касалликлар ва ўлиш билан боғлик бўлган азоб-уқубатлардан биратўла қутулиш имкониятини беради. Лекин, гуноҳ ишлар қилишда ва гуноҳли равишда тайёрланган таомлар билан овқатланишда давом этсангиз, бу азоблардан қутула олмайсиз. Кришнанинг "Бҳагавад Гита"да айтган насиҳатларига амал қилиб, Унга ихтиёрингизни топширсангиз, қилган гуноҳларингиз оқибатидан биратўла қутуласиз. "Ҳар қандай динларни тарк эт ва ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман"(Б.г.18.66). Инсон бутун ихтиёрини Худога, Кришнага топшириши учун, Унинг

амрига бўйсуниб, фақат аввал Унга тақдим қилинган овқатдан тановул қилиши керак. Ана шу қоидага изчил амал қилишга қатъий қарор қилишимиз лозим. Ҳатто қандайдир гуноҳ иш қилиб қўйган бўлсак ҳам, прасад, яъни Кришнага тақдим қилинган овқат еб, гуноҳ ишларимиз оқибатидан кутулишимиз мумкин. Агар Кришнанинг насиҳатларига амал қилиб, Унга ихтиёrimизни топширсак, У бизларни қилган гуноҳларимиз оқибатидан халос этади. У бунга сўз берган.

Кришнага ихтиёрини бутунлай топширган одам танаси ўлгандан кейин унинг ўзи(рух, ҳақиқий ўзлиги) қаерга йўл олади? У бўшлиқ фалсафаси тарафдорлари айтадиган йўқликка, мавҳумликка равона бўладими? Йўқ, Кришна айтадики, *мам эти* - "У Менинг олдимга келади". Ва биз у ерга қайтиш билан нимага эришамиз? *Мам упетиа пунар жанма духхалайам ашаиватам напнуванти:* "Менинг олдимга келган одам, азоб-уқубатларга тўла бўлган бу дунёда бошқа қайтиб туғилмайди". Мана шу энг юксак мукаммаллик, энг юксак мукофотдир.

"Ишопанишад"да: -"Ўзини ўзи ҳалок қилган одам учун, у ким бўлишидан қатъий назар, ғафлат ва зулмат ботқогига ботган иймон-сизлик оламидаги сайёralардан жой ҳозирлаб қўйилган"- деб ёзилган. Худосиз иблисларга нисбатан Кришна йўлбарсдек даҳшатли, Ўз содиқларига нисбатан эса - қўзичоқдек ширин, мулоим муюмала қилади. Худога ишонмайдиганлар: "Биз Кришнани кўрмадик!" - дейдилар. Лекин сиз албатта Уни кўрасиз: - сиз Уни жонингизни олгани келганида даҳшатли ажал сифатида кўрасиз. Худосиз одам, атеист, Худони даҳшатли ажал қиёфасида кўради. Унинг солиҳ бандаси эса Кришнани қўзичоқдек мулоим, суюкли дўст сифатида кўради.

Аслини олганда Худога, Кришнага ҳамма хизмат қилади, аммо кимдир буни ўз хоҳиши билан қилади, бошқалар эса мажбурий равишда қилади. Бу ҳаётий дунёга боғланиб қолган одам ҳам Кришнага хизмат қилади, чунки у Худонинг ташқи қуввати бўлган моддий қувватга хизмат қилиши керак. Ҳар қандай давлатнинг фуқаролари ҳам шундай: давлат қонунларига бўйсунадиган одамлар ва жиноятчи-лар, - уларнинг ҳаммаси барибир ҳукumat учун ишлайдилар. Жиноятчи, менинг давлат билан ҳеч қандай ишим йўқ, дейиши мумкин, аммо полиция уни қамоққа ташлаб, ҳукumatning амрини тан олишга мажбур қилади.

Шундай экан, ҳар бир тирик зот Кришнанинг мангу хизматкори эканини тарғибот қилувчи Чайтаня Махапрабху фалсафасини тан оласизми, йўқми, барибир Худонинг хизматкори бўлиб қолаверасиз. Фарқи шундаки, Худони тан олмайдиган атеистни табиат қонунлари

Худонинг, Кришнанинг олий хукмини тан олишга мажбур қиласди, солиҳ қиши эса, ўз ҳоҳиши билан Унга холис хизмат қилишга интилади. Кришнани англаш ҳаракати одамларга, улар Кришнанинг мангу хизматкорлари эканини эслатиб, Унга ўз ҳоҳишлари билан холис хизмат қилишлари лозимлигини ўргатади. "Ўзингизни Худо деб билманг - деймиз биз. - Бундай дейиш учун сизда ҳеч қандай асос йўқ!" Менинг Худо билан ҳеч қандай ишим йўқ, дейсизми? Афсус. Буюк иблис Хиранйакашипу ҳам, "менинг Худо билан ҳеч қандай ишим йўқ", деб айтган эди, шунда Худо Шахсининг Ўзи пайдо бўлиб, шу заҳоти унинг жонини олган эди. Атеист одам учун Худо - бу ўлим, ажал, Худони таниган одам учун эса У - суюкли, содик дўст. Мана фарқи нимада!

Агар сиз Худонинг холис хизматкори бўлсангиз ва руҳий ҳаётнинг шу фалсафасини тушуниб етсангиз, қанча яшашингизнинг аҳамияти йўқ, бир дақиқами ёки юз йилми. Аммо, агар Худони танимасангиз, Уни тан олмасангиз ҳаётингизнинг нима маъноси бор? Баъзи дараҳтлар беш юз йил ва ҳатто беш минг йил яшайдилар, аммо ундан умр кўришнинг нима маъноси бор, ахир улар юксак, руҳий онгга эга эмасларку.

Агар Кришнанинг хизматкори эканингизни, ҳамма нарса Худоники эканини билган ҳолда, шунга асосан онгли ҳаёт кечирсангиз, ўз бурчингизни ҳалол бажариб юзлаб йиллар яшашингиз мумкин, ҳаётингизнинг, фаолиятингизнинг ҳеч қандай ёмон, кармали оқибати бўлмайди. Буни "Бҳагавад Гита" ҳам тасдиқлайди (3. 9): *йајснартҳат* кармано нӣатра локо йам карма-бандханаҳ - Кришна, Худонинг розилиги учун қилинадиган ишлардан бошқа ҳар қандай фаолият, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин бизларни бу моддий оламга қаттиқроқ боғлаб қўяди, холос. Агар савоб ишлар қилсангиз, кейинги ҳаётингизда роҳатда яшайсиз, аммо туғилиб-ўлишлар чархпалагидан кутула олмайсиз. Агар ҳаётингиз гуноҳ ишларга тўла бўлса, гуноҳларингиз оқибатидан азоб чекасиз, ва барибир туғилиб-ўлишлар азобидан кутула олмайсиз. Лекин, ҳаётда факат Худонинг, Кришнанинг розилиги учун ҳаракат қилиб яшасангиз, бундай фаолият ҳеч қандай яхши ҳам, ёмон ҳам оқибатларга олиб келмайди, ва ажалингиз келганда Кришнанинг даргоҳига қайтиб борасиз. Карма тутқулигидан озод бўлишнинг ягона йўли мана шундай.

**Бутун борлик Парвардигор Кришна-**

## НИНГ МУЛКИ ва Унинг ҳукми остида

"Ишопанишад"да Олий Худо Шахсини таърифлаш учун *иша* сўзидан фойдаланилган. *Иша* сўзи "Ҳукмдор" маъносини англатади. Нима деб ўйлайсиз, сизга ўз ҳукмини ўтказувчи бирор зот борми? Бутун дунёда ҳеч кимнинг ҳукмига бўйсунмайдиган бирор одам топиладими? "Мен ҳеч кимга бўйсунмайман!" - деб айта оладиган бирор одам борми? Шундай деб ҳеч ким айта олмайди. Агар кимнингдир ҳукми остида бўлсангиз, нимага -"Мен ҳеч кимга бўйсунмайман, мен мустақилман, мен - Худоман!" - деб жар соласиз? Бу бемаънилиқдир. Худо Шахсини тан олмайдиган майавадилар: -"Мен - Худоман, сен ҳам - Худосан, ҳамма ҳам - Худо!"- деб даъво қиласидилар. Аммо, агар улар бироннинг ҳукми остида бўлса, қандайдир кучга қарам бўлса, қандай қилиб улар Худо бўла оладилар? Бу бемаънилиқ, шундай эмасми? Худо ҳеч кимнинг амрига бўйсунмайди, У - энг Олий ҳукмдор. Шунинг учун, агар кимдир қандайдир кучга, кимнингдир амрига бўйсунадиган бўлса, унинг Худо эмаслигини билиб оламиш.

Албатта, баъзи бир нодонлар "менга ҳеч ким хўжайин эмас" деб даъво қиласидилар. Мен ана шундай фирибгарлардан биттасини танийман, у қандайдир жамият ташкил қилган ва ўзини "Худо" деб эълон қилиб, тарғибот қилиб юрган эди. Аммо, кунларнинг бирида унинг тиши оғриб қолди, ва оғриққа чидамай дод-вой солаётганини эшитдим: "Во-о-ой!" Мен унга: -"Мен - Худоман, олий ҳукморман, деб даъво қилган эдингиз, аммо ҳозир тиш оғригининг ҳукми остида қийналяпсиз. Сиз қандай Худосиз?"- дедим. Шунинг учун, агар кимдир ўзини Худо деб эълон қилса, ёки ҳамма ҳам ўзига яраша Худо, деб даъво қилса, ундан одамнинг энг ярамас нодон эканини билиб оласиз.

Бу дегани, тирик мавжудотларнинг ҳеч қандай эрки, хукуки йўқ дегани эмас. "Бҳагавад Гита"да Худованд Кришна айтадики, тирик мавжудотлар Унинг олий қувватига мансуб. Нимага улар олий қувватга мансуб? Чунки улар, моддий қувват маҳрум бўлган онтга эга. Уларнинг онги бор, моддий қувват эса бундан маҳрум. Натижада тирик зотлар маълум даражада моддий қувватни бошқаришлари мумкин. Мисол учун, мана шу эхромда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси моддий унсурлардан қилинган:- ердан, сувдан, оловдан ва ҳаводан. Аммо, уларнинг барчасини, Кришнага сигиниш ниятида тирик зотлар ҳар хил шаклларга келтирдилар. Яна бир мисол: Европалик одамлар

Америкага келмасларидан олдин, бу ерлар бўшаб ётган чўл эди. Унинг аввалги хўжайинлари бу ерлардан олиш мумкин бўлган нарсаларнинг кўпларидан фойдалана олмасдан яшардилар. Аммо, кўчиб келганлар бу ерларни саноати ривожланган ва равон йўллар қурилган мамлакатга айлантиридилар.

Демак, олий қувватга мансуб бўлган тирик мавжудотлар моддий қувват устидан маълум даражада ҳукмон бўлишлари мумкин экан. Кришна буни "Бҳагавад Гита"да тушунтирган: *йайедам дхарайате джагат*. Моддий оламнинг яратилишининг мазмуни, маъноси - унда тирик зотларнинг борлигидадир. Лос-Анжелес, Нью-Йорк, ёки Лондон сингари катта-катта шаҳарлар, уларда яшайдиган тирик мавжудотлар бўлгани учунгина қандайдир аҳамиятга эга. Худди шунингдек, ҳар қандай тана ҳам, унинг ичидаги зот - рух яшаган вақтдагина қадр-қийматга эга. Шунинг учун, рух моддадан устундир. Аммо, тирик зотлар шу устунликни сунистемол қиласидилар ва моддий унсурлардан хиссиятларини лаззатлантириш учун фойдаланадилар. Моддий ҳаёт ана шундай. Биз, моддий унсурлардан устун бўлганимиз билан, Худонинг ҳукми остида эканимизни унутиб кўйганмиз.

Илм-фан тараққиёт этган ҳозирги давримиз одамлари Худони тан олгилари келмайди, чунки ўзларининг моддий табиатдан устун эканликларидан гердайиб кетганлар. Улар мавжуд барча имкониятларини ишга солиб, моддий табиатдан фойдаланиш(эксплуатация қилиш)га интиляптилар, лекин бунда ҳамманинг - америкаликлар, руслар, хитойликлар, хиндистонликлар - Худонинг ҳукми остида эканини эсларидан чиқариб кўймоқдалар. Улар Худони, Кришнани унутиб бу моддий оламда ҳаёт лаззатини суришни истайдилар. Уларнинг касали мана шунда.

Солих кишининг вазифаси - одамларда Кришна онгини уйғотиш, Худони эсига солишdir. Худонинг содик хизматкори уларга Худо ҳақида илм беради: - "Сиз моддий табиат устидан ҳукмонсиз, аммо ўзингиз Кришнанинг, Худонинг ҳукми остидасиз. Шунинг учун моддий табиат инъомларидан лаззатланиш ўрнига, уларни Парвардигорга хизмат қилиб, Унга лаззат келтириш йўлида ишлатишингиз керак".

Мисол учун, биз бу эҳромни ўзларимиз лаззат олишимиз учун эмас, Кришна роҳатланиши учун ҳар хил нақшлар билан безаймиз. Бирорвлар савол бериши мумкин: - биз билан бошқа одамлар орасидаги фарқ нимада? Улар уйларини чиройли қилиб безашлари мумкин, бизлар ҳам бу ерни меҳр билан безаймиз, аммо бизларнинг мақсадларимиз бир биридан фарқ қиласиди. Биз бу ишларни Кришна учун қиласиз, улар эса - ўзларининг хиссий лаззатлари учун

қиласылар. Ўз уйингизни безайсизми ёки Кришнанинг эхромини безайсизми, моддий унсурлар устидан ҳукмрон бўлиб қолаверасизчунки ундан ўз хоҳишингизга қараб фойдаланасиз. Аммо, моддий унсурлардан фойдаланаётганингизда чукур тафаккур ёрдамида уларни Кришнани, Худони рози қилиш учун ишлатсангиз, инсон ҳәётининг асосий мақсадига яқинлашасиз, аммо, агар чукур тафаккурингизни фақат ўз ҳиссиётингизни лаззатлантириш учун ишлатсангиз, моддий табиат тузокларига бадттарроқ ўралашиб қолаверасиз ва ҳамиша хавотирда, ташвишда бўласиз. Натижада моддий таналарнинг биридан иккинчи сига ўтиб юришингизга тўғри келади.

Кришна - олий ҳукмрон Зотdir, шунинг учун пастки қувват бўлган модда ҳам, олий қувватга мансуб тирик зотлар, яъни сиз билан биз ҳам Унинг ҳукми остидамиз. Биз Кришнанинг олий қувватига мансубмиз, чунки, гарчи бизнинг ҳукмронлигимиз чекланган бўлса ҳам, моддий оламни бошқара оламиз. Биз ўз ҳукмимизни моддий оламга белгиланган даражада ўтказа оламиз. Аммо Кришна бизларнинг ўзимизга ҳукмронлик қиласи, шунинг учун, биз фақат Кришнанинг рухсати билангина қандайдир ҳукм юргизиш хукуқига эга бўламиз. Мисол учун, бир одам тафаккурини ишлатиб, мана шу ажойиб микрофонни ясади, дейлик. Бу шуни билдирадики, у одамнинг ўз истагини амалга ошириш учун қандайдир имконияти бор эди. Бунга у ақлни, тафаккурни қаердан олган? Инсонга фикрлаш қобилиятини Кришна бериб кўйибди. "Бҳагавад Гита"да Кришна шундай деган(15.15): *Сарвасай чаҳам хриди саннивишто маттаҳ смритир жсанам апоханам ча* - "Мен ҳар бир одамнинг қалбида жойлашганман, хотира, билим ва унутиш Мендан таралади". Олий ҳукмдор Ўзининг фикрлаш қобилиятини инсон танасида мужассам бўлган олий қувватига ато этади:- "Мана бундай кил! Кейин бундай қил!..." Бу шунчаки тасодифий кўрсатмалар эмас. Кимдир олдинги ҳаётида бирор ишни қилишни истаган эди, ҳозир ўша ниятини эсидан чиқариб юборган, шунинг учун Кришна унга эслатиб қўяди: - "Сен шуни истаган эдинг. Энди бунга имкониятинг бор!" Шундай экан, гарчи ривожланган тафаккурга эга бўлсангиз ҳам, барибир Кришна уни ҳам бошқариб туради. Агар сизга Кришна ижодкор тафаккур берса, сиз мана шундай ажойиб микрофонни тайёрлай оласиз. Акс ҳолда қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Демак, ҳаётизининг ҳар бир қадамида биз Кришнага боғлиқ ҳолда қолаверамиз.

Бутун коинотда ҳам биз Кришнанинг ҳукмронлиги намоён бўлаётганинг гувоҳимиз. Биламизки, коинотда катта-катта сайёralар жуда кўп, уларга нисбатан Ер сайёраси жуда кичик. Аммо, ҳатто

мана шу Ерда ҳам Атлантика ва Тинч океани сингари катта океанлар, баланд төглар ва осмонўпар иморатлар бор. Устидаги шунча оғир юкига қарамай, Ер осмонда худди пардек учиб юрибди. Ким уни ушлаб турибди? Сиз ҳаттоки күмнинг майдада заррасини ҳавода муаллақ сузиги юришини таъминлай оласизми? Сиз ўзаро тортишиш қонуни ёки шунга ўхшаш нарсалар ҳақида гапиришингиз мумкин, аммо улар сизнинг амрингизга бўйсунмайди. Самолет ҳам ҳавода учади, аммо ёқилғиси тугаган заҳоти у ерга тушади. Агар озгина вақт ҳавода учишга қодир бўлган самолетни куриш учун шунча олимларнинг бош котириши зарур бўлган бўлса, наҳотки шунча катта Ер сайёраси фазо бўйлаб ўзидан-ўзи учиб юрса? Бундай бўлиши мумкин эмас. Худованд Кришна "Бхагавад Гита"да шундай дейди(15.13); -"Мен моддий сайёralарда мужассам бўлганим туфайли, улар коинотда муаллақ қоладилар". Худди самолетнинг ичидаги уни бошқариб ўтирган учувчи бўлгани сингари, Ер сайёрасининг ичидаги ҳам уни коинотда бошқариб турувчи Кришна бор. Бу ўз-ўзидан маълум ҳақиқат.

Биз илмни Кришнадан ўрганишимиз лозим. Кришна ёки Унинг вакилининг сўзларини тинглашдан бошқа ҳар қандай илм олиш усусларини рад этиш керак. Шунда мукаммал илмга эга бўламиз. Агар сизни қизиктирган барча саволларга жавоб берадиган Кришнанинг ҳақиқий вакилини топа олсангиз ва унинг айтган гапларининг ҳаммасини қабул қиласангиз, сизнинг илмингиз мукаммал бўлади. Билиш усувларининг ичидаги энг нотўғриси, энг ишончсиз усули - ҳиссиётлар ёрдамида билиш ҳисобланади. Масалан, кимdir менга савол бериши мумкин: - "Сиз менга Худони кўрсата оласизми?" Демак, у бевосита ўз ҳиссиёти билан қабул қилишни истайди. Аммо бундай билим олиш - мукаммал усул эмас, чунки бизнинг ҳиссиётимиз мукаммал эмас ва биз табиатан алданишга, адашишга маҳкуммиз. Мисол учун, сизга олтин керак, аммо уни қаердан сотиб олиш мумкинлигини билмайсиз. Сиз темирчи дўконига бориб, сотувчидан сўрайсиз: -"Сизда сотиладиган олтин борми?" У темир сотиладиган магазиндан олтин излаб юрганингиз учун сизнинг фирт аҳмок эканингизни билиб олади. Шунинг учун лакиллатишга уриниб кўради. Темир бўлагини олиб, сизга: -"Мана олтин" - дейди. Сиз нима қиласиз? Олтин ўрнига темир оласизми? Агар сиз олтиннинг қандай бўлишини билмасангиз, уни темир дўконидан излаб юрган бўлсангиз, албатта олтин ўрнига темир бериб алдайдилар. Худди шунингдек, ўзига Худони кўрсатишни талаб қиладиган нодонлар Худонинг қандай эканини билмайдилар, шунинг учун ҳам фирибгарлар ўзларини "Мен - Худоман!" - деб, ундан нодонларни осонгина

лақиљлатадилар. Одатда айнан шундай бўлади.

Агар олтин сотиб олмоқчи бўлсангиз, салгина бўлса ҳам унинг қандай эканлигини билишингиз керак. Агар Худони кўрмоқчи бўлсангиз, албатта Унинг асосий белгиларини, сифатларини билишингиз керак. Акс ҳолда қандайдир фирибгар ўзини Худо деб таништиради, сиз эса унга ишонасиз ва албатта алданиб қоласиз.

Худони кўрсатишни талаб қилаётган одамга берадиган яна бир савол бор: - "Сиз Худони кўришга тайёрмисиз?!" Худо - хоҳлаган одам бориб кўраверадиган ўйинчоқ эмас. Йўқ, Кришнани англаш жамияти сизга қандайдир арzon нарсани таклиф қилаётгани йўқ. Агар Худони кўрмоқчи бўлсангиз, унда белгиланган конун-коидаларга амал қилишингиз лозим. Сиз Ҳаре Кришна мантрасини такрорлашингиз ва покланишга ҳаракат қилишингиз лозим. Шунда эртами - кечми сиз ҳақиқатан ҳам покланадиган ва Худони кўрадиган пайт келади.

Барибир, ҳозир ўзингиз ғафлатга ботган, Худони кўришга лойик бўлмаган ҳолатда бўлсангиз ҳам, Худонинг марҳамати шу қадар кенгки, У сизга Ўзини эхромдаги Илоҳ қиёфасида кўриш имкониятини беради. Ўзининг ана шу қиёфасида У Ўзини, Худонинг ким эканини билиш-билмасликларидан қатъий назар, ҳамманинг кўришига рухсат этади. Илоҳ - шунчаки ўйлаб топилган нарса эмас. Илоҳни қандай қилиб ясаш ва Уни ўрнатишни биз муқаддас китоблардан ва устозлардан, муқаддас авлиё(ачаря)лардан ўрганамиз. Шунинг учун, эхромлардаги ҳақиқий илоҳлар Худонинг, Кришнанинг Ўзидир, ва Улар сизнинг муҳаббатингизга ва қилган хизматингизга аниқ жавоб берадилар.

Аммо, ўзингизнинг ҳозирги, яроқсиз моддий хиссиётингиз ёрдамида Парвардигорнинг руҳий, илоҳий сиймосини, Унинг номини, сифатларини, ўйинларини ва анжомларини англай олмайсиз Ҳозирги замон тараққиётига мансуб одамлар Худони англашга қодир бўлмагани, бунинг устига, Худони тушунишларида ёрдам берадиган устозлари бўлмагани туфайли улар Худосиз, Худога ишонмайдиган бўлиб кетганлар. Аммо, агар ҳақиқий устоз раҳбарлиги остида "Ишопанишад", "Бҳагавад Гита" сингари ведавий асарларни ўқисангиз, зарур барча коидаларга амал қилсангиз, кўп вақт ўтмай Худо албатта сизга Ўзини очади, намоён этади. Ўзингиз, фақат ўз уринишларингиз ёрдамида Худони кўришга ҳам, тушунишга ҳам қодир эмассиз. Худони англаш имкониятини берадиган усулга тўла ишонишингиз лозим. Шунда У сизга Ўзини кўрсатади. У - олий ҳукмдор, демак, У сизни ҳам бошқариб турибди. Унга буйруқ бера олмайсиз: - "Эй Худо, бу ерга кел. Мен Сени кўришни истайман!" Худо, Парвардигор - сиз

чақирган заҳоти югуриб келиб, сизга Ўзини кўрсатадиган кичкина югурдак эмас. Йўқ, ҳеч қачон ундан бўлмайди. Сиз ҳамиша эсингида тутишингиз лозим: "Худо - олий хукмдор, мен Унинг хукми остидан. Мен Уни хизматим билан мамнун қила олсан, Унинг Ўзи менга кўринади". Ана шундагина сиз Худони кўра оласиз. Охир оқибатда бу йўл қалбингизда Худога нисбатан муҳабbat уйғотади. Мана шу ҳақиқий дин хисобланади. Сизнинг қайси динга амал қилишингизнинг аҳамияти йўқ,- христианмисиз, мусулмонмисиз ёки иудамисиз, - агар сиз қалбингизда Худога нисбатан муҳабbat уйғота олсангиз, демак ўз динингизда руҳий баркамолликка эришган бўласиз. Бизнинг Худога нисбатан ривожлантиришимиз лозим бўлган муҳабbatнинг табиати қандай? Бу муҳабbatдада ҳеч қандай шахсий манфаат, таъмагирлик бўлмаслиги керак:- "Эй Парвардигор, мен Сени севаман, чунки Сен менга шунчя нарсаларни бериб қўйибсан. Сен менинг барча орзуларимни рўёбга чиқардинг!" Йўқ. Биз Худога нисбатан бундай муҳабbat ривожлантирмаслигимиз керак. Унга бўлган муҳабbat мутлақо холис бўлиши керак.

Худованд Чайтаня Махапрабху шундай деган эди: -"Эй Парвардигор, Сен мени тепкилаб ташлайсанми, бағрингга босасанми, кўзларимга кўринмай бағримни қон қиласанми - фарқи йўқ. Мени хоҳлаган кўйинга солишинг мумкин, барибир шубҳасиз Сенга сигинавераман, сажда қилавераман!" Ҳақиқий муҳабbat мана шундай бўлиши керак. Биз ҳам ана шундай ўйлашимиз керак:- "Худо мени ҳар кўйга солиши мумкин, аммо барибир Уни севаман. Бунинг эвазига менга ҳеч нарса керак эмас!" Парвардигор, Кришна биздан айни шундай муҳабbatни истайди. Шунинг учун У гопиларни жуда яхши кўради. Гопиларнинг Кришнага бўлган муҳабbatларида савдогарларча таъма қилишдан асар ҳам йўқ. Улар:- "Менга у ёки бу нарсани совға қил, шунда мен сени севаман!" - деб ўйламайдилар. Уларнинг муҳабbatлари ҳар қандай таъма ёки бошқа иллатлардан мутлақо пок, уларнинг муҳабbatига ҳеч нарса тўскинлик қила олмайди. Агар сиз Худони ана шундай муҳабbat билан севишга ҳаракат қилсангиз, бутун оламда сизга ҳеч нарса қаршилик қила олмайди. Сиз қалбингизда ана шундай қайноқ муҳабbat, интилиш уйғотишингиз керак: - "Кришна, Мен Сенга бутун қалбим билан интиlamан!" Ана шу холос. Шунда сиз учун ҳеч қандай тўсик қолмайди. Ҳаётингизда нималар содир бўлишига қарамай сизнинг Кришнага бўлган муҳабbatингиз факат кучаяверади. Агар ана шундай ҳолатга эриша олсангиз, сиз тўла фароғатга, осойишталикка эришасиз. Сизнинг муҳабbatингиз факат Худога қандайдирроҳат бағишлади, деб ўйламанг. Бу

муҳаббатингиз сизнинг ўзингизга роҳат, лаззат бағишлийди. Лекин Кришнани севишдан бош тортсангиз, унда ҳеч қачон ҳам баҳтли бўла олмайсиз.

## Худои Таоло ва Унинг қувватлари

"Ишопанишад"да айтилганидек, дунёда биз кўриб турган жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси Худонинг ҳукми остида. Парвардигор Кришна "Бҳагавад Гита"да (9.10) ҳам: "Менинг қувватларим бутун борлиқни бошқариб туради", деб тасдиқлайди. "Вишну-пурана" ҳам бунга гувоҳлик беради: эка-деша-стхитасайангнер джийотсна вистарини йатха - "Худди бир жойда ёнаётган оловнинг ёргулиги ва ҳарорати ҳар тарафга тараалгани сингари, бутун олам - Худодан тара-лаётган қувватларнинг намоён бўлишидир". Қуёш бир жойда турган ҳолда бутун оламга ҳарорат ва ёғду таратади. Худди шундай Худо ҳам Ўзининг руҳий ва моддий қувватини бутун борлик бўйлаб таратиб турибди.

Бу ўткинчи, моддий оламда руҳий қувват ҳам мавжуд, аммо у моддий қувват пардаси билан қопланган. Бунга шундай мисол келтириш мумкин: қуёш ҳамиша осмонда нур сочиб туради - уни ҳеч ким ўчира олмайди, - аммо, баъзида у булутлар ортига яшириниб қолади. Шундай ҳолларда ерга тушаётган нур пасаяди. Булат қанчалик қалин бўлса, қуёшнинг нури ҳам шунчалик хира бўлади. Бироқ, бу қуёш нурининг озгина тўсилиши, холос. Қуёш нурини биратўла тўсиб кўйишининг иложи йўқ. Осмондаги булутлар қуёш нурининг бир бўлагинигина тўсиши мумкин. Худди шунга ўхшаш, моддий олам ҳам руҳий оламнинг моддий қувват билан тўсилган, қопланган кичик бир бўлагидир, холос.

Моддий қувват ўзи нима? Моддий қувват - руҳий қувватнинг кўринишларидан биридир. Руҳий фаолият йўқолган жойда моддий қувват пайдо бўлади. Қуёш ва булат мисолига қайтиб, буни тушунтириш мумкин. Булат қаердан пайдо бўлади? Уни қуёшнинг нурлари ҳосил қиласи. Қуёш дengиз сувларини буғлантиради ва булат пайдо бўлади. Демақ, булат пайдо бўлишининг азалий, олий сабабчиси Қуёш. Худди шундай, Ўзининг дийдорини бизнинг кўзимиздан бер-китиб турган моддий қувватнинг пайдо бўлишининг сабабчиси ҳам Худонинг Ўзидир.

Шундай қилиб, бу моддий оламда икки қувват: руҳий ва моддий

кувват ҳаракат қиласи. Моддий кувват саккиз моддий унсурлардан таркиб топган: ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл(хаёл), тафаккур ва сохта ўзлик. Унсурлар табиати энг дағали, қўполидан нозиклигига қараб санаб ўтилди. Сув - ерга караганда нозикроқ, олов сувга нисбатан нозикроқ ва ҳоказо.

Унсур қанчалик нозик, латиф, нафис бўлса, шунчалик катта кудратга эга бўлади. Масалан, ақл(хаёл) бир лаҳзада мир неча минг километр масофаларни босиб ўтади. Аммо, тафаккур хаёлга нисбатан яна ҳам кудратлироқ, руҳий кувват эса тафаккурдан ҳам кудратли. Руҳий кувват нима Ўзи? Бу ҳақда Парвардигор Кришна "Бҳагавад Гита" шундай дейди: *апарейам имас тв аниам пракритим виддхи ме парам жива-бхутам* - "Менинг қуи, моддий кувватимдан ташкарида бўлган бошқа, руҳий кувватим ҳам мавжуд. У тирик мавжудотлардан таркиб топган".

Тирик мавжудот бўлган бизлар ҳам, Худонинг руҳий кувватини ташкил этамиз. Буни қандай тушунса бўлади? Бу шундан маълум бўладики, биз қуи қувват бўлган моддий унсурларга хукмимизни ўтказа оламиз. Моддий унсурлар ўз-ўзидан ҳаракат қилишга қодир эмас. Осмонга кўтарила оладиган катта самолет руҳий кувват - учувчи - бўлмаса, фойдасиз бўлиб қолади. Катта реактив самолет учиш йўлкасида минг йиллаб туриши мумкин, аммо, унинг кабинасига кичкинагина руҳий кувват - учувчи - ўтираса ўрнидан кўзгала олмайди. Наҳотки Худони англаб этиш шунчалик қийин бўлса? Агар шунча катта-катта машиналар тирик зотларнинг, яъни руҳий кувватнинг ёрдамисиз ҳаракатга келмаса, қандай қилиб бутун борлиқ, моддий табиат ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ҳеч ким бошқармаса ҳам, ўзидан ўзи ҳаракат қиласи, деб айтиш мумкин? Ана шундай аҳмоқона тахминни қандай одам ўртага ташлаши мумкин? Шунинг учун, Худо Ўзининг моддий кувватини қандай бошқариб турганини тушуна олмайдиган одамлар ҳақиқатан ҳам ақлсиз одамлардир. Худодан беҳабар, "моддий борлиқ ўз-ўзидан ҳаракат қилиб турибди!"- дейдиган одамлар - шунчаки аҳмоқ, бефаросат одамлардир.

"Ишопанишад" оламдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг мулки ва Унинг хукми остидалигини тасдиқлайди. Олий хукмдор бўлгани учун, У бутун борлиқнинг эгаси ҳамдир. Ўз тажрибамиздан биламизки, қандайдир корхонани бошқариб турган одам айни пайтда шу корхонанинг эгаси бўлади. Демак, атрофимиздаги кўриб турган ҳамма нарсани уларнинг ҳақиқий эгасига, Худога хизмат қилиш учун ишлатишимиш керак.

Бизларнинг эҳтиёжларимиз-чи? Бу ҳам "Ишопанишад"да тушун-

тирилган: "Инсон фақат ҳаёти учун зарур бўлган ва унинг улуши сифатида насиба қилиб берилган нарсанинга қабул қилиши лозим, ва бошқа ҳамма нарсанинг кимники эканини унумасдан, уларга кўз олайтирмаслиги керак!" Кришна онги бизга ҳамма нарсага бошқача нуқтаи-назар билан қараш имконини беради. Агар ана шу қоидаларнинг моҳиятини тушуниб олсан Кришна онгидаги мустаҳкам бўлиб, ҳаётда буюк максадга эришамиз.

## Кришнанинг таърифи

"Ишопанишад"да Кришна шундай таърифланган: "Ўз даргоҳида қолган ҳолда, Парвардигор ҳаёлдан ҳам тезроқ ҳаракат қиласи ва югуришда ҳаммани ортда қолдириб кетади. Ҳатто қудратли фариштапар ҳам Унга яқинлаша олмайдилар. У бир жойда туриб Ўз ҳукмини ҳаво ва ёмғирларга ўтказадиган зотларга буйруқ беради. Муқаммалликда Унинг тенги йўқ". Шунга ўхшаш сифатлар "Браҳма-самхита"да ҳам келтирилган: *голока эва нивасатий акхилатта-бхутах* - "Гарчи Кришна ҳамиша Голока Вриндаванда бўлса ҳам, айни пайтда У ҳар бир тирик зотнинг қалбida ҳам мавжуд".

Голокада Кришнанинг ҳеч қандай вазифалари йўқ. У вақтини гопи ва подачилар орасида, ота ва онаси даврасида, сигир ва бузоқлари билан беташвиш ўтказиб юради. У мутлако озод, мустақил. Унинг ҳамроҳлари ўзларини Ундан ҳам беташвишроқ сезадилар, чунки, улар қандайдир ташвишга тушсалар Кришна бундан хавотирланниб, дарров ёрдамга келади, аммо уларнинг ўзлари ҳечам хавотирланмайдилар. Улар шунчаки: "Кришнанинг Ўзи биз билан бирга, У бизларни ҳимоя қиласи"- деб ўйлайдилар. Беш минг йил муқаддам Ҳиндистоннинг Вриндаван ўрмонларида Кришна Ўз ўйинларини на-моён қилганида, подачи-ўртоқлари, сигир ва бузоқлар билан бирга Ямуна кирғоги бўйлаб чўзилиб ётган ўрмонларга ўйнагани бораарди. Кришнани ва Унинг ўртоқларини ўлдириш учун Камса тез-тез ўзининг иблис дўстларидан бирортасини юбориб турарди. Аммо, подачи болалар ҳеч нарсадан хавотир олмай қувноқ ўйнаб юраверардилар: улар Кришнанинг ҳимоя қилишига иймонлари комил эди. Мана шу ҳаёт - Худога, Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топширишдан бошланадиган ҳақиқий руҳий ҳаётдир.

Кришнага ўз ихтиёрини топшириш - Худо бизни ҳар қандай ҳолатда ҳам сақлаб қолишига, ҳимоя қилишига тўлиқ ишонишдир.

Бунга эришиш учун қўйилган биринчи қадам - Худога холис хизмат килишда ёрдам берадиган қоидаларга амал қилиш. Кейинги қадам - бунга халақит берадиган нарсаларни тарк этиш. Ундан кейин эса, - ҳар қандай ҳолатда Кришна бизни ҳимоя қилишига қатъий ишониш. Аслида, буларсиз ҳам Кришна ҳар бир тирик зотни ҳимоясига олиб, ҳавфсизлигини таъминлаб турибди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо, алданиш таъсири остида биз "ўзимизни ўзимиз ҳимоя қил-япмиз, ўз ризқимизни ўзимиз топяпмиз", деб ўйлаймиз.

Унинг содик хизматкорларига келсак, уларнинг ҳавфсизлиги ва эҳтиёжларини Кришнанинг шахсан Ўзи таъминлаб туради. Бошқа тирик зотларга эса, Кришнанинг ташки қуввати - Майя-деви ғамхўрлик қиласи. Майя-деви - шартланган тирик зотларни жазолаш вазифаси юклатилган Кришнанинг вакилидир. Бу ҳолат давлатдаги ҳукуматни эслатади: тартибли фуқароларни ҳукуматнинг ўзи ҳимоя қиласи, жиноятчиларга эса қамоқхоналар орқали ғамхўрлик қиласи. Ҳукумат қамоқхоналардаги жиноятчиларнинг етарли таъминланишларини ҳам назорат қиласи, касал бўлса лазаретларда даволайди. Ҳукумат уларга ҳам ғамхўрлик қиласи, аммо улар қамоқхоналарда жазоланишда давом этадилар.

Худди шунга ўхшаш, моддий оламда Кришна факат бизларга ғамхўрлик қилибгина қолмасдан, жиноятчи-гуноҳкорларни жазолайди ҳам. Қандайдир гуноҳ учун - тарсаки, бошқа гуноҳ учун - қаттиқ тепки. Мана шулар - бизга танамиз ва ақлимиз, бошқа тирик мавжудлар ва фаришталар юборган табиий оғатлар келтирадиган азобукубатлардир. Афсуски, биз қилган гуноҳларимиз натижасида жазоланаётганимизни билмаймиз, майя таъсири остида, бу тарсаки, тепки ва азоблар - тасодифан келган нарсалар деб ўйлаймиз. Иллюзия, алданиш мана шундай ҳаракат қиласи.

Аммо сиз Кришнанинг англаш йўлига кирган заҳоти, Кришнанинг шахсан Ўзи сизни ҳимоя қила бошлайди. У "Бҳагавад Гита"да бунга ваъда беради(18.66): "Мен сени ҳимоя қиламан. Барча гуноҳларинг оқибатидан сени халос этаман. Ҳеч нарсадан қўрқма!" Биз моддий оламда қанчадан-қанча умрлар яшадик, ва натижада гарданимизда қанча гуноҳларимиз оқибати бор. Аммо, ўз ихтиёrimизни Кришнага бутунлай топширган заҳоти Унинг шахсан Ўзи бизга ғамхўрлик қила бошлайди ва бизни гуноҳларимиз оқибатидан халос этади. Кришна - "Бундан шубҳа қилма!" - дейди. "Шунча гуноҳ ишлар қилганман. Кришна шуларнинг барчасидан мени халос қилармикан?" - деб ўйламаслик керак. Худо ҳамма нарсага қодир. У шубҳасиз сизни кутқара олади. Аммо, сизнинг вазифангиз - Унга ўз ихтиёringизни

бутунлай топширган ҳолда бутун умрингизни холис хизмат қилишга бағишлиш. Шунда Кришна шубхасиз сизни қутқаради.

## Кришна: ғайритабиий мүъжиза

"Ишопанишад"да таърифланишича: - "Парвардигор юради ҳам, юрмайди ҳам. У биздан узокда, айни пайтда бизга жуда якин. У ҳамма нарсанинг ичидә жойлашган, ва барибир ҳамма нарсадан ташқарида". Қандай килиб Кришна бир вақтнинг ўзида ҳам юради, ҳам бир жойда тура олади? Бунга оддий мисол келтириш мумкин: фарз қилинг, кун ўртасида тепангизда қуёш турибди. Агар сиз юра бошласангиз, қуёш ҳам юра бошлайди. Бундан қирқ йил аввал, ҳали оиласи бўлган пайтимда, бир куни кечкурун кичик ўғлим билан сайр қилиб юрардим, у энди тўрт ёшга тўлганди. Бирдан у шундай деб савол берди: -"Дада, Ой нимага бизнинг ортимиздан юряпти?" Тушуняпсизми? Қуёш ва Ой жойларида турибди, аммо улар биз билан бирга юргандек туюлади. Агар сиз самолетда ёки поездда бўлсангиз ҳам худди шундай манзара тасвирланади. Агар бундай ишларга Ой ва Қуёш ҳам қодир бўлса, нега энди Кришна биз билан бирга юра олмайди? "Биздан узокда, шу билан бирга жуда якин". Бошқача килиб айтганда, Голока Вриндаванада Ўз ҳамроҳлари билан лаззатланаётган бир вақтнинг ўзида У моддий оламнинг ҳар ерида мавжуд. Парвардигор ана шундай, "юради ҳам, юрмайди ҳам".

Агар, худди Голокада бўлгани сингари Кришна бу ерда ҳам мавжуд бўлмаса, У қандай килиб содиқларининг тақдим қилган овқатларини еган бўларди? Кришна содиқ хизматкорларининг тақдим қилган овқатларини қабул қилмайди, деб ўйламанг. Агар бирор содиқ хизматкори садоқат билан Унга бирор нарса таклиф қилса, У шу заҳоти қўлини узатади. Кришна "Бҳагавад Гита"да: *тад аҳам бхакти-упахритам ашнами* - "Агар Менга иймон ва муҳаббат билан бирор нарса тақдим қилсалар, Мен уни қабул қиласман", - дейди. Кимdir савол бериши мумкин: "Кришна узокда, Голока Вриндаванда. У тақдим қилган нарсангизни қандай ея олади?" Бундан шубҳа қилманг. У албатта қабул қиласди. Агар муҳаббат билан таклиф қилинган бўлса,

У албатта тановул қиласи.

Демак, Кришна ҳамма ерда мавжуд ва ҳар қандай жойда бир зумда пайдо бўлиши мумкин, аммо, Уни таклиф қилиш учун ўзингиз зарур сифатларга эга бўлишингиз лозим. Агар ҳақикатан ҳам Унга содик бўлсангиз, Кришна шу заҳотиёқ сизга ёрдамга келади. Иблис Хиранякашипу Худонинг содик хизматкори бўлган ўғли Прахладга зулм қилиб, пўписа қилди: "Қани сенинг Худойинг? Сен Уни ҳамма ерда мавжуд дейсан. Демак У менинг саройимдаги мана бу устун ичида ҳам борми? Худойингни мана шу ерда ҳам бор деб ўйлайсанми? Майли. Мен Уни хозир ўлдираман!" Шундай деб Хиранякашипу устунни янчидан ташламоқчи бўлди. Аммо Кришна ўша устун ичидан ярим-одам, ярим-арслон - Нрисимхадева қиёфасида пайдо бўлди ва иблиснинг ўзини тимдалаб ташлади. Кришна ана шундай.

Шундай қилиб, Кришна хоҳлаган ерда пайдо бўла олади, чунки У ҳар ерда мавжуд. Бу "Ишопанишад"да тушунтирилади: *тад антарасия сарвасия тад у сарвасийасия баҳийатаҳ* - "Парвардигор ҳар нарсанинг ичида ва ташқарисида мавжуд". Бу ведавий мантра Парвардигорнинг ҳар ерда мавжудлигини исботлайди. Ведаларда ёзилган ҳар нарса - рад этилмайдиган ҳақиқат. Агар ведалар ҳақиқатини, ҳеч иккапланмай аксиома сифатида қабул қиласангиз, Кришнани англашда юксалишга эриша олмайсиз. Математикада ҳам аксиомалар кўп: нуқтанинг эни ҳам, бўйи ҳам йўқ; агар икки кесма учинчи кесмага teng бўлса, улар ўзаро teng ва ҳоказо. Булар аксиомалардир, агар биз математикани ўрганишни истасак, уларни исбот талаб қиласдан қабул қилишимиз лозим. Ведаларда ҳам ана шундай аксиомалар бор, ва агар биз руҳий ҳаётда муваффакиятга эришишни истасак, уларнинг ҳақиқатлигини тан олишимиз лозим.

Баъзан, ведаларда қарама-қаршиликлар бордек туюлади, аммо барибир уларни қабул қилишимиз лозим. Мисол учун, ведаларга асосан, агар сизнинг бирор жойингиз ўлган хайвон суюгига тегса, ҳаром бўлган ҳисобланасиз ва ювениб покланишингиз лозим. Аммо, сур моллюсканинг суюги бўлса ҳам, ҳамма покиза нарсалар ишлатиладиган эҳромда, илоҳларга хизмат қилиш учун ишлатилади. Кимdir бунга эътиroz билдириши мумкин: -"Суякни ушлаган киши ҳаром ҳисобланади, деб ёзилган, аммо сур(раковина)ни эҳромда қўйибсиз?!" Ҳар қандай суяк ҳаром бўлишига қарамай сур ҳалол эканини ва унинг эҳромда ишлатилиши мумкин эканини қабул қилиш керак.

Худди шундай, руҳий устозингизнинг кўрсатмаларини ҳам аксиома сингари сўзсиз қабул қилишингиз лозим. Уларни рад қилиш мумкин эмас. Фақат шунда сиз муваффакиятга эриша оласиз. Сиз

ўзингиз тушунмаган нарса устида тортишмаслигингиз лозим. Бу билан сиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Ведавий қонун-қоидаларни ва руҳий устознинг кўрсатмаларини аниқ ҳақиқат деб қабул қилиш лозим. Бу ҳеч қандай доктрина эмас, чунки мана шундай қоидани биздан аввалги барча устозлар қабул қилганлар. Агар руҳий устозингиз билан баҳслашиб, тортишсангиз, ҳеч қандай натижага эриша олмайсиз. Бу баҳс чексиз давом этаверади: сиз ўзингизнинг далилларингизни келтирасиз, мен ўзимникуни... Бу билан иш битмайди.

"Маҳобҳорат"да айтилганидек, *тарко "пратиштхаҳ шрутаио вибхинна*. Фақат мантиқ асосида сиз ҳеч қандай хulosага кела олмайсиз, ваҳоланки, турли хил муқаддас китоблар қаерда, қачон ва қандай шароитларда нозил бўлганига қараб, бир-бирларидан фарқ қиласди. Яна айтиладики, *насав ришир йасия матам на бхиннам*: фалсафий фикрларнинг охири йўқ, - бир файласуф ўз таълимотини илгари сурса, бошқаси ўзиникини маъқуллайди, ва уларнинг таълимотлари бир-бирига қарама-қарши. Буюк файласув бўлишингиз учун сиз олдинги файласуф таълимотини рад этиб, ўзингизникуни исботлашингиз лозим, - фалсафада шундай йўл қабул қилинган. Қандай қилиб ҳеч ким рад эта олмайдиган фалсафий хulosага келиш мумкин? *дхармасия таттвам нухитвам гухайам*. Ҳақиқатга эришишнинг сир асрорлари ҳақиқий "ўзлиги"ни англаған авлиёлар қалбida яширинган. Шу сирни қандай эгалласа бўлади? *маҳаджсано йена гатаҳ са пантхаҳ*: сиз буюк руҳий устозлар изидан боришингиз лозим. Шунинг учун ҳам биз Парвардигор Кришна ва Худованд Чайтанянинг насиҳатларига амал қилишга интиlamиз. Мукаммалликка олиб борувчи йўл - мана шу. Сиз Ведаларнинг қоидаларига ва руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилишингиз лозим. Шунда сизнинг муваффақият қозонишингиз таъминланган бўлади.

## **Парвардигор ва Унинг қувватлари, уларнинг бирлиги ва бир биридан фарқи**

"Ишопанишад"да шундай ёзилган: "Тирик мавжудотларни сифат жиҳатдан Худога тенг бўлган руҳий зарралар деб қабул қиласди одам - ҳақиқатни тушунган одамдир. Ундай одамнинг ақлини нима ҳам ҷалғита олар ёки ўзини хавотирга сола оларди?" Ҳаётни ана шундай англаш Кришна онгидаги англашдир. Ҳақиқат илмини кўпроқ ёки камроқ тушуниш мумкин, аммо Кришнанинг содиқ хизматкори бутун ҳақиқатни тўлиқ, яъни биз сифат жиҳатдан Парвардигор билан бир

хил эканимизни, аммо миқдор жиҳатдан фарқ қилишимизни аниқ билади. Худо шахсини тан олмайдиган имперсоналистлар биз - Олий Мутлақ Ҳақиқат билан ҳар томонлама бир хилмиз, деб тушунадилар. Аммо бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Агар биз Кришнага бутунлай ўхшайдиган бўлсақ, қандай қилиб алданиш(мая) тузогига тушиб қолдик? Имперсоналистлар бу саволга жавоб беролмайдилар.

Бизнинг Худо билан ўхшашлигимиз ведавий битикларда олов ва учкун мисолида тушунтирилади. Учкун олов эга бўлган барча сифатларга эга, аммо, оловдан миқдор жиҳатдан фарқ қиласди. Учкун оловдан ажралиб чиқиб, сувга тушганида у ўзининг оловга хос бўлган барча сифатларини йўқотади. Худди шундай, чексиз кичик рух ҳам Кришнанинг даргохини тарқ этиб фафлат гунаси таъсирига тушганида унинг барча руҳий сифатлари деярли йўқ бўлиб кетади. Агар учкун сувга эмас, қуруқ ерга тушса, ўзининг ҳароратини бироз вақт саклаб қолиши мумкин. Тирик мавжудот ҳам эҳтирос гунаси таъсири остида бўлса, унинг қайтадан Кришна даргоҳига қайтишига, Кришна онгига эришишига умид боғласа бўлади. Агар учкун қуруқ майсалар устига тушса, у майсаларни алангалатиб, оловга хос бўлган барча сифатларини қайта тиклаши мумкин. Худди шунингдек, эзгулик гунаси таъсири остида бўлган киши ҳам, руҳий сұхбатлардан олинадиган барча имкониятлардан фойдаланиб, Кришна онгини қайта тиклаши осон бўлади. Шунинг учун, моддий оламда эзгулик билан ҳаёт кечириш даражасига кўтарилишга ҳаракат қилиш лозим.

Кришнани оловга ўхшатиш - хилма-хил қувватлари Худо билан бир хил, ва айни пайтда Ундан фарқ қилишини тушуниб олишга ҳам ёрдам беради. Оловнинг икки хил қуввати бор: иссиқлик ва ёруғлик. Иссиқлик ва ёруғлик ҳамиша олов билан бирга бўлади. Иссиқлик ҳам, ёруғлик ҳам оловдан фарқ қилмайди, аммо айни пайтда улар ҳали олов эмас. Оламнинг мавжудлигини ҳам ана шундай тушуниш керак. Бутун борлиқ Кришнанинг қувватларидан таркиб топган, шунинг учун ундаги ҳамма нарса Кришнадан фарқ қилмайди. Бироқ Кришнанинг Ўзи моддий оламдан фарқ қиласди. Шундай қилиб, моддий ва руҳий оламда биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси - Кришнанинг ҳар хил қувватларининг намоён бўлишидир. Моддий олам - Унинг ташқи қувватининг(бахиранга-шакти), руҳий олам - Унинг ички қувватининг(антаранг-шакти), тирик мавжудотлар эса, Унинг аралаш қувватининг(татастха-шакти) намоён бўлиши тимсолимиз. Бизлар қувват манбаи эмас, шакти - қувватмиз.

Майавади-файлусуфлар ҳеч бир қувват, уларнинг манбаи бўлган Браҳман чегарасидан ташқарига чиқмайди, шунинг учун Унинг барча

кувватлари Браҳманнинг Ўзидан фарқ қилмайди, деб тушунадилар. Монизм фалсафасининг моҳияти шундан иборат. Аммо, вайшнавларнинг фалсафаси - кувват ўзининг манбаига ўхшагани билан, айни пайтда ундан фарқ қиласди. Яна иссиқлик ва оловни мисол келтириш мумкин. Сиз иссиқлик сезганингизда, якинроқ жойда олов борлигини англаб оласиз. Аммо бу - сиз оловнинг ўртасида турибсиз дегани эмас. Демак, иссиқлик ва олов, кувват ва унинг манбаи бир хил ва айни пайтда, ҳар хил нарсалардир.

Шундай қилиб, майявадилар асосланадиган бирлик фалсафаси, вайшнавлар асосланадиган фалсафадан тубдан фарқ қиласди. Майявадилар, Браҳман ҳақиқатан мавжуд, реал, аммо Ундан чикадиган кувват ҳақиқатан реал эмас, мавжуд эмас, деб таъкидлайдилар. Биз эса, Браҳман ҳақиқатан мавжуд бўлгани учун, ундан чикадиган кувват ҳам ҳақиқатан мавжуд бўлиши керак, деймиз. Вайшнавлар билан майявадиларнинг фалсафаси орасидаги асосий фарқ мана шунда. Худонинг моддий кувватини, гарчи у ўткинчи бўлса ҳам, ҳақиқатан мавжуд эмас, деб тушунмаслик керак. Мисол учун, биз нимадандир ташвишдамиз. Танамиз, ақлимиз ва қандайдир бошқа таъсир сабабли ташвишланишимиз мумкин. Бундай ташвишлар келиб кетаверади, аммо биз ташвишланаётганда улар шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам мавжуддир. Биз уларнинг таъсирини сезамиз, ва уни реал эмас, йўқ деб айта олмаймиз. Нима сабабдан улар ҳам бирор кор-ҳол бўлганида ташвишга тушадилар? Йўқ, Кришнанинг бирорта куввати ҳам мавхум, нореал эмас.

"Ишопанишад"да Худо ва Унинг кувватининг бирлиги ҳамда бир биридан фарқ қилишини тушунадиган одам -"*виджсанатаҳ*" - "биладиган одам" деб таърифланган. Агар одам *виджсанатаҳ* сифатига эга бўлмаса, у алданиш тузогидан кутула олмайди ва азоб чекади. Аммо, биладиган одамга алданиш, иллюзия таъсир қила олмайди, ва у ҳеч нарсадан нола қилмайди. Оламда Кришна ва Унинг кувватидан ўзга ҳеч нарса йўқлигини билган ва унга аниқ ишонган одам ҳеч қачон алданиш, иллюзия тузогига тушиб қолмайди ва ҳеч нарсадан қайғуга ботмайди. Ундей одам *браҳма-бҳута* даражасида бўлади. Бу "Бҳагавад Гита"да(18.54) шундай тушунтирилган: *браҳма-бҳутаҳ прасаннатма на шочати на канкшати* - "Илоҳий даражага кўтарилилган киши Олий Браҳманга эришади, унинг қалби лаззатга тўлади. У ҳеч нарса ҳақида қайғурмайди ва ҳеч нарсани орзу қилмайди".

Ҳиссиётимиз талабларини қондириш учун биз ўзимизда йўқ бўлган жуда кўп нарсаларга интиламиз. Ҳамиша ниманидир истай-

миз. Агар бирор нарсани йўқотсак, пушаймон бўлиб, қийналамиз. Аммо, агар Кришна бутун борлиқнинг манбаи ва унинг ҳукмдори эканини билсак, - Ҳамма нарса Уники эканини, ўзимизда бор нарсаларнинг ҳаммасини Унга хизмат қилиш учунгина Ундан олганимизни тушунамиз. Шунинг учун, биз дунёвий орзу-хавасларга берилмаймиз. Бинобарин, агар Кришна бирон нарсани биздан олиб қўйса, бундан пушаймон бўлишнинг нима кераги бор? Биз: - "Кришна буни мендан олиб қўйишга қарор қилди. Нимага мен бундан ҳафа бўлишим керак? Худо - барча сабабларнинг сабабчиси. Берадиган ҳам Кришна, оладиган ҳам Унинг Ўзидир!" - деб ўйлашимиз лозим. Ана шундай тушунчага эга бўлган киши қайғуга тушмайди ва орзу-хаваслардан халос бўлади. Ана шундай ҳолат инсоннинг руҳий даражага эришганидан далолат беради. Бундай даражага кўтарилигач, сиз ҳар бир тирик жониворга Кришнанинг ажралмас бўлаклари бўлган руҳий зарралар, Унинг мангу хизматкорлари сифатида муомала қиласиз.

## **Кришна - энг юксак поклик тимсолидир**

"Ишопанишад"да Парвардигор "энг буюк, танасиз, ҳамма нарсани билувчи, бенуқсон, вена(қон томир)лари бўлмаган, пок ва беғубор Зот" сифатида таърифланган. Ҳеч қандай гуноҳнинг гарди Уни булғай олмайди. Баъзан ақлсиз одамлар Кришнани гуноҳкор қилиб кўрсатадилар: - "Нимага Кришна, қоронғу тунда бегона аёллар даврасида рақсга тушиб лаззатланади, ўйнайди?" Кришна - Худо. У хоҳлаган ишини қиласди. Сизнинг қонунларингизнинг Унга алоқаси йўқ. Сиз кўп қонун-қоидаларга бўйсунишга мажбурсиз, аммо Кришна учун ҳеч қандай конун мавжуд эмас. У ҳеч қандай чеклашларни писанд қилмайди.

Махараж Паришит ҳам Шукадева Госвамига худди шу саволни берган эди: "Кришна бу дунёга дин ва ахлоқ қоидаларин ўрнатиш учун келганди. Нимага Ўзи бегона аёллар даврасида лаззатланади? Бу ахир катта гуноҳ ҳисобланади-ку?" Шукадева Госвами бунга жавобан айтдики, ҳеч қандай гуноҳ Худони, Кришнани нопок қила олмайди, аксинча, ҳатто ақлли ҳар қандай ҳаром фикрлар билан тўла одам ҳам Кришна билан боғланса, дарров покланади. Бу ерда Қуёшни мисол келтириш жуда ўринли: Қуёш ҳеч қачон нопок бўлмайди, аксинча, қуёш нурлари нопок ерга тушиб, уни поклайди. Сиз Кришнага ҳар қандай моддий истаклар билан мурожаат қилишингиз мумкин, ва

қалбингиз бундан дарров покланади. Табийки, гопиларнинг Кришнага нисбатан бўлган ҳис-туйғулари моддий эмас эди. Шунга қарамай, улар, ҳали ёш қизлар Унинг гўзалигига маҳлиё бўлмай қололмасдилар. Улар ўзларига севгили ёр бўлишини сўраб Кришнага илтижо қилдилар. Шунинг ўзи уларнинг покланишига ёрдам берди. Ҳатто Кришна билан ҳамсуҳбат бўлган иблислар ҳам покланадилар. Мисол учун иблис Камса, Кришнани ўзининг душмани деб биларди. Шу билан бирга у Кришна онги билан яшарди, чунки ҳамиша унинг ҳаёлида Кришна эди: "Кришнани қаердан топсан экан? Мен Уни ўлдираман!" Иблисларнинг ҳаёли шундай. Аммо, шунга қарамай, Камса ҳам покланиб, ҳаётининг сўнгидаги озодликка эришди.

Хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, агар биз қандайдир йўллар билан ўзимизда Кришна онгини ривожлантира олсак, барча гуноҳли орзу-истаклардан дарров покланамиз. Ана шундай имкониятни Кришна ҳаммага teng яратиб кўйибди.

## **Моддий тана тутқунлигидан қутулиш**

Худонинг "Ишопанишад"да келтирилган "буюкларнинг энг буюги, танасиз, ҳамма ерда мавжуд" деган сифатларидан ўзимиз ва Худо орасидаги фарқни билиб олсак бўлади. Биз тана ичига кириб олганимиз. Танамиз ўзимиздан фарқ қиласди. Мен танамни тарқ этиб кетганимда, у тупроқка кўшилиб кўтади. Библияда айтилганидек, "Сен тупроқдан чиққансан, тупроқка айланасан!". Аммо "Мен" тупроқ эмасман, мен мангу руҳман. Шунинг учун бу ерда "сен тупроқсан" деганда, тана кўзда тутиляпти.

Кришна танада мужассам бўлмайди. Бу демак, Унинг танаси ва руҳи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бошқача қилиб айтганда, Унинг танаси ҳам пок руҳдир. Шунинг учун У ҳеч қачон Ўз танасини алмаштирумайди. У Ўз танасини алмаштиргани учун, У ҳамма ерда мавжуд, - У ҳеч нарсани эсдан чиқармайди. Ундан фарқли бўлган бизлар эса, ўзларимизнинг моддий танамизни алмаштириб, олдинги ҳаётимизда қилган ишларимизни унугиб юборамиз. Худди тушимизда танамизни, атрофимиздаги нарсаларни унуганимиз сингари, ўзимиз ким бўлганимизни унугамиш. Чарчаган тана харакатсизликка фарқ бўлади, - унга хордик керак. Унинг акси бўлган рух, мен эса, тушимда ҳам ишлайман, харакат қиласман, учиб юраман, бошқа таналар, шаротиллар ҳосил қиласман. Буни биз ҳар куни бошимиздан кечирамиз, шунинг учун бу ўхшатишнинг маъносини тушуниш қийин бўлмаса керак.

Шунга ўхшаш, ҳар бир умримизда биз атрофимизга янги шароит яратамиз. Бу ҳаётда мен ҳиндистонлик бўлишим мумкин, аммо кейинги ҳаётимда ҳиндистонлик эмас, америкалик бўлиб қолишим мумкин. Лекин, ҳатто Америкада туғилсан ҳам, инсон эмас, сигир ёки хўқиз бўлишим мумкин. У ҳолда мени семиртириб сўйиб юборадилар. Кўряпсизми, ҳақиқий муаммо нимада?

Энг катта муаммо шундан иборатки, биз ҳамиша, умрлар оша таналаримизни алмашлаб юрибмиз. Бу - жуда катта муаммо. Бизнинг ҳозирги холатимиз жуда қалтис - кейинги ҳаётимизда 8400000 хилдаги ҳаёт турининг қайси бирида туғилишимизни билмаймиз. Бироқ, бу муаммони ҳал килишнинг йўли бор: агар инсон ўзида соф Кришна онгини ривожлантиrsa, танаси ўлгандан кейин Кришнанинг олдига боради ва бошқа моддий тана олишдан кутулади. У худди Кришнанинг Ўзиники сингари илм ва лаззатга тўла бўлган мангур руҳий тана-га эга бўлади.

Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан, Кришнани англаш йўлида жиддий ҳаракат қилишимиз лозим. Кришнани англаш ҳаракати - бу шунчаки навбатдаги ўткинчи модалардан бири деб ўйламаслик керак. Йўқ, бу - ҳар бир инсоннинг энг муҳим вазифаси. Инсонга ҳаёт фақат Кришнани, ўзини англаш учун берилади. Бизнинг бошқа вазифамиз йўқ.

Минг афсуски, ҳозирги замон тараққиёти одамларга шунча ташвишлар келтириб қўйгани туфайли, улар Кришна онгини, Худони бутунлай унубтиб қўйганлар. Майя, иллюзия, алданиш шундай таъсир қиласди. Одамлар ўзларининг ҳақиқий вазифаларини унубтиб қўядилар, инсофсиз, қалб кўзлари кўр йўлбошчилар эса, уларни тўппа-тўғри дўзах сари бошляптилар. Улар одамларга раҳбар бўлишга эмас, ҳатто аравакаш бўлишга ҳам муносиб эмаслар. Одамлар бирорвларнинг амрига бўйсунишни истамайдилар, аммо барабири мана шундай ярамасларни йўлбошчилари сифатида тан олиб, улар бошлаган нотўғри йўлдан кетяптилар. Шундай қилиб, инсофсиз йўлбошчилар ҳам, уларнинг изидан бораётган баҳтикар одамлар ҳам моддий табиатнинг аёвсиз қонунлари чангалига тушиб қоладилар.

Шунинг учун, агар кимдир қандайдир йўллар билан Кришнани англаш ҳаракати билан танишиб қолган бўлса, у бунга жиддий эътибор бериши ва Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан қаттиқ ёпишиб олиши керак. Агар сиз Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан маҳкам ушлаб олган бўлсангиз, майя сизга ҳеч қандай зарар етказа олмайди.

## **Рухий ва дунёвий моддий таълим**

"Ишопанишад"да таъкидланишича: - "Ўзининг ғафлатга ботган фаолиятини ривожлантираётган одамлар учун ғафлат оламининг энг қоронғу ерларидан жой ҳозирлаб қўйилган". Таълимнинг икки тури мавжуд: -моддий ва рухий. Моддий таълим - *жада-видиа* деб аталади. Жада сўзи "ҳаракат қила олмайдиган" маъносини англатади ва бу моддий унсурларга хос сифат. Рух ҳаракат қилишга қодир. Бизнинг танамиз рух билан модданинг бирикмасидир. Шунинг учун, унинг ичидаги рух бор пайтдагина у ҳаракат қила олади. Худди шундай, шим ва костюмлар одам кийиб олгандағина ҳаракатта келади. Костюм ва шимлар ўз ўзидан мустақил ҳаракат қилаётгандай туюлиши мумкин, аммо, аслида улар танага кийилиб турғани туфайлигина ҳаракат қиласидилар. Худди шунингдек, тана ҳам ичидаги мавжуд бўлган мангу рух туфайлигина ҳаракат қиласиди. Бунга яна бир мисол автомашина. Автомашина ҳайдовчи ҳаракатта келтиргани учунгина ҳаракат қиласиди. Автомашина ўз-ўзидан ҳаракат қиласиди деб ўйлаш гирт аҳмоклиқдир. Гарчи машина ажойиб механик қурилма бўлса ҳам, ўзидан ўзи ҳаракат қила олмайди.

Ҳозирги даврда одамларга фақат *жада-видиа*, моддий таълим берадилар, шунинг учун улар бу моддий табиат ўз-ўзидан ҳаракат қиласиди, ўз-ўзидан шунча ажойиб нарсаларни яратади, деб ўйлайдилар. Денгиз кирғоғида туриб биз тўлқинларнинг ҳаракатига назар соламиз. Лекин улар ўз-ўзидан ҳаракат қилмайдилар, - уларни шамол ҳаракатта келтиради. Ўз навбатида шамолни ҳам ҳаракатта келтирадиган куч бор. Агар шу тарзда энг биринчи сабабчини топишга ҳаракат қилсан, - барча нарсларнинг сабабчиси бўлган Кришнага борамиз. Ҳақиқий таълим - ана шу энг олий сабабчини топиш демакдир.

"Ишопанишад"да "моддий қувватнинг ташки қўринишидан лол қолган одамлар ғафлат уммонига сигинадилар", -дейилган. Замонавий жамиятда автомашина ва самолетларни ҳаракатта келтирувчи технологияларни яратувчи жуда кўп корхоналар бор. Бу институтларда ҳар хил машиналар яратиш усувларини ишлаб чиқадилар, аммо мангу рухнинг қандай ҳаракат қилишини ўрганадиган бирорта таълим маскани йўқ. Бутун борликни, ҳамма нарсаларни ҳаракатта келтириб турған нарса ўрганилмай қояпти. Бунинг ўрнига одамлар унинг ташки пардасини, танасини - моддий унсурларни ўрганяптилар.

Мен Массачусети технология институтида маъруза қилганимда, талабалардан: -"Сизларда танани ҳаракатта келтириб турған рухни

ўрганишга имкон берадиган технология борми?" - деб сўрадим. Уларнинг бундай технологиядан хабари йўқ. Улар саволимга жавоб бера олмадилар, чунки, уларнинг оладиган таълими - шунчаки жада-видийа. Ана шундай моддий таълимни, илм-фанни ривожлантириш билан машғул одамларни "Ишопанишад" огохлантириб айтияптики, улар коинотнинг ғафлат зулматига ботган энг маъшум жойларига тушадилар. Демак, хозирги илм-фан тараққиёти энг хатарли, қалтис ҳолатда, негаки, жаҳонда ҳеч бир илм даргоҳида руҳий илм ўрганилмайди. Бу ҳол эса ўз навбатида инсониятни ғафлат боткоғида яшашига маҳқум этади.

Шрила Бҳактивинода Тҳакур ўзининг қўшиқларидан бирида ёзандики, моддий таълим - шунчаки майя(ғафлат)нинг намоён бўлишидир. Биз моддий таълимни ривожлантиришда қанчалик муваффакиятга эришсак, Худони англаш йўлида шунчалик катта қийинчиликларга дуч келамиз. Ва ниҳоят биз: -"Худо йўқ, У ўлган!"- деган хуросага келамиз. Буларнинг барчаси - ғафлат ва зулматидир.

Шундай қилиб, материалистлар шубҳасиз зулмат қоронгулигига қолишга маҳқум. Аммо, яна бир гурух одамлар бор, улар - сафсатабоз файласуфлар, сохта диндорлар ва йогалар. Булар ундан ҳам бадтарроқ зулмат қаърига маҳкумдирлар, чунки улар Кришнанинг Ўзига қарши чиқишига журъат қилган одамлардир. Улар ўзларини руҳий илм чўққиларига интилаётгандай қилиб кўрсатадилар, аммо, Кришна ҳакида, Худо ҳакида ҳеч нарса билмаганлари сабабли уларнинг одамларга ўргатаётган илмлари Худони тан олмайдиган материалистларнинг гапларидан ҳам хавфлироқдир. Нимага? Чунки, улар ҳақиқий руҳий таълим беряпмиз, деб одамларни нотўғри йўлга бошлийдилар. Улар тарғибот қилаётган йога усууллари одамларни адаштиради: -"Шунчаки муроқаба қилсангиз бас - ўзингизнинг Худо эканингизни англайсиз!" Кришна Худо бўлиш учун ҳеч қачон муроқаба қилмаган. У азалдан Худо бўлган.

Уч ойлик чақалоқ пайтида иблис Путана Уни заҳарли сут эмизиб ўлдирмоқчи бўлган эди, аммо Кришна сут билан бирга унинг жонини ҳам сўриб олди. Кришна "түғилганидаёқ" Худо эди. Худонинг белгиси шундай бўлади. Ўзларини йог деб хисоблайдиган баъзи бир фирибгарлар: -"Қимирламасдан жим ўтиинглар, жимликка гарқ бўлинг - шунда сиз Худо бўласиз!"- деб одамларни чалғитадилар. Қандай қилиб бутунлай жим бўлиш мумкин? Шундай қилиш бирор одамнинг қўлидан келадими? Йўқ, бунинг иложи йўқ. "Ҳар қандай орзуистакларни тарқ этинг, шунда сиз Худо бўласиз!" Қандай қилиб орзуистаклардан воз кечса бўлади? Буларнинг ҳаммаси афюн, фирибгар-

лик. Биз истакларсиз яшай олмаймиз. Биз ҳамма вақт жим туролмаймиз. Аммо, истакларимиз ва қиласынан ишларимизни поклашимиз мүмкін. Мана шу ҳақиқий илмдір. Бизнинг ягона истагимиз Кришнага хизмат қилиш истаги бўлиши керак. Мана шу энг пок истак, пок орзу бўлади. Ҳаракатсиз ва жим ўтиришнинг ўрнига босган ҳар бир қадамимизни Кришнага хизмат қилиш билан боғлашимиз лозим. Тирик мавжудотлар сифатида биз ҳамиша ҳаракат қиласиз, ниманидир истаймиз, кимнидир севишга интиламиз, аммо барча ҳаракатимиз, истакларимиз ва туйгуларимиз нотўғри нарсаларга йўналган. Агар биз уларни Кришнага хизмат қилишга йўналтирасак, ана шунда ҳақиқий тўғри таълим олган бўласиз.

Сиз моддий таълимдан маълумотсиз бўлиб қолишингиз керак, деб айтаётганимиз йўқ. Марҳамат, таълим олаверинг, аммо шу билан бирга Кришна онгини ривожлантиришингиз лозим. Биз шунга даъват қиласиз. Биз сизни автомашина чиқаришни бас қилишга чақираётганимиз йўқ. Йўқ, биз айтапмизки: - "Шунча машиналар чиқардинглар, энди шу машиналарни Кришнага хизмат қилишда ишлатинг!" Бизнинг таклифимиз шу Таълим олиш, илм ўрганиш яхши, аммо, агар у факат моддий илм бўлса, агар у илм Кришнани англашдан бутунлай йироқ бўлса, ундан таълим жуда хатарлидир. "Ишопанишад" бизга шундан далолат беради.

## **Ғофиллик иллатига қарши илм**

"Донишмандлар бизга ўратганларки, ҳақиқий илмни ривожлантириш ғофилликни ривожлантиришга нисбатан умуман бошқа натижаларга олиб келади" дейилган "Ишопанишад"да. Юқорида тушунтирилганидек, ҳақиқий илмни ривожлантириш - рухий илмни ривожлантиришdir. Факат танага ҳар хил қурайликлар яратиш, уни ҳимоя қилиш учунгина илм ўрганиш, илмни ривожлантириш - ғофилликни ривожлантиришdir, чунки, сиз танангизни ҳимоялашга қанчалик ҳаракат қилманг, тақдирингизга ёзилган нарса албатта рўй беради. Бу нима дегани? Бу - кетма-кет ўлиб-тирилишлар, улар орасидаги касаллик ва кексайишлардир. Аммо, таналарининг ҳар дақиқа сайин емирилиб бораётганини кўриб турган бўлсалар ҳам, одамларни факат таналари ҳақидаги илм қизиқтиради. Танамиз туғилганиданоқ ўлимга махкум. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Сиз ҳаётнинг табиий оқимини - туғилиш, кексайиш, каасаллик ва ўлишни тўхтатишга қодир эмассиз.

"Шримад Ҷагаватам"да(10.84.13) айтилганки, моддий тана бу -

асосан уч унсур: ҳаво, балғам ва сафро билан түлдирилган қопдир, ва ана шу ҳаво, балғам ва сафроларнинг бирикмасини "мен ўзим" деб юрган одамнинг эшакдан фарқи йўқ. Ҳатто буюк файласуфлар ва олимлар ҳам ўзларини ана шу ҳаво, балғам ва сафронинг бирикмасидан бошқа нарса эмас, деб ўйлайдилар. Уларнинг энг катта хатоси ҳам шунда. Аслида файласуф ва олимлар манту руҳлардир ва кармаларига биноан хозирги ҳаётида ўз қобилиятларини намоён этяптилар. Аммо улар карма қонунларини тушунмайдилар.

Нима учун одамлар ичida ҳар хил шахсларни учратамиз? Агар одамларнинг барчаси ана шу ҳаво, сафро ва балғамнинг бирикмасигина бўлса, нега уларнинг ҳаммаси бир хил эмас? Кимdir миллионер бўлиб туғилади, бошқа бирор эса кеча-кундуз жон-жаҳди билан ишласа ҳам, ҳатто кунига икки маҳал тўйиб овқатланишга қурби етмайди? Нега одамлар орасида шунчалик фарқ бор? Чунки, карма қонуни, харакатлар ва уларнинг оқибатлари(қилмиш-қидирмиш) қонуни бор. Ана шу қонуннинг сирини тушунган одам ҳақиқий илмга эга бўлади.

Инсоннинг яшашдан мақсади - ҳаёт сирларини англаб етишdir. Ўзига ато этилган инсон танасини мана шу мақсад йўлида ишлатмайдиган одам ҳақиқатан ҳам *крипана*, хасисдир. Бу ҳақда "Гаргагупанишад"да ёзилган. Агар миллион доллар пуллингиз бўлсаю, аммо сиз: -"Майли, банкада тураверсин!" - деб уни ҳеч нарсага ишлатмсангиз, - сиз хасисиз. Сиз ўз пулларингиздан қандай фойдаланишни билмайсиз. Миллион долларини яна бир миллион пул топиш учун ишлатадиган киши сиздан анча ақллироқдир. Худди шунингдек, инсон танаси ҳам жуда нодир имконият. Ундан руҳий илм олиш учун фойдаланган киши - браҳман, донишманд одамдир, факат моддий илмини ривожлантираётган одам эса - хасис, крипана. Браҳман билан крипана орасидаги фарқ ана шу.

Ўзининг инсоний танасидан, худди ит ва мушуклар сингари, хиссиётларининг талабини қондириш учунгина фойдаланаётган киши - хасисдир. У ўзининг "миллион доллар"ини қандай ишлатишни билмайдиган одамдир. Шунинг учун, ҳар бир отанинг, онанинг, ҳукуматнинг ва устозларнинг вазифаси - ўз қарамоғидагиларга умрининг энг бошиданоқ руҳий таълим бериш ҳисобланади.

"Шримад Бҳагаватам"да ҳатто шундай ёзилганки, агар биз қарамоғимиздаги одамларни бу ўлиб-туғилишлар чархпалагидан халос этишга қодир бўлган руҳий илм олиш даражасига кўтара олмасак, ота-она, устоз ёки ҳукумат бошлиғи бўлишга ҳаққимиз йўқ.

## Худони англаш йўли

Устозлар силсиласининг ведавий тизимида руҳий устозлар ўзларининг мулоҳазаларини ҳамиша ўzlари эшигган ишонарли, мўътабар манбалар билан асослайдилар, улар факат ўзларининг шахсий тажрибаларига таянмайдилар. Бирор нарсани бевосита хиссий органлар орқали сезиш ёрдамида англашга, тушунишга ҳаракат қилиш - санскрит тилида *пратякша* деб аталадиган моддий усулдир. Ведаларга асосланган билиш усули бундай эмас. Бу йўл *ишути*, яъни "мўътабар манбадан тинглаб билиш" йўлидир. Билишнинг Ведавий усулининг сири мана шундан иборат.

Бизнинг ҳиссиётимиз мукаммал эмас, шунинг учун ҳиссиётларимиз чегарасидан ташқарида бўлган нарсаларни улар ёрдамида билишга уриниш бемаънилиқдир. Бунинг иложи йўқ. Мисол учун, сиз ўзингизнинг отангиз ким эканини билишни истасангиз, сиз буни тажрибалар орқали аниқлай оласизми? Бунинг иложи борми? Йўқ. Унда сиз отангизнинг ким эканини қандай аниқлайсиз? Буни сиз фақат мўътабар, ишончли манбадан, - онангиздан билиб оласиз. Мана шу мантиққа тўғри келадиган йўл. Агар сиз тажриба йўли билан отангизнинг ким эканини аниқлай олмас экансиз, тажриба, бевосита сезиш орқали қандай қилиб азалий, Олий Отани, Худони аниқлаб бўлади? Кришна - азалий ота. У - отамизнинг отасининг, отасининг отасининг... - барча авлодларнинг отаси. Агар сиз ўзингиздан олдинги авлодни, отангизни тажриба орқали аниқлашга қодир бўлмасангиз, бу йўл билан Худони, Кришнани қандай аниқлай оласиз?

Одамлар тажриба орқали Худони топишга ҳаракат қиладилар, аммо кўп уринишлардан сўнг хафсаласи пир бўлиб, кўлларидан ҳеч нарса келмайди. Шунда улар: -"Худо йўқ. Мен ўзим Худоман!" - дейдилар. Аммо, "Ишопанишад"да айтилганки, Худони тажриба йўли билан эмас, tinglash йўли билан англаш лозим. Кимни тинглаш керак? Қандайдир мунофик фириб гарними? Ҳар хил ақидапараастларними? Йўқ. *Дхира* бўлган одамни тинглаш лозим. *Дхира* - дегани, "ҳиссиёти моддий унсурлар таъсирида ҳаяжонга келмайдиган" одам деганидир.

Ҳаяжонга келишнинг турлари кўп: ақлнинг ҳаяжонга келиши, нутқнинг ҳаяжонланиши, ғазаб-нафрат кўзгалиши, тилимизнинг ҳаяжонга келиши, корнимизнинг ҳаяжони, жинсий азоларнинг ҳаяжони. Газабимиз келганда ҳамма нарсани унутамиз ва жуда кўп аҳмокона нарсаларни айтишимиз, қилишимиз мумкин. Тилни ҳаяжонга келтириш учун ҳар хил рекламаларни ишлатадилар: "Вино

ичинг!", "Товук шўрва ичинг!", "Ширин кабобдан енг!" Аммо, бизнинг вино, товук ва кабобларсиз ҳам қунимиз ўтади. Инсонлар учун Худо, Кришна шунча ширин нарсаларни яратиб қўйибди: мева-чевалар, сабзавот, фалла, ёнғоқ, сут маҳсулотлари ва ҳоказо.

Сигир жуда кўп микдорда сут беради, ўзи учун эмас, одамлар учун. Одамлар учун сут - энг яхши озуқа. Худо айтадики: "Сигиржон, гарчи сен шунча кўп сут берсанг ҳам, ўзинг уни ичишинг мумкин эмас. Бу сут, руҳий ривожланишнинг ҳайвонларга нисбатан юқорироқ погонасида бўлган инсонларга мўлжалланган!" Табиийки, ҳайвонларнинг болалари ҳам кичкиналиқ пайтида сут эмадилар, бузоқлар ҳам она сугидан эмадилар. Аммо, сигир бузоқларига керак бўлганидан анча кўп сут беради, қолган сут инсонларга мўлжалланган.

Худонинг "сизларга ризқ бўлсин учун!" деб кўрсатиб қўйган нарсалари билан овқатланишимиз лозим. Аммо, тилимиз ҳаяжонга келгандা, биз ҳар хил ўйларга борамиз: "Нимага мен фақат мева-сабзавот, сут ва фалла билан қаноатланишим керак? Кушхона очиб, сигирларни ўлдирса бўлмайдими? Худди онамнинг сутини ичгандек, унинг сутини ичиб бўлгандан кейин, гўштини маза килиб ейиш учун уларни ўлдирсам бўлаверади!" Ана шундай аҳмоқона ўйларни миядан чиқариб ташлаш керак ва *дхира* ёки *свами* - ўз ҳиссиётининг хўжайнини бўлган одамнинг айтганларини тинглаш лозим. Свами ёки госвами, - мавжуд олти хил ҳаяжонни: ақлининг, нутқининг, ғазабининг, тилининг, қорнининг ва жинсий азоларининг ҳаяжонини боса оладиган одамдир.

Калидасанинг "Кумара-самбхава" деган ажойиб достони бор, унда нимага Тангри Шива дхира деб аталиши ҳикоя қилинади. Тангри Шиванинг хотини, Сати, отаси ўтказаётган курбонлик маросимида эрини жуда қаттиқ ҳақоратлаганларини эшитганида, бундай ҳақоратга бардош беролмай ўзини ўзи ўлдиради. Хотинининг ўзини ўзи ўлдирганини эшитиб, Тангри Шиванинг фифони чикиб, узлат қилиш учун бу сайёрани тарк этади. Айни шу пайтда фаришталар ва иблислар ўртасида жанг бораётган бўлиб, фаришталарнинг қўшинига яхши саркарда керак эди. Улар, агар Тангри Шиванинг ўғли бўлса эди, у фаришталарга саркарда бўларди, деган қарорга келдилар. Тангри Шива ялангоч ўтирган ҳолда риёзатга берилган эди, унинг эҳтиросини қўзғаш учун фаришталар Сатининг янги танада мужассам бўлган тимсоли Парватини унинг олдига юбордилар. Аммо Тангри Шиванинг эҳтиросини қўзғатиш Парватининг - қўлидан келмади. У риёзатини давом эттириди. Шу ерда Калидаса таъкидлаб ўтади: "Мана

ҳақиқий дхира. У ялангоч, ёш гўзал қиз унинг танасини силаяпти, аммо у мутлақо хотиржамлигича ўтираверди".

Дхира ҳатто унинг ҳаяжонга тушишига аниқ сабаб бўлганда ҳам ҳаяжонланмайди. Қандайдир жуда ширин таомни кўрганимизда нафсимиз, тилимиз ҳаяжонга келмаслиги керак. Агар олдимизда чиройли қиз ёки йигит турса ҳам, бизнинг эҳтиросимиз қўзғалмаслиги керак. Ҳақиқий дхира мана шундай қилиб юкорида айтиб ўтилган ўзининг олти тур ҳаяжонини боса олади. Бу, Тангри Шива импотент экан, дегани эмас, у дхира эди. Худди шундай, Кришна ҳам жуда қўп қизлар билан раксга тушганди, аммо Унинг бу қизларга нисбатан ҳирсий эҳтироси қўзғалмаган.

Шундай қилиб, сиз дхира кишини тинглашингиз лозим. Агар сиз дхирани эмас, адхирани - ўз ҳаяжонини боса олмайдиган одамни тингласангиз, сизнинг олган илмингиз бефойдадир. "Ишопанишад" - руҳий устознинг шогирди берган саволларга жавобларидир. Бу ерда руҳий устоз айтяптики: "Мен буни мўътабар манбалардан тинглаганман". Руҳий устоз ҳеч нарсани шахсий тажрибаси асосида ўйлаб чиқармайди. У фақат ўзидан олдингилардан эшитганини бизга етказади.

Шундай қилиб, бизнинг ҳар хил тажрибалар ўтказишимизга ҳожат йўқ. Бизга зарур бўлган ҳамма нарса мавжуд. Фақат дхирани, ўзининг олти хил ҳаяжонини бошқара олган донишманднинг гапларини тингласак бас. Ведавий билишнинг йўли мана шундай. Лекин бунинг ўрнига илм олиш учун қандайдир бошқа йўл танласак, ғафлат ботқоғига ботиб қолаверамиз.

"Ишопанишад"да айтилганки, "Бир вақтнинг ўзида ғафлат зулматига гарқ бўлиш ва илоҳий илмни ривожлантириш жараёнларини тушуниб етишга кодир бўлган кишиларгина туғилиб-ўлишлар гирдо-бидан қутулиб, мангулик лаззатидан тўла баҳраманд бўла оладилар". Одамлар мангулик нима эканини тушуниб етмайдилар. Улар буни қандайдир мўъжиза деб хисоблайдилар. Улар ўз билимлари билан ғурурланадилар, аммо, ўзларининг замонавий илм-фан тажрибаларига асосланган усуллари ёрдамида билмаган ва ҳеч қачон била олмайдиган жуда қўп нарсалар мавжуд.

Шунинг учун, ҳақиқий илмга эга бўлишни истасангиз - "Веда"лар деб аталадиган адабиётни ўрганинг. Веда сўзи "билим" "илм" маъносини англатади. Бир юз саккиз "Упанишада"лар ҳам ведаларга киради, улардан ўн биттаси жуда муҳим. Ўн бирининг ичida энг муҳими - "Ишопанишад". Упанишад сўзидағи упа ибораси, "яқин" маъносини англатади. Яъни, "Ишопанишад"даги илм сизни Кришнага

яқинлаштиради.

Муқаддас китоб билимдонлари орасида Ведалар *шрути*, яъни асосий исбот сифатида қабул қилинади. Ведаларда ғафлат ботқоғига ботган, моддий дунё шартлари билан боғланган руҳларнинг илмий изланишлари натижасида олинган илм келтирилмаган. Бундай одамларнинг ҳиссиятлари мукаммал эмас, шунинг учун улар ҳақиқатни аниқ қўра олмайдилар. Улар шунчаки тахмин қиласидилар: -"Бу шундай бўлиши мумкин, бундай бўлиши мумкин!" Бу ҳақиқий илм эмас. Ҳақиқий илм мутлақо аниқ, хатосиз ва ҳеч қандай шубҳасиз бўлиши лозим. Моддий дунё шароитига тушган руҳлар алданишга, хатолашибишишга ва алдашга мойилдирлар. Улар қандай алдайдилар? "Бҳагавад Гита"ни тушунмаган одам унга изоҳ ёзганида, у содда одамларни алдаган бўлади. Шундай бўладики, кимdir "Бҳагавад Гита"нинг обрўсидан, унинг кенг тарқалганидан фойдаланиб, ўз номини чиқариш учун унга изоҳ ёзди. Ана шундай "олим"лар, "Бҳагавад Гита"га ҳар ким ҳам изоҳ ёзса бўлаверади, деб ўйлади. Аммо, Кришна "Бҳагавад Гита"да айтганки, "Бҳагавад Гита"ни фақат Унга содик бўлган кишигина тушуна олади. Демак, Кришнага содик бўлмаган бундай олимлар одамларни алдайдилар.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар ҳақиқий руҳий илм олишга интилсангиз, сиз Мутлақ Ҳақиқатга эришган ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилишингиз лозим. Акс ҳолда ғафлатда қолаверасиз. Сиз: "Мен руҳий устоз танлашим ҳам мумкин, танламаслигим ҳам мумкин. Шунча китоблар бор, мен улардан ҳам ҳақиқатни ўргана оламан" - деб ўйламанг. Йўқ. Ведалар белгилаб кўйганки: *тадвижнанартхам са гурум эвабхигаччет*.

Гаччхет сўзи "инсон бориши керак" деган маънони англатади. Бу ерда "бориши ҳам мумкин, бормаслиги ҳам" дейилмаган. Илоҳий илм ўрганишингиз учун руҳий устоз олдига боришингиз лозим. Ведаларнинг буйруғи шундай.

Сиз икки нарсани билишингиз лозим: Майянинг нималигини ва Кришна кимлигини. Шунда илмингиз мукаммал бўлади. Билингки, Кришна шунчалик саховатлики, агар сиз Унга иймон келтириб, шунчаки ихтиёрингизни топширсангиз, илм олиш йўлидаги изланишингиз ниҳоясига етади: ҳеч қийналмасдан Кришнанинг ким эканини, майянинг нима эканини билиб оласиз. Кришна ичдан, қалбингида туриб сизга бу тушунчаларни беради.

Шундай қилиб, Кришна ва руҳий устознинг марҳамати билан инсон Худога холис хизмат қилиш йўлига киради. Бу қандай рўй беради? Кришнанинг ва руҳий устознинг марҳаматлари гўёки бир би-

рини тўлдириб туради. Агар ҳали ўзингизга руҳий устоз топмаган бўлсангиз, лекин қалбингиздан самимий излаётган бўлсангиз, Кришна сизни ҳақиқий руҳий устоз олдига бошлаб боради. Ҳақиқий руҳий устоз танлаганингиздан кейин эса, у сизни Кришнага етказади. Кришна қалбингиздан йўл қўрсатиб турувчи *чайтя-гуру* сифатида ҳамиша қалбингизда мавжуд. Айнан мана шу чайтя-гуру руҳий устозингиз сифатида ташқаридан намоён бўлади. Шундай килиб, руҳий устоз Кришнанинг бевосита ишончли вакилидир.

"Ишопанишад"да айтилганидек, биз *видя* ва *авидя* дегани нима эканини тушуниб олишимиз керак. *Авидя* - моддий илм ниқоби остида яширинган ғофилликдир. Шрила Бхактивинода Тхакур ўзининг бир қўшиғида ёзадики, "моддий илмни ривожлантириш майянинг ҳукмронлик доирасини кенгайтиради, холос". Моддий илмни чукурлаштириш билан сиз Кришна онгига эришиш имкониятидан маҳрум бўласиз. Моддий илм чўққисига кўтарилиган одамлар: - "Кришнани англашнинг, бу харакатнинг нима кераги бор?" - деб ўйлайдилар. Уларда руҳий олим олишга интилиш йўқ, улар ғофиллик, *авидя* ботқоғига жуда чукур ботиб кетганлар.

Баъзи Ҳиндистонлик ёшлар Ҳиндистоннинг маънавий, руҳий қадриятларини, маънавиятини тан олмай, ҳар хил технологияларни ўрганиш учун ғарбий давлатларга келиб таълим оладилар. Улар менинг ғарбий давлатлар халқига Ҳиндистоннинг улар тан олмай кетган руҳий маънавиятини олиб келганимдан ҳайратланадилар. Менинг ғарб давлатларига келишимнинг сабабларидан бири ҳам, ҳозирги Ҳиндистонликлар руҳий маданиятни, руҳий илмни рад этганлигидир. Ҳозир ҳиндистонликлар, агар бизлар ғарбий технологияга эга бўлсан, баҳтиёр яшаймиз деб ўйлайдилар. Бу алданиш, майя. Ҳиндистонликларга қараганда юз марта яхшироқ технологияга эга бўлган одамларнинг ҳеч қандай баҳтга эришолмаётганларини улар кўрмаяптилар. Технология борасида Ҳиндистон Америка ёки Европани яқин уч юз йил ичida қувиб етолмайди, чунки, ғарбий давлатлар кўп йиллардан бери технологияни ривожлантириб келадилар. Аммо, Ҳиндистон маданияти азалдан руҳий маданият бўлиб келган.

Видья, яъни ҳақиқий, руҳий илм технологияга боғлиқ эмас. Ведалар илмини тарқатган биринчи гуру Шрила Вьясадева эди. У қандай яшаган эди. У Бадарикашрамда бир кулбада яшар эди. Аммо, унинг руҳий илми қанчалик буюк! У шунча кўп Пураналар ёзди, шу жумладан "Шримад Ҷагаватам"ни ҳам. Яна у "Веданта-сутра" ва "Махобҳорат"ни яратди. Виасадеванинг ёзган барча асарларини ўрганиш учун бутун умр етмайди. Фақат "Шримад Ҷагаватам"инг

ўзи ўн саккиз минг мисрадан кам эмас. Ва ундағи ҳар бир мисра шунчалик чуқур маңнога әгаки, унинг маңносини охиригача түлиқ тушуниб олиш учун умр бўйи ўрганиш керак бўлади. Ведалар маданияти мана шундай.

Ведаларда баён этилган илм билан, фақат руҳий илм эмас, моддий илм борасида ҳам ҳеч қандай илм-фан унга тенглаша олмайди. Ведаларда астрономия, математика, тиббиёт ва бошқа қўп фанлар баён этилган. Қадимги вақтларда ҳам самолётлар бўлган. Улар хақида Пураналарда ёзилган. У пайтдаги самолётлар шу даражада чидамли ва тезлиги юкори бўлганки, бошқа сайёralарга бемалол бора олганлар. Ведавий маданият ҳукм сурган вақтда моддий илм-фан ривожланмаган деб ўйламанг. У пайтда моддий илм жуда юкори ривожланган, аммо, одамлар унга катта аҳамият бермаганлар. Улар кўпроқ руҳий илм олишга интилганлар.

Илм нимаю ғоғиллик нималигини тушуниш керак. Агар биз ғоғилликни, яъни моддий илмни тўплайдиган бўлсак, қайта-қайта ўлиб-туғилишларга мубтало бўлаверамиз. Бундан ташқари кейинги ҳаётингизда ким бўлиб туғилишингиз ҳам номаълум. Бу сизга боғлиқ эмас. Сиз ҳозир ўзингизнинг америкалик эканингизга қувониб юрибсиз, аммо бу танангизни ташлагандан кейин сиз: -"Менга яна америкаликнинг танасини беринг!" - деб талаб қилолмайсиз. Балки, сиз яна Америкада туғиларсиз, лекин одам танасида эмас, сигир танасида. У ҳолда сизни қассоблар сўйиб юборадилар.

Шунинг учун моддий илмни: миллатчилик, социализм, капитализм ва бошқа "изм"ларни ривожлантириш - шунчаки, вақтни, умрни зое кетказишdir. Бундай илмни ривожлантириш хатарли. Яхшиси, ҳақиқий илмни, ведалар илмини, инсонни Худони танишга, Кришнага холис хизмат қилишга ундейдиган илмни ўрганиш, ривожлантириш зарур. "Бҳагавад Гита"да Кришна шундай дейди:(7.19) *бахунам жанманам анте жнанаван мам прападайанте*. Жуда кўп туғилиб-ўлишлардан кейин, ҳақиқий илмга эга бўлган киши: "Эй Парвардигор, эй Кришна, Сен ҳамма нарсанинг манбаи экансан!" - деб, ўз ихтиёрини Кришнага топширади. Мана шу - ҳақиқий илм эгаллашда эришилган мукаммалликdir.

## **"Браҳманнинг оқ нури"нинг нариги томони**

"Ишопанишад"да шундай дейилган: -"Инсон Олий Худо Шахси Шри Кришнани ва Унинг илоҳий номини, шунингдек ўткинчи моддий оламни унинг фаришталари, одамлари ва ҳайвонлари билан бир-

га мукаммал билиб олиши керак. Ана шунга эришган киши ажални четлаб ўтади ва Парвардигорнинг мангу даргоҳида илм ва лаззатга тўлган мангу ҳаёт кечириш учун намоён бўлиб турган бу ўткинчи моддий коинотдан юқори кўтарилади. Бутун тирик зотни таъминлаб турган эй Парвардигор! Сенинг ҳақиқий дийдоринг Сендан тараалётган кўзни қамаштирувчи оппоқ нур билан тўсилган. Шу нурни олиб ташлаб, содик хизматкорингга Ўзингнинг ҳақиқий дийдорингни кўрсат!"

"Ишопанишад"нинг бу шеърида Кришнанинг даргоҳи тўғрисида гап боради. Ҳар қандай сайёранинг хоҳ моддий бўлсин, хоҳ илоҳий бўлсин, ўз ҳукмдори бор. Мисол учун, Қуёш сайёрасига Вивасван ҳукмронлик қилади. Бу маълумот "Бҳагавад Гита"да келтирилган. Моддий олам бўйлаб миллионлаб коинотлар сузид юрибди, ва уларнинг ҳар бирида миллиардлаб сайёralар бор, ҳар бир сайёрани бир фаришта бошқариб туради.

Моддий оламнинг ташқарисида браҳмажйоти, яъни ўзининг сон саноқсиз Вайкунта сайёralари билан руҳий олам ястаниб ётибди. Ҳар бир Вайкунта сайёрасини Нарайана кўринишида Олий Худонинг Ўзи бошқариб туради. Ҳар бир Нарайананинг Ўз номи бор - Прадюмна, Анируддҳа, Санкаршана ва ҳоказо. Худди, қуёшнинг ёрқин нурлари дастидан қуёшнинг ўзини кўра олмаганимиз сингари, биз у сайёralарни ҳам кўра олмаймиз, чунки уларни руҳий ёғду, браҳмажйоти тўсиб турибди. Руҳий оламни тўлдирган бу ёғду Кришнанинг сайёраси - Голока Вриндаванадан тараалиб туради. Голока Вриндавана Вайкунтаҳадан ҳам юқорида жойлашган ва уни Кришнанинг шахсан Ўзи бошқаради. Мутлақ Ҳакикат, Кришнанинг сайёраси бизнинг назаримиздан Браҳманнинг ёғдуси билан тўсилган. Парвардигорни кўриш учун шу ёғду орқали ўтиш керак. Шунинг учун "Ишопанишад"да солиҳ инсон илтижо қиласпти: -"Сенинг дийдорингни кўришим учун марҳамат қилиб Ўз нурингни четга ол!" Файласуфмайявадилар браҳмажйотидан кейин ҳам нимадир борлигини билмайдилар. Браҳмажйоти - шунчаки Парвардигорнинг ҳақиқий дийдорини тўсиб турган заррин ёғду эканига "Ишопанишад" ведавий далиллариди.

Кришнанинг сайёраси ва Вайкунта сайёralари Браҳманнинг ана шу ёғдусидан юқорида жойлашганини ва бу руҳий сайёralарга фақат Худонинг соғ содик хизматкорлари эриша олишини тушуниш керак. Олимлар, файласуфлар, мана шу Браҳманнинг ёғдусига кириш учун қаттиқ риёзатларга бериладилар. Аммо, Кришнанинг шахсан Ўзи ўлдирган иблислар шу заҳотиёқ Браҳманнинг ёғдусига киради-

лар. Ўзингиз ўйланиб кўринг: Кришна Ўзининг душманларини шу ерга юбораётган экан, наҳотки у жой ҳавас қилгулик ер бўлса? Агар менинг олдимга душманим келса, мен унга уйимдан бирор жой кўрсатарман, аммо, аниқки, энг яхши жойни энг яқин дўстимга тақлиф қиласман. Шунинг учун, Браҳманнинг ёғдуси - биз учун энг яхши жой эмас.

Шрила Прабодхананда Сарасвати ажойиб шеър ёзган ва унда айтадики, Кришнанинг марҳаматига мұяссар бўлган содик хизматкор учун Браҳманнинг ёғдуси - дўзахдан афзал эмас. Унда жаннатчи? Ўз фаолиятларининг натижаларидан лаззатланишга интиладиган *кармилар* фаришталар яшайдиган жаннат сайёralарига тушишга интиладилар. Аммо, Худонинг соғ содик хизматкорлари учун жаннат - ғайритабиий ҳолатдир. Уларни жаннатга тушиш умуман қизиқтирмайди. Ғайритабиий қобилиятларга эришиш учун бутун кучларини ишга солиб, ўз хиссиётларини жиловлашга уринадиган сехргар-йоглар ҳам бор. Бизнинг ҳис-туйғулар заҳарли илонларга ўхшайди: уларнинг талабларини қондира бошлашингиз билан улар сизга заҳарли тишлари билан маҳкам ёпишиб оладилар, натижада тубанликка юз тутасиз. Аммо, солиҳ инсон: "мен хиссиётимнинг заҳарли илонларидан кўрқмайман" - дейди. Нимага? "Чунки мен уларнинг заҳарли тишларини юлиб ташлаганман". Бошқача қилиб айтганда, ўз хиссиётини Кришнага хизмат қилиш учун ишлатар экан, солиҳ ҳиссий лаззатларга берилиб кетиш ҳавфидан қутулади, шунинг учун хиссиёти уни дўзахга тортиб кетмайди.

Шундай қилиб, Худонинг содиқлари карми, гайани ва йогалардан устун туради. Худонинг холис хизматкорлари энг юксак мартабага эга, чунки фақат Худога холис хизмат қилиш билангина Кришнага эришиш мумкин. Кришна Унга кармали фаолият ёрдамида эришиш мумкинлигини айтмаган. Унга фалсафий фикр юритишлар ёрдамида эришиш мумкинлиги ҳам айтилмаган. Худди шундай, сеҳрли йога ёрдамида ҳам Унга эришиш мумкинлиги кўрсатилмаган. Унинг ўзи айтяптики: -"*бҳактъа мам абҳиджсанати йаван йаши часми татватаҳ*" - "Фақат холис хизмат қилиш ёрдамидагина инсон Менинг асл ҳолатимни англай олади".(Б.г. 18.55)

Мутлақ Ҳақиқатга эришишнинг холис хизмат қилишдан бошқа йўли йўқ. Шундан бошқа барча йўллар мукаммал эмас, чунки улар ҳар хил таҳминларга асосланади. Мисол учун, олимлар Қуёшнинг қандайлигини билиш учун ҳар хил таҳминлар қилиши мумкин, лекин улар Қуёшга бора олмаганлари туфайли улар ҳеч қачон унинг қандайлигини аниқ билмайдилар. Улар фақат таҳмин қиласдилар, хо-

лос. Кунларнинг бирида кўзлари кўрмайдиган уч ногирон филга дуч келган. Улар филни пайпаслаб кўриб, ҳар қайсиси филнинг нимага ўхшашлигини тахмин қила бошладилар. Филнинг семиз оёқларини ушлаган бири: -"Фил устунга ўхшаркан!" - деган қарорга келди. Унинг хартумини ушлаган бошқа бири: "Фил - илонга ўхшар экан!"-деди. Учинчиси, филнинг қорнини ушлаб кўриб: -"Фил катта қайикка ўхшаркан!" -деган экан. Аммо, кўзи кўрмайдиган бу уч одам барибир филнинг қандай бўлишини аниқлай олмадилар.

Бирор нарсани кўрмай туриб, у тўғрисида факат тахмин қила оласиз. Шунинг учун, "Ишопанишад"да солиҳ-вайшнав илтижо қиласиди: -"Сенинг дийдорингни кўришим учун, Ўзингдан таралиб турган кўзни қамаштирувчи бу ёғдуни олиб ташла!" Содик хизматкорининг ҳақиқатан ҳам Уни севишига ишонч хосил қилганида Кришна соф содик хизматкорига Ўз дийдорини кўриш имкониятини беради. "Брахма-самхита"да айтилганки: *преманжана-чхурита-бхакти-вилочанена* - "Худонинг солиҳ хизматкорлари кўзларига муҳаббат малҳамини суриб олганлар, шунинг учун улар қалбларида Кришнанинг гўзал дийдорини ҳамиша кўриб юрадилар. Ҳиндистонда кўзга суриладиган алоҳида бир малҳам бор. Агар сиз шу малҳамдан кўзингизга сурсангиз, кўзингиз зийраклашади. Худди шундай, агар сиз қалб кўзингизга муҳаббат малҳамини суриб олсангиз, Кришнани ҳамиша кўриб юрасиз. Холис хизмат қилиш ва кун сайин қучайиб борадиган муҳаббат ёрдамида Кришнага эришишнинг йўли ана шундай. Бу муҳаббат факат холис хизмат қилиш жараёнидагина ривожланади, - бунинг бошқа йўли йўқ. Сиз Худога холис хизмат қилишга қанчалик интилсангиз, қалбингизда мудраб ётган Кришнага нисбатан бўлган муҳаббат туйғуси шунчалик кучаяверади. Ва Худога нисбатан бўлган муҳаббатингиз камолотга етганида сиз ҳар ерда, ҳамиша Уни кўриб юрасиз.